

132
F79

Ҳамид Ғулом

БИР МИЛЛИОН МОЖАРОСИ

Ҳикоялар
Ва
грама



32
F70


Ҳамид Ғулом

БИР МИЛЛИОН МОЖАРОСИ

ҲИКОЯЛАР
ВА ДРАМА

Тошкент
Ғафур Ғулом номидаги
Адабиёт ва санъат нашриёти

1986



Уз 2
F 79

ОНАЦИО

Ташкент. обл.
Объединенный ЦС

F 4702570200—216
352 [04]—86 14—86

© Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1986 й.

ҲИКОЯЛАР



МАНГУ ОЛОВ

Улар зенит тўпи ёнида уч киши қолдилар: зенит батареясининг командири сержант Саид Убайдуллаев, наводкачи Андрей Никифоров ва оддий аскар Мамед Шихлиев.

Бу воқеа урушнинг ўн еттинчи куни, Одесса областига қарашли, Молдавия чегарасидан унча узоқ бўлмаган Аккерман шаҳрининг ғарби-шимолий чеккасида, чакалакзор дўнгликда содир бўлди.

Батальон командири капитан Зинченко ўзига нисбатан беш-олти баробар кучли бўлган душманга қарши биринчи жангдаёқ қисмнинг деярли етмиш фойз жонли кучи ва техникасини йўқотиб, аниқ қуршов ҳавфини сезгач, ўрмон ичига чекинишга мажбур бўлди. У юзга яқин ҳорғин солдати ва икки юздан ортиқроқ огир ярадорни туннинг қоронғи пардаси остида шаҳар чеккасида ўрмон ичига чекинтирар экан, сержант Убайдуллаевнинг тепаликдаги зенит батареяси билан қарағайзор бўйлаб кетган йўл бўйига ўрнатилган иккита пулемёт ячейкасини батальоннинг чекинишини паналаб туриш учун қолдириб кетди.

Батальонни қарағайзорнинг зулмат қаърига чекиниши тун бўйи давом этди. Одатда, немислар кечаси жанг қилмайдилар. Улар фақат ракеталар отиб, тун бағрини ҳисобсиз тиглар билан тиладилар ва жангга шай эканликлари ҳақида бизникиларни огоҳлантириб турадилар. Аммо тонг ёришаётганда, билан зинадан таша-гала самолётлар ҳавони қўзғаб, ғарбдан шаҳарга

учиб ўта бошлайди, кейин фронт бўйлаб ўнлаб жабҳаларда тўплар гулдироти янграйди: бу чексиз садо, тинимсиз варанглашлар, портлашлар, хуллас, даҳшатли қиёмат-қойим асабларни қақшатади, мияларни пармалайди, ўлим хавфини шундоққина бошингиз тепасига қора булутдай осилтириб қўяди...

Зинченко батальонининг тирик, чала ўлик, оғир ва енгил ярадор қолдиқлари бир неча ўн пулемёт, минамёт, автомат ва милтиқлари, ўқ-дори, озиқ-овқат ортилган тўрттагина араваси билан бирга қарағайзор ичига кириб, кўздан ғойиб бўлганда июль тонги бўзара бошлаган, немис тўпларининг наърасидан еру кўк ларзада, гала-гала «мессер»лар Аккерман устидан учиб ўтиб, Одесса йўлидаги бошқа катта-кичик шаҳарларга бомба ёғдира бошлаган эди...

Капитан Зинченко сержант Убайдуллаев билан хайрлашиб кетаётганида зенит батареясининг сўнгги ўқи қолгунча душман самолётларини мўлжалга олиш, уларни иложи борича кўпроқ уриб тушириш ҳақида буйруқ берган. Бинобарин, кеча кечқурун, батальон чекиниши олдидан бу қисмга сўнгги марта келган почтальон қиз Зина Соколовага капитан Зинченко бу ерда қолаётган зенитчи ва пулемётчиларнинг хатларини албатта олиб кетишни, агар улар хат ёзмаган бўлсалар, ёзишларини кутиб туришни, хуллас, уларнинг мактубларини олмасдан қайтмасликни буюрди. Саид онасига ёзган хатида соғ-саломатлигини, фронтда жанг қилаётганини, икки қуролдош дўсти билан бирга кеча фашистларнинг учта самолётини уриб туширганини ва жонажон Ватан олдидаги фарзандлик бурчини сўнгги нафасига қадар адо этишга тайёр эканлигини маълум қилди.

Бошқа йигитлар — икки зенитчи ва тўрт пулемётчи ҳам фронт орқасида қолиш олдидан сўнгги хатларини шоша-пиша ёзиб, Соколовага топширдилар...

Чакалакзор дўнгликдаги икки тўнка ўртасига ўрнатилган зенит тўпининг ёнида турган уч йигитнинг кўзлари осмонда: «мессер»лар туман қоплаган қорамтир ўрмон тепасидан, ўнг томондан, анча баланддан учиб ўтмоқдалар. Уларни бу ердан туриб мўлжалга олиш қийин, мақсадга мувофиқ эмас: биринчидан, ўқ бекорга кетса, иккинчидан — зенитчилар ўз нуқталарини фош қиладилар.

Қарағайзорни ярим доира шаклида айланиб ўтган йўл ҳам жимжит: у ерда ҳозирча ҳаракат йўқ. Шу сабабдан пулемётчилар ҳам сукут сақламоқдалар.

Сержант Абдуллаев ўн етти кун давомида чегарадан то шу ергача, яъни Аккерман чеккасидаги айланма йўлгача жанглар билан чекиниб келган батальонни таъқиб этаётган, танклар, тўплар, пулемётлар билан қуролланган душман дивизияси яқин соатларда, тонг оқариши билан мазкур ягона ўрмон йўлидан ўта бошлашини билади. У яна шуни ҳам биладики, зенит батареяси билан пулемёт нуқталари кеча жангга кирмасданоқ ўз вазифаларини бажардилар: батальон қарағайзор ичига чекиниб улгурди. Демак, батальоннинг чекинишини паналаган зенитчилар билан пулемётчилар жойларидан қўзғалиб, ўрмонга кириб олишлари мумкин.

Бироқ, зенитчилар ҳам, пулемётчилар ҳам бундай қилмадилар, чунки улар батальон ҳали ҳеч қанча йўл босмаганини, юзлаб кишилар, айниқса ярадорларнинг ҳаёти хавф остида эканини, уларнинг бу таҳликали жанггоҳдан ақалли ўн-ўн беш километр узоқлашиб кетишлари, ўрмондаги партизан отрядига қўшилиб олишлари учун ҳали кечгача йўл босишлари зарурлигини яхши биладилар.

Йўл бўйидаги жангчиларимиз илиқ ёз кечасини бедор ўтказдилар. Тонгга яқин, мовий осмонда юлдузлар сўна бошлаган пайтда еру кўк ногаҳон қалдиради. Аввал битта, кейин иккита «мессер» йўлнинг шундоққина тепасида, тик қарағайлар устида варанглаб кўринди.

Сержант Убайдуллаев наводкачи Никифоровга буюрди:

— Мўлжал тўғрига — тўқсон — бир юз йигирма, ўт оч!

Зенит тўпи гумбурлаб, ўқ иккинчи қаторда келаётган «мессер»ларнинг ўнгдагисига, унинг нақ дум томонига тегди: «мессершмидт» ёниб, аланга ичида чакалақзордан сал нарироққа қулади-да, олов довулининг учқунлари атрофга кенг сочилди. Бироқ, самолётни уриб туширган зенитчилар ўзлари турган жойини душманга билдириб қўйдилар. Кўкдаги икки самолёт орқасига қайтиб, сержант Никифоровнинг зенит батареясини мўлжалга олди-да, йўлга бомба ёғдира бошлади. Орадан ўн дақиқа ўтар-ўтмас, душман тўплари тилга кирди: учувчилар бизнинг координатларимизни рация орқали ўз команда пунктларига хабар қилган бўлсалар керак...

Бу ҳам етмагандай, орадан ярим соат ўтар-ўтмас йўлда немис танклари кўринди. Булар унча тез юрмаётган бўлсалар ҳам занжирларининг ғижирлаши дарахтзорни ларзага келтирар, улар тор йўлда қарағай-

ларнинг илдизларини қўпориб, тик дарахтларни ағдариб, кейин ўзларига йўл очиш учун ям-яшил кўкарган қалин шох-шаббаларни янчиб эзгиларди...

Танклар устидаги пиёдалар ерга сакраб тушиб, автоматларини кўкракларига тираб сайратганча олға чопдилар, чопдилару... йўл бўйидаги икки пулемётимизнинг оғзидан тинимсиз сочилиб турган оловга дуч келиб, тубидан арраланган дарахтлардай гурс-гурс қулай бошладилар.

Сержант Убайдуллаев Мамед Шихлиев узатган снарядни зенит тўпига жойлади ва унинг оғзини немис колоннасининг олдидаги биринчи танкка тўғрилаб, наводчи Никифоровга буйруқ берди:

— Рўпарадан, биринчи танкка ўт оч!

Танк келаётган ерида тўхтади, занжирлари шарақлаб узилди, унинг ёнида чопиб келаётган фрицлардан бир нечтаси қулади...

Сержант Убайдуллаев Никифоровнинг қўлидан навбатдаги снарядни олаётганда аллақадан учиб келган тўп ўқи зенит тўпини ва унинг ёнидаги уч йигитни даҳшатли бир куч билан учуриб юборди...

Сержант Убайдуллаевни аллақандай тўлқин ҳавога кўтариб, уни ўн қадамча наридаги бир чуқурликка олди. У ҳушидан кетди-да, ҳеч нарсани кўрмай ва эшитмай қолди...

Капитан Зинченко батальонининг қолдиқларини ўз бағрига олган қарағайзор ичида, айланма йўлдан тахминан бир ярим километрча масофада Сосновка номли бор-йўғи ўн саккиз хонадонлик кичиккина қишлоқ бор. Унинг аҳолиси қадим-қадимлардан ўрмончилик билан шуғулланиб келган. Уруш бошланиб, яқинлашиб келаётган ёвнинг йиртқичликлари ҳақида миш-мишлар кўпайгач, қишлоқ Советининг раиси Богдан Иванович Петренко Аккерманга бориб, яширин ишларга кўчаётган район партия комитетидан хотин-қизлар, кексалар ва болаларни дарҳол мамлакат ичкарисига кўчириш, ўзи эса Сосновкадаги йигирма бир эркакка бош бўлиб, «Фашистларга ўлим» номли партизанлар бригадасига қўшилиш ҳақида буйруқ олди.

Богдан Иванович райкомнинг буйруғини ҳар жиҳатдан тўла бажарган бўлса ҳам, бир жиҳатдан бажаролмади: унинг хотини Раиса Петровна ва қизи Оксана Сосновкадан кетишдан бош тортдилар. Айни вақтда улар бу истакларини асослаб ҳам бердилар: ахир, пар-

тизан отрядида ошпаз, ҳамшира ва ҳоказо касб эгалари керак бўлади-ку!

Қаттиқ жангларда асосий кучи ва техникасини йўқотган капитан Зинченко ўз батальонининг қолдиқларини қарағайзорга киритиб олгач, унинг Сосновка орқали чекинишига партизанлар бригадасининг Петренко бошлиқ отряди ёрдам берди. Богдан Иванович батальонни бригада штабига бошлаб кетатуриб, Раиса Петровна билан Оксанага кеч кириб, отишмалар тўхташи билан ўрмон четида қолган зенитчилар ва пулемётчилардан хабар олиш ҳақида топшириқ бериб, хотини билан қизини партизанлар отрядига расмий равишда ёзиб қўйганини ўзи ҳам сезмай қолди...

Она билан қиз куи бўйи давом этган жанг шовқинларини: самолётлар гулдураси, бомбалар портлаши, тўплар наъраси, танк занжирларининг ғижирлаши, пулемётлар тириллаши, автоматлар «сайраши»ни қарағайзорнинг йўлга яқин бир жойида, қалин дарахтлар орқасига яширинганча эшитиб ўтирдилар. Йўлда бомбаларнинг бот-бот портлаб туриши, тинимсиз ҳаракат, немисларнинг бақирӣқ-чақирӣқлари уларга бизнинг жангчиларимиз эгаллаб турган ерларга яқинлашишга имкон бермади.

Тушдан кейин йўл ҳам, атроф-теварақ ҳам бирдан сув сепгандай жимжит бўлиб қолди. Бу ғайритабиий сукунатдан она билан қизнинг қалбларига ваҳима тулди: наҳотки, ҳаммаси тугади?

«Ҳаммаси тугади?..» — Бу саволдан Раиса Петровна ҳам, Оксана ҳам батальоннинг чекинишини паналаб турган етти жангчи: уч зенитчи ва тўрт пулемётчи ҳалок бўлган, деган маънони туюб, бир-бирларига суянганча, дарахтлар орасидан кўриниб турган йўлга маъюс тикилдилар...

Бир неча дақиқадан кейин йўлда яна шовқин-сурон кучайиб, кучли ҳаракат бошланди. Раиса Петровна билан Оксана қарағайлар орқасидаги бир чуқурликка ётиб олиб, ғарбдан шарққа узлуксиз ўтиб турган душман аскарлари ва техникасини кузата бошладилар. Бинобарин, Оксана танклар, тўплар, юк машиналарини санаб, эслаб қолди. У фашистларнинг сонини тахминан бўлса ҳам ҳисоблаб чиқди. У буларни албатта отасига хабар қилади, отаси эса партизанлар бригадасининг штабига дарҳол етказад...

Немис дивизиясининг ўрмон йўлидан ўтиши тўрт соатдан кўпроқ давом этди. Ниҳоят, йўлда ҳаракат тўхта-

ди, ғайритабиий жимлик чўкди. Она-бола чуқурликдан чиқдилар ва ҳар бир дарахтни пана қилиб, тўхтаб, нафасларини ростлаб, яна эҳтиёткорлик билан юриб, эрталаб жанг бўлган ерни мўлжаллаб илгариладилар.

Шу пайт ўрмон тепасидаги тиниқ осмонда, уларнинг нақ боши устида самолётлар варанглади — яна учта «мессер» ҳавони қалдиратиб учиб ўтди, она-бола бенх-тиёр ўзларини ерга отиб, у ер-бу ерида қўзиқоринлар оқариб кўринаётган ўтлоққа ётиб қолдилар.

Оксана қўлидаги соатга қаради: олти ярим. Лекин ёз чилласида ҳали-бери қоронғи тушмайди. Йўлдаги жангчиларимиз ёнига бир амаллаб етиб бориш зарур: балки, улар қонга беланиб ётгандирлар, уларга шошил-линч ёрдам керакдир...

Она-бола йигирма қадамча эмаклаб бориб, оғир танкларнинг занжирлари қўпориб ташлаган йўл бўйига чиқдилар. Чиқдилару, ҳар ер-ҳар ерда мажақланиб ётган икки пулемёт билан зенит тўпининг қолдиқларини кўрдилар. У ер-бу ерда жангчиларимизнинг мурдалари чўзилиб ётарди...

Оксананинг шиддат билан олдинга интилганини кўрган Раиса Петровна қизининг билагидан маҳкам ушлади:

— Тўхта Йўлни бир оз кузатайлик, балки фашистларнинг соқчилари бордир...

Она-бола ерга бағир берганча бир неча дақиқа жимиб қолдилар.

— Отанг айтди: улар етти киши.— Қизига уқтирди Раиса Петровна.— Ҳаммаси ҳалок бўлганга ўхшайди: тирик жондан асар йўқ...

— Балки, ораларида ярадор ҳам бордир... Эҳ, йигитлар!..— Оксананинг кўзларига ёш тўлди.— Биз уларни дарҳол пана ерга олиб ўтишимиз шарт!

Қиз шундай деди-да, пачақланган биринчи пулемёт томонга тез эмаклаб кетди. Она даммини ичига ютганча, қизининг чаққон ҳаракатларини кузатиб турди. Оксана ерга кўкрак бериб ётган биринчи йигитнинг қўлини ўз бўйнига солди ва белидан маҳкам ушлаганча судраб, дарахтзорга олиб кирди. Раиса Петровна дарҳол қизининг ёнига келиб, унга кўмаклашиб юборди: икковлари жангчини майсага ётқиздилар. Жангчи чап кўкраги, унги чаккаси ва яна бир неча еридан ўқ еган, юраги аллақачон тўхтаб, бадани совуб улгурган эди.

Оксана унинг гимнастёркаси чўнтагидан қизил гувоҳномасини, савсар ҳошиялик бўрки ва худди шунақа

Ўқалик калта пўстини ярашган қизнинг фотосини ва уйидан келган хатни олди. Гувоҳномада: «Оддий аскар Сакен Қирғизбоев, 1920 йилда туғилган» деган ёзувлар бор эди.

Бир ярим соатча вақт ичида она-бола яна уч пулемётчи ва икки зенитчининг мурдаларини ўрмон ичига олиб киришга улгурдилар. Пачақланган зенит тўпи ёнида охирги жангчи қолди. Йўлда бошланган ҳаракат аёлларнинг ишини тўхтатиб қўйди. Аввал кажавали икки мотоцикл, кейин узун қора енгил машина, бунинг орқасидан автоматчилар ўтирган юк машинаси, ниҳоят, яна битта мотоцикл ўтди. Охирги мотоцикл кажавасида иккита баҳайбат ит ҳам бор эди...

— Полицайлар,— деди Раиса Петровна қизига.— Аккерманнинг янги «хўжайинлари» ўтишди.

Оксананинг фикр-хаёли йўлнинг нариги томонида — пачақланганча ағдарилиб ётган зенит тўпининг ёнида боя ўзи кўрган сержантда. Қизга шундай туюлдимми ёки у чиндан ҳам эшитдимми: беҳуш ётган сержант ожизгина инграгандай бўлди...

Фашистлар колоннасининг йўлдан ўтиб бўлишини тоқатсизлик билан кутган Оксана охирги мотоцикл узоқлашиши билан дарҳол эмаклаб борди-да, йўлни кесиб ўтди ва ярадор сержантга яқинлашар экан, дафъатан унинг кўкка тикилган ўйчап кўзларини кўрди-ю:

— Тирик!..— деб қичқириб юборди.— Сержант!.. Бу мен, Оксанаман, партизанман... Қани, менга суянинг, ўрмонга кирамиз!..

Бироқ, сержант қизнинг сўзларини эшитмадими ёки эшитса ҳам англамадими, кўкка тикилганча қимирламай ётаберди. Шунда Оксана унинг қўл-оёқларини, бўйин-елкаларини ушлаб кўриб, аъзойи-бадани бутун эканига қаноат ҳосил қилди-да:

— Туринг! Кетдик! — деб уни шоширди.

Оксана зенит тўпининг яқинида портлаган авиабомбанинг кучли тўлқини сержантнинг асабларини буткул қақшатиб, уни кар ва соқов қилиб қўйганини, у ҳозирги ҳолатда ҳеч нарсани ҳис этмаслигини билмас, йигитнинг ўнг томонида ямоғи бўлган рангпар юзига, қалин лайваста қошлари остидаги нурсиз қуралай кўзларига ҳайрон тикилар эди..

Қиз кучли қўллари билан беҳуш йигитнинг қўлтигидан олди ва уни судраб, базўр эмаклаганча йўлни кесиб ўта бошлади...

Соат саккизга яқинлашиб, ўрмон ичи қоронғилаш-

ди. То Богдан Иванович етиб келгунча Раиса Петровна ҳалок бўлган олти жангчининг ҳужжатларидаги маълумотларни дафтарга кўчириб ёзиш билан машғул бўлди. Оксана сержантни ҳушига келтиришга ҳаракат қилди: оёқ-қўлларини уқалади, сув ичирди, гапга солди. Лекин сержант ҳамон ҳеч нарсага эътибор бермас, овсарлигича жимгина ётарди. Оксана унинг ҳужжатларини кўздан кечириб, исми Саид, фамилияси Убайдуллаев, туғилган шаҳри Тошкент эканлигини, ёши йигирмадалигини билиб олди. Сержантнинг ҳарбий билети ичидан сочига оқ оралаган хушрўйгина аёлнинг фотоси чиқди — онаси бўлса керак.

Қош қорая бошлаганда Петренко икки аравада олти партизан билан бирга етиб келди. У хотини билан қизининг ишидан мамнун бўлди. Сержантни похол тўшалган аравага ётқиздилар. Богдан Иванович хотини билан қизини ҳам шу аравага чиқариб, Сосновка қишлоғи чеккасидаги ўз уйига жўнатди-да, ўзи партизанлар билан бирга бу ерда қолиб, ҳалок бўлган жангчиларни дафн қилишга жиришди...

Сержант Убайдуллаев бир ҳафтадан кейин ўзига келди. Петренко бошлиқ отряд партизанлари бригададан олинган навбатдаги вазифани бажариш учун саҳармардонда Аккерман темир йўл станциясига кетишган, Богдан Иванович уйининг чордоғида сержант бир ўзи беҳуш ётарди.

Аккермандаги гитлерчилар комендатурасининг партизанларга қарши ташлаган жазо отряди Сосновкага кириб келиб, ҳамма уйларни бирма-бир тинтиб чиққандан кейин отряд командири Петренконинг хатасини ўраб олди.

Бир ҳафтадан буён бугун тонгда илк бор сал ўзига келган сержант Убайдуллаев уй ичига кирган, хоналарни остин-устун қилиб тинтиётган фрицларнинг гап-сўзлари-ю, тапир-тупур оёқ товушларини эшитиб ётди. У қўлларини ҳар томонга чўзиб, ёнида автомат билан бир шода граната борлигини сезгач, автоматни кўкраги устига олиб, граната шодасини ўнг биқинига яқинроқ суриб қўйди.

Орадан бир неча дақиқа ўтгач, чордоққа чиқиладиган тахта нарвонда тапир-тупур эшитилди. Кейин чордоқ эшикчаси очилиб, пулат каскада кенг юзли, елкадор немис кўринди.

Автоматнинг оғзини ўша томонга тўғрилаб улгурган

сержант Убайдуллаев тариллатиб ўқ узди: фриц дод солиб қулади.

Энди бир эмас, бир неча фашист чордоқ нарвонидан юқорига чиқа бошладилар. Сержант автоматдан тинимсиз ўқ узиб турди...

Гитлерчилар нарвонга яқинлашишга ортиқ журъат этмай, хона ичига тупланиб, маслаҳатлаша бошладилар. «Улар уйга ўт қўйсалар керак»...— шу фикр ўтди сержантнинг кўнглидан.

У ётган ерида граната шодасини ўнг қўлига олдида, чордоқ эшигидан пастга — фрицлар тупланиб турган хонага отди.

Кучли портлашдан ёғоч уй ларзага келди. Гитлерчиларнинг қий-чув, дод-войлари эшитилди. Улардан баъзилари шифтнинг бурчагидаги чордоқ эшиги томонга автоматлардан тартибсиз ўқ уза бошладилар. Аммо бирдан бошланган ёнғин уларни хонадан қочиб чиқишга мажбур қилди. Ўликлар, ярадорлар омонсиз олов ва аччиқ дуд ичида димиқиб қолиб кетдилар.

Сержант Убайдуллаев чордоқнинг очиқ деразасидан қарағайларнинг кўм-кўк шохларига, саратон қуёшнинг заррин шуълаларига чулгонган яшил табиат ва мусаффо осмонга сўнгги марта хумор тикилди-ю, ҳушидан кетди...

* * *

Янги Тошкентнинг марказида, В. И. Ленин майдонининг сердарахт соя-салқин хиёбонида Мангу олов тун-кун ёниб туради.

Ёши саксонларга яқинлашган бир нуроний онани шу хиёбонда, Мангу олов рўпарасидаги скамейкада хаёл суриб ўтирганини тез-тез кўриб тураман.

Унинг сийрак сочи буткул оқарган, юз-манглайини ҳисобсиз майда ажинлар қоплаган, томирлари туртиб чиққан қўл-бармоқлари қалтирайди. Уни доим одми қора кўйлақда, қора бахмал камзулда, оддий маҳси-жавушда кўраман. Фақат, бошига ташлаган дока рўмоли оппоқ — ўй-хаёлидай, фикр-орзуларидай оппоқ...

Мен уни — фашизмга қарши қаттол жангда ҳалок бўлган мард фарзандлардан бирининг онаси, навқирон ўғлонининг юрагини эслатувчи Мангу оловнинг тиниқ шуъласидан кекса кўнгли таскин топаётган бўлса керак, деб ўйлайман.

Агар биров менга: бу она — сержант Санд Убайдуллаевнинг онаси, деса албатта, ишонаман.

Сандлар ҳаётда олов эдилар, тарихда Мангу олов бўлиб қолдилар.

ЧУЛДАГИ ЮЛДУЗЛАР

Район комсомол комитетидан «Қизил юлдуз» совхозига телефон қилишиб, совхоз директори сўраган ёшлар область марказидан етиб келишганини ва ҳозир юк машинада совхоз томон йўлга чиқишаётганини хабар қилишди.

Директор Қўзивой Раззоқов тракторлар ремонт қилинаётган устахонага кетгани ва совхознинг икки қаватли янги биносида бухгалтер билан ҳисобчидан бошқа ҳеч ким бўлмагани учун телефон трубкасига Салима хола қулоқ солиб, район комсомол комитетидан берилган хабарни оғзаки қабул қилиб олди.

Совхоз янги. Унинг чўл этагида ташкил этилганига атиги уч йил бўлди. Ховос тепасидаги обод тоғ қишлоқларидан бири — Баётдан келиб, «Уч қаҳрамон» совхозда бўлим бошлиғи бўлиб ишлаётган Раззоқовни, шу янги совхозга директор қилиб тайинладилар. Бу ерда ҳозирча марказий посёлканинг тахминан уч юз киши яшашига мўлжалланган бир қисми, бўлим ва бригадаларда ўн иккита дала шийпони, бир нечта бостирмадан иборат сарой ва ниҳоят, икки қаватли идора биноси қурилган. Лоток — ариқлар шай: ёз бўйи сув бемаъл, аммо водопровод ҳали етиб келмаган, демак, куз қиш фаслида вертикаль дренаж деб аталган қудуқлардан сув тортилади.

Совхознинг кўпчилик ишчи ва хизматчилари каби, Салима хола ҳам Баёт қишлоғидан. Эри урушда ҳалок бўлгач, беш яшар ўғли ва икки ёшли қизи билан тул қолган ёш жувон турмушга чиқмай, жажжи болаларининг тарбияси билан машғул бўлди. Ўғли Ортиқ эндиликда ёши қирқ бешга борган, бола-чақалик, Совет Армиясининг подполковниги.

Раззоқов янги совхозга директор қилиб тайинлангач, Баётга келди ва қишлоқда уйма-уй юриб, қариндош-уруғлари, ёр-дўстлари ва таниш-билишларини чўлга бориб, янги ҳаёт қуришга, қаҳрамонлик кўрсатишга даъват эта бошлади. У бир неча кун давомида олиб борган оташини ташвиқот дурустгина натижа берди: кекса деҳқонлар, ёш механизаторлар, армиядан янги-гина бўшаб келган турли касб эгалари — қирқдан ортиқ азамат чўлга бориб ишлаганга розилик беринди. Бунга

яна шу нарса сабаб бўлдики, тоғ бағирлари асосан тошлоқ, серунум ер оз — бемалол деҳқончилик имконлари йилдан-йилга камайиб боради. Тагин бир сабаб — Қўзивойнинг шахсий фазилати. Юқоридаги таърифлаганимиз подполковник Ортиқжоннинг тенгдоши ва дўсти бўлган бу йигит «Ховос» совхозида бригадир бўлиб ишлаган йиллари дондан муттасил юқори ҳосил олиб келган, чорвачиликни ривожлантиришда ҳам иш кўрсатган, лекин ўзи камгап, камтар, хушмуомала бир киши.

Бундан ўн йилча аввал Қўзивойнинг бошига оғир мусибат тушди. Унинг севимли хотини — Салима хола-нинг қизи Санобархон биринчи боласини туғишда қийналиб, нобуд бўлди. Врачлар чақалоқни сақлаб қолишга улгурдилар. Болани Қўзивойнинг онаси боқиб оёққа турғизди — Умиджон эндиликда учинчи синфга қатнаёпти.

Қўзивой иккинчи марта уйланмади. Унинг хулқ-атвори, феъл-одобини яхши билган бир неча ота-она ўз қизларини бермоқчи бўлишди, ҳатто қайнонаси Салима хола ёлғиз эзилиб юрган куёвига раҳми келиб, унинг уйланишига розилик берибгина қолмай, ҳатто қистай бошлади ҳам. Аммо Қўзивой бу насиҳату қистовларга парво қилмай, жонсиз ҳайкалдай қотиб тураверди.

Янги совхозда ишлашни ихтиёр этган қирққа яқин киши кўч-кўлонини кўтариб йўлга чиқишаётганда уларга Салима хола ҳам қўшилди. Мана уч йилдирки, булар чўлда, совхознинг марказий посёлкасидаги янги уйларда яшайдилар. Булардан ташқари яна элликка яқин оила бор — асосан шаҳарлардан келган турли касб эгалари. Албатта, ўн минг гектар янги ерда жойлашган пахтакор хўжалик учун икки юз кишига етар-етмас коллектив жуда оз. Бунинг устига, Баёт қишлоғидан келганлар экин-тикинни йиғиштирибоқ тоғ бағридаги иссиққина уй-жойларига жўнаб қоладилар.

Мана, ҳозир ҳам... Бор-йўғи 30 ноябрь... Охирги тележкаларда пахта жўнатилиб, план бажарилганига икки ҳафта бўлди. Далаларда шудгор айни авжида. Агар директор билан Салима холани ҳисобга олинмаса, баётликлардан бир киши ҳам йўқ — ҳамма тугунини тугиб, юкини ортиб, аллақачон кетиб бўлди...

Ўз қизининг хотирасини шунча йиллардан буён қалбининг тубида сақлаб келаётган куёвига Салима хола-нинг оналик муҳаббати чексиз. Бу муштипар кампир

олижаноб куёвининг кетида соядай эрганиб юради: уйда унга меҳрибон она, идорада садоқатли дастёр.

Ҳозир ҳам Салима хола телефондаги янгиликни эшитди-ю, ичида офтоб чарақлаб ёнгандай чеҳраси яшнади: хайрият, янги инчилар, ёшлар келишяпти, энди Қўзивойнинг иши анча енгиллашади.

Салима хола бу хушxabарни директорга етказиш учун дарҳол идорадан чиқди ва кечадан бери тинмай ёгаётган, ерни тиззага етар даражада қоплаган қорни кирза этиги билан базўр кечиб, сарой томонга инчиди.

Сарой, атрофи бетон деворлар билан ўралган ярим гектардан мулроқ майдон бўлиб, асфальт йўлнинг нариги бетига жойлашган. Қўранинг уч томонида — томига шифер қопланган бостирмалар тагида тракторлар, юк машиналари, тележкалар, «зангори кема»лар қатор тизилган бўлиб, йиғирмага яқин механиклар, слесарлар, шоферлар ремонт ишлари билан машғул. Раззоқов инженер Иван Петрович Денисов билан шу ерда. Улар ремонтдан чиққан техникани бир-бир кўздан кечирадилар, механикларга маслаҳатлар берадилар.

Раззоқов қўранинг ланг очик дарвозасидан ҳовлиқиб кираётган Салима холани кўргач, бостирма тагидан чиқиб, қайнонаси томон юриб кела бошлади:

— Ҳа, тинчликми, ойи?

— Хушxabар, айланай Қўзивой, хушxabар!.. — Салима хола ҳансираганча сайрай кетди. — Комсомолдан телефон қилишди ёшлар келяпти деб...

— Хайрият... — Раззоқов эркин тин олди. — Неча киши экан улар? Оилалари ҳам бормикан? Нечта квартира керак бўларкан?

— Эсим қурсин, сўрамабман... — Салима хола хижолат чекиб, ерга қаради. — Баланд уйдан жой ҳозирласакмикан?

Салима хола «баланд уй» деганда марказий посёлкадаги тўрт қаватли тураржойни назарда тутди. Бу уйдаги квартираларда асосан бўйдоқлар туришади, водопровод етиб келмагани сабабли кўпинча сувни қудуддан ташиб келишади, уйни иситиш ҳам амримаҳол: омонат тушука ва чўян печкаларга кўмир ёқилади, хуллас, ёнги хавфи ҳам йўқ эмас.

— Биринчи қаватдаги бўш хоналардан икки-учини сузуриб-сидиринг, — деди Раззоқов поиложликдан манглайи тиришиб, — Омборчига айтинг, ўн-ўн беш каравот

билан тушак ҳам киритиб қўйсин. Печка билан кўмир-
ни ҳам тайёрласин.

— Маъқул, айланай Қўзивой, ҳозир бораман, айт-
ганларингизни тайёрлаймиз.— Салима хола куёвига
шафқатомуз тикилди.— Азонда наҳор чиқиб кетибсиз,
болам, тушликка етиб боринг, ош дамлаб қўяман.

— Раҳмат, ойи, Иван Петрович билан бирга бора-
миз,— Қўзивой қайнонасига мамнун тикилди.— Ёшлар-
ни ҳам бирга кутиб оламиз!

Салима хола қалин қорни қийналиб кечганча идора
биноси томонга интилди.

Ремонтчилар ишини кузатиб турган Раззоқов билан
Денисов бугунги ишининг боришидан мамнун бўлдилар
шекилли, бостирма тагидан чиқиб, идора томон бора-
ётганларида Иван Петрович Қўзивойдан сўради:

— Қомсомолларни қайси бригадага юборамиз?

— Тўртинчи бўлимдаги ўн биринчи бригада ҳали
тузилмаган.— Раззоқов ўйчан бир қиёфада гапирди.—
Бултур текисланган юз гектар ер шудгор қилинмай қа-
ровсиз ётибди. У ер этагида ўттиз гектарча қум бар-
ханлари ҳам бор, ўзлаштирилса жуда боғбон. Лоток-
лар етиб борган, шийпон ҳам қурилган.

Денисов чарм пустини ёқаларини кўтариб, шамол
аралаш гуниллаб ёғаётган қор тагида борар экан, совуқ-
дан ёшланган кўзлари кулимсираб:

— Ер тўядиган бўлди,— деб қўлди.

Булар идора биносига яқинлашганларида ҳозиргина
келиб тўхтаган юк машинадан қор устига тап-тап сак-
раб тушаётган йигитларни кўрдилар. Пахталик теле-
грейка ва шим, кирза этиклар кийган, бошларига қу-
ён теридаги бир хил қулоқчинлар бостирган олти йигит
ва қора духобадан пальто кийиб, бошига каттагина
тивит рўмол ўраган хушрўйгина қиз уст-бошларидаги
қорни қоқиб, совуқдан қотган оёқларининг чигилини
ёзиш учун ер тепкилаб турардилар. Салима хола би-
лан завхоз Толибжон ака ҳам шу ерда бўлиб, чап оёғи
ёғочдан ясалган, қўлига йўғонгина ҳасса ушлаган хў-
жалик мудри:

— Жой тайёр, юринглар,— деб ёшларга гап уқти-
рарди.— Керакли нарсаларни омбордан олиб бераман,
ўзингиз ташиб келтирасизлар.

Раззоқов юк машинасининг кабинасидан аста тушиб
келган ва йўлдошларига қўшилиб, Толибжон аканинг
сўзларига эътибор билан қулоқ солиб турган барвас-
тагина қизни кўрди-ю, юраги орқасига тортиб кетди:

одам ҳам одамга шу қадар ўхшайдими! Қадди-басти, лўппигина қорача юзи, понукдай ипгичка қошлари-ю, тиниқ, қуралай кўзлари марҳума Санобарнинг худди ўзинаси!

Буни Салима хола ҳам сезди шекилли, нечундир ранги оқариб, маҳлиё бўлганча қизга тикилиб қолди.

— Мен совхоз директори Қўзивой Раззоқов бўламан,— деди Раззоқов ўзини таништириб, кейин ёнидаги Денисовга ишора қилди: — Бош инженеримиз ва айна вақтда партия ташкилотининг секретари Иван Петрович Денисов.

Ҳаммалари қўл беришиб кўриша бошладилар.

— Мен Матлуба Маҳмудова бўламан, Тошкент Қишлоқ хўжалик институтини тамомладим, пахтачилик бўйича агрономман.— Қиз солдатлардай қатор саф тортиб турган йигитларни бир-бир таништирди.— Бу киши Умматали Норматов, бирга ўқиганмиз, касблари инженер-механик. Иккимиз КПСС аъзосимиз. Бу беш йигит билан райкомда танишдик. Булар — армия хизматини ўтаб қайтган солдатлар: Азим Норов — бинокор-сапёр, Алим Каримов — шофёр, Умид Диёров — механик, Саъди Умиров — механик, Ренат Неъматуллин — монтёр. Ҳаммалари — комсомол аъзолари.

— Ўҳў, қойил!— Иван Петрович кафтини кафтига ишқаб, қувониб гапирди.— Янги ерда ҳужум бошлашга тайёр бригада!

— Аввал идорага кирайлик! — Раззоқов нечундир Матлубадан кўзини олиб қочиб, Салима холага қаради.— Овқатни ҳам шу ерга олиб келинг, биргаликда тамадди қиламиз.

Ёшлар идора йўлагига киргач, шу ердаги умивальник жўмрагини бураб, аввал Матлубанинг қўлини ювдирдилар ва унга миҳдаги оппоқ сочиқни тутиб, кейин ўзлари қўл юва бошладилар.

Раззоқов меҳмонларни иккинчи қаватдаги кенггина кабинетига бошлаб кирди. Денисов деворга осиглиқ каттагина харита-схема олдида бориб, совхоз эгаллаган майдон, унга жойлашган тўртта бўлим, ниҳоят тўртинчи бўлимнинг ҳозирча ўн биринчи бригада ерлари ҳақида сўзлай бошлади. Иван Петрович «Голодноострой» ер тузувчилари билан механизаторлари бултур текислаб кетган юз гектар ерни ва унинг этагида — тоғ бағридаги ўттиз гектар қумлоқ-тошлоқ майдонини кўрсатгач, ёшлардан сўради:

— Кучингиз етармикан шу ерларни ўзлаштиришга? Олти йигитнинг ҳаммаси дарҳол Матлубага қарадилар.

— Биз райком комсомолда маслаҳатлашиб олганмиз,— деди Умматали Норматов ҳамон нигоҳини хари-та-схемадан узмай турган қизга ишора қилиб.— Шу етти киши — битта бригада, Матлуба Маҳмудовна — бригадиримиз.

— Люба нима деса — биз шунга розимиз,— Ренат Умматалининг фикрини қувватлади.

Ҳамманинг кўзи ўзига тикилиб турганини сезган Матлуба Раззоқовга жиддий боқиб:

— Ўртоқ директор, ўн марта эшитгандан бир марта кўрган яхши,— деди ва таклиф киритди: — ўн биринчи бригада ерларини ҳаммамиз бирга бориб кўрайлик!

— Маъқул! — Раззоқов рози бўлди ва эшикда дасгурхон кўтарганча кўринган Салима холага: — Олиб кираверинг, ойи, — деди, — қоринлар ҳам пиёз пусти бўлиб кетди!

Ёшлар қувноқ кулишиб, узун стол атрофига жойлашдилар.

Салима хола ҳам столнинг этакроғига ўтириб, қўл учида ош еб, кемшик тишлари билан шошмасдангина чайнар экан, кўз қирини Матлубадан олмас, унинг афт-ангори, шакл-шамойили марҳума қизига жуда-жуда ўхшаб кетишидан эсини йўқотиб қўяр даражага бориб етган эди.

Ош ейилиб бўлгач, Умматали сопол лаганни олдида суриб, унга яримта нонни бурдалаб ташлади-да, бор ёғни сидириб:

— Қани, олинглар! — деди йигитларга,— ёғ ялаганга совуқ ўтмайди.

Ёшлар нон бурдаларини талашиб едилар. Ошдан кейин бир пиёладан чой ичилгач, Матлуба Салима холага илтифот қилди:

— Ошингиз ширин бўпти, холажон! — Кейин Раззоқовга қаради.— Қиш куни қисқа, ўртоқ директор. Даламизни ёруғда кўриб олайлик!

— Аввал уйлارينгизга жойлашингиз! — Раззоқов ўрнидан туриб, Салима холага юзланди.— Ойи, жойлар тайёрми?

— Жой жойида турди.— Матлуба ўз сўзила туриб олди: — Аввал

— Маҳмудова, туген атайди.— Зива Петровна Мат-

лубанинг фикрини қувватлади.— Аввал далага борайлик!

Ҳаммалари идорадан чиқинди. Боядан бери анча кучайган қор бўралаб уряпти. Ёшлар келган юк машинани, унинг тепасидаги қоп-қоп юкларни қалингина қор қоплади. Директорнинг «ГАЗ» енгил машинаси ҳам шу ерда — мотори гуриллаб ишлаб турибди.

— Йигитлар, машинага! — Матлубанинг овози жанглади. Кейин у Раззоқовга қаради: — Райком комсомол бу машинани бизга то жойлашиб олгунимизча берган.— У кабинага эпчил чиқиб олди ва шофёрга буюрди: — «Газик»нинг кетидан ҳайданг!

Шу ярим соат ичида Матлубанинг феълига анча тушуниб олган, уни ўта қайсар қиз деб баҳолаган Раззоқов Иван Петрович билан Толибжон акани ўз машинасига таклиф қилаётганда Салима хола ҳам эргашди:

— Мен ҳам борай, айланайлар!

— Шофёрнинг ёнига ўтиринг, ойи!— Раззоқов Салима холани суяб машинага чиқарди.

Машиналар идора олдидаги майдонда қалин қорни гижирлатиб айланиб олгач, катта йўл бўйлаб ғарбишимолга, совхознинг бултур очилган янги ерлари томонга юриб кетдилар.

Матлуба юк машина кабинасида, қаршисидаги оппоқ далага, қор бўрон орасидан онда-сонда кўриниб қолувчи яккам-дуккам дарахтларнинг яланғоч шохларига, йўл бўйида тизилган сувсиз лоток-ариқларга қарар, бу ерларнинг яйдоқ чўл эканига ишонч ҳосил қилар, гоҳо чорраҳаларда, гоҳо эса йўл ёқаларида қўққайиб турган шийпонларни кўриб, уларнинг шипшийдан ва бўм-бўшлигидан ҳайратланарди: йил бўйи деҳқончилик қилган, шу ерлар ва шу шийпонларнинг эгаси бўлган одамлар қани? Ерни шудгорлаш, ғанимат қорни ўраб тўхтатиб намни сақлаш, яхоб бериб шўр ювиш зарур бўлган долзарб кунларда чўлқуварлар қаёққа кетиб қолишди?

Ярим соатдан мўлроқ йўл босилгандан кейин машиналар бирин-кетин тўхтади. Юк машина тепасидаги йигитлар қалин қорга тап-тап сакраб тушидилар. Матлуба кабинадан чиқар экан, Салима холага дуч келди.

— Совуқ қотмадингизми, қизим?— Хола меҳрибонлик билан сўради.— Қаранг-а, нақ Чўли маллик...

— Раҳмат, хола — Матлуба йўл бўйида тўпланишиб

турган совхоз раҳбарлари томонга юрар экан: — Ҳамма ер — бир ер, — деб мулойимгина жилмайди.

Ҳамма бир ерга тўпланиб бўлгач, Раззоқов йўл чеккасида, лоток-ариқ орқасида тиккайиб турган узунгина иморатга ишора қилди:

— Ун биринчи бригадага қурилган дала шийпони: икки томонида катта ва кичик икки хона, ўртаси очиқ. Том шифердан — бутун. Ҳов анави тол тагида бетон қудуқ.

— Толиш ким эккан? — Умматали қизиқиб сўради.

— Чўлбобо! — Раззоқов фахрланиб гапирди: — Тўқсонга кирган оқсоқолимиз бор, борбонимиз... Шу чўлда туғилган. Қаерда эскидан қолган дарахт кўрсангиз, Чўлбобо эккан деяверинг! — Раззоқов қулочини кеңг ёзиб, шийпоннинг икки томонидаги далаларни Матлубага кўрсатди: — Мана шу ерлар сизники: текисланган-у шудгор қилинмаган. Ҳов... этакдаги дўнгликлар — ҳали схемага кирмаган ўттиз гектар ер: хоҳланг, бор қилинг, хоҳланг, «қора» экин экинг — обод қилсангиз бас!

Матлуба ўйга толган шерикларини бир-бир кўздан кечирди ва мамнун қиёфада сўради:

— Қалай, йигитлар? Ана ер, ана жой, ана сув, ана электр линияси! Умматали, юкларни машинадан тушириб, катта хонага жойлашинглар! Ренат! Сиз чироқларни ўрнатинг! Азимжон! Эшик-ромларни, ойналарни текширинг, нима керак бўлса хўжалик мудирига айтинг! Ҳа, айтгандай, — Матлуба Толибжон акага қаради: — бизнинг машинани олакетинг, ўрин-кўрпа, иккита чўян печка, ўтин-кўмир, қозон-товоқларни ва беш-ўн кунлик озиқ-овқатни ортиб юборасиз!

Матлубанинг қисқа ва лўнда сўзларини эшитган, дарҳол ишга киришиб кетган йигитларнинг хатти-ҳаракатларини кўрган Раззоқов таажжубланиб қиздан сўради:

— Чиндан ҳам шийпонда қишламоқчимисизлар?

— Бизнинг уйимиз дала. — Матлуба Денисовдан илтимос қилди: — Бизга иккита ҳайдов трактори, бульдозер, скрепер ва битта экскаватор керак. Албатта, етарли миқдорда ёқилғи билан мой ҳам. Тўрт йигитимиз биринчи класс ҳайдовчиси. Сиз билан бирга боришади. Шудгор билан бир вақтда зовурларни ҳам қазиб оламиз.

— Техникани берамиз. — Иван Петрович Матлуба-

нинг ишбилармонлигидан мамнун бўлиб, сўради.— Яна нима керак?

— Ер юмшоқ. Айни иш унадиган лайт.— Матлуба ер этакига ўйчан тикилди.— Дўнглари ҳам текислаб, кучат экиб оласан бўлади. Биз бригада аъзолари билан бир оз ерини ўрганиб, карталар схемасини тузиб чиқайлик-чи!

Юклар машинадан туширилиб, шийпоннинг катта ва кичик хоналарига олиб кирилди. Ренат эшик ва ромларни текшириб чиққач, зарур тахта-ёғоч, ойна ва бошқалар рўйхатини тузди. Йигитлар яна юк машинага чиқдилар. Совхоз раҳбарлари бригадир қизга муваффақият тилаб, у билан иссиқ хайрлашдилар. Матлубанинг чўлда бир ўзи қолаётганини кўрган Салима хола куёвидан илтимос қилди:

— Мен ҳам қолай, айланай болам, Матлубахонга кўмаклашаман.

— Машинага чиқинг, ойи! — Раззоқов унинг қолишига рухсат бермади ва кампир ранжимасин, деб қўшиб қўйди: — Сизга бошқа жанговар топшириқ бор.

Раззоқов «жанговар топшириқ» деганда кўпдан буён ўз бошини қотириб келган нозик бир масалани кўзда тутган эди: мана, олний маълумотли агроном, ёш коммунист Маҳмудова ўз бригадаси билан чўлга келди, дала шийпонига жойлашди, чироқ ёқди!.. Хўш, бу чироқ совхоз даласидаги ягона чироқ бўладими? Ахир, бошқа шийпонларда ҳеч ким йўқ, чироқлар аллақачон ўчган, чор-атроф ҳайҳотдай зим-зиё дала... Фақат тўрт-беш киши, ўн-ўн беш тракторчи, механик ремонтчилар қишлаб қолишгану, бироқ булар ҳам марказий посёлкада яшайдилар.

Идорага етиб келишгач, Раззоқов тўрт йигитни Денисов ихтиёрига топшириб, керакли техникани ажратиб беришни ва ремонтдан чиққан машина-механизмлар ўз жойида синаб кўрилгач, дарҳол далага жўнатишни илтимос қилди. Кейин у Ренатни Толибжон акага қўшиб, шийпонни ремонт қилиш, жиҳозлаш учун зарур ҳамма нарсани ва бир ойлик озиқ-овқатин омбордан олиб беришни буюрди.

Ниҳоят, Салима хола билан икковлари қолдилар.

— Ҳозир қишлоққа жўнаймиз,— деди у қайнопасига синчков тикилиб.— Машинага чиқинг!

Салима хола машинага чиқатуриб, қувониб сўради:

— Умиджонни кўриб келамизми?

— Ҳа...— Раззоқов машина калитини шофер қўли-

дан олди.— Сиз устахонага бориб, механикларга қараш-
воринг!

Раззоқов кабинага чиқиб, машина моторини юргизар экан, ёнида утирган Салима холага қараб, кулиб деди:

— Умиджонни ҳам олиб келамиз, қишлаш учун қишлоққа кетиб қолган совхоз ишчиларини ҳам! Одамнинг уйи битта бўлиши керак, ойи!

«Шаҳарлик қизнинг таъсири бу...— Ич-ичида ўйлади Салима хола.— Қўзивой уни кўз остига олиб қўйди, чамамда...»

* * *

Раззоқов билан Салима хола Баёт қишлоғида уч кун қолиб кетишди. «Қизил юлдуз» совхозининг ишчиларини бир ерга тўплаш осон бўлмади: биров Шаҳристонга, яна биров Уратепага, бошқалар Тошкент ёки Самарқандга кетишган — бозор-учардан ташқари тўй-тўйлашиб юришибди.

Раззоқов бу вақт ичида онаси билан ўғлини йўлга ҳозирлади, кўч-кўронини тахт қилиб қўйди ва ҳамманинг қишлоққа қайтиб келишини кутди. Учинчи кун кечқурун етмиш кишининг ҳаммаси жам бўлгач, Раззоқов уларни «Ховос» совхозининг клубига таклиф қилиб, қисқача суҳбат ўтказди. Аввало, у янги ердаги аҳвол ҳақида сўзлаб, кейин ҳаммани дарҳол «Қизил юлдуз»га қайтишга, ўша ерда қолишга, умуман, битта уй, битта маконни танлаб, бола-чақалари билан кўчиб боришга чақирди. Бинобарин, савол-жавобга ўрин йўқ. Эрталабгача ўйлаб кўришсин. Азонда Баёт қишлоғи марказида машиналар кутади. Гап тамом, вассалом.

Раззоқов «Ховос» совхозидан иккита автобус ва учта юк машина сўраб олиб, эрталаб Баёт қишлоғининг марказида ўғли, онаси ва қайнонаси Салима хола билан бирга кутиб турди. «Қизил юлдуз» ишчилари ота-она, хотин-болалари, юк-пуклари билан келабошладилар. Кўчиш осон иш эмас, албатта. Тушгача кутишга тўғри келди. Хуллас, етмиш ишчидан олтмиш саккизи кўчи билан, иккиси ишдан бўшатиш тўғрисидаги аризаси билан келди...

Раззоқовнинг «Газиги», икки автобус, уч юк машина ва совхоз ишчиларидан ўн бир кишининг енгил машинасидан иборат карвон «Қизил юлдуз» совхозининг

марказий йўлидан қош қорайганда кириб келаётиб ўн биринчи бригада шийпони ёнидан ўтабозлади.

Раззоқов Баётга борганда чўлдаги янги бригада ҳақида ҳамқишлоқларига ҳеч нима демаганин учун карвондагилар чироқлари ёниб турган шийпони кўриб, кенг карта ўртасида сру кўкни ларзага келтириб, ваيرانгаб ишлаётган тракторлар садосини эшитиб, уша томонга тикилганча ҳангу манг бўлиб қолдилар.

Карвон олдида бораётган Раззоқов «Газик»ни тўхтатгач, бошқа машиналар ҳам бирин-кетин тўхтадилар. Буни кўрган шийпон олдидаги икки киши — юк машиналардан қор устига кўчат тушираётган Матлуба билан Чўлбобо ишдан бош кўтариб, карвон тўхтаган катта йўл томонга аста юриб келабозладилар.

— Ҳорманглар! — Раззоқов Матлуба билан қўл бериб кўришди. Кейин Чўлбобони бағрига босиб, елкаларини силади:— Офарин, бобо, яна юз йил яшанг!

— Қизалоқ боғ қиламан дейди,— Чўлбобо тантиқланиб гапирди. — Меванинг фақат сархилини экаман дейди. Мана ўз боғимдан кўчатларни хиллаб опкелдим.

— Чироқлар...— Раззоқов аввал шийпон чироқларига, кейин ер ўртасида ишлаётган тракторларнинг чироқларига тикилди.— Кечагина йўқ эди бу чироқлар... Ана энди чўлнинг бошидан этагигача ҳамма-ҳамма ерда чақнайди ҳаёт чироқлари!

— Матлуба қизим — чўлдаги юлдуз! — Чўлбобо директорнинг фикрини қувватлади.— Ҳар бир одам — бир юлдуз!.. Мана, Қўзивой, элни бошлаб келибсиз, чўл юлдузларга тўлди, абадул-абад яшнайди!

— Балли, отахон! — Раззоқов колоннага команда берди: — Қани, юрдик!

Колонна шовқини чўл бағрида янграб, шудгордаги тракторлар гулдуросига қўшилиб кетди.

Раззоқов «Газик»ни ҳайдаб борар экан, совхоз истиқболини ўйлар, аввало тоғдаги булоқлардан тортиб келинаётган водопроводни марказий посёлкага тезроқ етказиб келишни, канализация қуришни, «зангори олов» келтиришни ва яқинда лойиҳаси тасдиқланган ишчилар клубини тиклашни орзу қилар ва рўпарадаги қор бўронини оралаб унинг кўзларига печундир кулиб турган Матлуба кўришарди...

ТАНТИЛИК

Домла Муродов орталаб соат олтида уйғонади. Бу унга ёшлигидан, армиядан қолган олат. Уруш бошла-

нишидан икки йил аввал ёш хирург Малик Муродов хизматга чақирилди-ю, шу-шу ўз тақдирини ҳарбийлар, уларнинг машаққатли ва шавкатли ҳаёти билан боғлади.

Уруш тугагач, медицина хизмати полковниги, Совет Иттифоқи Қаҳрамони Малик Муродович Муродовни Берлиндаги совет госпиталида ишга қолдирдилар. У рафиқаси тиббий ҳамшира Раиса Петровна Муродова билан бирга госпиталда икки йил хизмат қилгач, учинчи йил буларни хизматдан бўшатиб, Тошкентга юбориш ҳақида буйруқ олинди.

Булар икки ёшга тўлган Ҳасан-Ҳусанни кўтариб Тошкентга келганларидан буён ўттиз беш йил ўтди. Бу ерда Петр, Фотима, ва Зухра туғилдилар. Беш бола ҳам всяга етиб, олий маълумот олиб, оила қуриб, турли шаҳарларга парвоз этдилар.

Полковник Муродовни эндиликда домла Муродов дейдилар. У «Тез ёрдам» хирургия клиникасининг профессори. Худди бетинч фронт госпиталларидаги каби, бу тинч оромгоҳларда ҳам унинг иши, ташвиши битта: ҳалокатли жар ёқасига бориб қолган одамларни фалокатдан халос этиш, сўниб тугаётган умид чироқларини ёқиш, уларга яна ҳаёт бахш этиш!..

Улкан шаҳар марказидаги сокин хиёбон ўртасига қурилган баланд иморатнинг бешинчи қаватида, уч хоналик шинамгина квартирада чол-кампир ёлғиз яшайдилар, аммо қулоқлари телефонда: Ҳасан Москвадан, Ҳусан Кобулдан, Петр БАМдан, Фотима Ленинграддан, Зухра Дамашқдан чақириб қолармикан!..

Тошкентга янги кўчиб келганларида ёш болалари бўлишига қарамай, меҳрибон Малик Муродович севимли рафиқаси Раиса Петровнанинг ўқишига шароит яратиб берди. Рая Тошкент Медицина институтини битиргач, аспирантурада олиб қолинди, уч йилдан сўнг кандидатлик диссертациясини ёқлади, доцент унвонига сазовор бўлди. Албатта, Улуғ Ватан урушининг оғир йўлларида, омонат чодирлар ичидаги дала госпиталларида моҳир хирург Муродовнинг қўл остида Раиса Петровнанинг орттирган тажрибаси клиникадаги ўқиши ва ишида асқотди. Эндиликда доцент Муродова шаҳардаги энг катта туғуруқхоналардан бирида ишлайди, минг-минг ёш оналар уни танишади, ҳурмат қилишади.

Домла Муродов ишдан тун соат иккига яқин қайтиб келган бўлишига қарамай, барибир соат олтида

уйгонган. Чан оёғида яна бошланган оғриқдан кўнгли беҳузурланиб, ижамаси устидан туниги ташлади-да, ётоқхонадан чиқди. У ваънахона томонга юрар экан, ўнгда — ошхонада чироқ ёниб турганини ва стол ёнида нима биландир машгул бўлиб ўтирган Раиса Петровна-ни эшикнинг гулдор ойинасидан кўрди.

Ҳар тонг совуқ душ остида ҳордигини ёзадиган домла Муродов зирқираб оғриётган оёғини эҳтиёт қилиб, илтиқ сувга ювинди ва артиниб бўлгач, аналгиндан икки дона ютди ва оппоқ оқарган сийрак сочини тараб, вужудидаги оғриқ аламини хотинидан яшириш учун бўлса керак, Машрабнинг ўзи яхши кўрган ғазалларидан бирини хиргойи қилганча ошхонага, маликаси ҳузурига кириб борди:

Ёрнинг кўйида ўлғон бормикан?
Бир ўлуб, икки тирилғон бормикан?
Ёрнинг васлини излаб чарх уруб,
Термулиб йўлларда қолғон бормикан?

Эрининг ҳар бир сўзи, ҳаракати, ҳатто имосидан аҳволи, кайфиятини яхши биладиган қирқ йиллик қадрдони Раиса Петровна туя юнгидан тўқиб ўтирган пайпоғини стол устига қўйди ва ўрнидан туриб, меҳрибонига қучоғини очди:

— Яна бошландими?

Домла Муродов хотинини қучоқлаб, эркалаб, чарчоқликдан ёшланган тиниқ мовий кўзларидан ўпаркан:

— Ҳа, яна янгидан бошланди сизга муҳаббатим, навқирон ишқим! — деб гапни чалғитмоқчи бўлди.

Домла Муродов курсига ўтиргач, Раиса Петровна унинг олдида ликопларда нон, қиём, илитилган тухум ва стаканда қайноқ кофе қўйди ва эрининг рўпарасига ўтириб, шафқатли кўзлари билан маънос бoқди:

— Тунда операция узоқ чўзилдими?

— Ҳа,— домла Муродов чой қошиқ билан кофеининг кўпигини аралаштирар экан: — ҳаммаси ёшларнинг бебошлигидан,— деб афсуснамо бир қиёфада ҳикоя қила бошлади.— Операция қилинган йиғит шаҳардаги катта гастронoмлардан бирининг бўлим мудирин экан. Ёши йиғирма еттида. Уйланган, хотини — уй бекаси, иккита боласи бор. Улфатлари ҳам ўзига ўхшаш бадавлат ёшлар. Ҳаммасининг тағида янги машиналар... Хуллас, улар кеча шаҳар чеккасида бир боққа йиғилишади, улҳ

фатчилик қилишади, ичкиликни ҳам кўп ичишади ва ярим кечада маст ҳолда машиналарга минишиб, шаҳарга қайтаётганларида асфальт йўлда «ким ўзарга» қувди-қувди ўйнайдилар. Натижада битта «Волга» ва тўртта «Жигули» бир-бирига урилиб пачоқланади, бир йигит ҳалок бўлади ва беш йигит билан олти қиз оғир жароҳатланган ҳолда «Тез ёрдам» клиникасига олиб келинади... Ана, хоним, биз кекса хирургларни ярим кечада уринларидан турғизиб, ишга олиб кетганларининг сабаби шу.

— Ҳуш, кейин нима бўлди? — деб сўради Раиса Петровна бир бурда оқ нонга ёғ суриб домлага узатар экан.

— Мен операция қилган бояги йигитнинг аҳволи айниқса, оғир эди,— домла Муродов кофедан ҳўплаб, ҳикоясини давом эттирди: — Икки қўли билан икки оёғининг суяклари буткул майдаланган, чап биқини билан қорни қаттиқ эзилган, бош суяги пешонасидан ёрилган... Қон шу қадар кўп кетганки, агар «Тез ёрдам» врачлари машина ичида қон қуйиб келишмаганда йигит дунёдан ўтган бўларди...

— Тўқликка шўхлик...— Раиса Петровна нафратланиб сўзлади.— Улуғ социалистик шаҳар. Юз минглаб фидойи заҳматкаш одамлар. Шаҳримиз кўрки, фаҳри — ишчилар, бинокорлар, олимлар, гўзал камтарона ёшларимиз — бир томон ва бир тўда, ҳа, домлажон, бир тўдагина «замонавий бойваччалар»: тагларида оқ машина, чўнтаклари тўла пул, турмушлари кайфу сафо... Оқибати: сохта ғурур, бетинчлик, тартиб бузиш, авария, ҳалокат!

— Ҳа, жоним, тунда биз операция столига ётқизган йигит ҳам ана шунақа «замонавий бойваччалар»дан... Лекин, сиз, муҳтарама шифокор, бундай ҳолатларни яхши тушунасиз. Бемор ким бўлишидан қатъи назар, биз учун бемордир. Мен ҳам операция столида ётган мажруҳни кўрдиму, ҳамкасбларимдан яна икки кишини юрак бўйича пири-комил профессор Данилов билан ортопедиядан мумтоз профессор Комиловни чақиришни илтимос қилдим. То улар етиб келгунча биз операцияни бошладик. Мен мажруҳнинг ичини очиб, эзилган ичакларини тўғриладим, йўғон ичакнинг ёрилган қисмини тикдим, ёрилган ўт пуфакчаси билан эзилган кўричакни қирқиб ташлашга тўғри келди. Соғлом ёш юрак бир меъёردа уриб турди. Шу пайт етиб келган профессор

Данилов ҳам буни кўриб, қапоат ҳосил қилди ва ассистентига буюрди:

— Тикаверинг!— Кейин у менинг елкамдан суяб: — Қаттиқ чарчабсиз, дўстим! — деди-да, операция хонасига кириб келаётган профессор Комилов билан кўришди: — Сизга иш кўп, суяксоз! Биз профессор Муродовнинг кабинетида бўламиз, зарурат туғилса чақирарсиз.

Зарурат туғилмади. Ўз ишининг заргари бўлган профессор Комилов аввал йигитнинг бош суягини тўғрилаб гипслаганини, кейин ҳар бир қўл ва ҳар бир оёқ суякларини бирма-бир тўғрилаб, жой-жойига қўйиб боғлаганини, бу иш давомида мажруҳга қон қуйилиб турганини, ниҳоят беморнинг аъзолари дориланиб, гипсланиб, докага ўралгач, уни алоҳида палатага олиб кириб ётқизганларини профессор уч соатлик машаққатли меҳнатдан кейин, менинг кабинетимга бемажол аҳволда мункайиб кирганида, бир пиёла қайноқ ширин чойдан кейин сал ўзига келгач, сўзлаб берди.

— Биринчи учрашган кунимизни эслайсизми? — Раиса Петровна чала пайпоқни қўлига олиб, яна тўқий бошлар экан, эридан сўради.

— Ҳа, Сталинградда...— хотинининг нега бундай савол берганини тушунмаган домла Муродов «Хўш?» дегандай унга таажжубланиб тикилди.

— Тўғри, айтдингиз: Сталинградда. 1942 йилнинг кузида, аниқроғи 27 октябрь соат 9 да, Трактор заводи яқинидаги ертўлада. Сиз ярадорларни операция қилаётганингизда фашистлар заводни оғир тўплардан ўққа тутиб турганлар. Шу ўқлардан бир нечтаси сиз ишлаб турган блиндажга тушиб портлаган. Санитар билан ҳамшира оғир яраланиб ҳалок бўлганлар. Полк командири мени олдинги линиядан чақиртириб олиб, сизнинг ихтиёрингизга юборган. Ўша куни сиз — медицина хизмати капитани, қора қош, қора кўз сержаҳл хирург ўн бир жангчини операция қилган эдингиз.

— Эсладим, эсладим...— Домла Муродов қарнисидаги қалин кумушранг сочи ялтираб, ажини қоплаган ошпоқ юзи кулимсираб турган гўзал аёлга — қирқ йиллик вафоли рафиқасига мамнуи тикилди. — Аммо, жоним, ўша кундан кейин доим бирга бўлдик!

— Ҳа...— Раиса Петровна нининг бир нафас тўхтаиб: — бахтанман! — деб жидмайдан — Сиздан умрбод миннатдорман, Малик Муродович! Хўш, эди айтнинг-чи,

умрингизда нечта операция қилганингизни биласизми?

— Ҳисобламаганман... Ахир, бу менинг врачлик бурчим, кундалик ишим-ку!

— Ҳа, жоним, сиз ҳисобламагансиз, аммо мен ҳисоблаганман! — Раиса Петровна фахрланиб сўзлади.— Иккаламиз кўришгунча қанча операция қилганингизни билмайман, лекин Сталинграддаги ўша таҳликали кундан бугунги тунги операциянгизгача ҳисобласак, ун бир минг етти юз йигирма бир марта операция қилдингиз, шунча одамнинг ҳаётини сақлаб қолдингиз!

— Йўғ-эй, жуда бунчалик эмасдир...— Домла Муродов оғриб турган оёғини беихтиёр силар экан, ҳайратланиб сўради,— буларни санаб чиқишга қачон улгурдингиз?

— Улгуриш ҳам гапми? Ҳар бир операцияни «Кундалигим»га ёзиб борганман. Истасангиз, бир кун бераман, кўриб чиқасиз.

— Ҳозир беринг! — Домла Муродов ўта қизиқиб, урнидан турди.— Бугун якшанба, бўшмиз, «Кундалик»ларингизни ўқиймиз.

— Афсуски, бугун ҳам бандсиз,— Раиса Петровна шундай деди-да, домлани кабинетга бошлади.— Профессор Даниловнинг клиникасидан кеча кечқурун оғир аҳволдаги бир беморнинг «Қасаллик тарихи» билан рентген суратларини олиб келишди.

— Данилов тунда менга ҳеч нарса дегани йўқ-ку?— Домла Муродов ҳайрон бўлиб сўради.

— Эсида бўлмагандир...— Раиса Петровна папкани эрига бературиб: — кеча телефон тинмади,— деб зорланди.— Аллақандай кишилар сизни йўқлаб, ўша бемор ҳақида сўрашади. Назаримда, жуда машҳур одам бўлса керак...

Раиса Петровна шундай деди-да, қўнғироғи жиринглаётган эшикни очиш учун кабинетдан чиқиб кетди.

У қўлидаги соатга қаради: етти ярим. Ким бўлди экан якшанба куни эрталаб йўқлаб келган? Ҳойнаҳой, почтальондир. Узоқдаги болаларидан биронтаси телеграмма юборган бўлса ажаб эмас.

Раиса Петровна эшикни очиб, ёруғ йўлакда каттагина қоғоз қути кўтариб турган йигитни кўрди. Икки юзи қип-қизил, чиройли кўзлари чақнаб турган бу йигитнинг устида сувсар ёқалик янги почапўстин, бошида шинам тикилган сувсар телпак, оёғида мўйна сирилган янги этик; жулганда оғзи тўла тилла тиши порлаб,

шакл-шамойили олтин суви юргизилган будда ҳайка-
лига ўхшаб кетарди.

— Домла Муродовнинг квартираларими?— кулиб
сўради ялтироқ йигит.

— Ҳа... Хизмат? — Раиса Петровна уни қасрдадир
кўргандай бўлиб, синчков тикилди.

— Домла дўстим Ҳазратбекни кечаси операция қи-
либ, ҳаётини сақлаб қолдилар... Домлага арзимаган
совга: қора икра, арман коньяги, қизил балиқ, кофе,
ҳинд чойи, товуқ, гўшт...

Йигит шундай деди-ю, уй бекасини таниб қолди ше-
килли, юзидаги кулги ўчиб, ранги қумдай оқарди.

— Лаш-лушингизни кўтариб, дарҳол кўзимдан йўқо-
линг! — Раиса Петровна шундай деди-да, эшикни та-
рақлатиб ёпди.

У киравериш хонадаги креслога бемажол ўтириб,
кеча бўлган кўнгилсиз воқеани эслади: кечқурун туғу-
руқхонадан қайтатуриб, гастрономга кирди. Гўшт бор
экан. У ҳам навбатга турди. Одам кўп эмас — фақат
50—60 киши. Раиса Петровна навбати бирор соатда
етиб қолишига ишонч ҳосил қилиб, кутишга қарор бер-
ди. Лекин навбат ҳадеганда силжийбермади. Бунинг ус-
тига, орадан икки соатча ўтгач, у сотувчига анча яқин-
лашиб қолган бир пайтда зўр фильмда Фарҳод ролини
ўйнашга арзийдиган гузал бир йигит, яъни ҳозиргина
катта кутида ноёб совғалар кўтариб келган азамат со-
тувчи ёнида пайдо бўлиб, гўшт тамом бўлганини
эълон қилди.

Тарвузи қўлтиғидан тушган Раиса Петровна гаст-
рономдан бир аҳволда чиқиб келаётганда сулувгина
бир жувон унинг қўлтиғидан олди:

— Хафа бўлманг, опажон, мен ҳам бугун гўштсиз
қолдим,— деди у.— Аммо, мен сиздан жуда хурсанд-
ман. Бундан икки ой аввал Ҳасан-Ҳусанимни туққаним-
да анча қийналганман. Сиз тонг отгунча палатада, кой-
кам ёнида ўтириб чиққансиз. Раҳмат, опажоним, ўлгу-
нимча унутмайман. Иннайкейин, опажон, мен сизнинг
кимлигингизни энагалардан суриштириб, билиб олдим.
Урунда қатнашганларга ҳамма нарса навбатсиз бери-
лади. Магазин директорининг олдига киришг, ҳаққин-
гиз бор!

Жувон шундай деди-да, Раиса Петровнанинг юзи-
дан ўчиб, қори тонгалиб яхмадек бўлган бўлакдан ги-
зиллаганча юриб кетди.

Раиса Петровна уйдан гўшт йўқлигини, домланинг

индан қайтишига кечки овқат тайёрлаш зарурлигини кўз олдига келтириб, магазинга қайтиб киришга, директорга ҳужжатини кўрсатиб, ақалли бирор кило гушт сўраб олишга қарор берди.

Аксига директор йўқ экан. Котиба қиз директор ўринбосари борлигини, лекин банд бўлганлиги учун йўлакда кутиб туриш зарурлигини айтди.

Раиса Петровна йўлакда ярим соатча кутди. Шу вақт ичида гастроном ходимларидан бир неча киши гоҳ зинадан, гоҳ лифтда ертўлага тушиб, яшик, коробка, қоп, халта, пакетларда турли анвойи озиқ-овқатларни орқа эшикдан ташиб, енгил машиналарнинг юкхоналарига жойлаб, «азиз харидорлар»ни олий эҳтиром ва камёб тавозе билан кузатиб турдилар.

Директор ўринбосари кабинетидан эса бир аёл билан бир эркакнинг ширин суҳбати, ҳиринг-ҳиринг кулгиси баралла эшитилиб турарди.

Ниҳоят, Раиса Петровнанинг сабр қосаси тўлиб, эшикни тарақлатиб очиб кирди ва дераза олдида туриб ўпишаётган эркак билан аёлни кўрди-ю, хонага қандай тез кирган бўлса шундай тез отилиб чиқди.

Раиса Петровна гастрономда кўрган «ошиқни беқарор» директор ўринбосари ҳозиргина катта қоғоз қутида унинг квартирасига совға-салом кўтариб келган оғзи тўла тилла тишли «замолавий бойвачча» эди...

У креслода ўтирганча ўйларди: демак, икки хил савдо бор: бири — аҳолига, меҳнаткашларга, иккинчиси — таниш-билиш, ёр-дўст, қариндош-уруғ ва ҳоказоларга...

— Раиса! Рая!..— Кабинетдан домла Муродовнинг ёқимли товуши эшитилди.— Ҳой, маликам! Бу ёққа келинг, ажойиб ҳикоя айтиб бераман, шундай ҳикояжи, етти ухлаб тушингизга кирмаган воқеа...

Раиса Петровна креслодан базўр туриб, меҳрибон эри ишлаб ўтирган кабинет эшигидан аста кириб борди.

Чап оёғининг тиззасига электр грелка қўйиб ўтирган домла Муродов қўлидаги рентген суратини дераза ойнасидан тушиб турган ёруққа тутиб, Раиса Петровнадан сўради:

— Қаранг-а, муҳтарама доцент, мана бу ошқозонга нима дейсиз?

— Аянчли манзара,— деди Раиса Петровна аксарий қисми яра билан қопланиб, буткул яллиғланган (бал-

ки, ишига тўлган) ошқозон суратини диққат билан кузатар экан. — Оғир савдо...

— Топднингид! — деб юборди профессор нечундир миёнида истеҳзол жидмайиб. — Охири босқичдаги ошқозон яраси, агар ёмон сифатли «ўсма касали» бўлмаса... Ҳар қалай, ишни ниёт қилиш, умидни узмаслик керак. Энди «савдо» масаласига келсак, бу ошқозон эгаси шаҳримизда савдонинг пирларидан...

— Танийсизми? — Ранса Петровна таажжубланиб сўради.

— Таниганда қандоғ! Бу йигит мени роса лақиллатган!..

Домла Муродов аллақандай ички изтироб билан шундай деди-да, рафиқасини рўпарадаги креслога таклиф қилиб, ўтган ҳафта бошидан кечирган сарсонгарчилигини ҳикоя қилди:

— Урушда минадан тилка-пора бўлган мана шу мажруҳ оёғим совуқда зирқираб оғрийбергандан кейин иссиқроқ, юмшоқроқ этик олиш учун универмага кирдим. Пойабзал бўлимида ҳар хил оёқ кийимлари бор экану, аммо ҳаммаси қўпол, оғир, чарми қаттиқ, тикилиши беўхшов... Хушбичимгина, хушмуомалагина сотувчи билан суҳбатлашиб турганимда баланд бўйли, шалпангқулоқ бир одам (бўлим мудри бўлса керак) узун йўлакдан ичкарига кириб кетди-да, мана шу йигитни, фотосига қаранг-а, куёвлардай пўрим кийинган, ранги заҳилроқ бўлса ҳам анча ёқтимтой шу йигитни бошлаб чиқди. Йигит:

— Ассалому алайкум, Малик Муродович, хуш кўрдик! — деб билагимдан маҳкам ушлаганча ичкарига олиб кириб кетди.

Кейин билсам, бу йигит магазин директори Шамсиддин Камолов экан.

Узунгина ёруғ кабинет одамга тўла. У мени стулга таклиф қилди-ю, буткул унутди. Гоҳ кабинетдагиларга ноёб моллар; почапўстин, чарм пальто, аёлларнинг антиқа туфлиларини кўрсатади, гоҳ кетма-кет жириглаб турган телефон турбкасини олиб, «акажон... опажон... Хўп бўлади, келинг», деб муомала қилади. Мен эса, жаннатга тушиб қолган одамдай, гоҳ қизгин савдо-сотиқни кузатаман, гоҳ телефондаги ширин суҳбатга қулоқ соламан...

Хуллас, орадан бир соатча ўтгач, кабинет хуфий харидорлардан бўшани билан Камолов секретарини чақириб:

— Ҳеч ким кирмасин. Мен бандман! — деб буюрди ва у чиқиб кетгач:

— Домла, эшитаман,— деб менга мурожаат қилди.

— Менинг сизда ишим йўқ.— Мен таажжубланиб жавоб бердим.— Мени бу ерга сиз ўзингиз бошлаб олиб кирдингиз.

— Ҳа... ҳа...— Камоловнинг манглайи тиришди.— Бир нарса керакмиди?

— Юмшоқ, иссиқ этик қараётган эдим...

— Оббо, домла-ей! Шуни дарров айтақолмайсизми! — Камолов муғамбирона тиржайди:— Сиздан угина биздан бугина... Сиз айтган этик бугун кечроқ келади, эртага эрталаб очамиз, сиз эртага тушлик пайтида келасиз-оласиз. Лекин сизга ҳам биттагина илтимос: анчадан бери ошқозоним қаттиқ оғрийди, дори-дармон кор қилмай қўйди: ёрдам беринг!

У шундай деди-да, қоринни чангаллаб, столга бағир берганча ингради, азбаройи оғриқнинг зўрлигидан пешонаси тер билан қопланди.

— Дарҳол касалхонага ётинг,— деб маслаҳат бердим мен унга.— Яхшилаб текширтириш керак.

Мен эртаси кун яна магазинга кирдим. Директорнинг кабинети билан қабулхонасида савдо худди кечагидай баравж. Аллақандай фасон йигитчалар, чиройли жувонлар антиқа молларни харид қилиб, яшнаб, чахчах отиб чиқиб кетмоқдалар. Камоловнинг ҳам оғриғи босилган бўлса керак, овози жаранглаб эшитилиб туради: «Акажон... опажон... Келинг, кутаман!..»

Мен қабулхонада бир соатдан ортиқроқ ўтирдим. Клиникада ишим қолиб кетяпти, тоқатсизланаман... Ниҳоят, басавлат бир одамни кузатиб чиққан Камолов мени кўриб қолди-да, аввал танимагандай ағрайиб қаради, кейин таниди шекилли, совуқ бир оҳангда:

— Хизмат? — деб сўради.

— Кеча...— довдираб қолдим.— Ваъда қилган эдингиз... Этик...

— Ҳа...— Директорнинг манглайи тиришди.— Бўлмади... Базадан беришмади...— Шундай деди-да, қора дерматин қопланган эшикни тарақлатиб ёпганча кабинетига кириб кетди. Хуллас, у мени лақиллатди. Бу-ку, майли-я!.. Анча қимматли вақтимни ўғирлади у жибилажибон!..

— Хафа бўлманг, жоним! — Раиса Петровна эрининг майиб оёғини аста силаб, мулоийм товуши билан ба-

фуржа тушунтирди.— Батзи молларнинг вақтинча камчилигидан фойдаланаётган пошок кишилар ўз вазифаларини сунистеъмоъ қилиб, шахсий бойлик орттириш кўчасига кирганлар. Партиямиз, давлатимиз интизомни мустаҳкамлаш учун кураш олиб бормоқда. Халқ қадриини, инсон шайинини беқосли қилаётган ҳаромтомоқларга яқин вақт ичида «сичқоннинг ини минг таंगा» бўлиши турган ган.

Домла Муродовнинг ёзув столи устидаги телефон жиринглади. Раиса Петровна трубкини олиб қулоқ солди:

— Эшитаман, Сергей Иванович, саломатмисиз? Ҳа, шу ердалар, ҳозир бераман. — У трубкини кафти билан яширди-да: «Профессор Данилов сўраяптилар», деб эрига узатди.

— Касаллик тарихи билан танишиб чиқдим,— деди домла Муродов ҳамкасби билан саломлашиб бўлгач,— бемор касалини ўтказиб юборган, ҳа, охириги босқич... Гистология нима дейди: шиш борми? Аниқ эмасми? Чоршанба кун операция? Сергей Иванович, аввал гистология анализи ўтказилиши шарт, ахир, рентгенда метастазлар кўриняпти. Мабодо, ёмон сифатли «ўсма» бўлса, операцияга ҳожат қолмайди, дарҳол химиятерапия бошлаш зарур... Яхши, албатта гистология анализи ўтказишсин. Ҳа, рак чиқмаса, операция қилиш мумкин, А, лаббай? Қим? Менми? Йўқ, йўқ! Операцияни сиз қиласиз, мен ёнингизда ёрдамлашаман. Йўқ, дедим, йўқ! Хайр, дўстим, чоршанба эрталаб клиникангизга етиб бераман.

Домла Муродов трубкини аппарат устига аста қўйгач, юмшоқ креслога суялди-да, хотинига миннатдор тикилди:

— Қўлларингиз сеҳрли, Раечка, оёғимнинг оғриғи тақатақ қолди. Ўзингиз ҳам беқиёс гўзалсиз!..

Раиса Петровна эрининг бағрига бошини қўйиб эркаланди.

— Пайпоқни бугун тўқиб тугатаман,— деди у ўрнидан турар экан.— Туя юнги юмшоқ, иссиқ, оёғингиз оғримайди.— Кейин эрига жиддий тикилиб сўради:— Сизни лақиллатган савдогарни операция қиласизми?

— Ҳа, жоним, операция қиламан! — Домла Муродов қатъий жавоб берди.— Сиз билан биз шифокормиз, Раиса Петровна! Мана, ярим асрдан буён одамларга ҳаёт бағишлаб келимиз. Бу бизнинг бурчимиз, эътиқодимиз. Бу муқаддас туйғуга турмуш иқир-чикирлари, майда гаразлар аралашмаслиги керак. Ўткинчи кина-

кудуратлар гадоининг тешик чўнтагидан тушиб қоладиган сийқа чақалардан бошқа нарса эмас. Ҳаёт учун, олий мақсадлар учун курашиб келдик, бундан буси ҳам курашамиз. Энди Шамсиддин Қамоловга келсак... Шамс — қуёш демакдир. Унинг отаси Камол, яъни етук инсон яхши ният билан ўғлига шундай улур исм қўйган бўлса керак. Биз уни операция қиламиз, даволаймиз, оёққа қўямиз. У яна магазинига боради. Лекин, ўз фойдасини кўзлайдимиз ёки халқ фойдасига савдо қиладимиз, — бу унинг виждонига ҳавола.

Домла Муродов шундай деди-да, бемор Қамоловнинг «Қасаллик тарихи»ни яна бир бошдан ўқингга киришди...

ЯНГИ ДИРЕКТОР

100-қурилиш трестининг секретарь-машинисткаси Лаълихон Қаримова эртага ишга барвақт боришга ва янги директорни қоидали кутиб олиб, биринчи кундан оқ унинг эътиборини қозонишга аҳд қилди.

Лаълихон «қоидали кутиб олиш» деган иборани ўзинча тушунади. Аввало, пардоз жойида бўлиши, қаддибастига ёпишиб турган замонавий либоси дафъатан кўзга ташланиши, қабулхона ҳам орасталаниб, биллур гулдондаги тўрттагина атиргул ғунчаси товланиб туриши керак.

Лаълихон қўлидаги илон кўзидай жажжи олтин соатига қаради: чоракам ун бир... Хона бурчагидаги рангли телевизорда «Қидирувни билимдонлар олиб бордилар» номли кўп серияли олди-қочди фильмнинг навбатдагиси кўрсатиляпти. Нечундир, Лаълихоннинг бадани увушиб, кўзи тинди. У телевизорни беихтиёр ўчириб, трюмо устидаги қутичадан битта уйқу дори олиб, тилининг устига қўйди-да, жимжимадор қадаҳдаги пепси-коладан ҳўплади.

Кейин у ўзини тошойнага солиб, кўзгудаги гўзалга синчков тикилди. Бинафшаранг гулдор халатда оппоқ юзли, қуралай кўзли, қошлари текис терилган, киприклари қуюқ, бўйдоргина жувон маъюс бир қиёфада кўринди.

Ҳа, маъюс... Нечун шод бўлсин? Унинг қадрдони — эски директор энди йўқ. Бугун трест коллективининг умумий йиғилишида министрлик Контроль-тафтиш бошқармаси комиссиясининг акти ўқиб эшиттирилди. Акта айтилишича, трестда меҳнат интизоми муттасил бу-

зилиб келган, техникадан унумсиз фойдаланилган, қурилиш материаллари талон-торож қилинган, натижада иш издан чиққан, планлар бажарилмаган.

Министрнинг шу акт асосида трест бошлиғи Тўлқин Турсуновни ишдан бўшатishi ва унинг ўрнига Собир Комиловни тайинлаш тўғрисидаги буйруғи ўқиб эшиттирилгач, йиғилишнинг олиб борган министр ўринбосари Кабиров янги директорни коллективга таништирди.

Орқароқ қаторда, нечундир гоҳ оқариб, гоҳ қизариб ўтирган Лаълихон янги директорга зимдан тикилди: ёши қирқ иккида, кўзлари чақпоқ, қошлари қуюқ, тўсдай тимқора сочи текис таралган, елкадор, барваста йиғит... Шаҳарда донг таратган 159-трестда ўн йил проаб бўлиб ишлаган, ўтган йили бош инженерлик вазифасига кўтарилган экан. Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан мукофотланган. Лекин Кабиров Турсуновнинг оилавий аҳволи ҳақида чурқ этиб оғиз очмади...

Лаълихон бутун елкасини қоплаган қалин сочини йиғиштириб, бошига чамбарак қилиб тугди, севимли француз атридан қулоқлари, бўйни ва сийнасига суртиб, каравот бошидаги тунги чироқни ёқди-да, шифтдаги қандилни ўчирди... Кейин оппоқ ўринга кириб, узун оёқларини юмшоқ тўшаги бўйлаб секингина чўзди. Уйқу дори ҳадеганда таъсир қилабермагач, у кеча ўқий бошлаган китобини — Мопассаннинг «Азизим» романини олиб, тўхтаган еридан ўқий бошлади. Лекин шахло кўзлар китоб саҳифасида-ю, хаёл бошқа ёқларда...

«Тўлқин ака ҳозир қаерда экан?» — ўзига ўзи савол берди Лаълихон.

У йиғилиш тугагач, министр ўринбосари ва янги директор билан бирга кабинетига кириб кетди. Лаълихон қабулхонада қош қорайгунча ўтирди. Лекин улар котибани чақирмадилар. «Бир-бирларига иш топшираётган бўлишса керак», — ўйлади Лаълихон ва Турсунов билан кечроқ учрашишдан умидвор бўлиб, уйига кетди.

Унинг бундай умидвор бўлишга асоси бор. Мана, беш йилдирки, улар доним бирга. Айниқса, Турсунов иши юришмаган ёки раҳбарлардан даккига учраган, танқид эшитган кунлари албатта, Лаълихоннинг квартирасига келади, ўзи яхши кўрган армани коньягидан ичиб, музика эшитиб, ёзилиб кетади. Ҳа, бу квартирани котибасига Турсунов олиб берган, бу хонадаги жиҳозлар ҳам — унинг совғаси, ҳатто Лаълихоннинг қўлидаги жажжи олтин соатчаси ҳам...

Лаълихон Турсуновнинг бугун, бошига оғир кун

тушганда албатта келишига заррача шубҳа қилмади, дастурхон ҳозирлаб кутди. Бинобарин, у Турсуновга бу оқшом қанчалик керак бўлмасин, Турсунов ҳам унга ниҳоятда зарур: Лаълихон энди нима қилиши керак? Трестда, янги директор қабулхонасида ишлайберсинми ёки Турсунов уни ўзи билан бошқа ишга олиб кетадими?

Турсунов келмади. Мана, тун, соат ўн бир. Турсунов ақалли телефон ҳам қилмади. У аллақачон уйига, хотини, бола-чақасининг олдига кетган. Демак, ҳаммаси тамом. Лаълихон мададсиз, ёлғиз қолди. Унинг олдига фақат битта йўл бор: эрталаб трестга барвақт етиб боради, янги директорни қоидали кутиб олади.

Лаълихон будильникни соат еттига тўғрилаб буради ва чироқни ўчириб, кўрпа ичига бурканди.

Эндигина ўттиз икки ёшга кирган бу сулув жувои уйқу дорининг чала таъсири остида ўз ҳаётини: савдо ходими Азимжонга турмушга чиққач, чала қолиб кетган ўқишини, Азимжон чайқовчиликда қўлга тушиб қамалиб кетгандан кейин Тўлқин ака билан танишиб, унинг трестига ишга киргани ва Азимжоннинг ота-онаси келинининг эгри оёқ олишини сезиб уйдан қувгач, Тўлқин ака олиб берган квартирага кўчганлиги, уч-тўрт йиллик кайф-сафо ва ниҳоят, кутилмаганда бугун бошининг тақ этиб деворга урилганини алғов-далғов эслаб, алламаҳалгача ўрнида тўлганиб ётди. Қачон ухлаб кетди, будильник жиринглади, йўқми — яхши эслай олмайди, аммо чўчиб уйғониб, чироқни ёқди-да, соатга қаради: чоракам саккиз.

Трестда соат саккизда иш бошланади. Янги директор ҳам албатта етиб келади. Балки, секретарь-машинисткани йўқлайди. Лаълихон сакраб ўридан турди ва кечаси чироғи ўчмай қолиб кетган ваннахонага кирди. Илқ душ қабул қилиб, сочини тараб боғлади, ҳарир оқ батис ички кийимлари устидан тор жинси шими, оқ коф-тасини кийди, йилтироқ қора сумкасини елкасига осди, қорамтир шишадаги пепси-коладан биллур қадаҳни тўлдириб симирди-да, баланд пошнали амиркон туфлисини оёқчаларига илиб, автомат қулфлик эшикни тақиллатиб ёпганча йўлакка чиқди: тўққиз қаватли иморатнинг еттинчи қаватида туришига қарамай, лифтни кутмасдан, бетон зиналардан пастга интилди.

У катта кўчага чиққанда кенг майдон этагида, мадапийат ва истироҳат боғининг дарвозаси ёнидаги мино-мада улкан соат бир марта жаранглаб занг урди. Лаъ-

лихон ўша томонга қараб, соат миллининг 8.15 да турганини кўрди. Меҳрибон Тўлқин аканинг сўзлари эсига тушди: «Шаҳар транспортда қийналманг, жоним, таксида юринг!»

Лаълихон йўлкадан кўчага ўтиб, бирин-кетин елиб бораётган енгил машиналарга қўл кўтара бошлади. Шулардан бири тўхтади, Лаълихон шоферининг ёнига ўтириб, трест адресини айтди ва машина юриб кетгач, сумкасида ойнак олиб, пардозига киришди: юзига уна сурди, лабини бўяди, қошлари ва чекка сочларини таради: ҳуснидан кўнгли тўлди шекилли, мийиғида кулиб қўйди.

У трест ҳовлисига кириб келганда ҳар кунги иш, одатдаги югур-югур авжида эканлигини кўрди: прораблар, бригадирлар янги олган иш нарядлари билан қатор турган машиналар олдига келишади, кабиналарга чиқиб ўтиришади, шоферлар моторларни юргизишади, вағир-вуғур, шовқин-сурон, бақир-чақирлар...

Лаълихон ҳовлини кесиб ўтиб, икки қаватли идора биносининг ланг очиқ эшигидан кирди ва зинадан юқорига кўтарилиб, йўлакда беихтиёр тўхтаб қолди: ҳар кун эрталаб кутувчиларга тўлиб кетадиган йўлак ҳам, бошлиқнинг қабулхонаси ҳам бўм-бўш, умуман ҳаммаёқ сув сепгандай жимжит. У нечундир оёқ учида юриб аста қабулхонага, яъни ўзи ишлайдиган кабинетга кирди ва қора дерматин қопланган баланд эшик тагига бориб, ичкарига қулоқ солди: янги директор аллақим билан гўнғир-гўнғир гаплашяпти.

Девордаги соат бирин-кетин тўққиз марта занг урди. Лаълихон турган ерида ҳайкалдай қимирламай эшитди. Бу зангларнинг ҳар бири унинг қалбини тешиб ўтгандай бўлди. Демак, биринчи кун ишга бир соат кечикди. Ҳозир қора эшик очилади, янги директор чиқиб келади, уришмайди, сўкмайди, фақат бир варақ оқ қоғоз тутайди-да, ишдан бўшаш ҳақида ариза ёзишни талаб қилади.

«Наҳотки? — Лаълихон сал ўзини босиб олиб, сумкасини ёзув столи устига қўяркан, ўз-ўзига савол берди:— Гўзаллик, пазокат, поз олдида бош эгмаган эркак борми? Йўқ!»

Лаълихон машинага устидан филофни олиб, чапгини пуфлаб учирди ва юмшоқ креслога ўтириб, хаёлига келган гапларни бир варақ қоғозга чиқиллатиб тушира бошлади:

Шу пайт қора эшик тарақлаб очилиб, кадрлар бўлимининг бошлиғи Маликжон бир даста папкани қўлтиқлаганча ҳовлиқиб чиқди. У эшикни ёпишга ёпди-ю, унга беихтиёр суяниб, ич-ичидан уфлаб юборди.

— Ҳа, қушни, тинчликми? — Лаълихон Маликжонга синчков тикилди ва қатор телефон аппаратлари ёнидаги бўш гулдонга ишора қилди:— Гул қани?

Лаълихон «қушни» деганда Маликжоннинг қабулхона ёнидаги кабинетда ишлашини назарда тутган ва «Гул қани?» деб савол берганида қушнинг ҳар кун эрталаб хушомад учун икки жуфт атиргул келтиришини эслатган эди.

— Э, мен нима ғамда-ю! — Маликжон қўлидаги папкаларни машинка ёнига қўйиб, Лаълихоннинг қулоғига аста шивирлади.— Иш чатоқ!.. Ёмон олди!.. Юрагимни суғуриб ташлади!.. Уришмади, бақирмади, ипакдай мулойим гапирди, лекин қаттиқ эзди!..

— Ҳеч нарсa тушунмадим. Очiqроқ гапиринг! — Лаълихон ёнидаги креслога ишора қилди. Маликжон яна уфлаб ўтиргач, секин сўради:— Аввало менга айтинг: нега бугун идора жимжит? Нега телефонлар жирингламайди? Нега ҳар кунги шовқин-сурон, бақирӣқ-чақирӣқлар йўқ?

— Э, ҳамма гап шунда-да! — Маликжон галстугини бўшатиб, қўйлагининг ёқа тугмасини ечди.— Янги директор эрталаб беш минути кам саккизда ишга келди ва бош инженерни чақириб, объектлардаги аҳволни сўраб билгач, иш кучи ва техникани тақсимлаб, наряд ёзиб беришни унга топширди. Энди қурилишнинг масалалари бош инженер идорасида ҳал бўлади.

— Шу сабабдан бу ерда тинчлик экан-да? — Лаълихоннинг чеҳраси ёришди.

— Қанақа тинчлик? — Маликжон бирдан овозини кўтариб бақириб юборди.— Бўрон! Довул! Зилзила!!! Шу кунгача тинч ётган мана бу папкалар бирдан тилга кирди, ҳар бир варағи гапиради, дод солади, мени бўғиб, жонимни олади энди!

— Маликжон, ўзингизни босинг! — Лаълихон графиндан стаканга сув қўйиб, қушнисига узатди.— Қани, бир чеккадан тушунтириб сўзланг!

Маликжон сувдан бир қултум ичиб, сал нафасини ростлади ва воқеани бир бошдан ҳикоя қилди:

— Эрталаб кабинетимга киришим билан ички телефон жиринглади. Трубкани олиб қулоқ солдим: «Комилов гапиряпти, — деди янги директор. — Қурувчиларнинг шахсий делоларидан бештасини олиб кириг. — Кимларникини? — Мен ундан сўрадим. — Ихтиёрингиз».

Янги директор қисқа жавоб берди-да, трубкани қўйдди. Мен шафни очиб, мана бу бешта делони ажратиб олдим ва дарҳол янги директорнинг ҳузурига кирдим. Комилов қўлимдаги папкаларни олиб, ўтиришимга жой кўрсатди ва биринчи папкани очди.

— Анвар Исмоилов. Биринчи участка бошлиғи. Танийман, — деди у шахсий варақадан кўзини олмай. — Варақа ўн йил аввал тўлдирилган, таржимаи ҳол ҳам ўша вақтда ёзилган экан. Айтинг-чи, ўртоқ кадрлар бўлимининг бошлиғи, шу ўтган ўн йил ичида Исмоиловнинг ҳаётида, меҳнат фаолиятида ўзгаришлар бўлгани йўқми? Чунончи, Исмоилов ҳукумат мукофотлари олгандир, оиласида янги фарзандлар туғилгандир, партия ва совет органларига сайлангандир? Хўш?

— Бўлиши мумкин... — Унинг нимага шама қилаётганини сезиб, дудуқландим...

— Жавобингиз мужмал! — деди Комилов менга қаттиқ тикилиб. — Бўлган! Катта ўзгаришлар бўлган! Афсуски, сиз бу ўзгаришларни ҳурматли инженер, қурилиш ветерани Анвар аканинг шахсий делосига қайд этмагансиз. Қани, мана бу папкаларни ҳам варақлаб кўрайлик. Прораб Михаил Васильевич Алексеев. Шофер Исмат Тўраев. Кранчи Солижон Тўхтабоев. Фишт терувчи Зиннат Отауллин... Ана холос! Бу делолардаги маълумотлар ҳам эскирган: етмиш учинчи йилдан бугунгача ҳеч қандай янгилик қайд этилмаган. Дағалроқ гапирсам кечирасиз, ўртоқ кадрлар бўлимининг бошлиғи, халқимизда мақол бор-ку: «Тўғри сўзнинг заҳри йўқ». Сиз ёки ўта ялқов, иш ёқмас одамсиз, ёки бепарво, ландовур, бекорчилардансиз. Лекин ёш экансиз, бунинг устига, янги танишлармиз. Ҳар қалай, бир-биримизни ишда синаб кўрганимиз маъқул. Мен сизга бир ой муддат бераман. Шу вақт ичида трестдаги тўққиз юз йигирма кишининг ҳаммасига янги анкета тарқатиб тўлдиртирасиз, янги таржимаи ҳол ёздирасиз, ҳужжатларни тиркайсиз. Фақат илтимос: ҳамма маълумот аниқ бўлсин, расмий ҳужжатлар билан тасдиқлансин. Бажаарасизми?

— Бажараман, дейишдан бошқа иложим бормиди? — Маликжон Лаълихоннинг ташвишли юзига тикилиб,

чуқур хўрсинди.— Нима қилсам экан-а, қўшни ё исси-
нда ариза бериб, хайр-маъзур қилиб қўяқолсаммикан?

— Ихтиёр ўзингизда.— Ўз ташвиши бошидан ошиб
ўтирган Лаълихон Маликжондан қутулиш учун машин-
кани чиқиллата бошлади. Кейин нечундир унга раҳми
келиб: — Йигитсиз, бардош беринг! — деди.— Бўлимда
иккита инспекторингиз бор. Уччовингиз астойдил ишга
киришсангиз вазифани албатта бажарасиз.

Маликжон напкаларни кутариб:

— Айтишга осон! — деб пўнгиллади-да, хонадан
зарда билан чиқиб кетди.

Унинг сўзларидан Лаълихон янги директорнинг та-
лабчан раҳбар эканлигини, Маликжонга қилган муома-
ласини бошқаларга ҳам қилиши мумкинлигини тушун-
ди ва яна ўзи ҳақида, эски директорга боғланган ҳаёти
янги директор даврида қандай кечиши ҳақида ўйлаб
кетди.

Эшигига қора дерматин қопланган хонада эса, ҳа-
мон жимжитлик. Директор ёлғиз. У нима билан маш-
гул? Нималарни ўйлаяпти, нималар ёзяпти?

Аввалги директорнинг ҳар сўзи, ҳар қадамидан ха-
бардор бўлган, у билан сирлашган, унинг айтмоқчи бўл-
ган гапини кичик бир имосидан ҳам тушунадиган Лаъ-
лихонга янги директорнинг бепарволиги, ўз котибасини
бир марта ҳам чақирмаганлиги, ҳамма ишини ўзи ич-
ки телефон орқали битираётганлиги эриш туюлди.

Соат ун бирга яқин директорга биркитилган енгил
машина шофери Мадаминжон қабулхонага хуноб бў-
либ кириб келди.

— Эрталабдан бери гаражда кутяпман, хўжайин ча-
қирмаяпти,— деди у Лаълихонга сирли боқиб.— Шу ер-
дами?

— Ҳа, — Лаълихон машинкадан бошини кўтармай
жавоб берди.

Шофер қўлидаги бир даста калитни ўйнаганча ди-
ректор кабинетига қанчалик тез кириб кетган бўлса
шунчалик тез отилиб чиқди.

— Ё, тавба! — Мадаминжон Лаълихонга шикоят
қилди.— Янги директор машинани ўзи ҳайдар эмиш.
Мен автобазадан янги «ЗИЛ—150»ни қабул қилиб
олиб, қурилишга бориб ишлармишман.

— Жуда яхши,— деди Лаълихон асабий шоферга
жиддий тикилиб,— кўпроқ пул топасиз.

— Э, ўргулдим-ей! — деди-да, Мадаминжон қабул-
хонадан отилиб чиқиб кетди.

Лаълихон нима қиларини билмай, бекорчиликдан зерикиб ўтирганда қабулхонага профком раиси Отабоев кириб келди.

Ёши олтинмишга яқинлашган, сийрак сочи буткул оқарган, кулранг костюми тулача гавдасига ярашган, унги кукрагида йиғирмага яқин орден, медалларининг тўрт қатор белгилари ярқираб турган бу салобатли киши директор кабинетининг эшиги томонга ўтатуриб, Лаълихонга сичков тикилди-да:

— Қаримова, сиз бугун ишга бир соат кечикдингиз, бинобарин йўқламага қўл ҳам қўймадингиз,— деди ва жиддий таъкидлади:— Ҳозир тушунтирув хати ёзиб, профкомга кириш.

Аввалги директор даврида бунақа расмийчиликдан буткул озод этилган шахсий котиба энди ҳамма қатори оддий ходимга айланганлигини ва меҳнат интизомига ҳамма билан баробар итоат этиши зарурлигини тушуниди. Отабоев кабинетга кириб кетиши билан машинага бир варақ оқ қоғоз қистириб, ишга кечикканига «шаҳар транспорти айбдор» эканини ёза бошлади.

Отабоев директор ҳузурида ярим соатча бўлгач, бир даста қоғоз кўтариб чиқди. Лаълихон дарҳол ўрнидан туриб, зўрма-зўраки жилмайди-да, тушунтириш хатини унга узатди:

— Илтимос, шу ерда ўқиб чиқсангиз!

Отабоев кўзойнагини бурнига қўндириб, хатга кўз югуртирди ва Лаълихонга ёвқараш қилди:

— Важингиз ўринсиз. Сиз бугун таксида келдингиз.

Лаълихон нима дейишини билмай ғўлдираб, Отабоев қайтариб берган хатни олди-ю, стулга бемажол ўтириб қолди.

Тушликка қадар қабулхонага бошқа ҳеч ким кирмади. Янги директор кабинетида ёлғиз. Лаълихон унинг олдига кирмоқчи, ўзини таништирмоқчи, нима иш қилиши кераклигини сўрамоқчи бўлди. Лекин бунга юраги дов бермади.

Тушликка яқин шаҳар телефони жиринглади. Директор трубкани олса керак, деб ўйлаган Лаълихон бир нафас кутди. Лекин Комилов трубкани олмади. Қўнғироқ ҳеч тинабермагандан кейин Лаълихон трубкани кўтариб қулоқ солди:

— Эшитаман...

— Турсуновнинг уйдан гапирянимиз.— Аввалги директорнинг хотини Салима онанинг ҳаяжонланган ово-

зи эшитилди.— Тўлқин ака кеча уйга келмадилар. Болалари ухламай чиқишди. Балки, бугун идорага келгандирлар. Илтимос, у кишини телефонга чақиринг!

— Йўқ, Турсунов ишга келганлари йўқ...— Лаълихон шундай деди-да, олов ушлагандай қўли куйиб, трубкани тарақлатиб қўйди.

Телефон яна узлуксиз жиринглай бошлади, лекин Лаълихон трубкани бошқа кўтармади — бир ташвишга ун ташвиш қўшилиб, боши зирқираб оғрий бошлади.

Кеча идорадан жуда кеч чиқиб кетган Турсунов уйга бормабди. Хўш, у қаерда тунаган бўлиши керак? Демак, Лаълихоннинг квартирасидан бошқа ҳам борадиган ери бор экан-да? Ёки ишдан бўшаганлигига чидаёлмай, узини бир нима қилиб қўйдимикан?

Шуни ўйлар экан, Лаълихоннинг бошидан биров бир челак совуқ сув қуйиб юборгандай эти жунжикиб, кўз олди қоронғилашди. Эрталаб нонушта қилмагани, тушлик вақти ҳам ўтабошлагани ва айниқса профком расидан дакки егани устига Турсуновнинг бедарак йўқолгани — булар ҳаммаси қўшилиб, у ўта дармонсизланди, кўз остлари қоронғилашди, назарида узини бир кунда ун йилга қаригандай сизди.

У шу алфозда ўтирганда кабинет эшиги очилиб, қўлида бир даста қоғоз кўтарган янги директор чиқиб келди. Каттагина гўштдор юзлари қип-қизил, йирик қора кўзлари чақноқ, пешонаси кенг, тўсдай қалин сочи қоп-қора, синчков боқиши ўта жиддий бу салобатли одам ўрнидан сакраб туриб салом берган Лаълихоннинг саломига алиқ оларкан, қоғозларни унга узатди:

— Булар — қурилиш объектларига буйруқлар. Тўрт нусхадан кучиринг. Соат бешга тайёр бўлсин.

— Хўп бўлади, Собир Комилович!

Лаълихон янги директорнинг қўлидан қоғозларни олаётганда унга кўзларини сузиб ишвали боқди. Лекин Комилов ундан юзини буриб, қабулхонадан чиқиладиган эшик томонга юрган ҳам эди, кириб келаётган Турсуновга дуч келди.

— Кечирасиз, ўртоқ Комилов,— янги директорнинг йўлини тўсди Турсунов.— Бир оғиз гап... Мен туни билан Анҳор бўйида ўтириб, комиссиянинг хулосаларини ва сизнинг таклифингизни ўйлаб кўрдим. Актдаги хулосалар ҳақиқатан ҳам тўғри. Айб менда. Иқрорман. Сизнинг таклифингизни ҳам қабул қиламан: касбим бинокорлик бўлгандан кейин қурилишда ишлашим керак. Нима иш берсангиз — розиман.

Лаълихон қадрдонини Тўлқин аканинг уйқусизликдан киртайган кўзларига, соқол қоплаган юз-нягига, ҳаммадан ҳам гайритабiiий эгик бошига зимдан қараб, ичинидан ачинди. Лекин нафасини ичига ютиб, суҳбатнинг давомига қулоқ солди.

— Тўғри уйлабсиз.— Янги директор қисқагина жавоб қилди.— Мен билан юринг, бешинчи участкага — мактаб қурилишига борамиз. Бригадир бўлиб ишлайсиз.

— Раҳмат.— Турсунов аллақандай енгил тортиб, қабулхонадан чиқиб кетаётган Комиловга эргашди.

Эшик ёпилгач, Лаълихон бир неча дақиқа қотиб ўтирди. «Ё, тавба,— ўйлар эди қотиба.— Қани Турсуновнинг гурс-гурс қадам олишлари, бақириб-чақириб сўзлашлари, раҳбарларга хос виқори, бошқалар ҳавас қиладиган салобати? Унинг ҳар бир сўзи — қонун, ҳар бир ҳаракати чуқур маънони ифодалагувчи эмасмиди?!»

Лаълихон кўлидаги қоғозларни бир-бир кўздан кечира бошлади. Ҳар бири машинкада 4—5 бетга кўчирилдиган, турли графиклар, жадвалларга тўла фармоёнлар... Булар ҳаммаси соат бешга тайёр бўлиши керак. Бунинг учун у овқатга ҳам чиқмаслиги, профкомга ҳам кирмаслиги, телефонга ҳам чалғимаслиги лозим. Шунда ҳам улгуриш қийин.

У буйруқларни тўрт нусха кўчириш учун қоғоз тахлар экан, телефон яна жиринглади. У аввал парво қилмади, кейин атайлаб олмасликка қарор берди, бироқ тинимсиз қўнғироқ миясини пармалай берганидан кейин трубкани олиб, қулоқ солди:

— Эшитаман...

— Турсуновнинг уйидан гапиряпмиз,— Салима опа ташвишланиб сўзлади.— Барака топинг, айтинг: Турсунов келдиларми?

— Келдилар,— Лаълихон аллақандай синиқ товушда жавоб берди.— Эски директор янги директор билан бирга бешинчи участкага кетишди.

— Хайрият...— Салима опа трубкани секингина қўйди.

Буйруқларни бирин-кетин кўчиришга қарор берган Лаълихон машинкага тўрт қават ўрнатилган оппоқ қоғозига бир пафас тикилиб турди-да, беихтиёр қуйидаги аризани чиқиллатиб ёзди:

*100-Қурилиш трестининг
касаба союз комитетига*

АРИЗА

Мен бугун ишга сабабсиз бир соат кечикиб келдим. Бу — меҳнат интизомини охирги марта бузишим. Бундан буён ҳар жиҳатдан ҳалол ишлаб, камчиликларимни буткул тугатишга сўз бераман.

Л. Каримова.

У аризасига имзо чекиб, профкомга, Отабоев ҳузурига кирди-да, унга тоншира туриб:

— Кечиринг,— деб узр сўради.

Отабоев аризани ўқиб чиққач:

— Бу бошқа гап! — деди ва ранги анча сириккан қотибага кўзойнаги устидан мамнун тикилди: — Хатоми тузатиш ҳеч қачон кеч эмас, қизим!

Лаълихон елкасидаги оғир юк тушган кишидай енгил нафас олди ва янги директорга нисбатан кўнглида ёнган адоват ўти сўниб, астойдил ишга киришди.

БЕДОРЛИК

Мен ўйлаб-ўйлаб шундай қарорга келдим. Бедорлик икки хил бўлар экан: биринчиси — ширин бедорлик, иккинчиси — аччиқ бедорлик.

Мен икки хил бедорликка икки қўшним турмушидан мисол келтирмоқчиман. Бир қўшним — Толибжон исмли ёш йигит. Унинг армия хизматини адо этиб, уйига қайтиб келганига ўн ойдан сал ошди, Трактор заводида слесарь бўлиб ишлайди: маоши ҳам мўмайгина, обрўси ҳам бажо. Толибжон кечаги сайловда шаҳар Советига депутат қилиб сайланди. Унинг отаси Мўминжон ака — бинокор уста, онаси Азиза опа — маҳалламиздаги боғчанинг мудираси, икки укаси ва бир синглиси — мактабда ўқийди.

Толибжонлар билан девор-дармиён қўшнимиз. Мўминжон ака менинг тенгдошим, ҳамсуҳбатим. Толибжоннинг хонаси менинг кабинетим билан шундоққина ёнма-ён бўлгани учун ижоднинг сокин соатларида тиқ этган товушни эшитиб тураман, айниқса, кечалари кўчадаги шовқин тингач, кўпқаватли уйнинг гоҳ у, гоҳ бу хоналаридан радио ё телевизорнинг сал қаттиқроқ товуши, бола йиғиси, эр-хотин жанжали, беморнинг инграши каби нотинчликлар асабни бузиши турган гап...

Аммо қўшним Толибжоннинг хонасидан кейинги кунларда гоҳ ярим тунгача, гоҳ эса тонггача эшитилиб турган оёқ товушлари, мунгли хиргойилар,

қулоқ илгаса ҳам, маъносини англаб бўлмайди-
ган сўзлар унинг дадаси Мўминжон акага мурожаат
қилишимга мажбур этди:

— Бу, уста дейман, Толибжон саломатми? Кечалари
ухламай чиқади... Зурёдингизни дўхтир-пўхтирга кўр-
сатмайликми?

— Толибжон ошиқ...— Уста Будённийга тақлидан
устирган мўйлабининг учини силаб туриб, жавоб қилди.

— Йигит ошиқ бўлса, уни уйлантирайлик, биро-
дар! — Мен устага маслаҳат бердим.— Камина сиз би-
лан бирга совчиликка боришга тайёрман.

— Э, сиз билан бизга йўл бўлсин! — Уста тўнининг
барини силкиб, бошини сарак-сарак қилди.— Толибжон
баланд дорга осилган, бедаво дардга йўлиққан.

— Хўш? Йўталинг! — Устанинг билагидан маҳкам
ушладим.— Қиз ким? Унинг ота-онаси кимлар? Нега
ўглингизнинг муҳаббатини «бедаво дард» дейсиз! Ахир,
биродар, ўлимдан бошқа ҳамма нарсанинг иложи то-
пилади-ку!

— Тенг тенги билан, тезак қопи билан...— Устанинг
серажин пешонаси тиришди.— Толибжон кўнгил қўй-
ган қиз — тепа қўшнингиз Аъзамхоновнинг яккаю ёл-
ғиз арзандаси Салимахон!.. Энди уқдингизми?

— Уқмадим.— Устанинг ўйчан кўзларига синчков
тикилдим.— Салимахонни танийман. Шу йил универси-
тетнинг журналистика факультетини тамомлаяпти. Унинг
отаси Аъзамхонов Қурилиш-монтаж бошқармасида бош-
лиқ, онаси Фазилат опа — «Олмос» магазинида ишлай-
ди. Хўш, уста, буларнинг нимаси баланд дор?

Шу пайт яна бир қизиқ ҳодиса — тепамдаги квар-
тирада, нақ менинг кабинетим тепасида кейинги кун-
ларда содир бўлаётган бесаранжомлик: худди Толиб-
жоннинг хонасидаги бедорликни эслатувчи тапир-тупур
оёқ товушлари, оҳ-воҳлар, инграшлар эсимга келди-да,
дафъатан миямда бир фикр чақнади. Толибжон қандай
азобда бўлса, Салима ҳам шундай азобда, демак икко-
ви бир-бирини қаттиқ севади. Акс ҳолда, иккови ҳам
кечаларни уйқусиз, оромсиз утказармиди?!

— Толибжон дардининг давоси бор! — деб қичқи-
риб юборганимни ўзим ҳам билмай қолдим. Устанинг
кўзлари катта-катта очилиб, менга ҳайрон тикилганини
кўргач, унга тасалли бердим:

— Ишончим комилки, Толибжон Салимани қандай
севса, Салима ҳам Толибжонни шундай севади. Сиз,
уста, анави чинор тагидаги скамейкада кутиб ўтиринг.

Мен ҳозир Аъзамхоновнинг квартирасига кириб, разведка қилиб чиқаман.

— Шошманг!.. Шошманг, қўшни!..— Уста йўлимни тўсди.— Дабдурустдан-а!.. Иннайкейин... Аъзамхоновнинг уйига шу кунгача ҳеч ким кирганмас... У — одамови... Қандоқ бўларкин-а?..

— Қантдак бўлади! — Мен устанинг елкасидан босиб, уни скамейкага ўтқаздим-да, ўзим подъезднинг ланг очиқ эшигидан ичкарига кириб кетдим.

Аъзамхонов бизнинг тепамизда, тўртинчи қаватдаги иккала квартирани эгаллаган ва қурилиш бошлиғи бўлгани учун олти хонани ўз истагига мослаб, ўзи режа тузиб, хоналарни қўшиб, нақшин эшиклару нақш-нигорлик безаклар билан шакл-шамойилини ўзгартириб, бамисоли шоҳона қасри олий барпо этган эди.

Дарҳақиқат, бу кошонага асосан ишчилар, хизматчилар истиқомат қилгувчи тўрт қаватли, эллик икки квартирали уйимиздан мана, беш йилдан ортиқроқ вақт давомида бирор қўшнининг кириб-чиққанини на мен, на уста Мўмин эслай оламиз. Фақат қўшнилар орасида довруқлар юради: меҳмонхонасига юз киши сиғармиш, ётоқхонаси иккита, кабинети иккита, шарқ услубида алоҳида хосхона... ойнаванд айвонлари, ваннахоналари, яна ҳалигидақа хоналарининг ҳам қўш-қўш эканлиги табиий...

Хуллас, Аъзамхоновнинг саройига қўшнилардан биринчи бўлиб мен, яъни қалам жафокаши ягона мақсад — биродарим уста Мўминнинг мушкулини осон қилиш мақсади билан кириб боряпман.

Тўртинчи қаватга чиққач, нафасимни бир оз ростлаб олиш учун тўхтадим-да, қаватдаги иккита эшикнинг бири йўқотилиб, иккинчисининг ўрнида кенгроқ, новвотранг, нақшин қўшқават дарвоза ўрнатилганини кўриб, беихтиёр оғзим очилиб қолди: «Ёпирай, бу тушимми, унгимми! Бутун бир қават деворлари шифтларидаги маликалар, товуслар, сарвлар ва неча хил антиқа гулларнинг суратлари чекилган манзараларни ўз кўзларим билан кўриб турибманми ёки булар ҳаёлимда жонланаётган рўёларми!»

Ҳали Аъзамхоновнинг квартирасига кирмасданоқ ташқаридаги ҳашамни кўргач, уста Мўминнинг «Толибжоннинг баланд дорга осилганлиги» ҳақидаги фикрига қўшилдим ва бир жиҳатдан, секингина пастга тушиб кетиш фикрига ҳам бордим. Лекин «кўз қўрқоқ, қўл ботир», деган журъат билан нақшин эшикнинг тепароқ

бир ерига ўрнатилган ёқутранг тугмани босишга журъат этдим.

Ичкарида бедана сайрагандай бўлди, чамамда... Бироқ, ҳеч ким жавоб бермади. Орадан бирор дақиқа ўтказиб, тугмани яна босдим: бедана тағин сайради... Яна жимлик... Тугмани учинчи марта босганимда нақшини эшик орқасидан аёл кишининг:

— Ким? — деган ипакдай майин товуши эшитилди.

— Бу мен... қўшнингиз Айёмий бўламан...— Лабимини эшик тирқишига олиб бориб, жавоб қилдим.— Азамхонов уйдадилар? Зарур ишим бор...

— Ҳозир...— аёл шундай деди-ю, жимиб кетди.

Мен нафасимни ичимга ютиб, бир неча дақиқа кутиб турдим. Эркак билан аёлнинг пичир-пичири қулогимга чалинар, агар эътибор билан қулоқ солинса, эркакнинг дуқи, аёлнинг ёлворишини пайқаса бўларди...

Ниҳоят, эшик орқасидаги занжир туширилгани, учтўрт ердаги қулфларнинг тешигида калитлар шиқирлаб айлангани шундоққина эшитилди. Кейин вазмин эшикнинг бир тавақаси қия очилиб, Аъзамхоновнинг япалоқ юзи, тийрак митти кўзлари кўринди.

— Э... э... келинг, қўшни, қаердан кун чиқди? — мулозамат қилди Аъзамхонов эшикни кенгроқ очиб, менга йўл берар экан.

Мен йўлакка кириб, қизғиш паркет устига тўшалган гулдор гиламдан берироқда тўхтадим.

— Ҳой Фазилат, домлага шиппакча бер!— деди Аъзамхонов орқасига қараб.— Туфлини ечинг, Айёмий! Бизнинг хонимча озодаликини, тартибни яхши кўради...

Гулдор японча кимоно-халатда, тўладан келган оппоқ маликан жаҳон — Фазилатхон хинали бармоқларининг учида эринибгина шиппак келтириб, менинг оёқларим остига тап этиб ташлади-да, бечора қаламкашни саломлашишга ҳам арзитмай, бурнини жийирганча орқасига қайтиб кетди.

— Хуш кўрдик, домла Айёмий!— Аъзамхонов менга синовчан тикилди-да, печундир қийналиброқ сўради: — Хизмат?

— Нима хизмат бўларди, қўшни! — Ўзимни соддаликка олиб, Аъзамхоновнинг кечаси билан тапир-тупур товуш эшитиладиган хонасини, яъни менинг кабинетим тепасидаги хонани чамалаб, уёқ-буёққа алаңладим.— Беш йилдан бери қўшни турамиз. Ҳаммаҳалла... тобуткашмиз, Аъзамхонов! Инчунин, қизиңгиз Салимахон

журналист бўлмоқчи экан, ҳарқалай, ҳамкасблик жиҳати ҳам йўқ эмас...

— Кириг... Кираверинг! — Аъзамхонов мени ноилож навбатдаги хонага таклиф қилди.

— Уҳў, қойил!.. Кваттирани боплабсиз!.. — У мени меҳмонхонасига олиб кирганида жиҳозлар, гиламлар, гулдонлар, биллур идишларни кўриб, ҳанг-манг бўлиб қолдим. — Дидингиз зўр, қўшни!

Аъзамхонов мақтовимга эриб кетди шекилли, кваттирасининг бошқа хоналарини ҳам бирма-бир кўрсата бошлади. Олти хона, икки ойнаванд айвон, иккита ошхона ва иккита ваннахонанинг ҳаммасига фақат хорижий жиҳозлар: фин, япон, австр, инглиз, эрон, араб мебеллари, палослари, магнитофон, телевизорлар қўйилган, шифтдаги биллур қандиллар кўзни қамаштирарди...

— Зўрсиз, Аъзамхонов! — Мен йўл-йўл шоҳи пижама устидан бухорий заррин тўн кийган қўшимчининг елкасига қоқиб қўйдим. — Мен бунақа зеб-зийнат, ҳашамларни министрларнинг кошоналарида ҳам кўрмаганман!

— Одам бир марта яшайди, Айёмий! — Аъзамхоновнинг япалоқ юзи тиржайди. — Қани, меҳмонхонага кирайлик, кечки таомга бедана қовуришяпти, арман коньягидан озгина сиқарамиз, аҳил ҳамсоялик, тотув ҳаёт учун, албатта!..

— Мен сиздан бир нарсани сўрамоқчиман, Аъзамхонов!

— Сўранг, Айёмий, тортинманг!

— Менинг кабинетим устидаги хонангиз... ҳов анави... бурчакдаги хона, яъни қизингиз Салимахоннинг кабинети бўлса керак-а?

— Қани, қани, кўрайлик-чи! — Аъзамхонов мени чап томондаги кенггина йўлакдан мен ўзимча мўлжаллаган хонага бошлади. — Сиз мана бу хона ҳақида сўзлаясиз, Айёмий! Бу хона — каминани камтаринининг кабинетлари!

Мен уч томонида китоб жавонлари терилган, деразаси дарахтзор хиёбонга қараган, ёзув столи устида турли папкалар тахланиб ётган хонага киришим билан Аъзамхонов чироқни ёқиб юборди. Чироқ, яъни беш қанотли, биллур чех қандилининг тиниқ шуъласида ойнаванд жавонларга терилган заррин муқовали мингминг китобларнинг порлоқ манзарасини кўргач, беихтиёр:

— Офарни! — деб юбордим.— Жаҳон классикларининг бебаҳо жилдларини ўқиб, ақл хазинангизга ҳар кун жавоҳирлар қўшсангиз керак-а, Аъзамхонов?

— Вақт йўқ, Айёмий... Ишлаб чиқариш, план, кадрлар муаммоси ва ҳоказо долзарб масалалар. Аммо тўғри айтдингиз, бу китоблар — хазина... Бир вақтлар келиб, балки бу жавоҳирлар оғир кунимизга яраб қолар... Қўриб турибсиз, Айёмий, замон оғирлашиб, талаб ошиб, ишлаш қийинлашиб борапти. Кечалари уйқум қочади, ваҳима босади, тонггача оёқда юриб чиқаман гоҳида...

— Асабни даволаш керак, Аъзамхонов! — Мен унинг «хазинахона»сидан чиқиб, нақшин эшик олдида эгилганча туфлимни кия бошладим.

— Ия! Ия, бу нимаси? Ахир, беданакабоб тайёр...— Аъзамхонов йўлимни тўсди.— Шоғирдингиз Салимахон ҳам ҳали-замон келиб қолади. Мен унга янги «Жигули» олиб берувдим. Акоп исмлиқ курсдош йигити билан катта айлана йўлда машина ҳайдашни машқ қиляпти. Йигирманчи аср, Айёмий, янги замон, янгича ёшлар!..

— Даврни ҳам, умрни ҳам ҳар ким ҳар хил тушунади, Аъзамхонов,— дедим қўшним билан хайрлаша туриб.— Фақат, илтимос, кечалари бетинч қилманг!

— Оббо, қўшни-ей! — Аъзамхоновнинг ясси юзига ясама кулги ёйилди.— Сиз ҳам ҳар нарсани кўнглингизга олаверманг!

Мен ҳовлига чиққанимда уста Мўминжон чинор тагидаги скамейкада мени кутганча ёлғиз ўтирарди.

У мени кўрди-ю, ўрнидан сакраб туриб:

— Олчими, товвами? — деб сўради.

Мен:

— Товва,— дейишим билан устанинг тарвузи қўлтигидан тушиб:

— Товба!..— деб ёқасини ушлади.

Мен тепадаги квартирада кечаларни бедор ўтказаётган Салима эмаслигини, балки унинг тўсатдан бойиб кетган, босар-тусарини билмай қолган отаси Аъзамхонов эканини Мўминжон акага айтмай қўя қолдим.

Бироқ, менинг тинчим буткул йўқолди. Бир томондан ошиқ Толибжоннинг кечаси билан давом этадиган оҳ-воҳлари, иккинчи томондан, тепамдаги Аъзамхоновнинг тонгга қадар тапир-тупур юриб чиқишлари бўлса, энди буларга Салимахоннинг жазмани Акоп билан тунда алламаҳалгача ғарбнинг шаҳвоний музыкаларини ва-ранглатиши ва уста Мўминжон аканинг тинимсиз ҳасрат-надомаглари қўшилди.

Яхшиям аввал куни газетада «Қўшиб ёзиш — жиноят» сарлавҳали фельетон эълон қилинди. Фельетоннинг «бош қаҳрамони» Аъзамхонов бўлиб, у бошлиқ СМУ янги ерда совхоз посёлкаси қурилишини битказмасдан, «битказдим» деб ҳужжат расмийлаштирган, салкам бир миллион сўмлик бажарилмаган ишни «бажарилди», деб рапорт берган ва давлат банкасидан уч юз минг сўм ортиқча маош билан мукофот олиб, қалбаки ведомостлар тузган ва бу маблағни уч-тўрт киши бўлишиб олганлар...

Биз фельетонни қўшним уста Мўминжон ака билан бирга ўқиб чиқдик ва шундан кейингина қонунбузар Аъзамхоновнинг қуюшқондан чиқиб, тараллабедод қилиб юриш сабабларини тушуниб етдик.

Кеча оқшом маъмурий органлардан одамлар келиб, Аъзамхоновнинг қўш квартирадан иборат жамулжам кошонасида тинтув ўтказдилар. Қўшнилardan икки гувоҳ керак бўларкан, келиб-келиб мен билан устани таклиф қилиб қолдилар. Қиёматли қўшни Аъзамхоновнинг ҳурмати учун давримиз «Хорунарашид»ининг қасри олийсига сўпайиб кириб бордик. Қай кўз билан кўрайки, нақ менинг кабинетим тепасидаги хонада, яъни Аъзамхонов кечаларни бедору беқарор ўтказадиган «хазинахона»да кигоб жавонларидан олинган папкалар ичи тўла пачка-пачка червонлар, нақшин қутичалар ичи лиқ-лиқ олтин тангалар, гавҳар, зумрад, зебу зийнатлар, шода-шода дурлар, қип-қизил эроний гилам устига тўкилаверди, тўкилаверди, хуллас, тўлиб кетди...

Уста билан менинг Аъзамхонов кошонасидаги саҳармардонгача чўзилган уйқусиз тунимиз — сўнгги бедор кеча бўлди.

Энди истаган вақтимда ором оламан, истаган вақтимда ижод қиламан.

Бу орада уста қўшним ҳам тинчиб қолди. Ҳукуматимизнинг адолатига балли: Аъзамхоновнинг қўшквартирали қасри серфарзанд ишчи оилага, яъни Мўминжон акага берилди. Толибжон ўзи билан бир цехда ишлайдиган Қумри исмли қизга уйланиб олди-ю, тунги оҳ-воҳ, хиргойилари тинди.

Аъзамхоновнинг хотини билан қизи устанинг аввалги камтарона квартирасига киритилди. Уларга шу ҳам кифоя. Она-бола анча ёввош бўлиб қолишган. Кечаларимиз тинч. Фақат, Салимахон хомуш: ҳаром пулга олинган «Жигули» мусодара қилингандан кейин унинг жазмани Акоп қайси бир чуқурга шунғиди-ю, йўқолди...

Мўминжон ака билан тез-тез кўришиб турамиз.

— Тинчликка нима етсин! — дейди уста. — Айниқса, кечалари... одам кун бўйи меҳнат қилгандан кейин тунда ором олишни керак.

Уста ҳақ!

ЭР ШАВКАТИ ХОТИНДАН

Одамнинг ёши улғайиб борган сари болалиги, мурғак хотирасида сақланиб қолган воқеалар жонланиб, янги маъно ва тароват касб этади.

Мен ҳикоя қилмоқчи бўлган воқеа бундан деярли олтмиш йил аввал содир бўлган, мен уни унутиб ҳам юборган эдим, лекин эндиликда умр дафтарини шошмасдан, бир-бир варақлаш имкониятига эга бўлгач, жуда кўп одамлар, уларнинг ҳаёти, ишлари ҳаёлимда жонланди. Буларнинг орасида эса, Тошкентнинг Биринчи Арпаоя маҳалласида, Форобий боғининг этагидаги шинамгина гулзор ҳовлида яшаган гўзал аёлни алоҳида меҳр билан эсладим.

Мен бу аёлнинг исмини билмайман. Ўша вақтда бизга қўшни бўлган кишилардан бир нечасини топиб, сўрадим, лекин булар ҳам унинг исмини эслолмадилар.

— Отин ойи... Меҳрибон ойи... Мавлон миробнинг хотини...

Балки унинг исми чиндан ҳам Меҳри ёки Меҳрибондир?.. Билмадим.

Хуллас, Форобий боғининг шундоққина этагида, шинамгина гулзор ҳовлида аравакаш отаси ва чевар онасининг ёлғиз ўғли Мавлон исмли йигит турган ва овози дўриллаб, кўзлари чақнай бошлагач, уни уйлантирганлар. Келин — қўшни Қоратош маҳаллалик табибнинг қизи бўлиб, уйда саводини чиқарган экан, сандиғида сепига қўшиб беш-ўнта китоб ҳам олиб келган.

Мавлон то уйлангунча маҳалладагиларнинг гап-гаштагига қўшилиб юрадиган, бўза билан мусалласнинг таъмига тушуниб қолган, ишдан бўш вақтида тараллабедод қилиб юрадиган йигит бўлган. Бироқ, у меҳнат қилишни ҳам дилдан севган: Чирчиқ дарёсида тўғон ишлари билан банд бўлган тоғаси уни ўзи билан олиб кетиб, чорпоя ташлаш, тош-шағал ва шох-шаббалардан тошқин йўлини тўсиш каби миробликнинг оғир ишларини ўргатган. Бу ишлар қанчалик машаққатли бўлишига қарамай, эртаю кеч аравада кўмир ташишга қараганда

баҳавороқ бўлгани учунми, ҳарқалай Мавлонга хуш келиб, ҳафталаб, ҳатто ойлаб қишлоқларда қолиб кетган, мўмайгина пул ҳам топган, уйига қайтиб келгач эса гап-гаштакларда кайф-сафога шўнғиган...

Мавлон уйлангач, унинг юриш-туриши тамом ўзгарди-қолди. Маҳаллада бошини иккита қилиб олган бошқа йигитлар ҳам оз эмас, улар гузардаги чойхонада ошхурликни ҳам, Чимён томонларга сайр-саёҳатларга чиқиб туришларни ҳам тарк этганлари йўқ. Аммо биргина Мавлон ҳой-ҳавасу, тоғ қишлоқларидаги бўзахўрлик, қимизхўрликларнинг ҳаммасидан воз кечди.

У Чирчиқ бўйидаги ишига ғира-шира саҳар-мардонда гоҳ отлиқ, гоҳ яёв кетар, шомдан кейингина қайтиб келар, уйига кириб кетганча чиқмас, хуллас, бу борада ёр-дўстларининг боши қотган эди.

Улфатлардан кимдир:

— Хотини сеҳрлаб қўйди жўрамизни! — деганида бошқалар бу фикрга қўшилдилар.

Бу борада Биринчи Арпапоё маҳалласининг гузарида ёнма-ён гуркираб ўсган учта садақайрағоч тагидаги чойхонада янги гап тарқалди:

— Кўмирчининг уйида қизларга мактаб очилибди!

Бу хабарни бизнинг уйимизга бобом мулла Фулом олиб келди. У айвон пешига омонатгина ўтириб, менга чилим келтиришни буюрди. Мен энди олти ёшга кирган бўлсам ҳам, анча зийрак эдим: бобомнинг нимадан-дир жуда ҳаяжонланиб турганини сездим ва тоқчадаги чилимни олиб, унга узатдим.

Бобом тамакини ўт олдиргач, чилимни уч-тўрт марта қулдиратиб тортди ва хумори ёзилди шекилли, менга жилмайиб тикилди-да:

— Мактабга борасанми? — деб сўради.

— Бораман, буважон!

— Форобий мактабига бу йил сени олмайдилар, ҳали кичиксан. — Бобом ўйланиброқ сўзлади. — Аммо Отин ойининг мактабига сени жойлайдурмен: қизлар мактаби бўлса ҳам сенга фарқи йўқ, ҳали кичиксан...

Бобом менинг қўлимдан етаклаб тор кўчамизга олиб чиқди. Биз икки юз қадамча юргач, Форобий боғи этагидаги жажжигина ҳовли эшигида тўхтадик. Икки тавақали, агар очиб юборилса, от-арава бемалол кириб борадиган кенг эшикнинг бир тавақаси қия очиқ турар, гиламдай алвонранг гулзорнинг бир бўлаги кўзга ташланар, лекин ҳовли жимжит, тиқ этган товуш эшитилмасди. Айни чошгоҳ пайти, аравакаш кўмирини шаҳар

кучаларида таниб юрибди, Мавлон ҳам Чирчиқ бўйидаги ишида. Аравакашининг хотини Қумри хола менинг онам Қория чевар билан «Қизил тонг» фабрикасига ишга кирганига мапа, бир ойча бўлди, демак, у ҳам уйида йўқ...

Бобом қўлидаги ҳассаси билан ярим очиқ эшик тавақасини уч-тўрт марта тақиллатиб урди. Лекин ичкаридан жавоб бўлмади. Шунда бобом менинг қўлимдан маҳкам ушлаб олиб, гулзор ҳовлига бошлади:

— Юр, сен билан мендан қочадиган одам йўқ.

Бобом гулзорга яқинлашиб, рўпарадаги айвондаги манзарани кўргач, турган ерида ҳассасига суянганча қотди. Мен ҳам ағрайиб қолдим.

Айвонда бир тўда қизлар кенг доира олиб ўтиришибди, Отин ойи қизғиш нақшин муқовалик китобдан уларга алланима ўқиб беряпти. Мен дарров санаб чиқдим: кўчамизда ҳар куни копток ўйнаб юрган қизлар ва улар қаршисида гўзал Отин ойи — ҳаммаси ўн икки нафар.

Мен Отин ойига нисбат бериб, ҳикоянинг шу еригача, «гўзал» сўзини икки марта ишлатдим. Ҳа, энди ўн саккиз-ўн тўққиз ёшга кирган Отин ойи чиндан ҳам сулув жувон эди. Қадди-басти келишган, сал чўзинчоқ оппоқ юзининг кулгичлари нозик, юпқа лаблари гул япроғидек сержилва, кўзлари... Йўқ, мен бунақа тиниқ шаҳло кўзларни умрим бўйи ҳеч қачон бошқа кўрмаганман. Отин ойи тимқора қўнғир сочларини зангори дурраси тагига яшириб боғлаган бўлса ҳам, елкасини қоплаган саноқсиз майда сочлари у ғазал ўқиганда оқ шоҳи кўйлаги устида силкиниб-силкиниб қўяр эди.

Гулзор ёнида тўхтаган бобом олдинга юришни ҳам, орқага қайтишни ҳам билмай, бир неча дақиқа иккиланиб турди ва бениҳтиёр, Отин ойи ўқиган ғазалга қулоқ солди.

Отин ойи ипакдай нафис товуши билан равон ўқир эди:

Уйқуда бир тун висолингни кўрар кун бормикин,
Субҳи хуршиди жамолингни кўрар кун бормикин.

Кўзларим мардумлари кўп йиғламоқдин сувдадир,
Моҳи рухсор узра холингни кўрар кун бормикин.

Офтоби васли жаннат қасрида топмас завол,
Офтоби безаволингни кўрар кун бормикин.

Бўйлаким қилди кўзимнинг ёшини қон иштиёқ,
Кўз очиб рухсори олингни кўрар кун бормикин.

Лабларингдан айру ишқим талхдур даврон аро,
Жон бериб ширин мақолингни кўрар кун бормикин.

Меҳри рухсор узра ҳолингдур саодат кавкаби,
Ахтари пархунда фолингни кўрар кун бормикин?

Лаъли нобинг ҳасратида ташна қолди Нодира,
Шарбати кавсар мисолингни кўрар кун бормикин?

— Нодирабегим муборак шоирамиздурлар,— деб сўз бошлаган Отин ойи гулзор бўйида ҳассасига суяниб турган чолни ва унинг ёнидаги озғингина болали кўриб, суҳбатини тўхтатди ва аста ўрнидан туриб, кавушандозга тушди-да, кавушини кийгач, бошидаги дуррасини тузатди ва бегона қарияга тавозе ила салом бергач:

— Келинг, амаки, хизмат? — деб сўради.

— Сиз билан қўшни бўламиз, опоч,— бобом томоғини қириб йўталиб олгач, тушунтирди.— Набирамни бошлаб келдим, мактабга ҳали ёш, аммо ўқишга ишқибоз. Ўғлим дунёдан эрта кетди, келиним фабрикада чевар...

— Бўлди, бўлди! Танидим, танидим! — Отин ойи ҳар бир сўзни икки мартадан такрорлаб, нечундир қувониб, яйраб сўзлади,— Қория опамни биламан, ҳа, биламан! Набирангиз ўқисалар яхши, яхши! Лекин мен қизларни ўқитяпман, бунинг устига бу йигитча ёш эканлар...

— Ёш бўлса ҳам ўқувликкина.— Бобом бўш келмади.— Хизматингизни қилиб юради, опоч!

Отин ойи менга яқин келиб, елкамга енгилгина қоқиб қўйди, бошимни силади:

— Ақлли бола эканлар! — деди ва меҳр томиб турган мулойим оҳангда сўради: — Ўқийсизми, йигитча?

Отин ойининг мени «йигитча» деб улуғлашидан ва сизсираб сўзлашидан эриб кетиб:

— Ўқийман! — деб дадил жавоб бердим.

Бобом Отин ойига раҳматлар айтиб, мени гулзор ҳовлида қолдириб кетди.

Отин ойи мени қўлимдан етаклаб, айвонга олиб чиқди ва қизлар рўпарасига, ўз ёнига ўтқазиб қўйиб, сабоғини давом эттирди:

— Нодирабегим вафоли ёр, меҳрибон она, элпарвар улуғ инсон бўлганлар...

Мен Отин ойи суҳбатларидан албатта, ҳеч нарса англамадим, гулзорга тушиб қолган полапондай анграйиб ўтиравердим. Лекин унинг хушмуомаласи, ширин сўзлиги, бутун юриш-туриши талаба қизлар каби, мени ҳам тез орада мафтун қилди.

Бобом мени Отин ойига ташлаб кетган биринчи куни⁷ ёқ тушдан кейин қизлар уйларига тарқалишгач, муаллимам мен билан алоҳида машғулот ўтказди, менга савағич қалам ушлашни, уни тахта устида юргизишни ўргатди, ювиниш, кийиниш, салом бериш ва ахлоқ-одобнинг шу каби ибтидий қоидаларидан сабоқ берди. Кейин у қайин ойи ва қайин отаси ишдан келадиган вақт яқинлашаётгани, эри Мавлон ҳам йўлга чиққан бўлишини айтиб, рўзғор ишлари билан шуғулланди: нон учун хамир қорди, манти учун гўшт қиймалади, айвонни йиғиштириб, хонтахта устига янги дастурхон ёзди.

Мен Отин ойига кўмаклашиб, дастёрчилик қилиб, пилдираб юрар эканман, унинг ич-ичидан қувониб иш қилишини, юрагида офтоб чарақлагандай яшнашини кузатар, аллақандай майин сеҳрли қўшиғини тинглаб завқланар эдим.

Ўша куни кечга яқин биринчи бўлиб Қумри опа ҳовлига кириб келди. Ҳовли этагида тандирга саржин қалаётган Отин ойи дарҳол қайнонасининг истиқболига чопиб борди-да, унинг қўлидаги тугунини олди ва:

— Ассалому алайкум, ойижон, ишлаб чарчамадингизми? — деб у билан қучоқлашиб, ўпишиб кўришди.

Кейин қайнона-келин айвонда бирга нон ясадилар, манти тугдилар.

Шомга яқин, тандирдан қайноқ жиззали нон узилаётганда кўчада арава тарақ-туруқи эшитилди, от кишнади.

Қайнона келганини пайқаган Отин ойи эшик тавақаларини кенг очиб, қашқа саманнинг жиловидан стаклаб кираётган тажанг аравакашга йўл берар экан, унга ҳам саломини қанда қилмай, ҳол-аҳвол сўради. Кун бўйи ишлаб, ўлгудай чарчаган кўмирчи келинининг илтифотидан эриб, жаҳлидан тушди ва беихтиёр жилмайиб:

— Кўп яшанг! — деб қўйди.

Ана энди ҳикоямизнинг қаҳрамонига келайлик.

Мен Мавлонни маҳалламиз гузарида йигитлар орасида, Форобий боғидаги сайилларда, айниқса дор тикиладиган, кураш бўлиб турадиган майдонда кўп кўрганман. Бобом мени сайилгоҳларга тез-тез олиб борар, отасиз етим ўсаётганлигим учунми, ҳар қалай доим кўнглимни кўтариб юрар эди.

Форобий боғидаги бир кураш ҳамон эсимда. Қанчадан-қанча полвонлар йиқилиб бўлгач, майдонда Асқар полвон ёлғиз голиб бўлиб қолди. Йигитлар орасидан

унга тарафкаш чиқмади, чиқиши ҳам амримаҳол эди!
Ана шундай қалтис бир пайтда майдон ўртасида турган жўрабошининг:

— Ҳой, азаматлар, Асқар полвонга тарафкаш борми? — деган саволига бир түп йигитлар орасидан:

— Бор! Мана биз! — деган овоз янгради.

Бу — Мавлон эди!

Бўйи икки ярим газ, вазни ҳам икки юз қадоққа яқин, қўтос елка, хинча бел бу йигит ўртага тушгач, жўрабоши икки полвонни бел олиштириб қўйди.

Гапнинг сираси шуки, Мавлоннинг Асқар полвонга бас келишига аввал ҳеч ким ишонмади. Аммо полвонлар майдонда ярим соатча елка тирашиб, бел тортишиб юргач, кутилмаган тасодиф юз берди: бизнинг Мавлон Асқар полвоннинг йўғон оёқларини ердан узиб, анча баланд кутаргач, елкаси билан гурсиллатиб йиқитди...

Мен албатта, Мавлоннинг зўрлигига қўйилман, аммо Отин ойидек нозик, ҳусну латофатда ягона, феълу атворда мумтоз қизнинг бу деви ахраманни дил-дилидан севиб турмушга чиққанига ҳайронман.

Чунончи, ўша оқшом Отин ойи мантини сузиб келди-да, лаганни қайин отаси билан қайин онасининг олдига қўйди, мени ҳам улар ёнига таклиф қилди, аммо ўзи овқатланмай, ўчоқбошида юмуш билан машғул бўлди ва Қумри опанинг бирга овқатланиш ҳақидаги таклифини:

— Ўғлингиз келсинлар...— деб рад этди.

...Мен Отин ойининг мактабига бир йил қатнадим. Келгуси йил Форобий боғида бошланғич мактаб ташкил қилиниб, бу ердаги қизлар ўша ерга кўчирилди. Менинг ҳам ёшим еттига тўлиб, биринчи синфга қабул қилиндим. Отин ойи ҳам янги мактабда муаллима бўлиб ишлай бошлади.

Лекин мен бошқа нарсани: Отин ойи билан Мавлон ҳаётини ўйлар, ўқишдан бўш вақтларимда улар хонадонида дастёрчилик қилиб юриб, ҳар икковини зимдан кузатардим.

Кунлардан бир кун шундай воқеанинг гувоҳи бўлдим.

Айвон пешида Мавлон хуноб бўлиб утирарди. Ҳорғинлик, уйқусизликдан кўзлари киртайиб, аламдан юзи қорайиб, овози борича бақирарди:

— Бас! Энди бу ишни йиғиштираман! Ҳаммаси жонимга тегди! Қиши билан қилган ишим чиппакка чиқди! Тўғонни сув ўпириб кетди. Бормайман! Энди у ерни елкамининг чуқури кўрсин!..

Отин ойи эрининг шикоятини индамайгина эшитди, кейин шонмасдангина суриштириб, атроф қишлоқлардаги деҳқонлар чекларига тушган неча минг арава тош-шағал, шох-шаббаларни ташиб бермаганларини, натижада туғон омонат қурилганини билиб олди-да, эрининг ёнига тиз чуқиб, унинг бош-елкаларини аста силаркан, маслаҳат берди:

— Жуда чарчабсиз, жоним, сизга қийин... Лекин бу ишни тузатиш мумкин. Сиз аввало жамоа Шўроларига йўлиқинг, ҳашар ташкил қилинг. Ахир, сув ҳаммага керак-ку! Ҳеч бир деҳқон бу ишдан четда турмасин, улушини қўшсин!

Хотинининг маслаҳати Мавлонга маъқул тушди шекилли, чеҳраси ёришиб, бир оз ўйланиб тургач:

— Дарвоқе, сўзингда жон бор! — деди-да, меҳрибонини бағрига босиб эркалади, чиройли кўзларидан ўпди, кейин отини эгарлаб, Чирчиқ бўйларига йўл олди.

У шу кетганча бир ой кетди. Дастлабки кунларда мактабдаги дарслари, уй-рузғор ишлари билан банд бўлиб, ўзини овутиб юрган Отин ойи ой яқинлашгач, бегоҳат бўла бошлади. Ниҳоят, у анчагина патир, сомса ёпиб, бўғирсоқ қовуриб, қайин отасини Мавлон ишлаб турган ерга бориб келишга кўндирди.

Орадан бир ойдан кўпроқ вақт ўтгач, анча озиб-тўзиб қорайган, лекин кайфи чоғ Мавлон ҳовлисига отилиб кирди-да, гулзор чеккасида мошхўрдага райҳон баргларини териб ўтирган Отин ойининг ёнига келасолиб, уни даст кўтариб бағрига босди:

— Отиним! Олтиним! Оқилам!..

Кейин у хотинига Чирчиқ қишлоқлари деҳқонларининг ҳашари ташкил қилинганини, бунга жамоа Шўролари бош бўлганини, бузилган туғон қайта тикланганини, сув тақсимооти тўла йўлга қўйилганини сўзлаб берди.

* * *

Вақт — елдим. «Ҳа-ҳу» дегунча орадан олтмиш йил ўтди.

Мен Отин ойи ва унинг эри Мавлон билан охириги марта урушдан олдин кўришганман. Мен уларни гоҳ-гоҳ ўйлаб қўйсам ҳам, зилзиладан кейин тамом ўзгариб кетган шаҳарнинг қайси маҳалласида, янги уйларнинг қайси бирида яшаб турганликларини билмайман. Бинобарин, кишининг ёши улғайган сари, иши, ташвиши

ҳам кўпаяди, ҳатто эски қадрдонлар билан кўришишга вақт тополмайди...

Шу кунларда В. И. Ленин номидаги Халқлар дўстлиги саройида тантанали мажлис бўлди. Мен залда, тахминан еттинчи қаторда ўтирар эканман, ўнг ёнимдаги икки киши: соч-соқоли қордай опшоқ, қора костюмининг кўкраклари орден-медалларга тўла қария ва унинг ёнидаги кекса аёл: кумушранг сочиши чиройли тараган, кулранг шерстдан европача башанг кўйлак кийган, чап кўкрагида Олтин юлдуз ярақлаб турган нуроний аёл менга қараб-қараб қўйишар, мен ҳам улардан кўзимни узолмас эдим.

Шунда мен Қаҳрамон онахондан аста сўрадим:

— Опажон, сиз бизнинг олтмиш йил аввалги Отин оймиз Меҳрибон ая эмасмисиз?

— Худди шундай!— Отин ойи мамнун жилмайди.— Сиз менинг олти яшар шўх талабам?

— Отамиз... маҳалламиз полвони... Мавлон ака бўлсалар ажаб эмас?— Мен яна сўрадим.

— Худди ўзлари!— Мавлон ака муғамбирона кулиб, мен билан қўл бериб кўришди.

Шу пайт залда музика янграб, саҳнанинг гулдор бахмал пардаси очила бошлади.

Бошимда бир фикр чақнади: «Эр шавкати хотиндан!»

«Хотин ҳусни эрдан», деган мақолнинг ёнига олтин ҳарфлар билан ёзилса арзийдиган ҳикмат бу.

ШИФОКОР

Мана, ноябрнинг хомуш кунлари ҳам бошланди. Қўрғошиндай вазмин сурмаранг булутлар кўкни қоплаб, билинар-билинемас сузади: бир нафас йилт этган ранглар қуёш лойқа сувга чуқкан тангадай булутлар қаърига кириб кетади: дарахтларнинг чала тукилган қизғиш баргларидаги ялтироқ йўқолади. Тунда ёғиб ўтган ёмғирдан чанглар босилган, қишлоқ марказини кесиб ўтган йўлнинг асфальти ҳўл: онда-сонда машина шиналари касалхона қоровули Мадёр чолнинг калишларидай шипиллаб ўтади.

Айниқса, ҳашарчилар шаҳарга қайтиб кетгандан кейин далалар бўшаб қолди, йўлларда қатнов камайди, бу жимлик, кимсасизлик Қорасув бўйидаги қишлоқ касалхонасига ҳам нуқсини урди: беш-олтита доимий беморлар ҳисобга олинмаса, бошқа ҳеч ким ёрдам сўраб

келмай қўйди. Шунга қарамай врачлар, ҳамширалар, санитарлар ўз вақтида ишга келадилар, павбатчилар жадвали қатъий амалда. «Тез ёрдам»нинг қизил бел-боғлиқ «Волга-пикап» оқ машинаси дарвоза тагида шай туради.

Касалхона хирургси Зиё Шокирович ҳар кунги одати бўйича, иш вақтидан ярим соат илгари, яъни эрталаб соат саккиз яримда касалхона этагидаги, Қорасув бўйидаги теракзордан салмоқлаб юриб чиқиб келди, касалхонанинг байрамга оқартирилган, оҳак ҳиди гуркираб турган девори тагини қоплаган қалин новвотранг барглари гиламини босиб ўтди ва ҳаворанг дарвозага яқинлашаркан, супададаги пўстакда мудраб ўтирган Мадёр чол қаршисида тўхтади.

— Ҳа, ота, тинчликми?

— Тинчлик,— деди чол уйқу босган кўзларини катта очиб.— Сизни Мирзаолим йўқлаб келди. Яна келаман, деди.

— Қайси Мирзаолим?

— Ўзимизнинг Мирзаолим-да... Ёзувчимиз бор-ку?

— Ҳа... Келса айтинг, кабинетимда кутаман.

— Хўп, айтаман.

Зиё Шокирович дарвозанинг қия очик тавақасидан касалхона ҳовлисиغا кирар экан, бундан роппа-роса йигирма беш йил аввал, худди ҳозиргидай кеч куз паллада Мирзаолим билан биринчи учрашувини эслади.

У вақт иккови ҳам йигирма уч-йигирма тўртга кирган ёш йигитлар эди. Зиё Тошкент Медицина институтини тамомлаб, Андижон областининг Жалолобод яқинидаги шу қишлоқ касалхонасига юборилган, билими бўлса ҳам, тажрибаси йўқ, анчагина гўр хирург эди. Мирзаолим бўлса, уруш тугагач, армия хизматидан бўшаб келган сержант: чап оёғи сал оқсар, аммо ҳассага таянмай, келишган қадди-қоматини роз кўтариб юрар эди. Ўша вақтда Мирзаолим ҳақида ҳар хил миш-мишлар эшитилиб турарди. Улардан бири, ҳақиқатга яқинроғи шу эдики, Мирзаолим фронтдалиқ вақтида олдинги маррадаги окопларга Ўзбекистондан совға-саломлар келади. Мирзаолимнинг улушига теккан посилка ичидан бодом, хандон писта, майиз, гул тикилган дастурмол ва бир шеърый мактуб чиқади. Қорасувлик Сапобар исмли қиз номаълум жангчига сиҳат-саломатлик, ғалаба тилайди ва урушдан кейин албатта, кўришишга орзуманд эканини баён қилади. Ёшлиқ романтикаси юрагини ўртаган, гойибона муҳаббатга дарҳол асир бў-

ла қолган довюрак сержант, бунинг устига таъби назми ўткир Мирзаолим ўлжасини қўлдан чиқариб юбораётган овчидай тоқатсизланади ва Санобарга ўша куниеқ шеърий жавоб йўллайди. Шу тариқа, ораларида ёзишув бошланади. Табиийки, кунлар, ойлар ўтган сари қалбларисидаги олов кучая боради. Бироқ урушнинг охириги йилида Мирзаолимнинг мактублари жавобсиз қолади. Шунга қарамай, йигит умидини узмайди, урушдан кейин ўзининг Тошкент яқинидаги Қорасувига бирров қўнади-ю, Андижоннинг Қорасуви томон парвоз қилади. Аммо қизни топа олмайди: Санобар турмушга чиқиб, эри билан аллақаяёққа кўчиб кетган экан...

Зиё Шокирович кабинетига кирмади, сокин гулзор бўйидаги скамейкага ўтириб, Мирзаолимнинг кейинги ҳаётига боғлиқ воқеаларни ўйлаб кетди.

Мирзаолим ўша кунлари шу қишлоқлик Мамасоли деган уруш инвалиди билан танишиб, ўшанинг уйига ўрнашди ва район газетаси редакциясига ишга кириб, Қорасувда муқим қолиб кетди. Агар ўша кунлари Мирзаолим касалхонага — Зиё Шокировичнинг ҳузурига келмаганда, эҳтимол, Зиё Шокирович унинг тақдири билан бу қадар қизиқмаган ва Мадёр чолнинг «Сизни Мирзаолим йўқлаб келди» деган сўзлари чорак аср илгари ўтган воқеаларни ҳаёлида бу қадар жонлантормаган бўлар эди...

Ҳа, Мирзаолим ўшанда ҳам Зиё Шокировични йўқлаб келган ва унинг олдида қизиқ бир масалани қўйган эди.

— Ўртоқ жарроҳ,— деган эди Мирзаолим ювила бериб анча оқарган, уч-тўрт ерига ямоқ тушган сержантлик либосида ғоз турганча.— Ҳунарингизни бир кўрсатасиз энди?

— Ҳўш? — Зиё Шокирович уйқусизликдан кўзлари киртайган, озғин, новчагина журналистга бошдан-оёқ разм солиб жилмайди.— Қани, ўтиринг, хизмат?

— Хизмат шуки,— деди Мирзаолим ҳамон тик турганча,— мен ўзим соппа-соғман. Аммо дўстим Мамасоли инвалид, кўргандирсиз, чап қўли йўқ. Хизмат шуки, менинг чап қўлимни олиб, унинг елкасига улайсиз.

Зиё Шокирович Мирзаолимнинг бу таклифини аввал ҳазилга йўйди, бироқ унинг кўзларидаги жиддийлик, сўзларидаги қатъият хирургни ўйлатиб қўйди.

— Бу мумкин эмас,— деди у суҳбатга хотима чекиш учун.— Ҳали медицина бунақа операцияни тажриба қилиб кўргани йўқ.

— Сиз қилиб кўринг.— Мирзаолим ҳамон осойишта гапирарди.— Мамасоли билан бўйимиз ҳам, қўлимиз ҳам баробар. Менинг чап қўлимни елкамдан узиб олиб, унинг чап елкасига улайсиз. Эт битиб кетадиган нарсаси, ўртоқ жарроҳ! Яна шуни ҳам ҳисобга олингки, мен бир қўл билан ишлайвераман. Мамасолига бўлса, иккита қўл керак: у ер ҳайдайди, чигит экади, кетмон чопадди.

— Тушунаман.— Зиё Шокирович ёрдам беришга ожизлигидан бўлса керак, бўғилиб гапирди.— Лекин буни қўлимдан келмайди.

— Қўлингиздан келади,— Мирзаолимнинг кўзларида умид нури ҳамон сўнмас эди.— Бир одамнинг қовурғасидан жағ ясабсиз деб эшитдим. Бунинг олдида қўлни алмаштириш нима деган гап! Бир уриниб кўрмайсизми, ўртоқ жарроҳ!

— Мумкин эмас. Эплай олмайман. Жиноят бўлади! Гап тамом!

— Ҳай, нима ҳам дердик...— Мирзаолимнинг кўзларидаги умид нури сўнди, унинг роздай тик қомати беихтиёр эгилди-да, хонадан бир аҳволда чиқиб кетди...

Мана, орадан чорак аср ўтди. Шу йиллар ичида Зиё Шокирович юзлаб операциялар қилди: кўр ичакларни қирқиб ташлади, томоқдаги муртак безларини ёрди, жағларни, томоқларни, ичакларни операция қилди, қўл-оёқ синиқларини улади, анчагина инвалидларнинг кесилган қўл, оёқлари ўрнига сунъий қўл, оёқ-протезлар ясашда ҳам қатнашди. Энди у ёши элликка кирган, тажрибали, ҳурматли врач, медицина фанлари кандидати Зиё Шокирович Шокиров... Бу вақт ичида у Тошкент, Москва, Ленинград, Киев клиникаларида тажриба ўтказди, академик Вишневский клиникасида юрак операцияларида қатнашди... Аммо Мирзаолим таклиф қилган операция — бир одамнинг қўлини иккинчи одамга кўчириш ҳануз амалга ошгани йўқ...

Сурмаранг булутлар орасидан қуёш кўринди. Гулзор чарақлаб кетди. Бу йил сўнгги марта очилган оқ, қизил, новвотранг атиргулларнинг нам япроқлари, гунчалари порлади. Гултожихўрозларнинг шапалоқ-шапалоқ вазмин тўқ қизил тожлари ярақлади. Райҳонлар ҳиди димоққа ўткирроқ урилди.

Зиё Шокирович плаши тугмаларини ечиб, ўрнидан турди. Қизғиш-бинафшаранг ошрайҳон шохини узиб, туйгунча ҳидлади ва ҳамон Мирзаолимни, унинг бугун

эрталаб келиш сабабини уйлаб, касалхона зинасидан аста кўтарилди.

Қишлоқ касалхонаси Қорасув бўйидаги каттагина боғ ўртасига қурилган икки қаватли янги бино бўлиб, медицина жиҳозлари билан таъминланган, газ билан иситилган, озода ва кўркем эди.

Зиё Шокирович ёруғ ойнаванд йўлакдаги вешалкага плаш, шляпасини илди-да, шу ерда ўралашиб юрган оқ халатли ҳамширалар, санитарлар билан саломлашиб, яшил пойандоз тўшалган зинадан иккинчи қаватга — хирургия бўлимига кўтарилди.

Кабинетда навбатчи врач Донохон ёзув столи ёнида ўтирар, палаталарда ётган беморларнинг «Касаллик тарихи»ларини тўлдириш билан машғул эди.

— Ҳали ҳам кетмадингизми? — сўради Зиё Шокирович хона бурчагидаги вешалкадан халатини олиб кийар экан.

— Сизни кутиб ўтирувдим.— Донохон Зиё Шокировичнинг ҳурмати учун ўрнидан турди.— Иккинчи палатадаги бемор Сиддиқов оғирлашиб қолди.

— Хўш? — Зиё Шокирович Донохоннинг ҳорғин чеҳрасига синчков тикилди.

— Иссиғи кўтарилди, 38,9.— Донохон Сиддиқовнинг «Касаллик тарихи»ни Зиё Шокировичга берди,— нафас олиши оғир. Юраги бежо. Иккинчи буйраги ҳам ишдан чиққан.

— Таклифларингиз? — Зиё Шокирович кўзойнагини тақиб, «Касаллик тарихи»ни ўқир экан, пешонаси тиршиб сўради.

— Операция қилишдан бошқа илож йўқ. Янги буйрак қўйиш керак.— Донохон қатъий қарорини билдирди.

— Тўғрику-я...— Зиё Шокировичнинг миясида Мирзаолимнинг бугун эрталаб келишига боғлиқ фавқулодда бир фикр чақнади.— Сиддиқов... Мамасоли...— «Бу ўша Мамасоли, Мирзаолимнинг дўсти Мамасоли эмасмикан?.. Нега мен бу фикрни илгарироқ уйлаб кўрмадим?» — Донохон, сиз бориб дам олинг. Тушликдан кейин бир келиб-кетинг. Маъқулми?

— Маъқул, Зиё Шокирович.

Донохон кетгандан кейин Зиё Шокирович стол ёнидаги юмшоқ креслога ўтириб, Сиддиқовнинг «Касаллик тарихи»ни бир бошдан синчиклаб ўқиб чиқди. Икки ҳафтадан бери касалхонада ётган, аҳволи кундан кунга оғирлашаётган Мамасоли Сиддиқовнинг ўша Мама-

соли эканига, Мирзаолимнинг бугун эрталаб келиши ҳам шу беморга боғлиқ эканига Зиё Шокировичда энди шакл-шубҳа қолмади. Шундай бўлса ҳам, у то Мирзаолим желгунча, беморни яна бир марта кўришга, унинг аҳволини енгиллатиш учун бирорта чора ўйлаб топишга қатъий қарор қилиб, кабинетидан чиқди...

Икки койкалик муъжазгина палатада Мамасоли бир ўзи шифтга тикилганча ўй суриб ётар эди. Зиё Шокирович у билан бош ирғаб кўришди-да, койка ёнидаги стулга ўтирди. Бу бемор элликларга борган, сийрак оппоқ соч қоплаган боши катта, серажин пешонаси кенг, чуқур ботган, йирик қуралай кўзлари ўйчан, оқ-қора гуқ қоплаган кенг юзи ғайри оддий қорайиб кетган, чап қўли елкасидан қирқилган ва касал енгиб қўйганига қарамай, бардоши қаттиқлиги шундоқ билиниб турган, суякларин йўғон бир киши эди.

Зиё Шокирович унинг ўнг қўлини қўлига олиб, томир уришини санади, кейин тер босган қайноқ кўкрагини очиб, юрагини эшитди. Чиндан ҳам, юрак уриши бежо, иссиғи ҳам анча баланд эди.

— Кимларингиз бор? — сўради Зиё Шокирович, оғир касалларга одатда берадиган саволини такрорлаб.

— Ота-онам, хотиним, олти болам, ўн неварам...

— Пири-бадавлат экансиз,— деди Зиё Шокирович беморнинг қорни, биқинларига бармоқ ботириб текширар экан.— Мирзаолим кимингиз бўлади?

— Дўстим. Куёвим.

— Куёвингиз?

— Ҳа, синглимнинг эри. Унинг ҳам олти боласи бор. Катта ўғлини шу йил уйлантирмоқчи.

— Шунақа денг?

— Ҳа. Мирзаолим барака топсин. Болаларимдан ўша хабар олиб турибди.

— Ҳалиги... район газетамизнинг редактори Мирзаолим-да?

— Ҳа, ўша.

— Жуда соз.— Зиё Шокирович уридан турди.— Мамасоли ака, касалингиз анча оғир. Аммо иложини қиламиз.

— Барака топинг! — Мамасолининг кўзлари ғилтиллади.— Болаларнинг бахтига яна бир оз яшамасам бўлмайди. Қичигим энди бешга кирди...

— Яшайсиз, Мамасоли ака, яшайсиз.— Зиё Шокирович деразани баралла очиб юборди. Салқин шабада хонага гул, райҳонлар ҳидини олиб кирди.— Ҳавонинг

яхшилигини қаранг-а! — деди Зиё Шокирович яна беморнинг ёнига келиб ўтираркан.— Сизга бир маслаҳат, Мамасоли ака... Операция қилсак, нима дейсиз?...

— Нима дердим... Қўлингизга тушдим,— Мамасолининг мийиғида истеҳзоли жилмайиш кўринди,— бу ёғи энди сизга боғлиқ.

— Сабр-бардошингиз етса бас.

— Э, бардошни бировдан қарз олмаймиз.

— Яшанг!

Эшик қия очилиб, оқ халатдаги Донохоннинг чиройли боши кўринди.

— Э, ҳали ҳам кетмадингизми?— Зиё Шокирович койиган бўлди.— Нима гап, тинчликми?

— Сизни бир одам кутиб турибди.

Зиё Шокирович ўзини кутиб турган Мирзаолим эканини тахмин қилиб, палатадан чиқди.

Чиндан ҳам йўлакда уни Мирзаолим кутиб турар эди.

Зиё Шокирович вақт одамни тез ўзгартириб юборишини билса ҳам, лекин бу қадар тез ва таниб бўлмас даражада ўзгартириб юборишидан лол қолди. Бу — қишлоқда машҳур Мирзаолим — район газетасининг редактори, ҳамқишлоқлар тили билан айтганда: «ёзувчи». Унинг очерк, мақолалари область, республика газеталарида ҳам босилиб туради, радиода эшиттирилади. Бугина эмас. Район Советининг депутати Мирзаолимни ҳамма севади: унинг аралашмаган иши, кўмаклашмаган кишиси йўқ. Соч-соқолини доим устарада тоза қирдириб юрадиган, оддийгина кийинадиган, фақат, янги чуст дупписигина ҳамиша ярқираб турадиган бу — елкалари кенг, боши катта, қўл-оёқлари узун кишини Зиё Шокирович гузарда йиғинларда, тўйларда, район идораларида тез-тез учратиб туради. Аммо шу Мирзаолим аканинг бундан йигирма беш йил муқаддам дўстига қўлини совға қилмоқчи бўлган озғин, новча, ўйчан сержант йигит эканини Зиё Шокирович аллақачон унутиб юборган эди...

— Келинг, Мирзаолим ака! — Зиё Шокирович унинг қўлини олиб илиқ кўришди.— Қаёқдан кун чиқди?

— Сиз томондан-да, ўртоқ жарроҳ! — Мирзаолим кабинетга ишора қилди.— Кирайликми?

— Юринг.

Улар кабинетга кириб, юмшоқ креслоларга юзма-юз ўтирдилар.

— Дўстимнинг аҳволи қалай? — Мирзаолим ташвишланиб сўради.

— Оғир,— Зиё Шокирович ҳаяжонини босиш учун бўлса керак, бармоқларини чалиштириб, бир-бирига қаттиқ босди, креслога суяниб, Мирзаолимга синчков тикилди.— Буйраклари ишдан чиққан.

— Хабарим бор,— деди Мирзаолим ва костюмининг чўнтагидан буклоғлиқ журнал чиқариб варақлади.— Яхши мақола босилибди. Бир кишининг икки буйраги ишдан чиққан, иккинчи кишининг эса, иккала буйраги соғ экан. Операция қилишибди. Одам битта буйрак билан яшаса ҳам булар экан-а, ўртоқ жарроҳ?

— Ҳа, бўлади.— Зиё Шокирович Мирзаолимнинг сўзини тасдиқлаш билан ўз зиммасига жуда катта масъулият олаётганини сизди. Бироқ Мирзаолим шундай кишилар тонфасидан эдики, уларнинг сўзи, қарори, иродаси олдида бардош бериш, кўнмаслик, жавобгарликни чуқур ҳис қилмаслик амримаҳол.

— Шу масалада келдим, ўртоқ жарроҳ.— Мирзаолим, худди гап газетанинг навбатдаги сонига мақола ёзиш ҳақида кетаётгандай, бамайлихотир, босиқ сўзларди.— Дўстимнинг иккала буйраги ишдан чиққан. Менинг иккала буйрагим соғ. Операцияга у ҳам рози, мен ҳам розиман. Нима дейсиз?

— Медицинада бу хил операция тажриба қилиб кўрилган.— Зиё Шокирович иқрор бўлди.— Бу хил операцияларни мен ҳам кўп марта кузатганман. Аммо шахсан ўзим қилиб кўрганим йўқ.

— Қилиб кўринг! — Мирзаолим бўш келмади.— Шартларингизнинг ҳаммасига розимиз.

— Шартларим? — Зиё Шокирович мийиғида кулди.— Аввало, сиз дарҳол палатага ётишингиз керак. Анализларни бошлаймиз. Кейин... балки, шунақа операциялар ўтказилган клиникаларининг биридан тажрибали хирург чақирармиз.

— Балли! — Мирзаолим ўрнидан турди.— Рухсат этсангиз ҳозир ётсам.

Зиё Шокирович Донохонни чақириб, янги «бемор»ни қабул қилиб олишни ва Мамасоли ётган палатадаги бўш койкага ётқизишни буюрди. Донохон кабинетдан Мирзаолимни бошлаб чиқиб кетганидан кейин эса, қилиб қўйган ишидан, зиммасига олган жавобгарликдан ўта ҳаяжонланиб, кабинетда уёқдан-буёққа бетоқат юра бошлади...

Орадан икки ҳафта ўтди. Анализлар олиниб, лабораторияларда текширилаётган кунларда Зиё Шокирович Мамасоли билан Мирзаолим ётган палатага тез-тез ки-

риб турди, беморлар билан жўп марта суҳбатлашди. Мамасолининг аҳволи соат сайин оғирлашиб бораётган бўлса ҳам, руҳи аввалгига, ёлғиз ётган кунларига қараганда анча тетик эди, эҳтимол дўсти билан биргалиги, кутилаётган операциядан умиди унда шундай ўзгариш ясагандир. Бунинг устига, беморларни кўришга одамлар кўпроқ кела бошлашди. Айниқса, Мамасолининг хотини Қумрихон, Мирзаолимнинг хотини, яъни Мамасолининг синглиси Меҳриниса, ёр-дўст, қариндош-уруғлар тез-тез келиб туришар, Мирзаолим бўлса, дераза тагига ёзув столи қўйиб олиб редакция ишларини ҳам шу ерда бажарар эди.

Ниҳоят, анализлар кутилган натижаларни берди. Иккала беморнинг қон таркиби бир хил чиққани ва бошқа яна бир қанча ижобий натижалар операция қилиш йўлидаги барча моненьликларни бартараф этган эди. Бу орада Ленинграддан, Зиё Шокировичнинг домласи профессор Боголюбовдан ҳам у ёзган мактубга жавоб келди. Иван Андреевич Зиё Шокировични бу хайрли ишда рағбатлантирган ва байрам ўтиши билан, яъни ноябрнинг ўнинчиларида учиб келишини хабар қилган эди. Бу хушхабар Мамасолини тагин ҳам руҳлантириб юборди.

Иван Андреевич сўзининг устидан чиқди. Зиё Шокирович ўн иккинчи ноябрда ундан телеграмма олиб, домласини кутиб олиш учун шаҳарга жўнаб кетди.

Ўша куни Мирзаолим билан Мамасоли палатада ёлғиз қолишди.

— Мирзаолим,— деди Мамасоли палатанинг шимта-тир ҳаворанг шифтига тикилиб ётар экан.— Мен ўлиб кетсам, болаларимга сен қарар эдинг. Иккаламиз ўлиб кетсак, уларнинг аҳволи нима кечади?

— Тушингни сувга айт! — деди, ёзув столига тир-сакларини тираб, китоб ўқиб ўтирган Мирзаолим.— Уладиган аҳмоқ йўқ. Мана айтди дерсан, иккаламиз ҳам соғ қоламиз. Сен тузалиб кетасан, кўнглим далолат бериб турибди.

— Ажойиб одамсан-да, Мирзаолим!

— Сен-чи? — Мирзаолим дўстининг ёнига келиб, курсига ўтирди, унинг сийрак оқ сочларини силади.— Урушда бир марта омон қолганмиз. Бу ёнига бўш келиб бўпмиз!

— Ҳа, бўш келмаймиз! — Мамасолининг кўзларида умид нурлари йилтиллади.— Аммо сенга қойилман!

— Мен ҳам сенга қойилман, Мамасоли, тоғдай тоқатинг, отининг калласидай юрагингга қойилман!

* * *

Орадан бир ой ўтди.

Икки дўст ҳамон палатада ётишибди.

Ҳаво очиқ. Деразадан ўрикларнинг қалин қор босган вазмин шохлари порлаб кўринади. Мирзаолимнинг койкаси ёнидаги курсига қўйилган транзистордан қалбни, асабни аллалайдиган майин куй таралади. Райҳон ҳиди анқийди. Ёзув столидаги гулдондан анқийган бўлса керак.

Энди Мирзаолим ҳам ҳақиқий бемор. Унинг чап биқинини тешиб, буйрагини олганлар, ҳамон санчиб оғрийди, лекин чидаса бўлади.

Мамасолининг аҳволи уникидан оғирроқ. Унинг ҳам чап биқинини тешиб, аввал буйрагини олганлар, кейин, янги буйрак — Мирзаолимнинг буйрагини ўрнатганлар. Бироқ Мамасолининг ўнг буйраги йўқ, буткул олиб ташланган....

Энг муҳими шуки, иккови ҳам тирик қолди.

— Ана айтмадимми!— дейди Мирзаолим шифтга тикилиб ётганча.— Бўш келмадик-а!

— Профессор зўр бўлса керак...— Мамасоли ҳам шифтга тикилиб ётганча мамнун жилмаяди.— Ростдан ҳам соғ қолдикми, а?

— Ҳой, менга қара, Мамасоли, сенга ҳам аччиқ бир нарсани ҳидлатишдими?

— Ҳа... Ҳушимдан кетдим шекилли, уёғи эсимда йўқ.

— Зиё Шокирович бало экан, Донохон айтди, операцияни ўша қилибди.— Мирзаолим чап биқинининг тикилган ерини аста силаб кўрди.— Устаси фаранг экан!

— Фаранг дема, ўзимизнинг қадрдон ўрисимиз! — Мамасоли эътироз билдирди.— Болаларнинг бахтига соғ қолганимизни қара-я!

— Ҳали яна юз йил яшаймиз! — Мирзаолим операциядан кейин биринчи марта Мамасоли томонга аста ўгирилди.— Э, юзингга ҳам қон югурибди-ку!

— Тузукман. Нафас олишим ҳам енгил. Чиндан ҳам соғ қолдикми-а?

— Бу ёғи фойдага қолди, дўстим!

— Айтганинг келсин.

Зиё Шокирович палатага оёқ учида аста кириб, икки дўстнинг бамайлихотир суҳбатлашиб ётганини кўрди, яна оёқ учида аста юриб чиқиб кетди...

ҲАЙРАТ

Орадан беш йил ўтгач, машҳур адиб Наим Қосим йўлга чиқди. У яна ўзи севган Бўстон районига, шу йиллар давомида чоп этилган тўрт қиссаси: «Раис», «Директор», «Бошлиқ» ва «Бошқарувчи» номли асарларининг қаҳрамонлари ҳузурига боряпти. У аввал самолётга чиқмоқчи бўлди, бироқ хотини Сайёрахон: «Ҳаддан зиёда семириб кетдингиз, юрагингизни ёғ босган, учиш хавфли», деб огоҳлантиргач, поездга чиқа қолди.

Баҳор. Тун. Вагон купеси ойнасидан осмон тўла юлдузлар милтиллаб кўринади. Купедаги уч пассажир аллақачон уйқуга кетишган. Наим Қосим эса, ўнг ёқдаги пастки ўринда ҳаяжонини боса олмай, ҳамон уйроқ ўтирибди. Унинг ўта ҳаяжонланаётгани бежиз эмас: яна бир неча соатдан кейин, тонг отгач, Бўстон станциясида ўзини маълум китобхонлар доирасида машҳур қилган асарларининг қаҳрамонлари карнай-сурнай, ноғоралар садоси остида, чапак чалиб кутиб олишади, пионерлар гуллар тутиб, бўйнига қизил бўйинбоғ боғлайдилар... Албатта, ўша раис, директор, бошлиқ ва бошқарувчи кутувчилар олдида катта саватда бўрсилдоқ нонлар билан анвойи меваларни кўтариб турибдилар...

«О, шуҳрат, нақадар эзгу ва ширинсан! — ўйлади Наим Қосим қулочини кенг ёзиб керишаркан.— Ижод улуг нарса! Менинг тўрт қиссам тўрт ҳайкалдай, асрлар оша мангу порлаб туради!»

Наим Қосим эрталаб китобхонларига гўзал ва салябатли кўриниш учун ақалли тўрт-беш соат ухлаб олишга, барвақт туриб, соқолини тоза қиргач, башанг кийиниб, оломон қайнаб турган перронга виқор билан туришга қарор берди-да, ўрнига чўзилди.

Лекин, адибимизни хаёл қуши заррин қанотларида тобора осмон-фалакка кўтара берди. Унинг бир марта, биргина марта Бўстонга борган кунлари, у ердаги тотли учрашувлар кўз олдидан кино ленталаридай пириллаб ўта берди. Айниқса, колхоз боғида раис билан танҳо суҳбат ва зиёфат сўнгида раиснинг унинг елкасига ташлаган банорас тўни, албатта, бунга қўшимча: дўппи, чорси ва гулдор филофда асил пичоқ... Бундан ил-

ҳомланган Наим Қосим уйига келибоқ «Раис» қиссасини бошлади...

Иккинчи учрашув совхоз меҳмонхонасида директор билан бўлди. Раиснинг совғалари каби совғаларга директор адибнинг рафиқаси учун бир жўра хонатлас ҳам қўшди. Бу атласнинг пусхаси («Намозшомгул») Сайёрахонга айниқса ёқди. Шунда адибимизнинг ижодхонасига илҳом париси ташриф буюриб, у «Директор» номли қиссасини дарҳол ёза бошлади ва уч ҳафта ўтар-ўтмас, охириги нуқтани қўйишга муваффақ бўлди...

«Бошлиқ» номли учинчи қисса Бўстон район ГАИсининг бошлиғи капитан Исоқов ҳақида... Наим Қосимга биркитилган «Волга»ни Исоқов сариқ белбоғлик кук «Москвич» машинасида доим кузатиб юрди ва район раҳбарлари адибни аэропортга кузатиб чиқишганда капитан бир қоп девзира гуручни аллақачон самолётга чиқариб қўйган эди. Кейинчалик Наим Қосим бу гуручдан дамланган паловларга ўз қўлёмасини жиддий таҳрир қилган журнал ва нашриёт ходимларини бир неча марта таклиф қилди. Гарчи муҳтарам адибимиз Бўстон районида борган кунларида у ерда автомобиль авариялари тез-тез содир бўлиб турса ҳам, қаламкашни бу фактлар эмас, балки бошқа бир «муҳим ижтимоий ҳодиса» мафтун этди: Исоқов бир дўстининг хотинини шу қадар севиб қолган эдики, бу гўзал аёлни унинг севгини тушунмайдиган эридан тортиб олиб, дарҳол уйланди. «Бошлиқ» қиссасида шу «муҳаббат драмаси» нақл этилади...

Тўртинчи қисса — «Бошқарувчи»да Бўстон қурилиш трести раҳбарининг «тўлақонли образи яратилган» — биз бу жумлани асар журналда эълон қилинган чоғдаёқ мунаққид Муҳиддин Асонинг газетада босилган тақриздан кўчирдик.

«Тўлақонли образ» тимсоли бўлган қаҳрамон Раҳмат Утапов адибимизни районнинг шарқи-жанубидаги арчазор тоғ бағрида ўз трести атиги олти ой давомида қуриб битказган «Нигор» ресторанига таклиф қилди. Йўқ, бу ресторан эмас, муҳташам қаср: меҳмонхонаси, заллари, бар (майхона) ва ҳоказо ишратхоналари, мрамар ҳовузи, нақшин шийпонлари бўлган кошона!.. Наим Қосим чироқлар сирли яшнаган ложувард оқшомда тукин дастурхон ёнида озгина «ақлини пешлаб» олгандан кейин қаср боғида бошқарувчи билан бирга сайр қилиб юрар экан, ўзини гоҳ Ҳорун ар-Рашид саройида,

гоҳ Париж кафе-шантанида сездиди-да, Сайёрахони ўзи билан олиб келмаганига кўп ўқинди...

Албатта, адабимиз бошқарувчининг халқ учун зарур бўлган асосий қурилишларни бажармаганидан, чунончи Бўстон районига водопровод ҳам олиб келинмаганидан, битта ҳам ҳаммом йўқлигидан, турар-жой, мактаб, болалар боқча-ясиларининг бинолари чала қолиб кетганидан беҳабар эди. Дуруст, Наим Қосим йўллар бузилиб, кўчаларнинг тупроғи тўзиб ётганини ўз кўзи билан кўрди, бироқ: «Қиш қишлигини қилган, мапа баҳор келди, ремонт ишларига энди киришилса керак», деб ўйлади.

Хуллас, адабга бошқарувчининг меҳмоннавозлиги, ширинсуханлиги айниқса ёқди. Аэропортга кузатиб чиққанлар орасида Ўтапов ҳам бўлиб, Наим Қосим трапдан самолётга чиқаётганида: «келинойимга», деб унинг чўнтагига жажжи қутича солиб қўйди. Зумрад кўзли бу узук учун Сайёрахон эрига энг нозик табассумларидан бирини ҳадя қилди.

Албатта, ўқувчи менга: «Нечук «Бошқарувчи» қиссида узук ҳақида ҳеч нарса ёзилмаган?» — деб савол бериши мумкин. Бу саволга жавоб фақат битта: адабимиз шу қадар камтар қаламкашки, асарини арзимаган деталлар билан ачитиб-бижғитмайди!..

Шуҳрат нақадар зўр бўлмасин, чарчоғлик ундан зўрроқ: Наим Қосим беихтиёр пинакка кетиб, хуррак ота бошлади...

Поезд Бўстон станциясига жадвал бўйича эрталаб соат 8 дан 45 минут ўтганда кириб келди. Бу вақт Наим Қосим соқолини олиб, ювиниб-тараниб, башанг кийиниб олган, портфели қўлида, хуллас, тантанали кутиш маросимига ҳар жиҳатдан тап-тайёр эди. У кеча шу поездда, бешинчи вагонда йўлга чиқаётгани ҳақида райкомга телеграмма берган, демак, бу ердагилар ҳам севимли адабни тоқатсизлик билан кутишяпти.

Ниҳоят, поезд перрон ёнидаги биринчи изда тўхтади. Вагондаги пассажирлардан бир нечтаси чамадонларини кўтариб туша бошладилар. Адиб купе ойнасидан вокзал майдонига синчков тикилди: на оломон, на карнай-сурнай, ноғоралар, на гул кўтарган пионерлар кўринди. Бинобарин, қиссаларнинг қаҳрамонлари ҳам кўринмайдилар...

Поезднинг жунашига сигнал берилгач, Наим Қосим ўз китоблари тиқилган зич портфелини кўтарганча перронга тушди. Шу ерда қўлидаги бир шода калитни ўй-

наб турган паст бўйли, жиккаккина йигитча икки қадам олдинга юриб:

— Ўртоқ Қосимовмисиз? — деб сўради ва меҳмондан: «ҳм...» тасдиқини олгач, ўзини таништирди.— Мен Китобсеварлар жамияти район бўлимининг масъул секретари Салим Боқиевман. Менга райкомдан телефон қилиб, сизни кутиб олиш, район ҳаёти билан таништириш ва китобхонлар билан учрашувлар уюштириш вазифасини топширишди. Машина тайёр. Ишни «Чорвадор» совхозидан бошлаймиз.

— Аввал райкомга бориб, программа тузиб олишимиз керак.— Наим Қосим Боқиевни менсимасдангина унга бошдан-оёқ синовчан кўз ташлади.

— Бугун — районда ягона-сиёсий кун. Ҳамма банд,— деди Боқиев перрон зиналаридан оқ «Жигули» турган майдонга тушаётиб.— Телеграммангизда: «Диққатга сазсиз жойларга бораман», дебсиз, Диққатга сазовор жойларнинг биринчиси — «Чорвадор» совхози. Бу хўжалик мисолида озиқ-овқат программаси қандай бажарилаётганини кўриш мумкин. Қани, машинага чиқинг!

Наим Қосимнинг «Жигули»га чиқиб, Боқиевнинг ёнига ўтиришдан бошқа иложи қолмади.

Боқиев машинани район марказини кесиб ўтган кенг асфальт йўлда аста ҳайдаб борар экан, «Чорвадор» совхозининг тоғ бағридаги адирлар устида бундан уч йил аввал ташкил этилганини, у ерда янги фермалар қурилганини, қўл меҳнати деярли тугатилиб, асосий ишлар машиналаштирилгани, жайдари сигирлар зотли сигирлар билан алмаштирилгани ва мустаҳкам ем-хашак базаси яратилгани учун хўжалик катта фойда бера бошлаганини ҳикоя қилгач, у ердаги фермалардан бирида учрашув бўлишини айтди.

— Учрашувда ким бўлади? — елкасини қисиб сўради адиб.

— Ферма мудираси Ойимхон опа, сигир соғувчилар, бузоқбоқарлар, механизаторлар, шоферлар.— Бамайлихотир жавоб берди Боқиев.— Ҳаммалари қиссаларингизни ўқишган, сизни кутишяпти.

— Хўш, ўзингиз ўқиганмисиз менинг қиссаларимни? — қизқиб сўради Наим Қосим район китобсеварларининг раҳбаридан.

— Ўқиганман,— деди Боқиев машинага тормоз бериб, адир тагидан ўтган йўлни тўлдирган бир пода сигирлар яқинида тўхтаркан: — «Чорвадор»нинг говмуш-

лари,— фахрланиб мақтади.— Ойимхон опа буларни Рязандан ўзи олиб келган. Ҳар бири йилига тўрт минг килограммдан ошириб сут берапти. Буларни фермада соғиб бўлишган-да, энди яйловда ўтлатишади.

Наим Қосим ўз қиссалари ҳақида Боқиевнинг фикрини билмоқчи бўлиб, яна сўради:

— Ҳуш, қиссаларимни ўқиган бўлсангиз, улар ҳақида нима дейсиз? Чунончи, «Раис» қалай?

Боқиев бу саволга жавоб бериш ўрнига рўпарадаги очиқ дарвозага имо қилди:

— Ойимхон опанинг фермаси шу. Ана, сут машинаси ҳам чиқиб кетяпти. Сигирлар соғилиб, ишчиларнинг қўллари бўшаган пайтга тўғри келдик. Учрашувни бошлаймиз. Қитобхонларнинг асарларингиз ҳақидаги фикрларини йиғилишда кўпчиликдан эшитганингиз маъқул.

Боқиев «Жигули»сини йўлдан четга олиб, сут машинасига йўл бераркан:

— Шу ерда туша қолайлик,— деди меҳмонга.— Ана, қизлар қўрада тўп бўлиб кутишяпти.

Булар машинадан тушиб, ферма ичига кирдилар.

Адиб дарвозадан кириши билан ўнг томондаги қип-қизил очилган гулзор ёнида оқ халат кийган бир тўп қиз-жувонларга гап ўқтираётган баланд бўйли, барваста, хушрўй аёлни кўрди. Ферма мудираси Ойимхон шу бўлиб, атлас кўйлагини устидан кийган оқ халати, баланд пошналик ағдарма кўн битов этиги, тўс қора қалин сочини танғиб ўраган гулдор шоҳи дурраси ўзига ярашган, чин маънода соҳибжамол жувон экан.

У меҳмонларни кўриш билан сўзини қисқа қилди шекилли, қизлар тўпидан ажраб чиқиб, дарвоза томонга аста юриб кела бошлади.

Кўришдилар. Танишдилар. Ойимхон меҳмонларни ўзи бошлаб, атрофи бетон девор билан ўралган, беш гектарча келадиган кенг майдоннинг юқорисига мутаносиб қурилган сигирхона, бузоқхона, ем-хашак тайёрлайдиган цех, силос миноралари, ҳовуэлари ва бошқа биноларни, ишлаб турган турли хил машина-механизмларни кўрсатди-да, кейин меҳмонларни атрофи очиқ, кенггина бостирма тагидаги янги скамейкалар терилган, худди ёзги кинотеатрни эслатувчи, тўрида экранли сахнаси бўлган жойга олиб келди. Бу пайт ферма ходимлари: элликка яқин қиз-жувон, беш-олти эркак, икки-уч чол (қоровуллар бўлса керак) скамейкаларга ўрнашиб олган эдилар.

Бу районга илгари келганида катта эъзоз-икром

кўрган, дабдабаю айюҳанносларга ўрганган Наим Қосим вокзалдаги совуқ кутиб олишдан, Боқиевнинг бе-мақтов, оддий муносабатидан анча ранжиган эди, ҳайрият, бу ердагилар уни ўринларидан туриб, чапак чалиб кутиб олдилар.

Йиғилишни ферма мудирасининг ўзи очиб, қисқача кириш сўзида дастлабки муваффақиятларга бир дақиқагина тўхталди-ю, камчиликлар ҳақида сўзлай кетди: совхозда ем-хашак тайёрлаш плани бажарилмаяпти; фермага водопровод ҳамон етиб келмаган, натижада цистернада сув ташиляпти; электр тармоқлари муттасил ишламайди, гоҳо эса айни сигирлар соғилаётганда чи-роқ ўчиб қолади ва ҳоказо...

Илгариги хўжалик раҳбарларининг фақат муваффақиятлар ҳақида оғиз кўпиртириб гапиришига ўрганиб қолган адибга Ойимхоннинг танқид ва ўз-ўзини танқидлари унча ўтиринқирамади.

Ойимхон адиб билан учрашув йиғилишини очиқ деб эълон қилди-да, биринчи сўзни Қарима исмли бузоқбоқар қизга берди. Бу қиз бурни сал пучуқроқ бўлса ҳам, лўппи юзи сутга чайиб олингандай оппоқ, жозибали ҳусн соҳибаси эди.

— Мен меҳмонимиз Наим Қосимнинг тўрттала қис-сасини ўқиб чиққанман,— деди Қарима қўнғироқдай жарангли овозда.— Мен шундай тушунаманки, бадий асар ўқувчини ҳайратлантириши керак. Лекин мен адибнинг биронта асаридан ҳайратланганим, яъни унда биронта янгиликни, ибратли қаҳрамонни ёки намуна олса бўладиган ишни, воқеани кўрганим йўқ. Адиб тасвирлаган раис, директор, бошлиқ ва бошқарувчининг меҳмондўст-ликдан бошқа ҳеч қандай фазилатлари йўқ. «Бошлиқ» қиссасидаги капитан Сатторовни олсак, у ўз дўстининг хотинини тортиб олади, оиласини вайрон қилади. Адиб эса, бу ахлоқий бузуқликни чин муҳаббат учун кураш деб қинғир тасвирлайди. Яна бир фикр: Наим Қосим нуқул бошлиқлар ҳақида ёзади. Улар шаънига қуруқ мақ-тов, баландпарвоз таърифлар, боғлардаги зиёфатлар, қадаҳлар, латифалар... Наҳотки, ҳаёт шундан иборат бўлса?... Адибнинг фермамизга келганидан хурсандмиз. Ишчилар турмушини кўрсинлар, қизларимиз билан суҳ-батлашсинлар, шундай қизларки, ҳар бири катта ро-манга қаҳрамон бўлишга арзийди!..

Орқа қаторда ўтирган туни эскириб, дўпписи қуёшда оқарган чол қўл кутариб сўз сўради.

— Марҳамат, Қобил ота! — деди Ойимхон қарияни минбарга таклиф қилиб.

— Одам кексайиб қолганда кўпроқ китоб ўқийди, телевизор кўради.— Қобил ота тартибсиз ўсган бароқ қошлари тагидаги жавдираб турган тийрак кўзлари билан Наим Қосимга синчков тикилди.— Ёзувчи укам, мен бекорчиликда қиссаларингизни эътибор билан ўқиб чиқдим. Ҳозир қизим Қарима ёзувчи китобхонни ҳайратлантириши керак, деб тўғри айтди. Сиз, ёзувчи укам, мени ҳайратлантирдингиз. Аввало, раисни кўкларга кўтариб, ҳайратлантирдингиз. Бирламинчи, сиз уни мақтаганда ҳайратланган бўлсам, иккиламинчи, ўша раис халқ мулкини талон-тарож қилгани учун қамалиб кетганида ҳайратландим. Сиз иккинчи қиссангизга қаҳрамон қилиб олган директор ҳам агротехникани қўпол равишда бузганлиги, алмашлаб экиш бўйича нотўғри маълумот берганлиги учун ишдан олинганида биз такрор ҳайратландик. Энди бошқарувчига келсак, унинг ҳам аллақачон миси чиқди. Бу ерда ҳайратланадиган нарсашуки, сиз ўткинчи пулдорлар, йўловчи бойваччалар машишати учун қурилган ишратхонани бахт уйи, маданият ўчоғи, деб таърифлагансиз. Хайрият, халқ назоратчилари аралашиб, ул ишратхона ёпилди-да, уни атрофидаги боғлар билан қўшиб, уруш ва меҳнат ветеранлари учун дам олиш уйи очиб берилди. Энди ГАИдаги Сатторовга келсак, у майший бузуқлиги, порахўрлиги учун аллақачон ишдан ҳайдаб юборилган. Хафа бўлмайсиз, ёзувчи укам, сўз аччиқ бўлса ҳам, очиқ бўлиши керак. Шундай ёзингки, кейинчалик ўзингиз ҳам ҳайрат бармоғини тишлаб қолманг!

Совхоз ишчилари Кариманинг ҳам, Қобил отанинг ҳам сўзларини чапаклар билан қизғин кутиб олдилар.

Шундан кейин савол-жавоблар бошланди.

Наим Қосим минбарга чиқиб, қуйидаги саволларга обдан терлаб-пишиб, бир амаллаб жавоб берди:

— Ўртоқ ёзувчи, «халқчил адабиёт», деган иборани бизга тушунтириб беринг!

— Наим ака, сиз «ҳаёт ҳақиқати» деганда нимани тушунасиз?

— Наим Қосим, адабиётда ленинча партиявийлик принципига сиз ўз ижодингизда қандай амал қиляпсиз?

— Ўртоқ Қосимов, оддий ишчилар, колхозчилар, қурувчилар ва турли касб эгалари бўлган замондошларингиз ҳақида яқин йиллар ичида ақалли кичкина бир асар ёзишингизга китобхонлар умид боғласалар бўладими?..

Албатта, бу ва бошқа саволларнинг ҳар бири, айниқса бу саволларни машҳур ёзувчига фермадаги оддий ишчилар берганлиги Наим Қосимни ҳаддан зиёда ҳайратлантирди. Айни вақтда ишчиларни бошқа бир нарса — ёзувчининг халқ ҳаётидан бу қадар узоқлашиб кетганлиги ҳайратлантирди.

Наим Қосимни ўта ҳайратлантирган яна бир нарса шу бўлдики, ферма ошхонасида ташкил қилинган зиёфат чоғида дастурхонга нон билан бирга сут, қатиқ, қаймоқ, сузма, оғиз қўйилиб, бир косадан хушбўй ширчай тортилди.

Фақат қовурма овқатлар билан аччиқ-нордон нарсаларни тановул қилишга ўрганган Наим Қосим учун сиҳат-саломатлик гарови бўлган ширин таомлар ҳақоратдай туюлди ва бурдини жийирганча бир пиёла чучук қатиқни симирди-да, эски касалдай базўр ўрнидан қўзғалди.

Ҳайратланиш ёмон одат эмас. Лекин ҳайрат ҳам икки хил бўлади. Чунончи, биз Наим Қосимнинг ўз қиссаларини оддий ишчилар ўринли танқид қилганликларидан ҳайратланганига қўшила олмаймиз. Аммо шу ишчиларнинг адиб ҳаётдан, даврдан орқада қолиб кетганидан ҳайратланганликлари, бизнингча, жуда ўринли.

Боқиев «Жигули» машинасини катта йўлда ҳайдаб кета туриб, адибга:

— Энди район марказидаги спорт мактабига бора-миз, — деди. — Ёш китобхонлар кутишяпти.

— Вокзалга ҳайданг, поездга етиб олайлик!

Сафарини биринчи куниёқ тўхтатиб, уйига қайтиб кетишга шошилган меҳмоннинг бундай жавоби мезбонни ғоятда ҳайратлантирди...

ҚАЛДИРҒОЧ

Буларни биринчи бўлимнинг учинчи бригадасига ишга тайинлашди ва бригадир далада кутиб турганини айтишди. Буларнинг турар-жой, аванс ва бошқа масалаларга доир саволларига «бригадир ҳал қилади» деган битта жавоб берилди. Булар, яъни чўлга турли ерлардан келган саккиз йигит ва бир чол қопларини орқалаб, чамадонларини кўтариб ҳовлига чиқишди. «Ҳовли» — совхоз дирекциясининг икки қаватли узун биноси олдидаги тақир майдон бўлиб, на атрофи девор билан ўралган, на ўтиришга бирорта скамейка қўйилган эди. Бишонинг янги қурилгани атрофида сочилиб ётган яримта-

юримта ғиштар, қум, оҳаж уюмларидан ҳам билиниб турибди.

Буларни станциядан совхоз посёлкасига олиб келган шофёр йигит тақир ерда танҳо тиккайган водопровод жұмрагига шланг тиқиб, юк машинасини ювяпти.

— Ҳа, иш битдим, оғалар,— сўради у шлангини қўлидан қўймай.— Қаерга борадиган бўлдингизлар?

— Биринчи бўлимнинг учинчи бригадасига.— Чол елкасидаги қопни машинага отар экан, ҳамма учун жавоб берди.— Чиқаберайликми?

— Чиқинглар.— Шофёр ғилдиракларни ҳафсала билан ювди ва шлангни йиғиштирар экан, машинага чиқиб улгурган йигитларга маъноли кўз қисиб қўйди.— Ишларинг беш — бригадирларинг (у ўнг қўлининг бошмалдоғини бурни устига кўтарди) мана бундоғ жонон!

Шофер, чолни кабинага, ўз ёнига ўтқазиб, машинани ҳайдаб кетди.

Совхоз посёлкаси, ундаги уч-тўртта икки қаватли бино, ёзлик ошхона учун қурилган серустун узун бостирма, йўл ёқасида зовур қазийётган ёлғиз экскаватор орқада қолиб кетди. Машина асфальтланган янги йўлдан ғизиллаб борар экан, шудгорланган поёнсиз даладан кўз узмай ўтирган чолдан шофёр сўради:

— Қаерликсиз, ота?

— Зоминдан.

— Бола-чақа йўқми, нега ёлғиз келдингиз?

— Бола-чақа бор, худога шукур. Кўрайлик-чи, маъқул бўлса, улар ҳам келишади.

— Элчиман денг? — Шофёр мийиғида кулди.— Кўп-лар шунақа қилишади: аввал ёлғиз келишади, кейин оилаларини опкелишади.

Чол индамади. У калта, сийрак соқолини силаб ўйлар, сал қисик қўй кўзлари шудгорда сузар, туклари тартибсиз тиккайган қошлари чимирилган эди. Очиқ ойнадан гуриллаб жираётган совуқ шамолда эти жунжикди, телпагини бостириб, малла чакмонига уралиброқ олди. Шудгор тугаб, тақир чўл бошланди. Асфальт ҳам тугади шекилли, машина шағални ғичирлатиб босиб кетди. Кўкда булут қуюқлашди, димоққа нам ҳаво урилди.

— Ёмғир ёғса керак,— шофер рул чамбарагини маҳкам ушлаганича, ҳайкалдай қотиб ўтирган чолга қараб қўйди.— Ёмғир ёғса йўл оғирлашади. Тош тўкилмаган ерга кириб қолган машина чиқолмайди. Бултур қишда

далада қолган бир трактор чўкиб кетди, кутарма кран билан базўр тортиб олдик.

— Ҳа-ҳа...— Чол иягини қашиб қўйди.— Ҳали ҳам от билан эшак иш беради денг?

— Иш беришга беради-ю... ерни нима билан ҳайдай-сиз?

— Ерни трактор билан ҳайдаймиз.— Чолнинг қисик кўзлари йилтиради.— Аммо ёгинни кутиб ўтирмаймиз-да.

— Бу гапингиз маъқул, ота.

Машина чапга, тупроқ йўлга бурилди. Икки чақиримча юрилгандан кейин ўнгда шифер томли, бир қаватли узунгина уй кўринди. Уй яқинида, белигача ерга кўмилган керосин бочкаси ёнида иккита трактор турар, ўрта бўйликкина бир қиз шу ерда ўралашиб юрарди.

Шофер машинани йўлдан буриб, уй яқинида тўхтатди ва кабинадан сакраб тушиб қиз томонга қичқирди:

— Опа, келдик! — Кейин, машинадан ерга тап-тап тушаётган йигитлардан сўради: — Қалай, бригадирларингиз тузукми?

Йигитлар индашмади. Улар қоплари, чамадонларини бир ерга уйиб, қизнинг келишини кутиб туришди.

Қиз нимдошгина телогрейка устидан гулдор шол рўмолни ўраб олган, оёғида эса ўрта пошнали ағдарма кўн этик. У аввал чолнинг олдига келиб, чиройли бошини сал эгиб таъзим қилди ва қўл бериш-бермаслигини ўйлаб бир зум иккиланиб турди-да, кейин ўнг қўлини уялибгина узатди. Аммо у йигитлар билан бирма-бир қўл бериб кўришиб чиқди ва жарангдор овозда:

— Баракка киринглар,— деб ўзи йўл бошлади.

— Менга жавобми, опа?— Шофёр аллақандай синиқ товуш билан нечукдир, ҳуркиброқ сўради.

Қиз енгини сал кўтариб соатига қаради.

— Беш ярим...— ўйланиб қолди қиз.— Сизга жавоб йўқ. Посёлкадан озиқ-овқат, ўтин олиб келинг. Сув машинага хабар қилинг, бакни тўлдириб кетсин.

— Ҳўп, опа.

Шофернинг бригадир қиз билан сўрашганда кўзларини ердан ололмаслиги, товушидаги билинар-билинемас титроқ янги келганларни таажжублантирган бўлса ҳам, улар бунинг сабабини ундан сўраб ўтиришмади.

Баракка киришди. Бўйи йигирма, эни беш метр келадиган хона бўм-бўш. Икки томонга — деворлар тагига одам оёғини чўзиб ётса бўладиган энсизгина тахта сўрилар қурилган, ўртада торгина йўл қолдирилган, юқо-

рироқ бир ерда якка ўрин йиғиб қўйилибди, ёнида чамадон турибди.

— Шу ерда турасизлар,— деди қиз, орқасидан тизилишиб кирганларга юз ўгириб,— жойлашиб олинглар, кейин суҳбатлашамиз.

Йигитлар юкларини сўрига тап-тап қўйдилару, лекин ўтирмадилар. Фақат қария сўрига чиқиб, қопига суяниб ўтириб олди. У йигитларнинг бир-бирларига зимдан қараб қўяётганларини фаҳмлади шекилли, ўртадаги ўнғайсизликни кутариб юбориш учун бир йўталиб қўйди-да:

— Қани, болаларим, ўтиринглар,— деди.

Қиз чолнинг ёнига чўккалади, йигитлар сўри четига омонатгина қўнишди.

— Омин,— чол қўлларини баланд кўтарди,— еримиздан олтин унсин, ҳар ким ўз мақсудига етсин.

— Энди яқинроқ келинглар.— Сочилиб ўтирган йигитларни қиз қўли билан имлаб чақирди.— Тортинманглар. Иш бошлашдан олдин, аввал яхшилаб танишиб олайлик.

Йигитлар давра қуриб чўккалашди.

— Менинг фамилиям Умарова, отим Қалдирғоч.— Қиз изғиринда қорайган қўлларини бир-бирига ишқаб қўйди-да, сўзида давом этди: — Оқдарёданман. Ёшим сизлардан кичик. Шундоғ бўлса ҳам, бригадирлигимни ҳурматлаб Опа дейишларингизни сўрайман. Хўш, ота, энди сиз ўзингизни танитинг.

— Боғбонман.— Чол қопига суянганича гап бошлади.— Зоминда тўрттагина боғ обод қилдим. Зокир боғбон десангиз, кўпчилик танийди. Ҳозир боғларимда ўғил-қизларим ишлашяпти. Бригадада боғ қилсангиз, мана, биз тайёр, олма, беҳи кўчатлари, ток калтакларини тахт қилиб қўйибман. Худо хоҳласа, кампирим ҳам кенжа қизим билан келишиб қолар.

— Жуда яхши!— Қалдирғоч Зокир отанинг сўзларидан руҳланиб кетди.— Юз эллик гектар еримиз бор. Юз йигирмасига пахта экамиз. Қолгани бедазор, боғ, полиз бўлади. Одамнинг қўли гул. Чўлни бир обод қилайлик!

Даврада, Қалдирғочнинг ёнида ўтирган озғингина қора қош, қора кўз йигит бригадирнинг сўз беришини кутиб ўтирмади-да:

— Биз Форишдан уч киши келдик,— деб гап бошлади, қаторидаги дўстларига ишора қилиб.— Армияда ҳам бирга хизмат қилганмиз. Яқинда қайтдик. Бизни район комсомол комитети юборди, Учаламиз ҳам ма-

шина ҳайдаймиз. Тракторчи бўлиб ишламоқчимиз. Менинг отим Искандар, фамилиям Дониёров. Буники (у семизгина пакана дўстини кўрсатди) Қаноат Шеров, анави паҳлавон Умнат Хидиров.

Бўйи бошқалардан анча баланд, гардани йўғон, сал пучуқ, девсифат йигит ўтирган ерида бир чайқалиб қўйди.

— Умнатни биз «Индамас» деймиз, гапга йўқроқ...— Искандар ҳиҳилаб кулди.— Аммо қўлга эҳтиёт бўласизлар. Эгрига дуч келса индамасдан эзиб қўя қолади.

— Чўл кенг бўлса ҳам эгрига жой йўқ.— Қалдирғоч Умнатга мамнун қараб қўйди.— Чўлга сизлар каби мардлар керак. Иккита ҳайдов тракторимиз бор. Вақт зиқ. Мана, ноябрь ҳам тугай деб қолди. Ишни уч сме-нада ташкил қиламиз, қани, бир беллашиб кўрайликчи бу чайир саҳро билан!..

Кўкда булут тагин қуюқлашдими ёки кун қисқалигиданми, ҳар қалай барак ичи қоронғилашди. Қалдирғоч ўрнидан туриб, девордаги михга осиглиқ фонарь шишасини кўтариб, гугурт чақди. Буни кўрган йигитлардан бири сумкасидан батареяли фонарь олиб ўртага қўйди. Хона бир қадар ёришди.

— Йўлда симёғочларни кўргандирсизлар? — Қалдирғоч ўрнига ўтираркан, фонарнинг ёруғ кўзига совқотган қўлларини тутди.— Шу ҳафта ичи сим тортишмоқчи. Электр бўлса, радио ҳам сайрайди, телевизор ҳам кўрамиз. Қиш кечалари узун. Зерикмаймиз.

— Опа, сиз ҳам бу баракда... биз билан турасизми? — Искандар ташвишланиб сўради.

— Нима бўпти? — Қалдирғочнинг юпқа лабларига нафис жилва қўнди.— Кемага тушганинг жони бир. Шу баракнинг кемадан фарқи нима? Поёнсиз чўл денгизда бирга суза берамиз.

— Ҳар ҳолда...— Искандар нима ҳам демоқчи эди, айтмоқчи бўлгани ичида қолди, ерга қараб лабини тишлади.

— Орамизда ёмон одам йўқ, деб умид қиламан.— Қалдирғоч овозини сал кўтарган эди, сўзлари тиниқ жангларга кетди.— Мабодо, ёмон чиққудай бўлса, Умнат полвон борлар-ку!

Индамас Умнат Қалдирғочга ғурурли боқиб кулиб қўйди.

— Ҳали бу дўстлар билан танишганимиз йўқ.— Қалдирғоч қолган йигитларга мурожаат қилди.— Қаердан бўласизлар, чўлга нима мақсадда келдингизлар?

— Мен Тошкентдан келдим.— Батареяли қўл фона-

риши ўртага қўйган митти кўзли, рангпаргина йигит ўзини танитди.— Исми Эсон, фамилиям Раҳимов. Механикман. Машина ҳайдаш, монтерлик, водопроводчилик қўлимдан келади. Ошпазликка ҳам ҳунарим бор. Гапнинг пўскаллasi — совхозга пул ишлаш учун келдим. Тўғри келса, доим қолишим мумкин.

Эсоннинг сўзларидан ўртага жимлик чўкди. Йигитлар бир-бирларига қараб олишди. Зокир ота бошини сараклатиб қўйди. Қалдирғоч шолрўмолининг учини ўйнаб ўтираркан, Эсонга қушбоқиш билан сўради:

— Қанақа шароит сизга тўғри келади?

— Ишбай.— Эсон қисқагина жавоб берди.

— Бир ҳисобда тўғри.— Шу вақтгача жим ўтирганлардан бири — бир кўзи сал ғилай, лекин истараси иссиққина хушқомат йигит унинг ёнини олди. Кейин у ўзини «полизнинг пири» Самат Салимов деб таништирди.— Масалан мен... гектаридан ўттиз тонна қовун оламан, бошқа биров ўн беш тонна. Менга икки баравар ҳақ тўланадимиз?

Даврада шу пайтгача жим ўтирган икки йигит — тошкентлик ака-ука механизатор Аҳад ва Асад Низомовлар бир-бирларининг сўзларини илиб суҳбатга аралашиб кетдилар.

— Совхоз — давлат хўжалиги. Меҳнатимизга қараб маош оламиз,— деди Аҳмад.

— Планни бажарсак, ёмон бўлмас.— Асад акасининг фикрини қувватлади.— Аммо пулни биринчи ўринга қўйиш ҳам керак эмас.

— Нимани биринчи ўринга қўйиш керак? — Эсон Асадга ўшқирди.— Тошкентда иш йўқми? Нега келдинг чўлга? Олифта гапларни йиғиштиришимиз керак. Қизил сўздан фойда йўқ.— У Қалдирғочга совуқ тикилди.— Сиз бизлардан: «Нима мақсадда келдингизлар?— деб сўрадингиз, жавоб беришга ҳаққим борми, йўқми?

— Ҳаққингиз бор,— деди Қалдирғоч ўртага тушган совуқликдан хижолат чекиб.— Ҳар бир нарсани бошида очиқ гаплашиб олган яхши. Менимча ҳам, шартингизни айтиб тўғри қилдингиз, мақсадингизни тушуниб олдик. Албатта, ҳеч ким бекорга ишламайди. Совхоз меҳнатимизга яраша ҳақ беради.

— Бизга ишбайдан бошқаси кетмайди! — Эсон шартини яна такрорлади.

— Э, болам-ей,— Зокир ота телпагини олиб, устарада қирилган йилтироқ бошини силаб қўйди.— Аввал ишни дўндир, сўнг пулдан оғиз оч.

— Қашн, далага чиқайлик,— Қалдирғоч ўрнидан турди,— гапни гаплашаверамиз.

Ташқари уйдагичалик қоронғи эмас эди. Қуёш ботиб кетган, бироқ булутли уфқ тубида унинг ҳали. йиғиштириб олмаган қизғиш этаги кўринарди. Чўлнинг чўтир бетида чалакам-чатти ўсган янтоқлар қуриб, саргайиб ётибди. Ҳайҳот, биронта дарахт кўринмайди. Йўл бўйида ҳали сим тортилмаган симёғочларгина кўзга ташланади. Аллақаердан тортиб келинган бетон лоток-ариқ баракдан икки юз қадамча нарида тугабди, ҳали уланмаган бир нечта лоток ерда ётибди.

Қалдирғоч бригада аъзоларини бетон ариқ бўйлаб бошлаб кетди.

Зокир ота янтоқларни ғичирлатиб босиб бораркан:

— Карт қуйруқ!— деди завқланиб.— Жонвор пишиб ётибди, ғарчча мой! — у «жонвор» деб ерга ишора қилди.— Одам эксанг ҳам битади!

Бу ташбеҳ айниқса Искандарга маъқул тушди шекилли:

— Яшаворинг, оқсоқол!— деб қўйди.

Эсон Қалдирғочнинг ёнида катта-катта қадам ташлаб борар экан, ўсмоқчилаб сўради:

— Ўртоқ бригадир, бирор гектар шוליға ҳам рухсат этасизми?

Қалдирғоч «чўлга пул топиш учун» келган йигитнинг мақсадига тушунди-да, мийиғида кулиб қўйди:

— Еримизга экинларни жойлаштириш масаласини алоҳида муҳокама қиламиз.

— Шаҳарда пиёз чаққон,— Эсон Қалдирғочнинг ўзигагина эшиттириб шивирлади.— Картошка ҳам палон пул...

Қалдирғоч қадамини тезлатиб, олдинда липиллаб бораётган Зокир отага етиб олди.

— Зовурни кўпайтир, қизим! — Зокир ота у ер-бу ерда йилтираб кўринаётган тузлардан кўзини узмай насихат қилди.— Агроном борми?

— Бор, ота. Бўлим агрономи Қулмат ака тажриба-кор деҳқон, чўлнинг баланд-пастини билади.

— Ҳа, тузук. Сен ўзинг ўқиганмисан, қизим?

— Ҳа, қишлоқ хўжалик институтини шу йил тамомладим.

— Ҳа, тузук.

Бетон ариқ чапга бурилиб кетди. Қалдирғоч шу тирсакда тўхтади. Нариги томон бошқа дала, шудгор эди. Ер бороналанмагани сабабли ҳайдашда кучган кесак-

лардан, янтоқ илдизларидан дала гадир-будур, ундан димоққа аллақандай хушбўй уриларди.

— Қўшниларибиздан илгари бошлаб қўйишибди шудгорни! — Искандар ғир-ғир эсаётган салқин шамолга қулочини кенг ёзиб тўйиб нафас олди. — Ажойиб ҳаво!

— Шаҳарда чанг ютиб юрган эканмиз-да! — Асад шавқланиб гапирди. — Одам оёғи етмаган поёнсиз саҳро, камалакдай эгик осмон, ана ҳов... ана, булутлар орасида якка юлдузнинг ёнгинасида ой ўроғи йилтиллаяпти!.. Қўкда шу айрилмас икки йўлдошу... чўлда биз бир ота, бир қиз ва саккиз ўғлон!

— Баланд кетдинг, Асад! — Аҳад укасининг серсоч яланг бошини эгиб, суйиб бағрига босди. — Оёғингни ердан узма, укажон! — Кейин у, Эсонга кўз қирини ташлаб кулиб қўйди. — Ишбайдан, муллажирингдан гапир!

Йигитлар бирдан қийқириб кулиб юборишди. Зокир ота ҳам ҳи-ҳилаб йўталди. Эсон қовоғини уюб олди. Уни зимдан кузатиб турган Қалдирғоч мулойим товуш билан:

— Бу шудгор ҳам бизники, — деди.

Унинг бу сўзлари бригада аъзоларини ҳайратлантирди. Улар Қалдирғочни ўраб олиб, шудгорланган улкан карта қандай қилиб янги бригаданики бўлиб қолганини билишга қизиқдилар. Ҳаммадан аввал «индамас» Уммат савол ташлади:

— Қўшни бригаданинг тайёр ери бизга ўтибди-да, опа?

— Аммо ким ҳайдаган бўлса ҳам, отасига раҳмат, — Зокир ота қўлини соябон қилиб, шудгорни узоқ этагигача чамалаб кўрди. — Юз гектар келармикан?

Қалдирғочнинг ўйчан кўзлари ерда сузди.

— Сизлар келабермаганларингиздан кейин ўзим уриниб кўрдим.

— Бир ўзинг-а? — Зокир ота, қалбида қизга ҳурмати азбаройи тошганидан, уни мақтай кетди: — Оббо қизи тушмагур-эй, оббо бахтинг очилгур-эй, сенга ўн йигит бас келолмайди!

— Жуда мақтаб юбордингиз, ота! — Қалдирғочнинг манглайига хижолатдан совуқ тер чиқди. — Тайёр ер, тайёр трактор, тайёр лампамой... Ҳар кимнинг ҳам қўлидан кела беради шу иш!

— Ведомостни бир ўзингизга ёзибсиз-да!

Эсоннинг бу луқмаси Қалдирғочнинг жасоратидан ҳозиргина ҳайратланиб турган кишиларни ниҳоятда

ранжитди. Зокир ота мўйловининг учини ямлаганча жим қолди. «Индамас» Умнат беихтиёр муштумини қисиб, кўзлари бежоланди. Бошқа йигитлар Эсондан юз ўғириб, икки қадам нарига кетдилар. Биргина Искандар чидаб туролмади-да, Эсонга юзма-юз яқин келди:

— Совуқнинг қилиғи ҳам, сўзи ҳам совуқ. Фаросат улашилганда сенга етмай қолган экан-да. Ҳа, нима демоқчисан: ишни опам қилсину, ведомостга мени ёзсин демоқчимисан? Ҳой бола, кўзингни оч, сен билан ади-бади айтишиб ўтирадиган аҳмоқ йўқ.

Эсон гап кўтаролмаса керак, дабдурустдан Искандарнинг ёқасидан олди ва кўзларининг пахтаси чиқиб:

— Ким аҳмоқлигини кўрсатиб қўяман сенга! — деб силтади уни.

Умнат индамайгина ўртага тушиб уларни ажратди.

— Уят-эй, қўйларинг-эй! — Зокир ота насиҳат қилди. — Ака-ука бўлиб бир ёқадан бош чиқариб ишлаш ўрнига... Ҳайф-эй!

Искандар билан Эсон ҳали ҳам бир-бирларига ҳурпайиб қарашар, «бригадир бизни энди тоза тузласа керак», деб Қалдирғочга кўз қирларини ташлаб қўйишар эди. Лекин Қалдирғоч кутилмаганда бошқа масаладан гап очди.

— Бетон ариқ бурилган ана шу жой — еримизнинг киндиги, — деди у хаёл дарёсида сузиб. — Шу ерга, ариқ устига баланд шийпон қурамыз, дала кафтдай кўринади. Хирмон ҳам шу ерда бўлади, мана бу саҳни (у қулочини кенг ёйиб кўрсатди) асфальтлаймиз. Техникamız ҳам шу ерда туради. Нима дейсизлар?

Қалдирғочнинг бу саволи ўртадаги кўнгилсизликни кўтариб юборди. Одамларнинг фикри ишга, эртаги кунга бурилди.

— Боғ қаерда бўлади? — Зокир ота сўради.

— Сабзавот, полиз масаласи... — Эсон ўз дардидан уч чиқарди.

— Баракка борайлик, — деди Қалдирғоч далага қуйилган қоронғиликдан кўнгли аллақандай ғаш тортиб. — Еримиз схемасини чизганман, кўрсатаман. Обиджон ҳам келгандир. Эсон, ошпазлик ҳунарингиз бор экан, бир палов ясанг!

— Мана бу бошқа гап! — Чарм сумкасини елкасига осиб олган, новча бўйли Эсон ҳамманинг олдига тушди. Бошқалар унинг кетидан чаққон одимлашди.

Бригадага қолгандан бери ҳали оғиз очмаган пака-нагина биққи йигит Қаноат туйқусдан сўраб қолди:

— Яқин ўртада магазин борми, опа?
— Оббо сен-эй?— Искандар Қаноатни тирсаги билан туртди.— Ҳалитдан тортиб қопти-да!

— Йўғ-э, совун керак эди...

Йигитлар беихтиёр кулиб юборишди...

Булар баракка яқинлашганда фаралари ёниқ юк машина шу ерда турар, Обиджон кабинада папирос тутатиб ўтирар эди. У Қалдирғочни кўриши билан дарҳол ерга тушди ва унинг олдига югуриб келиб:

— Опа, бажардим,— деб ҳисоб берди.— Нон билан прадўхтани баракка киритиб қўйдим, сув машина бакни тўлдириб кетди.

— Ўтин-чи?— Қалдирғоч шофёрга қарамай, жиддий сўради.

— Ғўзапоя опкелдим, ўчоқбошида.

— Яхши. Эсон билан икковингиз овқатга уннанглар.

— Хўп, опажон.

Ҳаммалари баракка кирдилар. Қалдирғоч бригада аъзоларини сўрига таклиф қилди ва Эсоннинг батареяли фонари ёруғида бригада ерининг экинлар схемасини ёйиб тушунтира бошлади. Обиджон банкадаги зиғир ёғ, қопдаги масаллиқни, Эсон қозикдаги фонарни кўтариб чиқиб кетишди.

Ошхона барак ёнбошида, сув тўлдирилган бак ёнида пишиқ ғишдан ясалган ўчоқ ва танчадеккина супа-чадан иборат эди. Эсон фонарни супачага қўйди-ю, қозонга сув солиб, ўчоққа ғўзапоя ёқиб юборди.

— Сабзи, пиёзни артаверинг,— деди у Обиджонга,— аммо ўзим тўғрайман. Ғўштингиз қанақа?

— Сўқимники, ёғлиқ.

— Бўлаверади.

Обиджон тўртта пиёз артиб улгурмасиданоқ Эсон қозонни ювиб, зиғир ёғ қўйди ва сўқим сонини қопдан чиқариб, эпчиллик билан майдалар экан, Обиджонни гапга солди:

— Турмуш қалай, бу чўли-маликда?

— Зерикарли.— Обиджон пиёз аччигидан ёшланган кўзларини телогрейкасининг енгига артди.

— Пичоқ учига пиёз санчиб олинг,— Эсоннинг мугамбир кўзлари кулди.— Мен сиздан даромадни сўрайман. Бригадирингиз қанча ер ҳайдади?

— Олтмиш гектар.

— Уҳ-у... зўр-ку! Хўш, ведомостга нима чиқди?

— Ведомость ёзгани йўқ.

— Тўғрисини айтаверинг! — Эсон ишидан тўхтаб, Обиджонга бир нафас тикилиб қолди. — Ҳа, тушундим... Шерикман денг! Тузукроқ ўтирсангиз-чи, нима, бир оёғингиз букилмайдимми?

Обиджон «букилмаётган» оёғини «букиш» учун чўнтагидан яримта ароқ шишасини олиб ерга думалатдида, барак томонга ишора қилиб, лабини тишлади.

Ўзашоя алангаси ўчоққа сиғмай ҳавога тошиб чиқди, атроф ёришди, йигитлар ҳам бир-бирларини дурустроқ кўриб олдилар.

— Опамиз фаришта денг, — Эсоннинг митти кўзлари шуълада йилтиллади.

— Гап кўп. Ошни дамлаб олайлик, отамлашамиз.

Ёр дуди ҳавога кўкиш устундай кўтарилди. Эсон пиёз билан гўшти аралаш ташлаб қовурди, устига сабзи бостирди. Унинг қўли енгил, ҳаракатлари чаққон, у гўё шунчаки ош пиширмас, балки аланга атрофида рақсга тушарди. Қозонга сув солиниб, сабзи-пиёз биқирлаб қайнай бошлаши билан Эсон супага келиб ўтирди ва ерда думалаб ётган шишага ишора қилди:

— Обиджон, қуядиган бўлсангиз қўйинг, сабрим чидамаяпти.

Обиджон ҳам шу турткини кутиб турган бўлса керак, челагдаги сувга иккита стаканни чайиб супага қатор қўйди ва шишадан қулқуллатиб тўлдирди.

Йигитлар стаканларни чиқиллатиб уриштиришди.

— Қани, Эсонжон, эсонлик учун!

— Дўстлик учун!

Эсон қозондан капгирга олган қайноқ жаздан закуска қилишди. Кўзлар жимирлашди, баданлар илиди, сархушлик бошланиб, тилларнинг тугуни ечилди.

— Ўзи ҳам балиқдай нарса экан. — Эсоннинг кўз олдига Қалдирғочнинг попукдай қош-кўзлари, оқи оқ, қизили қизил сал чўзинчоқ, чиройли юзи жонланди. — Қармоқ ташлаб кўрмадингизми?

— Илинмади.

— Уқувингиз йўқ экан, — Эсон қўлини силтади. — Чўлда сизу у... Келишган йигитсиз. Барак битта. Қолмадингизми ёнида бирор кеча?

— Қолдим, бўлмади.

— Лапашангсиз! Латтасиз! — Эсон бўғилиб ўрнидан туриб кетди. — Мен-ку чўлга бошқа мақсадда келганман. Илтимос қилса ҳам яқинига бормаيمان. Шаҳарда гўзалим кутиб ўтирибди, қачон чўптаклари қаппайиб етиб келадилар деб...

— Э, сиз нимани биласиз! — Обиджон папиросни буруқсатиб тутатди.— Дунёдаги ҳамма қиз ҳам биру Қалдирғоч ҳам бир. Нишонга олдим, пулат экан, ўқим қайтиб келиб ўзимга урилди. Воқеа бундай бўлди. Байрам кечаси эди. Шу қозонда шўрва қайнатдим. Иккита косага суздим. Ҳаво иссиқ, ҳов анави ерга палос ёздим, кўрпача ташладим. Утирдик. Байрамни баҳона қилиб битта портвейн очдим. Ичмасмикан деган эдим, озгина ичди, қип-қизариб кетди, лола дейсиз. Оқ шоҳи кўйлагини кийиб олган, бошида чаман дўппи ҳусини тағин ҳам очиб юборган...

— Бай-бай! — Эсон қийқириб, тиззаларига уриб қўйди.— Минг бир кеча!.. Давом этинг.

— Овқатдан кейин: «Сиз посёлкага боринг, азонда тракторга керосин олиб келинг», деди, машинани миниб кетдим.

— Тайёр ошни ташлаб-а? — Эсон улфатини еб қўйгудай тикилди.

— Бу ёғини эшитинг. Бир километр юрар-юрмас машинани йўл ёқасига чиқардим. Яёв қайтиб келдим. Қарасам, дастурхон йиғиштирилган, Қалдирғоч ёстиққа ёнбошлаб, фонарь ёруғида китоб ўқиб ётибди. Илгари ҳам кўрганман у китобини: «Фарҳод ва Ширин»... У мени сезмади шекилли, ўқишда давом этди. Бир нафас кузатиб турдим. Эртақлардаги малакларни ва ё Шириннинг ўзгинасини эслатарди Қалдирғоч...

— Жигарингиздан урган экан! — Эсоннинг ҳафсала-си пир бўлиб, гуруч тозалашга тушди.

— Жигаримдан ургани рост.— Обиджон иқрор бўлди.— Бир нафас кузатиб турдим-да, қайтиб келганимни билдириш учун секингина йўталиб қўйдим... У китобидан бошини кўтарди, мени таниди-да, кўкрагида қора илондай ўрмалаган йўғон сочини орқасига ташлаб, кўрпачага тиззалади. У ҳамон китобдан кўзини узмасди. Мен унга машина йўлда бузилиб қолганини, қайтиб келишга мажбур бўлганимни айтдим. У гапим ёлғонлигини пайқадими ёки бунга унча эътибор бермадими, ҳар қалай, парво қилмади ва ёнидан жой кўрсатиб, «ўтиринг» деди.

— Улиб турган экан.— Эсонга жон кирди.— Ҳўш, кейин нима бўлди?

— Қалдирғоч ўқиди, мен эшитдим. Достоннинг Фарҳод Шириндан мактуб олган боби экан. Қалдирғоч шу қадар майин, ширали, таъсирли ўқидики, баданимдан чумолли ўрмалагандай бўлди. Эсимда... Нимаиди-я? Ҳа:

Недур аҳволинг, эй зори ғарибим,
Висолим давлатидин бенасибим?..

— Шама қилган, тушунмагансиз.— Эсон вағирлаб қайнаётган қозонга гуруч сола туриб, қолди.

— Йўғ-э...— Обиджон бушашиброқ гапирди.— Қалдирғоч бир ўқир, бир тушунтирар эди. Тоғдай ғам юкини кутаришдан толмадингми, аччиқ айрилиқда аҳволинг қалай, қошимни эслаганда қаддинг букилмайдими... у ёғи эсимда йўқ, аммо ҳаммаси ҳам нозик гаплар... У ўқий берди, мен эшита бердим, хуллас, тонг оқариб қолди. Бир вақт Қалдирғоч толғинликдан қизарган кўзлари билан менга тикилди-да: «Қалай, бир-бирларини севишар эканми?» деб сўради. «Албатта, жоним,— дедим,— худди мен билан сиздай...» Қалдирғоч дoston таъсирида маст экан, бирдан ҳушёр тортди, аллақандай ҳурпайди ва ўткир кўзлари билан менга бир нафас синашта тикилиб, шартта ўрнидан туриб кетди: «Эсиз...— деди у, китобни қўлтиқлаб барак томонга юрар экан.— Туни билан деворга танбур чертибман-да... Шуни яхши билингки, Обиджон, ҳар бир қизнинг Фарҳоди, ҳар бир йигитнинг Ширини бўлиши мумкин... Боринг, йўлдан қолманг!»... Машинам турган ерга сургалдим...

Обиджон бошини чангаллаганча супада ўтириб қолди. Эсон ўчоқ оғзида шақиллаб қайнаётган қумғонни бир четга сурди, оловни тортди, қозонга товоқ ёпди, кейин қумғонга бир кафтгина қуруқ чой ташлаб, стаканда уч-тўрт шопирди.

Обиджоннинг ҳар гал Қалдирғочни кўрганда ранги оқариб кетиши ва уни ҳадеб «опа-опа»лашининг сабаби Эсонга энди аён бўлди.

— Мен бригадиримизни бунчалик диди нозик деб ўйламовдим.— У Обиджоннинг тепасига келиб, иягидан кутариб қўйди.— Тажрибангиз йўқ, оғайни, хомсиз, яъни муҳаббат боғидан ҳали мева узмаган экансиз. Бахтингизга мана биз ғойибдан келиб қолдик, ишингиз беш бўлади.

— Йўғ-э?— Обиджоннинг кўзларида таажжуб аломати кўринди.

— Йўқ эмас, ҳа! Одам бунчалик ҳафтафаҳм бўлмайди! У Фарҳоду Шириндан гап очса, сиз Лайли-Мажнунни рўпара қилинг, у Тоҳиру Зухродан сўзласа, сиз Ромео ва Жульеттадан ёд ўқинг. Шундан кейин ҳам эримаса, бетимга тупуринг. Бас, Обиджон, кўзингизни артинг, намга тоқатим йўқ. Юринг, бечораларнинг томоғи қуриди, қумғонни опкириб, гапга қулоқ солайлик-чи!

Барак ичи нимқоронғи. Бригада аъзолари давра қуриб утирган сўригина сал ёруғ, батареяли фонарь шифтнинг бир томонига чўзиқ нур ёйган. Эсон қумғондай стаканларга чой қуйиб, ўтирганларга бир чеккадан узатди. Обиджон тек турганча Қалдирғочнинг сўзларига қулоқ солди.

— Умуман, мусобақани кенгроқ тушуниш керак. Мусобақа фақат рақам, процент деган гап эмас. Мусобақа, аввало, турмуш деган гап. Биз қўшни бригада билан мусобақалашганда ким яхшироқ ишлайди деган масаланинг ёнига ким яхшироқ яшайди деган масалани қўйишимиз керак. Ҳаёт нима? Бахт нима? Маданият қанақа бўлиши керак? Кимнинг ахлоқи қандай? Дўстлик, садоқат масалалари... Мана, Обиджон айтсин...

Қалдирғоч Обиджонга нафис жилмайиб савол назари билан қаради. Обиджон турган ерида оёқларидан мадор кетаётганини, агар ҳозир ўтириб олмаса қулаб тушишини сизди-да, сўри четига чўққайди ва «ҳозир ҳамма гапни очади бу!» деган хавотирда ранги қум оқариб кетди.

— Обиджон билан иккимиз чўлда ёлғиз қолдик,— деди Қалдирғоч.— Ишқ ҳақида суҳбатлашдик, устоз Навоийни ўқидик. Бир замонлар Фарҳод Ширин юртини обод қилган экан. Ахир, сизлар замон фарҳодлари эмасмисиз? Сизларни чўлга шу юрт ишқи, шу чўл муҳаббати бошлаб келмаганми?! Шоирлар дostonлар ёзсалар керак бу меҳнат ҳақида... Ўша ёзилажак дostonларнинг қаҳрамонлари сизлар эмасмисиз!.. Биз шуларни ўйладик. Тўғрими, Обиджон?

«Хайрият!— Обиджоннинг юзига қон югурди.— Хайрият, ўтиб кетди...»

У бир оз енгил тортиб:

— Ҳа, опа,— деб қўйди.

«Бунақа устасини энди кўришим,— ўйларди Эсон.— Қўлига тушдик, энди чиқиб кетолмасак керак».

— Палов қани, ошпаз? — Қалдирғоч Эсонга кўз қирини ташлади.— Қоринлар пиёз пўстига айланди-ку?

— Палов тайёр.— Эсон Обиджонга кўз қисди.— Юринг, сузамиз.

Икки оғайни далага чиқишди.

— Ёмон терлатди, палакат! — Обиджон шиша тагида қолган ароқни стаканларга қуйди.— Яхшиям шу сабил бор, сал иссиқни босади.

— Сабр қилинг, оғайни.— Эсон ароқни симириб, стаканни қоронғилик қаърига жаҳл билан отди.— Сабр

таги — сариқ олтин. Бир кунмас-бир кун нишабини то-
памиз, ёнбошга тушади.

— Кўзим етмайди.

Ошин олиб киришди. Эсоннинг санъатини мақтаб,
иштаҳа билан едилар. Чойдан кейин Зокир ота дастур-
хонга фотиҳа қилди. Тун ҳам яримлаган, йўл чарчоғи
билиниб, киприклар қовуша бошлаган эди. Сўридаги
похол устига ҳар ким ўз ўрнини ёза бошлади. Ҳамма-
дан юқорироқда, ўз ёнига чўзилган Қалдирғочга Зокир
ота илтифот қилди:

— Қизим, барак узун экан, ҳужра ажратамиз. Эр-
тагаёқ холанг билан синглингни кўчириб келаман. Бир-
га тураверасизлар.

Қалдирғоч индамади. У қоронғида кўрпасига ўрал-
ганча жимгина ётар, уйғоқ-ухлоқлигини билиб бўлмас
эди.

Ҳаммадан пастда, Обиджоннинг биқинида ётган
Эсон унинг билагидан секингина туртди:

— Чўпчак-пўпчак биласизми?

Обиджон тескари ўгирилиб олди...

* * *

Саҳар паллада бригада аъзолари бирин-кетин уй-
ғонишганда Қалдирғочнинг ўрни йиғилган, у аллақа-
чон далага чиқиб кетган эди. Зокир ота қумғондан юзи-
ни юваётиб:

— Бечорага қийин,— деб қўйди.

Булар далага чиққанда кечаги икки тракторнинг би-
ри йўқ, олисдан — бетон ариқ тирсак бўлиб қайрилган
томондан гуриллаб таралаётган садо чўлни ларзага
келтирарди.

— Қалдирғоч! — Зокир ота соқолини силаб бошини
сараклатди.— Ростин билан Қалдирғоч экан.

Йигитлар апил-тапил нонушта қила бошлашди...

ҚУШИҚ

Азмиддин Насиба холанинг уйини осонгина топиб
олди. Чамадонини кўтариб келган болага янги бир сўм-
лик узатди:

— Ма, акаси, хўрозқанд олиб шимасан.

Бола «меҳмон амаки»дан бунини кутмаган, умуман,
«чойчақа»га ўрганмаган бўлса керак: қулоқларигагина
қизариб кетди, қўлларинини орқасига яширди.

— Керакмас, амаки, хўрозқандни ёмон кўраман.

— Оббо пучуқвой-ей! Ол, олавер, кинога тушасан, морожний ейсан.

— Раҳмат, керакмас.

Бола кўча ўртасига тушиб олиб, чопганча қочиб қолди.

Азмиддин майда шағал тўкилган йўлакда тураркан, дурустгина нураган пахса деворни, кўк бўёғи анча оқариб қолган бир тавақали эски эшикни, унга михланган «Олча, 7» ёзувли яшил тунукани кўздан кечирди, кейин вазмингина ҳалқани эшик кесакисига уч-тўрт уриб тақиллатди.

— Очиқ, кираверинг! — ҳовлидан эркак товуши эшитилди.

Азмиддин эшикни итарди ва чамадонини кўтариб ичкарига кирди.

Ҳовли узун, кенг, шу атрофдаги барча томорқалар каби сердарахт эди. Эшикдан ҳовли этагига узун йўлка тортилиб, тупроғи шиббаланган, ўнг томондаги очиқликда ўрта бўйликкина, қора қош йигит ер чопарди. У Азмиддинни кўриши билан кетмонни қўйиб, тез юриб келди ва меҳмон билан иссиққина кўришди-да, чамадонини қўлидан олиб, томорқа этагидаги уйга бошлади.

Олди очиқ айвонга чиқдилар. Янги бўйралар устига гулдор наMAT ёзилган бўлиб юқорироққа хонтахта қўйилган, атрофига одми чит кўрпачалар ташланган эди.

— Иссиқда қолибсиз-да, меҳмон? — йигит илтифот қилди.— Қани, кўрпачага марҳамат.— Азмиддин ўтириши билан йигит катта оқ чойнакдан пиёлага яхна қўйиб унга узатди:

— Симилинг, иссиқни босади.

Азмиддин яхна кўк чойни маза қилиб симирди ва деворга елкасини тираб оёқларини чўзар экан, сўради:

— Насиба хола қанилар, ўзингиз ким бўласиз?

— Насиба хола пиллада ишляптилар, кеч келади-лар, агар келсалар.... Мен холанинг уйларида тураман... исмим Эргаш, касбим агроном-энтимолог, билсангиз керак — ҳашаротга қарши курашувчи... Хўш, меҳмон, ўзларидан сўрасак?

Азмиддин почаси тор нимкулранг шимдаги озғин оёқларини бир-бирига чалиштирганча бамайлихотир утирар, қордай оқ кўйлагининг енглари шимарилган, соқоли тоза қирилган лўппи юзи иссиқдан бўртган, лаби устидаги қўнғиздай мўйлови ўзига ярашган, қаттиқ

тикилувчи кўзларида аллақандай сеҳр ўти йилтиллари.
ди.

— Исми Азмиддин,— деди у Эргашга маъноли тикилиб,— ТошМИни шу бу йил битирдим, хирургман. Колхоз касалхонасига юборишди. Идорада Насиба хола уйини тайинлашди, ишга яқин деб.

— Жуда соз бўпти! — Эргашнинг қалин қора қошлари тагида йирик қўй кўзлари чақнади.— Жой бемалол, бирга тураверамиз.

— Мен ҳам квартирантман денг? — Азмиддин қаршисида чордана қурган Эргашнинг ювила бериб ранги ўчган гимнастёрка-шимини, чангдан оқарган этигини кузатар экан, таажжубланиб сўради.

— Ҳа, оғайни. Ажойиб жойга тушиб қолдим.— Эргаш шавқланиб ҳикоя қилди.— Насиба холамиз бир жаҳон хотин экан. Бешта қизи бор, бешовини ҳам уза-тиб юборган, учта каттасидан еттита набираси ҳам бор, бири биридан ширин. Хола кўпинча ўшалар билан. Уйи ёлғиз. Мана, уч ойдан бери шу ердаман. На пул олади, на бирорта совға... Май байрамига ул-бул олиб келган эдим, роса изза қилди. «Боғ сеники, обод қилиб ўтира бер!»— дейди. Кўкламда анави дарахтларни эдим.— Эргаш боғ ўртасидаги ниҳолларга қўли билан ишора қилди.— Анжир, шафтоли, луччак, уч-тўрт хил олма... Айвон олдини гулзор қилдим. Қаранг-а: атиргуллар очилиб, райҳонлар гилам бўлиб ётипти. Айниқса, райҳонларни севаман: ошрайҳон, садарайҳон, ҳожирайҳон, улар ўртасида гултожихўрозлар. Қани, хирург, айтингчи, юракни эслатмайдими ҳар бири?

Азмиддин қизил гилам юлуқларига ўхшайдиган гултожихўрозларга қаради, ҳар бир гулини, у яхши биладиган инсон юрагига ҳам қиёс қилса бўларди. Лекин Азмиддинни ҳозир бу гуллар эмас, ўзи яшайдиган шу ҳовли, уй, ҳали унга таниш бўлмаган қишлоқ қизиқтирарди.

— Бу жойлар жуда зерикарли бўлса керак...— Эргашдан ўсмоқчилаб сўради у.

Эргаш меҳмоннинг илмоқли саволини тушунди шекли:

— Ҳар кимнинг таъби, дидига боғлиқ,— деб жавоб берди.— Масалан, менга бу Халқобод жуда маъқул. Ниҳоятда тинч, обод қишлоқ. Одамларини айтмайсизми? Меҳмондўст, самимий кишилар. Уларнинг меҳнатини, фидойилигини кўриб тан бермай иложингиз йўқ.

— Тушунмадингиз,— Азмиддиннинг тиниқ кўзлари-

да сеҳрли ўт порлади.— Албатта, қишлоқни шаҳар билан тенглаштириб бўлмайди. Аммо инсон фақат меҳнат учун яратилган эмас-ку. Меҳнатнинг роҳати ҳам бўлиши керак. Шундай эмасми, Эргашжон?

— Балли, Азмиддин ака! — меҳмоннинг ёши Эргашдан кичикроқ бўлса ҳам, Эргаш уни сидқидилдан улуғлаб гапирди.— Мана, мени олинг. Касбимни севаман. Қолхоз далалари, боғларини ҳашорат, офатлардан халос этаётганимдан, халқнинг кунига яраётганимдан қувонаман. Ишдан кейин мана бу боққа келаман, кеч киради, иссиқ қайтади, мевалар, гулларни парвариш қиламан, кейин ой кўтарилади, олам сукунатга чўмади, китоб ўқийман, радио эшитаман — алғов-далғов дунёнинг юрагига қулоқ соламан, саҳар палла булбуллар сарай бошлайди...

— Гўдак экансиз, Эргашжон! — Азмиддин кафтини хонтахтага уриб ўрнидан туриб кетди.— Юринг, уйни кўрсатинг, жойимизни тайин қилиб олайлик.

Айвондан рўбарў икки эшик икки уйга олиб кирар, бирида Насиба хола, иккинчисида Эргаш турар эдилар. Иккинчисига кирдилар. Тахта полли, фанер шифтли, муъжазгина хона экан. Тўрда жез нақшли сандиққа кўрпакўрпачалар тахланиб, устига чойшаб ёпиб қўйилибди. Ромли токчаларда чинни, патнис, китоблар кўзга ташланади. Дераза тагида темир каравот турибди.

— Азмиддин ака, каравот сизга! — Эргаш каравотнинг рухланган қозиғини маҳкам ушлаб силкитди.— Мустаҳкам! Мен омбордан раскладушка опкеламан.

— Раҳмат,— Азмиддин девордаги гулдор ёғоч қозиққа илиғлик дуторнинг қорнига чертиб қўйди.— Санъатдан бор экан-да?..

— Ҳа, унча-мунча... — Эргаш нечундир хижолат чекиб ерга қаради.

Хона ўртасидаги доира стол атрофига юзма-юз ўтирдилар.

— Ҳм... ёмон эмас... — Азмиддин ҳовлидан деразага осилган олма шоҳидаги нимқизил меваларни кўздан кечирди.— Роса бўпти-да! — Кейин Эргашга қараб чап кўзини қисди.— Шу катта боғда уч ой деярли ёлғиз турдим денг? Дикқинафас бўпкетмабсиз-да? Ёки, қишлоқ гўзаллари...

— Қўйинг-э! — Эргаш унинг гапини бўлди.— «Бир кун туз берган ерга қирқ кун салом қил!» Эшитганмисиз? Бу ер, Азмиддин ака, қутлуғ. Қўйинг, унақа бефаришта гапларни гапирманг!

— Мен фарштадан гапиряпман, Эргашжон! — Азмиддин хохлаб кулиб юборди. — Ўзингизни гўлликка солманг. Биз йигитлармиз, кўнглимиз тўла ишқ, олов... Ҳа, бирортасини севиб қолсак, айбми?

— Севги бошқа, сиз шам қилган нарса бошқа! — Хижолатдан Эргашнинг пешонасига совуқ тер чиқди.

— Терингиз юпқа экан! — Азмиддиннинг кўзлари ҳаёсизларча кулди. — Шошмай туринг, Эргашжон, қўлимга тушдингиз, юзингизни очаман.

— Қўйинг-э, ака! — Эргаш нигоҳини Азмиддиннинг ўткир қарашидан олиб қочиб, гапни бурди: — Сиз йўлдан чарчаб келгансиз, ҳордиқ чиқаринг, мен ошга ун-наб юборай.

— Майли, сиз ошга уннанг, мен ишга бориб желей. Халқ-бод касалхонасини бир кўрай-чи, қанақа экан.

Азмиддин чамадонини каравот тагига тикиб, уйдан чиқиб кетди. У тупроғи шиббаланган узун йўлдан илдам юриб борар экан, бошига силлиқ ётган сочи қуёш нурида йилтирар, аллақандай нотаниш шўх куйни ҳуштак қилиб чалар, чиройли новча гавдаси чайқалиб, гўё юрган йўлида рақсга тушар эди. Ниҳоят, эшик очилиб ёпилди. Эргаш шундан кейингина айвонга чиқиб, ош масаллиғини тайёрлашга киришди. У айвон пешига ўтириб олиб сабзи артар экан, ҳозиргина кўчага чиқиб кетган хирург йигитни ўйлар, назарида бу боғда одам эмас, балки шамол бир айланиб, тагин аллақеъларга учиб кетгандай туюларди унга. Бироқ у ҳар қалай шамол эмас, одам. У ҳализамон қайтиб келади ва Эргаш билан ҳамхона бўлиб туради: бирга овқатланадилар, суҳбатлашадилар, бир уйда ёнма-ён тунайдилар; у ҳали не-не ҳунарлар кўрсатади шу енгил табиати билан...

Эргаш шуларни ўйлар экан, дафъатан хаёлида қўшни қиз — Азиза жонланди.

Апрелнинг сўнгги оқшоми, байрам арафаси эди. Эргаш Халқободнинг «Тонг юлдузи» колхозига ишга жойлашиб, Насиба холаникига кўчиб келганига энди икки ҳафта бўлган эди. Хола мўлгина ош дамлаб қўйиб, қўшиникига чиқиб кетди ва бир оздан кейин Азизани бошлаб кирди. «Азизахон уйда ёлғиз экан, бошлаб чиқа қолдим», — деди хола ёшларни бир-бирига таништириб. Кейин у ошнинг озини лаганга сузиб, кўпини тоғорачага босди. Ёшлар билан ош ейишган бўлди-да, тоғорачани дастурхонга тугиб, кичик қизиникига жўнаб қолди.

Эргаш Азизани ўша оқшомга қадар ғойибона танир эди. Насиба хола унга: «Энди ўғлим бўлдинг, ўлмасам

сени уйлантириб, роҳатингни кўраман» дер, қўшини Сайфи миробнинг қизи Азизани таърифлагани таърифлаган эди. Азиза бултур ТошМИни битириб келибди, туғуруқхонада ишлаётганмиш, совчилари кўп эмиш, аммо ҳеч жимни ёқтирмас эмиш...

Эргаш Насиба холанинг бунақа гапларига унча эътибор бермас, Азизани кўришга ошиқмас, у кўпроқ Тошкентда ёлғиз қолган онаси ва икки укасини ўйлар, тирикчилик ташвиши олдида бошқа ҳою ҳаваслар унга аҳамиятсиз бўлиб кўринар эди.

Эргашни Азизага ғойибона ошна қилган қизнинг қўшиқлари эди. Азиза ҳар оқшом ишдан қайтди дегунча Насиба холанинг уйи орқасидаги сердарахт сўлим боғдан қўшиқ эшитиларди. Азизанинг овози кинофильмлардаги ўз бахтини қидирган гўзал актрисаларнинг овозини эслатарди. Айниқса, Насиба хола қизлариникига кетиб, Эргаш ёлғиз қолган кезлари у боғда ўй ўйлаб юрадиган, қўшни қизнинг қўшиғини диққат билан тинглайдиган бўлиб қолди. Уртада уй бор, дарахтлар бор, қўшиқ сўзларини англаш қийин, лекин юмшоқ, нозик, дилгир овоз сукунат қўйнида енгил сузади, тонг шабадасидай ёқимли куй гулларга, япроқларга жимгина сингиб кетади...

Эргаш Азизанинг врачлигини билганига қадар уни ашулачи бўлса керак, театрда ишласа керак, отпускида қишлоқдаги уйига меҳмонга келган бўлса керак, деб ўйлаган эди. Насиба хола унинг хизматини айтгандан кейин эса: «Эсиз, шундай овоз санъатга насиб қилмабди-да», деб ич-ичидан ачинди.

Нималарни, куйларди Азиза? Ҳа, у кўнгил орзуларини, ўртаниб соғинишни, ёрнинг вафосизлигини, такрорланмас нозик ҳисларни куйларди. Унинг қўшиғи Эргашни ўйга чўмдирар, ўзига ҳам маълум бўлмаган аллақандай армонларни эсига солар эди.

Насиба хола қизиникига кетган ўша оқшом Эргаш билан Азиза боғда ёлғиз қолишди. Ботаётган қуёшдан ғарб уфқи қонталаш, чироқ ҳали ёқилмаган, шафтолиларнинг пушти кўрпасига ўралган боғ сўлим, айвон олдидаги янги гулзорда сершоҳ атиргуллар ғунчалаб ётарди.

Насиба хола кетиши билан хонтахта атрофида ўнғайсиз бир аҳволда қолган икки ёш нима қилишни, нимадан гап бошлашни билишмас, Азиза қоворини уйганча дастурхон попугини ўйнар, Эргаш қўшиқчи қизни вимдан кузатар эди: байрамга атаб тиктирган «намоз-

шом» нусха хонатлас кўйлагининг кўкраги сирилиб турибди, икки ўрим йўғон сочи занжирлари орқасида, бошида оқ дурра. Чаккаларидан туртиб чиққан қўнғир кўкиллари нафис. Оққа мойил кулча юз: кўзлари уялиниқираб кулимсираган, пушти лаблари юпқа, юзига мутаносиб чиройли бурни устида реза тер...

— Во ажаб! — Эргаш соддадиллик билан ёқасини ушлади. — Мен сизни ашулачи деб юрибман, дўхтир ёкансиз.

— Мен ҳам сизни дуторчимисиз деб юрувдим... — Қиз унга нафис бир табассум ҳадя қилди. — Иккаламизнинг касбимиз, аслида битта, Эргаш ака! — Азиза унга яна беозоргина жилмайиб қаради. — Сиз табиатни даволайсиз, биз инсонни. Шундай эмасми?

— Шундайку-я... — Эргаш қизга пиёла тагида бир ҳўпламгина чой қуйиб узатди. — Аммо зап овозингиз бор экан-да!

— Айёр! — Азиза зарда билан бир силкиниб олди. — Мен гафлатда қолиб айта берибман, сиз эшита берибсиз-да! Бўлди, энди айтмайман!

Азизанинг «айтмайман» дегани Эргашга «айтаман» бўлиб эшитилди ва қиздан ижозат ҳам сўрамай, қозиқдаги дуторни олиб созлай бошлади. Дутор эски, садафлари қорайиб кетган, у Эргашнинг дадасидан мерос, садоси, тиниқ, жарангли эди. Йигит қизга нотаниш бўлган оҳанрабо куйни бир нафас чертиб машқ қилгандан кейин сўради:

— Бирор нима айтиб берадиларми?

Азиза унга ялт этиб қаради:

— Уятга қўймайсизми?

— Байрам шарофати... Мана, учрашиб қолдик... — Эргаш қизнинг юрагини қитиқлаш учун ҳар хил оҳангларни нозик черта бошлади. — Нима айтадилар?

Азизанинг шаҳло кўзлари бир нуқтага тикилиб қолди, у чуқур ўйга толган, алланимани эслашга уринарди.

— Фузулийни севаман, — деди у ниҳоят, ростгўй кўзлари билан йигитга қарашга ботиниб. — Куйи... балки сизга таниш эмас... Мен бошлай, сиз қўшилиг...

— Хўп.

Ҳар оқшом Насиба холанинг уйи орқасидаги сирли боғдан келадиған дилрабо овоз энди шу ерда, Эргашнинг қаршисида утирган хаёлий соҳибжамолнинг шакар тилидан майин оқди:

Ақл ёр бўлсайди, тарки ишқи ёр этмасмидим?
Ихтиёр бўлсайди, роҳат ихтиёр этмасмидим?

Лаҳза-лаҳза суратин кўрсайди ул ширин лабинг,
Сен каби, эй беситун, ман ҳам қарор этмасмидим?

Ёр ила ағёр ҳамдам кўрмака бўлсайди сабр,
Тарки ғурбат айлабон, азми диёр этмасмидим?

Ул гули хандонни кўрмак мумкин ўлсайди манга,
Сендек, эй булбул, гулистонга гузор этмасмидим?

Дардими оламда пинҳон тутмоғим ночордир,
Бўлса чора бир табибга ошкор этмасмидим?

Эй Фузулий, доғи ҳижрони-ла ёнган кўнглими
Лолазор очсайди, сайру лолазор этмасмидим?

Фузулийнинг Азиза ўзбек тили талаффузига чала мослаштирган бу ғазали унинг ўз куйида ажиб бир жозиба ва тароват касб этди. Унинг овози боғ орқасидан эшитилган овоздан ўн баробар сеҳрли ва таъсирли эди. Қиз қўшиғини тугатгач, Эргаш беихтиёр:

— Балли! — деб юборди. — Сиз санъат учун яратилгансиз, Азизахон! Сизнинг ўрнингиз опера театрининг саҳнасида. Хўп денг!

Қиз индамади. У деворга суянганча жим ўтирар, ҳамон ғазал, куй таъсирида яшар, рўбарўсидаги йигитни балки кўрмас, балки унинг кўз ўнгидида бошқа олам, бошқа чаман, бошқа одам жилваланади.

— Кеч бўлди, — деди у бирдан хаёлдан уйғониб. — Уйга чиқай, дадам келгандир. — Кейин йигитга яна нафис жилмайди. — Бошқа бир кун чиқаман, дутор чалиб берасиз-а?

— Албатта.

Лекин Эргаш Азизани ўша кундан кейин бошқа кўрмади. Ёз бўйи бригадама-бригада юрди, ғўза ҳашоратларига қарши курашди, боғларни дорилади. У Насиба холаникига баъзи-баъзидагина келар, шунда ҳам тунда кириб, тонгда чиқиб кетар эди. Аммо тунлар жимжит, қўшни боғ оромда, Азизанинг қўшиғи тинган, олам сукутга чўмган бўларди.

Эргаш кеча кечаси узоқ бригададан қайтиб келди ва бугун ўзига биринчи марта ҳордиқ берди. У оқшомни, қўшни қиз қўшиғини сабрсизлик билан кутар, у билан кўришишни истар, бу галги учрашувдан обдан умид-

вор эди — Азиза билан яхшироқ танишиб олмоқчи, унинг кўнглига қўл солиб кўрмоқчи...

Кутилмаганда ғойибдан Азмиддин пайдо бўлди...

Эргаш ошни дамлади, бордан саватга бодринг, помидор, кўк пиёз босиб чиқди, шакароб тўғрашга ўтирди. Нечундир кўнгли тобора ғаш тортаберди. Бунга сабаб нима: кеч кириб, қоронғи туша бошлаганими ёки Азмиддиннинг енгил табиатими — буни у билмас, аллақандай вазмин уй бошини эил қилиб юборган. Бунинг устига қўшни боғ сокин, Азизанинг қўшиғидан дарақ йўқ.

Дарвоқе, Азиза билан Азмиддин бир институтда ўқишган экан. Балки, бир-бирини танир? Балки, Азмиддин Азизани бугун ҳам учратгандир, ахир, касалхона билан туғуруқхона адир этагидаги ўрикзорда ёнма-ён ку? Балки, Азмиддиннинг ҳам, Азизанинг ҳам кечикишларига сабаб шудир?

Эргаш шунақа мужмал тахминлар исканжасида эзилиб ўтирганда боғ эшиги тарақлаб очилди ва каттагина қоғоз пакет кўтарган Азмиддин кўринди. У узун йўлакдан тез юриб келар экан:

— Ош тайёрни, қорин ногора чаляпти! — деди чиройли юзи кулгига тўлиб. — Халқобод жаннат экан, Эргашвой! Келганимдан хурсандман! Дорихонага кирдим, фармацевт қиз билан танишдим — исми Малика экан. Ана ҳусну жамол, ана қадди-қомат!.. Ошга чақирмоқчи бўлдим у сиздан кўрқдим.

Эргашнинг назарида, сокин боғда кучли тўс-тўполон кўтарилгандай бўлди: Азмиддиннинг қувончи ичига сиғмас, у юрган йўлида, турган ерида тўлғанар, маст беданадай тинмай сайрар эди.

— Дорихонадан боржоми билан спирт олдим. — Азмиддин қўлидаги пакетни Эргашнинг олдига дўқ этиб қўйди. — Ошнинг олдидан бир пиёладан... А, лаббай? Уҳ-ў, аччиқ-чучукни ҳам боплабсиз-ку!

Эргаш «бир қоп ёнғоқ» Азмиддинни зимдан кузатар, «Азизани кўрганмикан?» деган саволига жавоб ахтарарди. «Кўрган бўлса, дарҳол ёриларди. Кўрмаган. Ҳа, хайриятки, кўрмаган».

Эргаш ошни сузиб келди. Азмиддин шишадаги спиртдан иккита пиёлани яримлатиб қуйиб, устига боржоми тўлдирди, кўкиш ичимлик вижиллаб қайнади. Хонтахта атрофига бетма-бет чўккалаб олиб жимгина уриштирдилар. Азмиддин кўзларини юмиб, бурун ка-

такларини бармоқлари билан бекитиб, зўрма-зўраки си-
мирди, кейин ўқчиб, нафасини базур ростлаб олди.

— Ичиш азоб, аммо кайфи бошқача,— деди у гўшт
чайнар экан. — Ҳа, отмайсиэми?

— Кечирасиз, Азмиддин ака,— деди Эргаш пиёла-
ни дастурхонга қўйиб.— Мен шу ёшга кириб пиво ҳам
ичмаганман.

— Қўйинг-э! — Азмиддин уни жеркиб ташлади.—
Қиз болага ўхшаманг! Олинг! Дўстлик учун!

— Ҳа, майли, сазангиз ўлмасин,— Эргаш нафаси-
ни ичига тортиб спиртдан бир ҳўплади, назарида олов
ютди, томоғи, ичаги, қорни илон чаққандай ачишди,
лекин сирни бой бермай, ошни катта-катта ола бош-
лади.

— Пазанда экансиз! — ширакайф Азмиддиннинг
қизарган кўзлари ғалати кулди.— Тагин бир пиёладан
куяйми?

— Бас-эй! — Эргаш қўлини артиб ўрнидан турди,
чироқни ёқди.— Сиз ошни олаверинг, мен чой дамлай.

У ҳовлига тушиб, қўшни боғ томонга беихтиёр тер-
милди. У боғнинг Насиба хола томига эгилган ўрик шох-
ларида сирли нур товланарди. Демак, Азиза ишидан
келиб чироғини ёқибди. Нима қилаётганикин ҳозир қиз?
Балки, отаси Сайфи миробга ош дамлаётгандир. У
ҳадемай қўшиқ бошлайди... Азмиддин ҳам эшитади
унинг қўшиғини... Йўқ, айтмасин! Азмиддин эшитмасин
у дилбар овозни!... Ажабо, одам ҳам шунақа мунофиқ
бўладими: Эргашнинг ўзи эмасмиди, Азизани санъат
учун туғилган, унинг ўрни опера сахнасида, деб башо-
рат қилган? Нимага энди бирдан ўзгариб рашкчи, қиз-
ғончиқ бўлиб қолди?

Эргаш чой дамлаб келганида Азмиддин лагандаги
ошнинг қолганини паққос тушириб, ёғини ҳам ялаб
бўлган эди. Эргаш дастурхонни йиғиб токчага қўйди,
бир пиёладан заҳардай кўк чой қўйди.

— Қалай, касалхона маъқул бўлдимми? — сўради у
меҳмондан.

— Шаҳардаги клиникадан қолишмайди, — Азмид-
дин ёстиққа суяниб чой ҳўплади.— Янги бино, озода,
ёруғ. Бемалол ишласа бўлади. Сизга айтсам, Эргаш-
жон, қишлоқ деганда бир четдаги қолоқ бир нарсани
тасаввур қилардим. Халқобод фикримни тамом ўзгарти-
риб юборди.

— Хайрият,— Эргаш пиёладаги чироқ шуъласида
қаҳрабодай товланаётган чой жилвасини томоша қилар-

кан, билинар-билинемас хурсинди.— Халқободнинг меҳригиёси ўзгача.

— Мен унга биринчи кундаёқ ишондим,— Азмиддин ўрнидан чайқалиб турди ва уйга кириб дутор кўтариб чиқди.— Эргашжон, илтимос... Ўзингиз яхши кўрган куйлардан чалиб берсангиз.

Эргаш дуторни унинг қўлидан бетакаллуфгина олди-да, созлай бошлади. Бу вақт қоронғи ўта қуюқлашган, боғ зулматга чулганган, шарқ кўкида янги ой ҳилоли бетартиб сочилган юлдузлар тепасида нозик жилваланарди. Эргашнинг қўли дуторда, нигоҳи ойда, хаёли қўшни боғда— қўшиқчи қизда эди. Ҳозир дутор садоси янграйди. Азиза эшитади ва эҳтимол, қўшиқ бошлайди. Майли, у куйласин, Азмиддин эшитсин. Ахир, овоз, санъат бир киши учун яратилмайди-ку!

Эргаш дуторни тинғиллатиб бир зумгина ўйлаб турди-да, кейин «Турғай»ни бошлади. Бу куй ҳам шўх, ҳам маъюс, ҳам умид, ҳам армон куйи. Бу куй кенг дала-нинг зангори осмонида эркин қуш парвозини эслатади ва айни вақтда унинг манзили узоқлигини, дил интизорлигини ифодалайди. Эргаш дутор торларига қалбини қўшиб чалар, кимгадир даъват этар, интилар, ета олмай нола қиларди.

Куй тугади.

Иигитлар бир нафас сукутга толишди.

— Оҳ, ҳаёт! — Азмиддин ёстиқни қучоқлаганча уҳ тортди.— Нақадар жозибали, нақадар бевафо!... Бугун, Эргашжон, Маликани кўрдиму беш кетдим. Сутга чайиб олгандай оппоқ, кўзлари олов, сочлари тақимини ўпади. Э, аттанг, ошга таклиф қилсам бўларкан!

— Келармиди?

— Э, ғўрсиз!.. — Азмиддин кафтини кафтига ишқаб мақтана кетди: — Биз «гаҳ!» деганда «чаҳ!» демайдиган қуш йўқ. Шаҳарда не-не қизлар изимдан эргашиб юрган. Малика нима!..

— Юрагига қулоқ солиб кўринг, балки севгани бордир.

— Эҳтимол... Инкор этмайман,— Азмиддин калта мўйлабини силаб қўйди.— Аммо биз турганда бошқаларга йўл бўлсин!

— Катта кетдингиз! — Эргаш истехзоли кулди.— Халқобод қизлари билан ҳазиллашманг, жаҳли тез. Келинг, яхшиси, мен сизга шу қишлоқда ижод қилинган янги куйлардан чалиб берай.

— Чалинг, Эргашжон, ҳумор бўп кетдик!

Эргаш Азизанинг куйини — унинг Фузулий газалига айтган қўшиғи оҳангини чалабошлади. Ажабо, бу куй бошланиши билан қўшни боғдан, Насиба хола томига шох ёйган урикнинг нақ тагидан Азизанинг майин овози дуторга жўр бўлди:

Ақл ёр бўлсайди, тарки ишқи ёр этмасмидим?
Ихтиёр бўлсайди, роҳат ихтиёр этмасмидим?

Азмиддин Азизанинг овозини эшитди-ю, бетоқат бўлиб қолди. Унинг ранги оқарди, кўзлари бежоланди, узун, ингичка бармоқлари қалтирай бошлади. Бу дақиқаларда у борлиқни унутган, қошлари чимирилиб, алланималарни эслар, ҳаяжонланар эди...

Дутор сайрашдан, қиз куйлашдан тўхтади. Азмиддин Эргашга ҳайратда тикилиб қолди.

— Во ажаб! — деди у ниҳоят, қалтироқ бармоқлари билан хонтахтани чертиб. — Бу овоз менга таниш... Йўғ-э... — Унинг қуюқ киприклари пирпиради. — У бўлиши мумкин эмас! Овоз овозга ўхшар экан-да!

— Кимни айтяпсиз? — Эргаш ўсмоқчилаб сўради. — Кимнинг овозини айтяпсиз? Очиқроқ гапирсангиз-чи!

— ТошМИда бир қиз бор эди, — Азмиддин ҳамон ҳаяжонланар, товуши титрар эди. — Исми нима ҳам эди? Ҳа, эсладим, Азиза... Даволаш факультетида ўқирди. Ҳаваскорлар тўгарагига қатнардди. Овози ҳозир эшитганимиздай ширали, жозибали... Ўзи ҳам кетворган эди. Во ажаб...

— Давом этинг! — Энди Эргаш ҳам ҳаяжонлана бошлади. «Меҳмон Азиза ҳақида бемаъни бир гап айтса-я?...» — Шу фикрдан вужуди музлаб кетди. — Кейин нима бўлди, Азмиддин ака?

— Бир оқшом танишиб қолдик. Мирзачўлда оталигимиздаги совхозда пахта терардик. Ишдан кейин дала шийпонида концерт бўлди. Азиза қўшиқлари билан ҳаммани ром қилиб қўйди. Ётоқхонага бирга қайтдик. Қоронғи тушиб қолган, ҳайҳотдай далада битта ҳам чироқ кўринмасди. Бетон ариқ бўйлаб аста юриб келардик. Секин билагидан ушлаб гапга солдим. Ёввойи экан, бир сапчиди-да, қочиб қолди. Хуллас, қармоққа илинмади у лаққа...

— Кейин яна учрашдингизми?

— Йў-ў-ўқ...

Эргаш Азмиддиннинг юлуқ жавобидан қониқмади, унинг аллақандай бир сирни атайлаб яшираётгани,

юрагини очишни истамаётгани сезилиб турар эди.

— Вақт ҳам алламаҳал бўлди, ётинг,— Эргаш ўрнидан бир аҳволда турди.— Менинг гузарда ишим бор, тез қайтаман.

Эргаш кўчага чиқди, унинг кўнгли хира, хаёли паришон, қимматли бир нарсасини йўқотган кишидай бесаранжом эди. Гузарга бормади. Ўйлаб-нетиб турмай Сайфи мироб боғи томонга бурилди. Унинг қўштавақа янги қизғиш дарвозаси олдида бир он тўхтаб, ичкарига қулоқ солди: дарвоза ичидан берк, боғ жимжит, ҳеч кимнинг шарпаси сезилмасди. Таваккал қилиб ҳалқани қоқди. Товуш бўлмади. Тағин қоқди.

— Ки-им? — яқин бир ердан Азизанинг мулойим овози эшитилди.

— Мен, Эргашман...

Эргашнинг юраги дукиллаб ўйнай бошлади.

Дарвоза қия очилиб, оқ шоҳи кўйлакда Азиза кўринди.

— Вой, Эргаш ака, сизми? Киринг.

— Дадангиз...

— Дадам тўғон бошидалар. Кираверинг!

Азиза дарвозани ёпиб, Эргашнинг қўлидан судради.

— Юринг, нечук...— Қиз ўзида йўқ шод, ҳовлиқар, йигитга зимдан боқиб кулар эди.— Зап келибсиз-да, ёлгиз зерикиб, ўзимни қайга қўярни билмай турувдим.

— Бизникига чиқа қолмапсиз-да?

— Чиқардиму...— Азизанинг кўзларидаги шўх нур бирдан сўниб қолди. — Меҳмонингиз бор экан.

— Кимдан эшитдингиз?

— Дорихонадаги дугонам Маликадан.

Эргаш худди ҳозир қочиб кетадигандай, Азиза унинг қўлини қўйиб юбормай, боғ ўртасидаги баланд шийпонга олиб чиқди. Саккиз устунлик доира шийпонга лоларанг гилам, беқасам кўрпачалар тўшалган, кенг гулзор ўртасидаги ҳовуз суви электр шўъласида гулхандай товланарди.

— Ҳар оқшом шу ерда ўтириб дуторингизни эшитаман,— деди қиз Эргашни кўрпачага таклиф қилиб.— Гўё, фақат мен учун чалаётгандай бўласиз.

Улар хонтахта атрофига юзма-юз чўккаладилар. У ўйчан кўзларини дастурхондан уза олмай, шикаста бир оҳангда Азизадан сўради:

— Бизнинг меҳмонни танир экансиз-да?

— Азмиддин шилқимними? — Азиза Эргашнинг маъюслиги сабабини тушунди шекилли, кулиб турган оқиш

кулча юзи жиддийлашди. — Институтда қизлар уни «Донжуан» дейишарди. Уқишга бир йилда кирганмиз, Лекин у курсдан курсга қолди, ҳайдаладиган ҳам бўлди, муҳаббат изҳор қилмаган қизи йўқ... Бугун Маликага ҳам «қишлоғингизга сизни деб келдим», «тақдиримни қўлингизга топшираман» каби сийқа гапларини тукиб солибди... Роса кулишдик.

— Мирзачўлдаги воқеа-чи?

Азиза Эргашга ялт этиб қаради-да:

— Тарсаки еганини айтиб бергандир,— деди.

— Йўқ, айтмади, яширди.

— Номард! — Азиза сапчиб ўрнидан туриб кетди. — На бети, на субути бор. У ёлғончи, ишонманг унга!

Эргашнинг шубҳаси қиз қалбининг ҳароратидан тонг шудрингидай тарқаб кетди. Ўрнидан аста туриб қизнинг рўпарасига келди, унинг ростгўй кўзларига тикилди:

— Шунақа одамлар ҳам бор, Азизахон. Эҳтиёт бўлиш керак.

— Тўғри айтасиз,— Азиза дастурхон попутини ўйнар экан, ерга қараб ўйга толди.— Қачон йўқоларкин ёмонлар, а?!

— Қачонки, биз уларга қарши ўт очсак,— Эргаш Азизага умидвор боқди.— Қўшиқ айтиб берасизми?

Азиза унга нафис жилмайди:

— Сиз дутор чалсангиз!

* * *

Азмиддин очиқ дераза тагидаги каравотда шифтга қараб ётар, сирланган тўсинлардаги хира ой шуъласини томоша қилар, қўшни боғдаги йигит билан қизнинг дуэтини тинглаган сари ҳайрати ошарди.

Й и г и т:

Ул гули хандонни кўрмак мумкин ўлсайди манга,
Сендек, эй булбул, гулистонга гузор этмасмидим?

Қ и з:

Дардими оламда пинҳон тутмоғим ночордир,
Бўлса чора, бир табибга ошкор этмасмидим?

Азмиддин қиз овозини бир вақтлар Мирзачўлда унинг қулоғида шовла қайнатган Азизанинг овозига ўхшатса ҳам, йигитнинг овозини танимади ва ўз-ўзига: «Дунёнинг ишлари шунақа, оғайни...» деб қўйди.

ҲАЁТ СУҚМОҚЛАРИ

Қўлдош ота боғида ивирсиб юриб почтага кечикишига сал қолди. Почта бошлиғи пулат сейфни қулфлаб энди сурғучламоқчи бўлиб турганда ҳаллослаб кириб келган чолни куриб ишини тўхтатди.

— Ҳайтовур, кетиб қолмапсизлар,— деди Қўлдош ота, пенсия берадиган рангпаргина татар қиз Салиманинг столи ёнига келаркан. — Маошни бер, қизим, тўй бошлаб юбордим.

Бу хабарни эшитган почта ходимлари отани табриклашди:

- Муборак бўлсин!
- Тўйингиз яхши ўтсин.
- Хизматда бўлайлик.

Салима Қўлдош отанинг пенсия варақасини тўлдирга туриб сўради:

- Темиржон кимга уйланыпти?
- Юлдузга.

Отанинг бу жавобини эшитган почта бошлиғи, қувноқ табиатли Ўктам ака ҳазил қилди:

- Нега юлдузга уйланади, ерда қиз топилмадими?
- Оббо сен-эй! — чол қийқириб кулди.— Чеварам ердаги қизларнинг юлдузига уйланыпти. Мен сизларни тўйга айтгани кирдим, Ўктамвой. Шу якшанба оқшом. Қизил тўй. Уқтингми?

— Уқтим,— Ўктам ака Қўлдош отага янги ўнталикларни санаб бериб, уни эшиккача кузатиб қўйди.— Албатта борамиз.

Ноябрнинг охириги кунлари. Кўкни булут қоплаган, табиат хомуш. Тунда шивалаб ёққан ёмғирдан яланғоч дарахтлар ҳўл. Соат энди олти бўлишига қарамай, қоронғи туша бошлаган, симёғочдаги чироқ туман қўйнидаги ойдай хира нур сочади. Қўлдош ота нам асфальт йўлкадан аста юриб бораркан, кўкрагига зах ўтиб, тўнига ўралиброқ олди. У тўйнинг кечикиб шу маҳалга қолганини, якшанба куни ҳавонинг қанақа бўлишини ўйлар, агар чарақлаб очилмаса, тўй чинакам тўй бўлмай қолишидан ташвишланар эди.

Қўлдош ота катта иморат муюлишидан боғ кўчага бурила туриб шу ерда, автобус тўхтайдиган жойда турган йигитни танигандай бўлди, бетартиб ўсган қалин қошини чимириб қуш боқиш қилди. Ҳа, бу ўша — маҳаллада «одамови» деб донг чиқарган Дониёр.

Бу йигит бир вақтлар унинг чевараси Темир билан

қалин ўртоқ эди. Улар ўқишга бирга боришар, дарсларини бирга тайёрлашар, имтиҳон кезлари бобонинг боғида ҳафталаб қолиб кетишар эди. Дониёрнинг отаси урушда ҳалок бўлганда, у онасининг қўлида уч яшар бола эди. Унинг онаси — у вақтда энди йигирма бешга кирган, сухсургина муаллима уруш тугамасданоқ қирқлардан ошган, басавлат, пулдор бир кишига турмушга чиқди. Бу кишининг аллақаерда хотини, болачақаси бўлса керак, маҳаллада гоҳ пайдо бўлар, гоҳ кетиб қолар, бу ердалигида эса, юртнинг маърака-маросимларига аралашмас, на тўйга чиқар, на тобутга елкасини тутар эди. Дониёрнинг онаси бу иккинчи эридан беш бола кўриб, ишини ташлаб уйига қамалиб қолди.

Орадан йигирма йилдан ортиқ вақт ўтиб, Дониёр кўркемгина йигит бўлиб етишди. Лекин унинг ўқишида тайин бўлмади. Электротехника техникумини битирмасдан ташлаб кетди. Кечки мактабни тамомлаб, аллақайси институтга кирган экан, ундан ҳам кетиб қолди. Ўпкасида иллати бўлгани учун армияга ҳам олинмади. Ўғай отаси уни шаҳар марказида катта магазинлардан бирига ишга жойлаштирди. Бироқ растрат қилиб қўйди. Она бечора тақинчоқларини сотиб, ўғлини қутқариб қолди.

Темирнинг Дониёр билан дўстлигидан, у Электротехника техникумидан кетиб қолган кунларда путур кетган эди. Бунга сабаб шу бўлдики, Дониёр Темирнинг сўзига қулоқ солмади, дарсларни ташлаб қўйди, бобо боғидан қадамини узди, четдан дўстлар топиб, маҳалла ёшларини оёқ учи билан кўрсата бошлади. Унинг четдан топган дўстлари кўпинча қизлар бўлар, учрашадиган жойлари — танца майдонлари, кафе, ресторан... Бора-бора Дониёр маҳаллада бутунлай кўринмай қолди. Кечалари алламаҳалда, гузар сув сепгандай жимжит, одамлар бир уйқуни олиб бўлган паллада боғ кўча оромини такси моторининг вағиллаши, кетма-кет чалинган қўнғироқ жаранги бузар, бу шовқиндан уйғонган кишилар «Оббо, «одамови» келди!» деб қўяр эдилар.

Қўлдош ота Дониёрга яқинроқ келиб, янглишмадиммикан, деб уни синчиклаб кўздан кечирди. Ўшановча, озғин, пўрим йигит: тор шим, қушбурун туфли, калта пальто, ингичка галстук, ясси шляпа. Бурни тағида капалакдай нозик мўйлов.

— Дониёрмисан? — ота ҳамон ундан кўзларини олма-май сўради.— Ёлғиз нима қилиб турибсан бу ерда?

— Шундоқ... ўзим...— Дониёр калта енги тагидан кўриниб турган қўл соатига тоқатсизланиб қараб қўйди.— Бир ошнамни кутяпман.

— Ҳа, дуруст. Нега бизникига келмай қўйдинг? Темирвойни кўриб турасанми?

— Гоҳо...

— Бу ишинг чакки. Бухор тангасидай қорангни кўрсатмай кетдинг. Ўртоқ деган бунақа бўлмайди. Темирвойнинг уйланаётганидан хабаринг борми?

— Эшитдим...

— Ўзи айтдими?

— Айтди... Аммо ишим кўп, тўйга келолмасам керак.

— Ҳа, ҳа! — Ота Дониёрга тағин бошдан-оёқ қараб чиқди.— Ишим кўп дегин? Хизмат қаерда ўзи?

Дониёр: «Бу сассиқ чолдан қутуламанми, йўқми?» дегандай ёвқараш қилди.

— Хизмат катта идорада, эртаю кеч югур-югур...

— Даромади ҳам чакки бўлмаса керак? — чол яна ўсмоқчилаб сўради.

— Чакки эмас...— Дониёр бир йўлда кўринган автобусга, бир қўлидаги соатга қаради.— Хайр, ота, мен ошнамни кутиб олай.

— Бирга кутаверамиз, маошни опчиқдим, меҳмон қиламан.

— Ҳожати йўқ,— Дониёр йўл ёқасига келиб тўхтаган автобусга интилди.

Ундан ҳафсаласи пир бўлган Қўлдош ота этагини қоқиб кетмоқчи бўлди-ю, бироқ «одамови»нинг ошна-сини бир кўриб қўяй деган умидда, турган жойида туриб қолди.

Автобус тиқин бўлса ҳам, бу ерда ундан уч-тўрт кишигина тушди. Булар Трактор заводининг ишчилари бўлиб, шу маҳаллалик таниш кишилар эди. Улар қадрдон ота билан саломлашдилар ва чолни «одамови» билан ёнма-ён кўриб ажабландилар. Улардан бири:

— Баҳай, ота? — деб сўраб қолди.

— Дониёрвой билан меҳмон кутяпмиз...— Қўлдош ота парвосизгина жавоб қилди.

Автобус жўнади. Қўшнилари боғ кўчага кириб кетишди.

— Ота, сиз энди кутманг,— Дониёр чолга ёвқараш қилди.— Ошнам навбатдаги автобусда келади.

— Ишим, қолаётгани йўқ, болам.— Чол ёйиқ соқо-
лини силади, кўзлари кулимсиради.

— Қизиқ экансиз! — Дониёрнинг бевақт ажин туш-
ган пешонасига совуқ тер чиқди.— Мен билан нима
ишингиз бор?

— Одамнинг одам билан иши бўлиши керак, бо-
лам. Одам одам билан тирик. Ахир, сен ҳам чеварам
қатори ўз тирноғимсан. Отанг раҳматлик билан ёнма-
ён боғ қилганмиз. Кўнгли нур, қўли гул йигит эди, ба-
рака топгур!

— Яхши, яхши...— йўл бўш бўлса ҳам устма-уст
сигнал бериб келаётган ҳаворанг таксини кўрган Дони-
ёрнинг кўзлари чақнади.— Боринг энди, ота, ошнам ма-
шинада кепқолди.

Ўўл асфальтда шивиллаб келган такси Дониёрнинг
ёнгинасида тўхтади, олдинги эшиги очилиб, қизғиш, са-
ватдай сочи ҳурпайган, бўйдоргина жувоннинг боши
кўринди.

— Кетдик, жонгинам! — деди у, олтин узуклар пор-
лаган семиз бармоқлари билан Дониёрни имлаб.

Дониёр Қўлдош отага хайр-маъзурни ҳам насия қи-
либ, машинанинг орқа эшигини тарақлатиб очиб, икки
бужилиб кириб олди. Машина жиларкан, тасқара жу-
вон чолга қўл силкитиб қолди:

— Салют, бобой!

Қўлдош бобо боғига кириб келганда монтер Оқил
ака кенг саҳннинг ҳар томонига сим тортиб, катта чи-
роқларни ёқиб юборган, ҳамма ҳаракатда: чоллар ай-
вонда сабзи тўғрар, Темир ҳовлида тўнка ёрар, қассоб
Ўўлдошвой янгигина сўйилган бўрдоқи нимталарини
урик шохига осар, новвой тандирга ўт қалар, хуллас,
якшанбага қадар ҳали икки кун бўлишига қарамай,
боғ ҳозирданоқ чинакам тўйхонага айланган эди. Ма-
ҳалла чойхонасининг самоварчиси паканагина Мели-
вой бўйи ўзига баробар қўш мис самоварни аллақачон
ўрнатиб бўлиб, беш-ўн чойнакка чой ҳам дамлаб юбо-
рибди.

Қўлдош ота гоҳ айвон пешига келиб, оғайнилари
билан бир дам отамлашади, гоҳ тандир алангасида
қип-қизарган новвойга чой қуйиб узатади, гоҳ эса, тўн-
ка ёраётган чеварасининг тепасига желиб: «Ҳай, куёв
бола, белингга эҳтиёт бўл!» деб ҳазиллашади.

Ишидан қайтиб, оҳорли кийимларини кийиб чиққан
қўни-қўшни, ҳаммаҳаллалар очиқ эшикдан бирин-кетин
кириб кела беришди. Қўлдош отанинг тенгдошларидан

Халил ота, Маҳкам партизан, Саид оталар, Темирнинг Трактор заводидаги ҳамкасблари ва кечки институтдаги курсдошлари, маҳалланинг тўйбоши корчалон аёллари, хуллас, тўйдан хабар топганларнинг ҳаммаси муборакбод этгани, тўйнинг кам-кўстларига қарашворишга киришар, ёши тўқсонни қоралаб, чеварасини уйлантириш бахтига муяссар бўлган табаррук бобо хонадонига файз бағишлашар эди.

Жамоат жам, фақат маҳалладаги биргина хонадон кишилари — Дониёр, унинг онаси ва яқинда улар уйига буткул кучиб келган ўғай отаси йўқ эди, холос.

— Уртоғингни кўрдим,— деди Қўлдош ота, чайир тўнка ёриш машаққатидан қора терга ботган чеварасининг ёнига келиб.— Посонидан от ҳуркади. Бамисоли жибилажибон. Сассиқ попишакка ўхшаган бир ажина билан таксада равона бўлди. Тўйга айтсам, ишим кўп, дейди.

— Ҳа, у шунақа.— Бобоси ким ҳақида гапираётганини дарров пайқаб олган Темир мийиғида кулди.— Ишёқмас, бекорчихўжа. Гапирсак, сиркаси сув кутармайди.

Эшикдан кириб келган юзи япалоқ, қориндор, бавсавлат одамни — маҳалла комиссиясининг раисини кўриши билан Қўлдош ота яйраб кетди:

— Келинг, Мирзаабдулла, келинг! Қани, сиз ечиб беринг бизга шу жумбоқни...

Мирзаабдулланинг кенг юзига кулги тўлиб, ота билан қучоқлашиб кўришди:

— Қани-қани, нима жумбоқ экан? — деб сўради.

— Анави,— Қўлдош бобо кўрсатгич бармоғини қўшиб боққа бигиз қилди,— муаллим қизимиз Насиба масаласи. Ҳай, кейинги эри нобоп чиқди. Аммо ўғли Дониёр ҳам кўзимга олароқ кўринади. Нечук сиз, Мирзаабдулла, маҳаллага ота бўла туриб, битта болани тўғри йўлга солиб юбориш қўлингиздан келмайди.

Бу савол Мирзаабдулланинг ҳам бошини кўпдан бери қотириб келаётган бўлса керак, юзидаги шодлик сўнди, кўзлари тиниб, кенг пешонаси тиришди.

— Бу оғир савдо,— деди у катта, қалин кафтларини бир-бирига ишқаб,— Насиба опа мактабга ишга кирмоқчи. Ёрдам беряпмиз. Эри Мамат ака пенсияда, аммо уни уйдан топиш қийин: қаерга кетганини хотинига ҳам айтмас эмиш.

— Аввалги оиласи нима бўлган?

— Хотини бултур вафот қилган. Уч боласи бор, ҳам-

маси уй-жойли, ўзидан тинчиб кетган. Дониёрга кел-сак... Ўзингизга маълум, отахон, тарбияси яхши бўл-мади.

— Э, аттанг, тухуми асил эди...

— Тўғрику-я... Мамат ака болани бузди: пулга, ич-киликка ўргатди, ўқишига зомин бўлди, дўстларидан бездирди, хуллас, оқибатда унинг қолипидан бир така-салтанг чиқди.

— Астаффирулло!— Қўлдош бобо бўғилиб соқоли-ни тутамлади.— Болани ўртага олинглар, насиҳат қи-линглар, ишга солинглар.

— Қараб турганимиз йўқ, отахон. Заводга ишга жойладик, тўрт кунга чидамади. Муштлашиб қамал-ган экан, кафилга олиб чиқдик, насиҳат қилдик, фойда бермади, начора?

— Қаттиқ ушлаш керак. Кўпчиликка бўйсунмай кўрсин-чи!

— Хўп, отахон,— Мирзаабдулла Темирнинг болта зарби билан тўнкани иккига ажратиб юборганидан завқланиб кулди.— Қойил, азамат! Хўш, бизга нима хизмат бор?

— Хизмат кўп. Қани, айвонга чиқайлик!

* * *

Қўлдош отанинг ўз санъати билан қурилган нақ-шин айвонда маҳалла оқсоқоллари тўй тартибини му-ҳокама қилаётган бир пайтда Дониёр Чилонзордаги уйларнинг бирида, шифтини тамаки тутуни қоплаган торгина, дим хонада бугун уни таксида олиб кетган тасқара хоним билан танца тушар, кайфи баландлиги-дан музикани ҳам англамас, оёғи тез-тез чалишиб, қал-қиб гандираклар, аёлнинг атир ҳиди гуркираб турган йўғон, оқ бўйнига лабини босар эди.

Бетартиб стол атрофида яна икки жуфт «ошиқ-маъ-шуқлар» тизза-батизза ўтиришибди. Дониёр ўз хоним-мининг кимлигини яхши билмагандай, уларнинг ҳам кимлигини яхши билмайди. У растират қилиб базўр қу-тулган магазини ёнидаги сартарошхонага кирганда Зюзи билан танишган. Дониёрдан ўн ёш катта бўлган, уч эр кўрган, болаларини бачадондаёқ йўқотиб келган бу маникюрчи устомон хотин пардоз-андоз билан ўзини ёш қилиб кўрсатар, хушсурат ўспиринларни ноз-фироқ тузоғига илинтириб маишат қилар эди. У Дониёрни бир кўришданоқ кўз остига олиб қўйди, иккинчи кўр-ганда илиб кетди. Мана, олти ойдирки, ҳар кун, кун

ора Дониёр қаерда бўлса ҳам, уни топади, уйига олиб келади, янги-янги улфатлари билан таништиради, эркалайди, ҳатто: «Фақат таксида юринг»,— деб чўнтагига пул ҳам солиб қўяди.

Зюзи Дониёрни бугун ҳам тун оққандан кейин таксига тушириб юбора туриб, бўйнига осилиб йиғлади:

— Севаман! Севаман! Севаман! Мени доим ўйла, жонгинам! Бу дунёда сендан бошқа ҳеч кимим йўқ!...

Дониёр таксининг орқа ўриндиғида мудраб утирар экан, ўз кўзларининг совиб қолганини дафъатан сезди, гўё унинг кўзларини биров ситиб олгану, косасига муз парчаси жойлаб қўйган эди. Баданидаги ҳарорат ҳам совиган, оёқлари ёғочга айланган, фақат тиззаларининг зирқираб оғриши жони борлигидан далолат бериб турар эди. Утирган ерида керишиб, кенг йўл ёқасидаги баланд бетон симёғочларга қўндирилган эгик неон чироқларни, нурда камалакдай йилтираётган ёмғирни лоқайд кузатиб борди. Дониёр Зюзининг севги, соғиниш ҳақидаги куйиб-пишиб, ҳатто йиғлаб айтган сўзларига чиндан ишонар, унинг қилиқлари ўртага тушавериш кўп марта чўқиланган, пати тўзиган, тумшуғи пачақ туллакнинг ўйини эканини хаёлига ҳам келтирмас эди.

— Хўш, йигит, маишат зўр бўлдимиз?

Нотаниш шофернинг кутилмаган саволи Дониёрни ҳушёр торттириб юборди. У қалтироқ бармоқлари билан сигарета тутатар экан, таажжубланиб:

— Бу нима деганингиз, амаки?— деб сўради.

— Қалай, Зеби яхши кутдимиз?

— Қанақа Зеби? Ҳеч қанақа Зебини танимайман!

— Зюзи...

— Зюзи?! Сиз уни биласизми?

— Мен, жиян, Зебининг биринчи эри бўламан,— шофернинг йўлга тикилган кўзларида совуқ ўт йилтиллади.— Бундан ўн беш йил бурун ковушини тўғрилаб қўйганман.

— У бошқа Зеби,— Дониёрнинг таранглашиб келатган асаблари бўшашди.— Зюзи энди йигирма тўртга кирган.

— Ғўрсиз, жиян,— Шофер заҳарханда кулди.— Зеби яна ўн йилдан кейин бошқатдан ўн саккизга кирди. Мендан кейин тағин иккита эр қилди. Сиз, ҳисобда тўртинчиси...

Дониёр Зюзининг боягина унинг бўйнига осилиб йиғлаганини, мушукникидай ёниб турган йирик кулранг

кўзларини, киприкларининг бўёғидан оппоқ лўппи юзига чўзилган кўкимтир изларни эслади.

— Зеби — йигитлар бахтининг ўғриси, Шайтонга дарс беради. Қўлга тушибсиз, жиян.

— Йўғ-э, Зюзи мени севади.

— У ҳаммани севади. Тўйгунча, жонига теккунча севади.

Комсомол майдони, ёмғир тагида шовиллаб қайнаётган фонтан орқада қолди. Машина Калинин майдонидан ўтиб, Қорасаройга бурилгач, тор кўчада юришини секинлатди.

— Ота-онангиз борми, жиян?

— Отам урушда ҳалок бўлган, ўгай отам бор, пенсионер. Онам муаллима. Бешта укам бор.

— Жужабирдай жон экансизлар,— шофёр ачиниб бош чайқади.— Қаерда ишлайсиз?

— Ҳозирча бекорчиман.

— Э, аттанг...— Машина Қумлоқнинг ўнқир-чўнқир йўлида туртиниб борар экан, шофёр пассажирига насиҳат қилди:— Вақтида этагингизни ёпиб олинг, ука. Зеби — қутурган ит, ҳали сиздайларнинг кўпини гажийди. Қадамингизни қирқинг унинг ҳаром эшигидан. Ёш экансиз, ишланг, ўқинг. Ҳойнаҳой, онангиз сизни йўлда кутаётгандир...

Машина Дониёр яшайдиган боғкўчага кирганда шу ердаги ҳовлилардан бири устида катта чироқларнинг шуъласи кўринди, йигитлар яллasi эшитилди.

— Маҳаллада тўй борми?— шофёрнинг чехраси ёришиб кетди.— Ана, жиян, сиз тенгилар тўй қилишадди, уйланишадди, меҳнатлари роҳатини суришадди. Сиз бўлсангиз...

— Энди, амаки, биз янгича...

Бу мужмал гапни эшитган шофёр машинани таққа тўхтатиб, орқа эшигини тарақлатиб очди.

— Туш! Ҳе, ўша сени!..

Дониёр машинадан тушиб чўнтагини ковлаётганда шофёр ўшқирди:

— Зебининг ҳаром пулини ачангга бер! Эсиз одам!..

Машина зарда билан вағиллаб бурилиб кетди. Дониёр турган ерида сурат бўлиб қолди. Шофёрнинг сўзларидан Зюзининг кимлиги аён бўлса ҳам, Дониёр унинг ҳақидаги фикрида иккиланар, унинг ширали қалин лаблари майидан ҳамон чала маст, ҳамон қулоқларида надомат билан айтган: «Севаман! Севаман! Се-

ваман!» хитоби жаранглар, боши айланиб, оёқлари ча-
лишар эди.

Эшик олдидаги кекса тол тагидан бир соя ажралиб
чиқди-да, Дониёр томонга кела бошлади.

«Оббо...— Дониёр онасини таниб, юраги шувилла-
ди.— Ўлганининг устига чиқиб тепади энди».

Бошига дока рўмол ўраган, озгин, новча Насиба
опа ўглининг рупарасига келиб тўхтади ва ёшли кўз-
лари билан термилди.

— Қаёқларда санқиб юрибсан, болам?— Унинг сер-
ажин юзида қон йўқ, товуши синиқ эди. — Сенга ҳам
эс кирадимми ўзи? Уйга кир.

Дониёр онасининг кетидан ҳовлига кирди, айвон-
га чиқиб, қушбурун янги туфлисини тартибсиз улоқ-
тирди, калта пальтосини вешалкага отди-да, деразаси
айвонга қараган ўз хонасига гандираклаб кириб кетди.

Насиба опа ўглининг кетидан соядай жимгина кир-
ди.

Дониёр узун, нимжон гавдасини креслога ташлади
ва қаршисида маъюс термилиб турган онасига совуқ
қаради:

— Гапиринг гапингизни!

— Қаерда эдинг?

— Ўртоғимникида!

— Қайси ўртоғингникида? Оти борми?

— Нима, сўроқми?! — Дониёр ўшқирди.

— Онангга бақирма! — Насиба опа ўглининг қар-
шисидаги стулга оҳистагина ўтирди ва қушнинг машъала
боғдан эшитилаётган ашулага қулоқ солиб бир нафас
жим қолди.— Агар мендан камчилик ўтган бўлса ке-
чир,— деди у синиқ товуш билан,— лекин мен сени
бунақа тарбияламаган эдим. Одамларнинг бахтини кў-
риб, сенинг бахтсизлигингдан эзиламан. Ҳа, болам, сен
бахтсизсан. Бу дайдилигинг, сени ичирадиган шубҳа-
ли ўртоқларинг — бахтсизлик. Бугун менга Қўлдош ота
айтиб берди. Номусдан ер ёрилмади, кириб кетмадим.
Сени лақиллатиб юрган танноз бахтингни жувонмарг
қилади. Қайт бу йўлдан!.. Бу йўл фалокатга, ҳалокат-
га олиб боради, болам!..

Дониёр силлиқ таралган сочини чангаллаганча ерга
қараб қолди, у энди онасининг юзига қарашга боти-
нолмас, унга сўз ҳам қайтара олмас, асаби ўта бузил-
ган, дод деб юбориш даражасига етган эди.

— Бугун сени кўп одам йўқлади,— Насиба опа ҳа-
мон босиқ гапирар эди.— Маҳалламизнинг раиси Мир-

заабдулла ака келди. «Дониёр менга учрасин, ишга киритиб қўяман», деди. Бу сенга катта марҳамат, болам. Уртоғинг Темиржон қайлиғи Юлдузхон билан келишди, тўйларига айтишди. Бу ҳам сен учун катта обрў. Ишга кир, ўқишингни давом эттир, одамларга қўшил, йўқотган дўстларингни топиб ол.

— Хўп, ойижон.

— Энди ётиб ухла.

Насиба опа ҳовлига чиқиб кетди. У дарахтзор боғининг кенг саҳнида кезиб юрар экан, Дониёрнинг ёруф деразасидан кўзини олмади. Унинг юраги санчди. Урикка суянганча туриб қолди. Дониёрнинг чироғи эса алламаҳалгача ўчмади. Унинг нима қилаётгани, нималарни ўйлаётгани, қандай қарорга келгани онага қоронғи эди. Лекин она шуни яхши билар эдики, ўғли қанчалик қийналмасин, қандай азоблар чекмасин, шу безовта тун ҳаётида бурилиш ясайди, қалбида умид ўтини ёқади...

Унинг чироғи тонг ғира-ширасида ўчди. Шундан кейингина Насиба опа енгил тин олиб уйига, пишиллаб ухлаётган болалари ёнига кириб кетди...

КУПРИК

Мақсуд ишдан ҳар кунгидек кеч чиқди. У ёш — энди йигирма уч баҳорни кўрган бўлса ҳам, қурилишда икки сменалик «ҳа, ҳа бўл!» уни толдирар, айниқса ҳафтанинг сўнгги куни зўр келар эди. Гарчи у қурилишга ўз ихтиёри билан борган ва икки сменалик ишга ҳам ўз ихтиёри билан рози бўлган эса-да, дастлабки, кунлари иккинчи сменадан воз кечишни ўйлаб қолди. Ўйлаб қолди-ю... бу қарорини ҳам ўзи тезликда рад этди: шаҳар зилзиладан чала вайрон, бутун-бутун маҳаллалар бузилиб ётибди, минг-минг одамлар боши берк кўчалар, парклар, чекка майдонларда, чодирларда яшайпти, кун эса исигандан исиб, осмондан олов ёғаётгандай: ҳавозаларга тизилиб гишт тераётган йигитларнинг елкалари аллақачон куйиб, пўст ташлаб бўлди. Сувдан фойда йўқ, ичганинг сари тер бўлиб қуяди-ю, лекин чанқоқни босмайди.

Мақсуд Политехника институти қурилиш факультетининг учинчи курсида ўқийди. Бундан уч йил бурун шу курсдан армияга кетиб, бу йил яна шу курсга кириб келди. Армиядан гвардиячи сержант, коммунист бўлиб қайтди. Ўқиш айни қизғин пайтда, 26-апрелда бошланган зилзилалар силсиласи студентлар ҳаётига

ҳам жиддий таҳрир киритди. Улар ёзги имтиҳонларни жадал топшириб, қурилишларда ишлай бошладилар. Бунинг устига, ётоқхоналарини бошпанасиз қолган oilаларга топшириб, ўзлари маҳаллаларга — хонадонларга кўчиб кирдилар. Мақсуднинг курсидаги бошқа шаҳарлардан келиб ўқувчи ўн етти студентни Тешикқопқа маҳалласи хонадонларига бир-икки, ҳатто уч-тўрт кишидан қабул қилиб олди. Мақсуд шу маҳалла қарияларидан Ҳайдар отанинг уйига жойлашди.

Чилонзордаги қурилишлардан бирида ишлаётган Мақсуд ҳар кунгидек кеч соат ўнда ҳавозадан тушиб, йидоқ далада тахта билан ўралган душхонага кирди, коржомасини ечиб, қатор душлар тагида чўмилаётган йигитлар орасига суқилди-да, шариллаб оқаётган салқин сувга бошини тутиб бир сесканди-ю, кейин ҳузур қилиб чўмилди.

У ҳўл сочини силлиқ тараб, калта енг оқ кўйлак, каламинка шим ва оқ брезент туфлида еттинчи троллейбус айланадиган майдонга келганда, жилай деб турган троллейбус эшигидан таниш бир йигит қичқирди.

— Чоп! Қоласан!

Мақсуд чиқиб олиши билан троллейбус юриб кетди.

— Бугун қанча тердинг? — таниш йигит бетон қорувчи Никос Мақсуд билан ёнма-ён утираркан, қизиқиб сўради.

— Икки минг уч юз.

— Қойил!

— Нимаси қойил! Кўтарма кран гиштни ҳам, қоришмани ҳам ҳавозага опчиқиб беради, тераверасан...

— Камтарсан.

— Шаҳарни кўраяпсан-ку. Ник, ҳар қанча ишласак ҳам оз!

Грек тилидаги газетасини ўқишга берилган Никосни кўрган Мақсуд чўнтагидан бир варақ букланган қогоз олди-да, қатларини ёзиб, ундаги чизма устида ўйлаб кетди. Бу — ўзи чизган ва ўзи қурмоқчи бўлган кўприк лойиҳаси, тўғрироғи, пиёдалар ўтадиган узун, тор кўприк схемаси эди.

Никос газетадан бошини кўтариб:

— Шу ерда ҳам дарсми? — деб сўради.

— Йўқ. — Мақсуд зирқираб оғриётган елкасини кресло суянчиғига тираб, ўйчан жавоб берди: — Маҳалламиз чеккасидан Қичқирик анҳори ўтади. Пиёдаларга кўприк қурмоқчиман. Тез ва арзон битиши керак.

— Ҳашарга айт.

— Албатта.

Троллейбус Тўқимачилар комбинати ёнида тўхтади.

Никос хайрлашиб тушиб кетди. Мақсуд Социалистик шаҳарча чироқларини, магазинларнинг ёрқин ойнабанд витриналарини бир оз кузатиб ўтирганидан кейин нигоҳи, хаёли яна чизмага кўчди...

Мақсуд Трактор заводи майдонида троллейбусдан тушиб, Шимолий Олмазор кўчасидан Қичқирик бўйига келди. Анҳорнинг икки томони асфальт йўл, фақат унда кўприк йўқ. Шу сабабдан транспорт ўта олмайди, одамлар эса, Шимолий Олмазордаги тўрт қаватли янги иморатлар орқасидан анҳор бўйига тушиб, пасқам чуқурликдаги сув тепасида лопиллаб турган омонат осма кўприкдан юрадилар. Унинг тепасида биттагина симёғоч қўққайган. Бироқ ундаги чироқ кўпинча ёнмайди: болалар тош отиб синдириб кетган бўлади. Қоронғи тушди дегунча бу ердан ёлғиз ўтишга қўрқадилар.

Мақсуд Тешикқопқада яшаб, ҳар куни кечаси шу омонат осма кўприкдан ўтаётгани сайин кўприк қуриш хаёли унинг миясига қаттиқ ўрнашиб қолди. Шаҳар ташкилотларига бориб, тайёр иккита катта йўлни бирлаштирадиган асосий кўприк қачон қурилишини ҳам суриштирди. Лойиҳа тайёр экан. Лекин зилзила унинг амалга оширилишини кечиктирибди. Шу жавобни олгандан кейин Мақсуд маҳалланинг кучи, ҳашар йўли билан Қичқирик устига пиёдалар учун вақтинча бўлса ҳам янги, арзон кўприк қуриш, шу билан ҳам одамларнинг йўлини қисқартириш, ҳам йўловчиларни хавфхатардан қутқариш режасини тузди ва бу режани Ҳайдар отага айтиб, маъқуллаб олгандан кейин қогозга ҳам туширди.

Мақсуд шу ўйлар билан банд экан, кеча кечаси кутилмаган ғалати ҳодиса юз берди.

Мана, ўша омонат эски кўприк. Мақсуд унинг қоқ белида турибди. Ҳар кунгидек бу кеча ҳам симёғочдаги чироқ ўчиқ. Тўлин ой тепаликдаги Тешикқопқа қабристонининг азим бақатераклари ёнбошида порлаб, ям-яшил қирғоқларга, баланд-паст томларга, чуқурликда ҳайқириб оқаётган анҳор сатҳига кумуш нур сочиб турибди. Лекин бу нурда кўприкнинг у ер-бу еридан кимдир суғуриб олган тахталар яхши кўринмайди, йўловчи эҳтиёт билан қадам босмаса, туйқусдан йиқилиши,

сувга тушмаганда ҳам, майиб бўлиши ҳеч гап эмас. Қимга ҳам керак бўлиб қолди экан бу эски тахталар? Утин мўл, тахта, ёғоч кўп...

У худди шу маҳалда, яъни соат ўн бирга яқин ос-ма кўприкка қадам қўйди. Кўприк лопиллади, унинг ойдиндаги узун сояси ҳам сув сатҳида бесўнақай лопиллади. Кўчирилган тахталар оша эҳтиёт билан одимлар экан, қаршисида пакана бир йигит пайдо бўлиб, унга тўппонча ўқталди:

— Кўтар қўлингни!

Мақсуд тўхтади ва тўппонча ўқталиб турган йигитга бошдан-оёқ разм солди: ола-була қўйлак, кўкиш шим, янги қора туфли ва сал пучуқ бурни тагида қўнғиздай мўйлов... Ёши ўн еттиларда.

— Кўтар қўлингни! — пакана йигит қаттиқроқ бақирса ҳам Мақсуд унинг овози қалтираётганини сезиб, кулди:

— Тўппончанг ўқланмаган, ташла, нодон!

Шу пайт Мақсуднинг орқасида шарпа сезилди. У ўгирилиб ҳам улгурмаган эди, пичоқ ушлаган новча йигит ўзини унга отди. Мақсуд чаққонлик билан пичоққа чап берди ва новчанинг тўпиғидан қаттиқ ушлаб, баланд кўтарди-да, анҳорга отди. Кейин паканага буюрди:

— Тўппончани бер!

Тўппонча пакананинг қўлидан тахтага тап этиб тушди.

— Менга бер, деялман!!

Пакана бир анҳорнинг шериги қулаган олачалпоқ сатҳига, бир кўприк ўстида қорайиб турган тўппончага қарар, иккиланар, «эгилсам мени ҳам анҳорга отади» деб қўрқар, бироқ Мақсуднинг товушидаги шиддатга бўйсунмай иложи йўқ эди. У тўппончани олиб Мақсудга узатди.

— Сўтак! — Мақсуд ёғоч тўппончани сувга отди.— «Олабўжи»лар сенлармидинг? Бу кунларингдан ўлганинг яхши эмасми?!

— А-а-нов... а-а-нов б-ош-лади...— қалтираб гапирди пакана.— Ме-е-ен ээ-э-мас...

— Қани, юр! — Мақсуд йигитчанинг ингичка билан гидан маҳкам ушлаб тортди.— Юр, безори!

— То-о-вба қилдим...— Пакана ёлборди.

— Юр!

Мақсуд уни қабристоннинг темир панжарали ғишт девори ёнлаб кетган йўлгага судради.

— Жон ака, қўйворинг, ўртоғимдан хабар олай, чўкиб кетган бўлмасин...

Мақсуд безорини қабристоннинг ёруғ дарвозахонасигача судраб келди ва шу ердаги скамейкага силтаб ўтказди.

— Хужжатингни чиқар!

Безори скамейкада омонат ўтирганча моматалоқ билагини силар, эгаси калтаклаган итдай олазарак боқар, чаппасидан келган ишнинг аламинни тортаётганини ҳам, узидан кучли йигитнинг қўлидан омон чиқиб кетиш учун найранг тўқиётганини ҳам билиб бўлмас эди.

— Паспорт олмаганман,— деди у ниҳоят тупугини ютиб. Аммо Мақсуднинг қаттиқ тикилиб турган кўзлари юмшаганини пайқаб: — Гувоҳномам бор,— деб қўшиб қўйди.

Мақсуд унинг «гувоҳнома»сини кўздан кечирди. Бу— Трактор заводининг Зокир Қодиров номига берилган пропуски бўлиб, муддати ўтиб кетган эди.

— Ишдан ҳайдалганмисан?

— Йў-ў-ўқ... Ҳа-а...

— Ўртоғинг-чи?

— Уям...

— Қаерда турасан?

— Чувалачида, 31-уй.

Мақсуд Зокирга бир варақ қоғоз билан авторучка берди.

— Ёз! «Мен Зокир Қодиров, ўртоғим...» Оти нима?

— Муҳсин Алиев...

— «Муҳсин Алиев билан 1966 йил 27 июль кечаси соат 11 да...» Ёздингми?

— Ҳа...— Зокирнинг қўли титрар, Мақсуд милицияга судрамаганидан, ишнинг осон кўчаётганидан енгил тортиб, тез-тез ёзар эди.

«Қичқириқдаги осма кўприк устида ўғирлик мақсадида йўл тўсдим. Лекин йўловчи бизни қуролсизлантирди. Мен ўзим ва шеригим номидан сўз бериб айтаманки, бу ишни иккинчи қилмайман. Эртага эрталаб соат 8 да Чилонзордаги 16-секторга 31-уй қурилишига шеригим билан етиб бораман ва ҳалол меҳнатим билан гуноҳимни юваман». Қўл қўй!

Зокир қўл қўйди. Мақсуд қоғозни буклаб чўнтагига соларкан, ундан сўради:

— Сенга ишонсам бўладими?

— Онт ичаман.

— Кераги йўқ. Жўна энди!

Зокир дарвозахонадан чиқиб, ойдинда гувиллаётган Қичқириқ томонга илдам юриб кетди.

Мақсуд осма кўприк устида кечаги воқеа юз берган жойининг нақ ўзида турибди. У бугун эрталаб қурилишда Зокирни шериги билан кутди. Улар келишмади. Мақсуд ҳар хил хаёлларга борди: «Муҳсин сувга чукиб кетдимикан?», «Ўғрилар жуфтакни ростлаб қочворишдимикан?», «Зокир уй адресини нотўғри айтиб, алдаб кетдимикан? Ёки Муҳсин Зокирни қўрқитиб, айнитдимикан?», «Балки улар кўприкда бугун ҳам пайдо бўлишар?»

Шу каби поёнсиз ўйлар уни толдирди-да, кеча Зокирни жўнгина қўйиб юборганидан ўкиниб, Ҳайдар отанинг уйига йўл олди.

Ҳар кун эрта ётиб, эрта турадиган бобой бугун эшиги олдидаги азим туп ўрик тагида, пастгина супачада мудраб ўтирар эди. Шарпа сезиб, ўсиқ қошлари тагидаги уйқу босган ҳорғин кўзларини аста очди.

— Келдингми, бўтам? Йўлингни пойлаб ўтирувдим.

— Тинчликми, отахон?

— Не билай, домкомимиз қоровулни юбориб қўймаётибди, сен керак бўпқопсан чоғи.

— Эртага учрайман.

— Бе!— Ҳайдар ота инқиллаб вазмин гавдасини супадан базўр узиб олди.— Қачон келсанг ҳам, оёғингни ерга тегизмай етказишимиз даркор экан. У юртнинг отаси бўлгандан кейин итоат этмай иложимиз йўқ. Юр, бора қолайлик.

Мақсуд Ҳайдар отани қўлтиқлаб олиб, маҳалла гузарига бошлади. Йўл-йўлакай ташвишланиб сўради:

— Қоровул учини чиқармадими, нима гап экан?

— Қоровул Меливой ҳам домкомимиз Мирзасолиҳдан қолишмайдиган қув. «Мақсуд домовойдан ўтган, юриш-туриши бажо», десам ҳам индамайди, нуқул қўйи эгиз туққандай тиржаяди.

— Гапга зўрсиз, отахон! — Мақсуд мийиғида кулиб қўйди.— Солиҳ аканинг чақиргани яхши бўпти, кўприкни сўзлашволамиз.

Тун яримлаганига қарамай, гузар гавжум эди: йўл бўйидаги сердарахт майдон чароғон. Қатор сўриларни чойхўрлар тўлдиришган, радиоа ака-ука Сўфихоновлар қадимги усуллардан бирини янгратишяпти. Идора деразаси ҳам ёруғ: ичкарида хумкалла Солиҳ ака ва секретарь қиз Омилахон кўринади.

Ҳайдар ота билан Мақсуд чойхўрлар билан салом-

лашиб, идорага киришди. Солиҳ ака буларни ўридан туриб қаршилади, қўл бериб кўришди-да, қизил алвон ёзилган узун стол ёнидаги стулларга таклиф қилди.

— Баҳай, бевақт йўқлатибсан? — Ҳайдар ота домком раисига ўсиқ қошлари тагидан қушбоқниш қилди.

Солиҳ ака стол тортмасидан қоғоз олиб Мақсудга узатди:

— Мана бунн ўқинг-чи, полвон йигит!

Катак дафтар варағига йирик эгри ҳарфлар билан домком номига ёзилган ариза Муҳсиннинг отаси Али акадан бўлиб, у ўғлини тунда анҳорга отиб, қўлини чиқаргани учун Мақсудга даъвогарлигини билдирар, жазога тортишни талаб қилар эди.

Мақсуд аризани шошмасдан ўқиб чиқди ва Зокирининг хати билан пропусчасини олиб, Солиҳ аканинг олдига қўйди. Солиҳ ака ўз навбатида бу қоғозларни кўздан кечирар экан, сал чўтир, жиддий юзи юмшаб:

— О, падар лаънатилар-эй! — деб ёқасини ушлади. — Хўш, қурилишга боришдими?

— Йўқ.

— Такасалтанглар! — Солиҳ ака катта муштини столга урди. — Биз ҳам кўп уринганмиз, фойда чиқмаган. Ёпирай!

Юз берган ҳодисадан, домком раиси билан Мақсуд нима тўғрида сўзлашаётганидан беҳабар Ҳайдар ота сийрак кулранг соқолини тутамлаганча ҳайратланиб сўради:

— Мушук-сичқон ўйинидан биз ҳам огоҳ бўлайлик!

— Хўп, бобой, — Солиҳ ака бақувват тирсакларини столга тираб ўтираркан, кеча Қичқириқнинг осма кўпригида содир бўлган ҳодисани, ҳар иккала қоғознинг мазмунини батафсил ҳикоя қилиб чиқди-да, йирик қўй кўзларини чолга тикди. — Безориларни нима қиламиз, бобой?

— Мақсудвойнинг режаси менга маъқул, — деди Ҳайдар ота серажин манглайи тиришиб. — Суягини меҳнатда қотириш керак. Меҳнат ақл киргизади. Хўп де-сангиз, Мирсолиҳвой, мен ҳозироқ уйларига бораёй. Чувалачи қочиб кетгани йўқ, оталари билан сўзлашай, болаларини ўз қўллари билан қурилишга обориб топширишсин. У ёғини Мақсудвой ўзи эплайди.

— Дуруст, — Солиҳ ака эркин тин олиб, стулга суянди-да, Мақсудга мулойим тикилди. — Хўш, кўприкни нима қиламиз?

Мақсуд чизмасини столга ёзиб:

— Лойиҳа тайёр,— деди.— Энди бошлаш керак.

Солиҳ ака бу лойиҳанинг қораламасини илгари ҳам кўрган, кўприкнинг қимматга тушишидан чўчиб, харажатни енгиллаштириш томонига баъзи бир ўзгаришлар киритишни сўраган эди. Чизмани, материаллар миқдорини, нархини яна бир марта синчиклаб кўздан кечирди.

— Демак, маҳалладан етти юз сўм ажратсак, бўлар экан-да?

— Ҳа. Кўприкнинг устунларига йигирмата симёғоч оламиз. Бизнинг қурилишимизга ностандарт темир-бетон балкалар келиб қолди, сўзлашдим, давлат нархида беришадиган бўлди. Темир йўлнинг брак шпалларидан оламиз. Мих топилади. Ҳашарни уюштириб берсангиз бас.

— Бўпти! — Солиҳ ака картонни ўраб Мақсудга берди.— Материалларни якшанбагача келтириш керак, дам олиш кун — ҳашар.

— Раҳмат, раис ака,— Мақсуд ўрнидан қушдай енгил турди.

— Сизга раҳмат, ошнам,— Солиҳ ака ўрнидан туриб қалин зил кафтини Мақсуднинг елкасига қўйди.— Биз сизни маҳалладан кетказмаймиз энди.— У шу гапни айтаркан, Ҳайдар отага кўз қисди.— А, лаббай, бо-бой?

— Айни муддао,— чолнинг митти кўзлари кулди.— Қани, кетиб кўрсин-чи!

Бобосининг бу сўзини эшитган Омилахон нечундир ерга қараб қизарди.

— Омилани сизга ёрдамчи қилиб берамиз,— деди Солиҳ ака Мақсудга.— Ишни эртадан бошланглар. Пул нақд. Бўпти, сизларга жавоб энди. Омила қизим, сен ҳам бора қол!

Раис уларни эшиккача кузатиб қўйди.

* * *

Кўприк қурилиши, бу ишга Мақсуд муттасадди қилиб қўйилгани ҳақидаги хабар маҳаллага бир зумда ёйилди. Мақсуднинг тунда, эски осма кўприкда кўрсатган жасорати, безориларни жазолаш ўрнига ўзи ишлаётган қурилишга олиб кетганлигининг довуғи бунга қўшилиб, ҳаммаҳаллаларнинг «студент бола»га ҳурмати тобора ошди. Аввало, Зокир билан Муҳсиннинг ота-

лари келиб раҳмат айтишди. Кўприкка қурилиш материалларини хиллаб олиб келадиган дастёрлар — шоферлар, усталар ҳам ўз оёқлари билан келишди. Хуллас, Мақсуд билан Омиланинг иши енгиллашди. Натижада, мўлжалланган нарсаларнинг ҳаммаси жума кунинёқ Қичқириқ бўйида тахт қилиб қўйилди. Ҳатто, Абдурахмон исмли эпчил шофер йигит уч-тўрт машина қум, шағал ҳам келтириб ташлади. Маҳалла усталарининг пири Обид ота якшанба кунини саҳар паллада пой-тешасини ҳаммадан аввал кўтариб келди. Унинг кенг асфальт йўлдан Қичқириқ томонга лопиллаб ўтиб кетаётганини деразаларидан кўрганлар нонушталарини чала ташлаб чиқабердилар. «Чиллаки чиллакини кўриб чумак уради» деганларидек, серноз монтер Оқил ака ҳам кўприк қурилиши бошланмасданоқ, унинг икки томонига симёғоч тиклаб сим торта бошлади. Кекса гулчи Акбар ота бўлса, қирғоқдаги узун саҳнини қадамлаб, бўлажак гулзорни мўлжаллаб юрарди...

Мақсуд Қичқириқ тепасидаги темир тўғондан сувни бекитиб келганда ҳашарга чиққан одамларни кўриб, беихтиёр, «кўпдан ёв қочиб қутулмас» деган мақолни эслади. Солиҳ ака ҳашарчиларни ишга солиб, темир-бетон балкалар, симёғочларни тепаликдан сув бўйига йўғон арқонларда судратиб туширар, Обид ота бошлиқ усталар симёғочларнинг тагини қозиқ қилиб йўнар, йигитлар қорамоё сингдирилган балкаларни текис саҳнга тахлар эдилар, Меливой аллақачон самовар қўйиб юборибди. Йўлдошвой катта қозонни осиб, тагига ўт қалапти.

Мақсуд билан Омила чизмани тахта ғарами устига ёзиб кнопкаладилар. Буларни кўрган Обид ота пешана терини белбоғига артганча лопиллаб етиб келди.

— Сув тинди,— деди уста.— Энди устунларни ташилай берсак бўлади.

— Боғладингизми?

— Қани кўр-чи!

Мақсуд Обид ота борган ерга — сув бўйидаги қияликка тушди. Таги қозиқланган симёғочлар, бетон балкалар, тахта белбоғлар, темир трослар билан тор уч-бурчак шаклида иккитадан боғланган, шу белбоғларга арқонлар боғланиб анҳор тагига туширишга тайёр қилиб қўйилган эди.

— Яшанг, отахон! — Мақсуд устанинг тадбиркорлигидан мароқланди.— Энди сувга тушадиган азаматлар керак,

— Азаматлар кўп-ку...— уста ўйланиброқ қолди.—
Ўзим тушмасам бўлмайди.— У этигини еча бошлади.—
Куч тепада керак бўлади, мўлжалдан хато қилмайлик.
Сен, болам, орасини газлаб турсанг бас.

Устанинг ғайратга кирганини кўрган йигитлардан
уч-тўрттаси дарҳол ботинка, этикларини ечиб, шимла-
рини шимардилар-да, унинг ёнида анҳорнинг лойига
тушдилар. Тепадагилар қўшалоқ боғланган симёғоч-
ларини арқонларидан тортиб тушира бошладилар. Мақ-
суд устунлар оралиғини кўрсатиб турди. Ҳа-ҳу дегунча
дастлабкилари икки қатордан тикланди ва бу тиклан-
ганларининг учлари бир-бирига қалин тахталар билан
боғлаб борилди. Ишнинг бу тахлит юришаётганини кўр-
ган Солиҳ ака терисига сиғмай қувонар, ҳашарчиларга:

— Ҳа, шерлар! Бўшашманглар! — деб далда берар
эди.

Эллик метр масофага икки қатор қўш устунлар туш-
гача ўрнатиб чиқилди. Уларнинг устига тахталар боғ-
лангандан кейин Ҳайдар ота йигитларга бош бўлиб,
тепадан гурзи уриб маҳкам ўрнатиб текислашди, ке-
йин шпалларни тера бошладилар. Чўяндай пишиқ бу
вазмин шпаллар эни икки метрли кўприкни қоплади.
Шпалларни йўғон темир-терсаклар билан боғлашга
Мақсуднинг ўзи бошчилик қилди. Анҳорнинг икки қир-
ғоғи бир-бирига бирлашди дегунча, ҳали кўприк чала
бўлса ҳам, маҳалла болалари у томонидан-бу томони-
га чопқиллаб ўта бошлашди.

* * *

Одамларнинг: «Қўйинг, бобой, беҳуда чираниш бел
синдиради», дейишларига қарамай гурзи урган Ҳай-
дар ота эртаси кун кечқурун ўз ҳужрасида ёстиқ қу-
чоқлаганча инқиллаб ётар, набираси Омилага белини
тептирар эди.

— Бирам жонсараксиз-ей, буважон, нима қилар-
дингиз гурзи уриб!— бувасини койиган бўлди Омила.

— Ғайратга минвордим, опош, ёшлигимни эсладим.—
Набирасининг оёқ зарблари хуш ёқиб,— бай-бай!—
деворди чол.— Босавер, қаттиқроқ бос!

— Саксон бешга кирдингиз, буважон, энди ўзингиз-
ни эҳтиёт қилинг.

— Эҳтиёт қилиб гўрга олиб кетаманми кучимни?—
Ҳайдар ота тўнғиллади.— Ҳарна нафим теккани!

— Ёшларга маслаҳат берсангиз — нафингиз текка-

ни шу,— бидиллади Омила.— Одамнинг шартни кетиб, парти қолгандан кейин сал ўйлаб иш қилади.

— Бўлди! Бўлди! Чойдан қуй!

Омила бобосини турғазиб, деворга суяб ўтқазди, бир пиёла қайноқ чой қуйиб берди.

— Аммо Мақсудвойга балли! — Чол чойни пуфлаб ҳўплар экан, тик турганча тоқчадаги аллақайси китобни варақлаётган набирасига мугамбирона қараб қўйди.— Соатинг қанча бўлди, опоч?

— Ун ярим.

— Кепқолар. Бугун уни бир сийлайлик. Сабзи-пиёз бостирганмисан?

— Ҳа.

— Дамлайвер!

— Ҳўп, буважон.

Омила сердарахт ҳовли бурчагидаги ўчоқбошида ош дамлар экан, эшикка ўқтин-ўқтин қараб қўяр, Мақсуднинг келишига ҳали ярим соатча вақт бўлса ҳам, у гўё ҳозир кириб келаётгандай, кўнгли ҳовлиқар, уни, фақат уни ўйлар, айниқса қаҳри қаттиқ бобосининг бу йигитга боғланиб қолганидан ҳузурланар эди.

Тувоқни ёпиб, қўрни тортди, самовар сувини янгилаб, чўғ ташлади. Бобосининг ҳужрасига кираётган ерида остонадан қайтди. Кўчага чиқди.

Кундузги иссиқ қайтган, Қичқирӣқ томондан енгил шабада эса бошлаган дилхуш пайт. Тулин ой, кечаги тулин ой бу тун ҳам юксак бақатераклар ёнбошида беозоргина сузади. Мевазор боғлар кумушранг сирли шуълага чулғанган. Гузар тарафдан майин куй эшитилади.

Омила Қичқирӣқ томонга юрди. У кеча ва аввалги кунларда анҳор бўйига бормас, боришга журъат эта олмас, омонат осма кўприкда аҳён-аҳён бўлиб турган кўнгилсиз ҳодисаларнинг миш-мишидан қўрқар эди.

Қичқирӣқ устидаги янги кўприк анча бериданоқ дафъатан кўзга ташланди. Янги симёғочларда электр чироқлари чарақлаб, турибди. Кўприк нурда ярақлайди.

Ундан бир тўда жувонлар гуриллаб ўтишди — трикотаж фабрикасидан — ишдан қайтишаётган бўлса керак.

Омила кўприкнинг қоқ ўртасига келиб тўхтади. Сувга қаради: анҳорнинг ёрқин сатҳида ой баркаши сузиб борапти.

Трактор заводи шаҳарчаси томондан йигитлар гурунги эшитилди. Омила ўша томонга қаради — уч ки-

ши кўринди: иккитаси новчароқ, бири пакана. Уртадагисини қиз дарҳол таниди: Мақсуд. Уни ёлғиз келади, кутиб оламан, деб ўйлаган эди. Ҳамроҳлари борлигини кўриб, тезда бу ердан кетмоқчи, ўзини панага олмақчи бўлди. Лекин кечикди: улар яқинлашиб қолдилар. Турган еридан жилишга мадори етмади.

Мақсуд Зокир билан Муҳсиннинг ўртасида келар эди. Кўприкда Омилани ёлғиз кўриб ҳайрон бўлди. Йўлдошларига жавоб берди:

— Сизлар бораверинглар. Эрталаб ишга кечикманглар.

Зокир билан Муҳсин Омилани таниб, елкаларини қисганча кўприк тахталарини тақирлатиб ўтиб кетдилар.

Мақсуд Омиланинг ёнига келди.

— Баҳай?

Омила ҳамон кўзларини сув сатҳидаги ой баркашидан олмай, ўпкаланиб деди:

— Ош ланж бўлиб кетди...

— Ош? — Мақсуд ҳеч нарсага тушунмай, мийиғида кулди. — Ош ланж бўлган бўлса, тезроқ борайлик.

Лекин Омила ҳамон жойида қимирламай турар, тўлқинлар қўйнида жавлон ураётган гўзалликдан нигоҳини уза олмас эди.

— Юрмайсизми? — Мақсуд қизнинг оппоқ билагидан аста ушлади. — Нимани ўйлаяпсиз?

— Сизни. — Қизнинг юпқа лаблари титради. — Кўприк битди, энди кетарсиз?..

— Нега энди? Ҳали, омон бўлсак, катта кўприкни ҳам қураимиз.

— Ростми? — қиз тиниқ кўзларини ой аксидан олиб, Мақсудга умидвор боқди.

— Рост.

— Кўприк... — Омила Мақсуднинг ёнида енгилгина юриб келар экан, завқланиб деди: — Кўприк яхши нарса, одамларнинг мушуқулини осон қилади...

МУШКУЛ САВДО

Мирвали ўзини куйганлардан ҳисоблайди. Сирдош дўсти Умрзоқ ундан ҳол-аҳвол сўраганда: «Билмайин босдим тикани, тортадирман дардини», деб лутфан жавоб берди. Бу, унинг: «Салимани синамай уйланиб қўйдим, энди умрим азобга қолди», — дегани эди. Дўс-

тининг бундай жавоби Умрзоққа эриш туюлди шекилли, кулди-да:

— Қани, бундоқ ўтир, дафтарингни оч! — деди.

Улар заводнинг кенг ҳовлиси ўртасидаги шовиллаб турган фонтан ҳовузи бўйида қуюқ яшилга бўялган панжара скамейкага ёнма-ён ўтирдилар. Иккинчи смена ҳозиргина тугаб, ишчилар тарқалишган, бугун тайёрланган сим четанли прицеplar олиб чиқиб кетилган, цехларда навбатчилар ва ремонтчи механикларгина қолган, бир қадар сокин пайт эди. Соат ун бирга яқинлашган, кундузи қирқ иккига чиққан иссиқнинг дами ярмига қирқилган, тиниқ ҳовузда жўш ураётган сувнинг енгил шабадаси оромбахш.

Умрзоқ скамейка суянчиғига елкасини қўйганча фонтаннинг тик жўмракларидан отилаётган, калта симёғочларга камалак шаклида осилган неон чироқларнинг оқ нурида товланаётган фаввораларни томоша қиладди ва бошини кафтлари орасига олганча ўтирган ерида мук тушган Мирвалини юпатишни ҳам, койишни ҳам билмай ўй суради. У дўстининг шу йил кўкламда бўлган доврўқли тўйини эслайди. Мирвалининг Чиғатой Оқтепасидаги обод ҳовлисида зиёфат бўлди. Тўйга мўътабар меҳмонлар — Политехника институтининг домлалари ва завод раҳбарлари ҳам келишди. Келин-куёв тўрдан жой олиб, меҳмонлар боғни тўлдирган эзгу дақиқада ёши етмишдан ошган муҳтарам профессорнинг ҳаяжонланиб сўзлаган нутқи Умрзоқнинг кўнглига чуқур ўрнашиб қолди:

— Бу — янги олам. Бу — орзудай гўзал ҳаёт! Бу, азизларим, озод муҳаббат тантанаси. Мирвали — машинасоз инженер, Салима — архитектор. Сизлар, мажлис аҳли, халқимиз гуллари, умиди, истиқболисиз. Муҳаббат боқий бўлгани, садоқат унинг йўлдоши бўлгани туфайли дунё боқийдир. Келинг, азизларим, ёшлар ишқи, вафоси, келажаги шарафига олқиш айтайлик!

Орадан бор-йўғи икки ой ўтди. Бургут сиёқли куёв-тўра севги, бахт уфқларида баланд-баланд парвоз қилиш ўрнига қанотларини куржадай йиғиб мўлтираб ўтирибди.

— Дўстим, зинҳор уйлана кўрма! — Мирвали калласини муштлаб уҳ тортди. — Кирингни ўзинг юв, шимингни ўзинг дазмолла, аммо хотин отлиғнинг соясини ҳам яқинингга йўлатма!

— Парадоксни қаранг-а! — Умрзоқ мийиғида кулди. — Ўтмишда хотинлар эрларидан шикоят қилишар

экан, эндиликда эрлар хотинларидан шикоят қилишяпти.

— Мен то уйлангунча уйқусида ширин туш кўриб ётган гўдак эканман. Умуман, кўзимни парда босиб, ҳамма нарсани чиройли кўриб юрган эканман. Умуман, ҳаёт, мен тасаввур этгандан бошқачароқ экан. Умуман...

— Умуман,— Умрзоқ дўстининг ланж гапларини қирқди,— сен ношукур бандасан!

— Йў-ў-уқ! — Мирвали Аброр Ҳидоятлов Отеллосининг талаффузидан қилди.— Кўнглим чинқиради, уни илонлар таталайди.

«Ораларида бир гап ўтганмикин? — уйлаб кетди Умрзоқ.— Салима оғиртабиатли, ўта мулоҳазали қиз. Унинг табиатида енгилтакликдан асар ҳам йўқ. Ёпишқоқ йигитлардан бир чақирим нарида юрар, фақат Мирвалини севар, икковининг аҳиллигига студентларнинг ҳаваси келар эди. Нима ҳодиса содир бўлди экан? Ёки учинчи биров чанг солдимикин бу оила оромига?»

— Ёрилсанг-чи, нима гап ўзи?

— Чимилдиққа кирган кечам зилзила бўлди.— Мирвалининг кўзлари оламушукникидай бежо ёнди.— Зилзила еру заминни эмас, менинг бахтимни вайрон қилган экан.

— Сабаб?

— Сабабки, Салимага зилзила баҳона бўлиб қолди. Умуман...

— Очиқроқ гапиравер!

— Дўстим! — Мирвали Умрзоққа яқинроқ сурилиб, товушини пасайтириброқ деди: — Умуман, оромим, ҳаловатим шаҳримиз тагидаги Уломов чизиб кўрсатган ўша дарзга тушиб кетди. Умуман...

— Уҳ! — Умрзоқ бўғилиб ўрнидан туриб кетди.— Ёмон кўрганим мавҳум гап. Сендаги бунақа ўзгаришни шу кунгача кўрмай қолганимга ўзим ҳайронман. Айб мен хомкалда. Бўшаган мурватингни аллақачон бураб қўйишим керак экан. Гап шу, куёвтура: ё очигини айтасан, ёки кечаман бунақа тахминий дўстликдан!

— Умуман, талабинг тўғри,— Мирвали анча бўшашди.— Лекин менинг аҳволимни ҳам тушунгин-да...

— Ҳўш, сен тасқарага нима бўпти?

Мирвали ҳовуз бўйига, Умрзоқнинг ёнига келди ва синиқ товуш билан:

— Салимадан гумоним бор,— деди.

— А? — Умрзоқ Мирвалининг мажҳул юзига тикилиб сўради: — Гумонинг кимдан?

— Ҳозирча ҳеч кимдан. Умуман...

— Тағин «умуман» дейди-я! — Умрзоқ дўстининг билагидан қаттиқ ушлаб скамейкага тортди. — Қани, бир чеккадан, ҳовлиқмасдан сўзлаб бер-чи! Гапни ҳалиги зилзиладан бошла!

Мирвали ингичка оёқларини бир-биринга чалиштириб, туртиб чиққан тиззасини ушлаганча бир нафас ўйга толди ва Умрзоққа синашта боқиб сўради:

— Менга ишонасанми?

— Ўзимга ишонгандай.

— Раҳмат, дўстим, — Мирвали енгилгина хўрсинди. — Умуман, яхши йигитсан, тантилигинга борман. Тўйимда куёвнавкарим бўлгансан. Мени чимилдиққа кузата туриб тилаган тилакларинг ҳали ҳам қулогимда. Умуман...

— Мунча мижғовсан! — Умрзоқ дўстини жеркиб ташлади. — Гапни резинкадай чўзмай, индаллосини айт, қўй!

— Ғазабланма, дўстим. Бошинга тушмаган, билмайсан. Аммо, умуман, ҳақсан. Фақат, илтимос... бу савдонинг мушкуллигини ҳисобга ол. Шунда менга нисбатан тош қалбинг юмшайди. — Умрзоқнинг қалин туташ қошлари яна чимирила бошлаганини кўрган Мирвали гапнинг лўндасини айтди-қўйди: — Салимага ишончим қолмади, дўстим.

— Нега энди?

— Негасини сўрама. Умуман, Салима тўғри қиз, мен уни эгриликда айбламоқчи эмасман. Уй тутиши жойида. Менга муомаласида нуқсон йўқ. Ота-онамга ҳурмати жойида. Укаларимга меҳрибон. Умуман, турмушимизнинг бу томони кўнгилдагидек.

— Қайси томони кўнгилдагидек эмас? — Умрзоқ тоқатсизланиб сўради.

— Нима десам экан? — Мирвали қўлларини кўкрагига чалиштириб, фонтан мавжига тикилиб қолди. — Ҳамма нарса тўғри бўлиши мумкину илиқлик, ҳарорат бўлмаслиги мумкин. Юрак нима? Қайноқ ҳис. Ақл нима? Аниқ тафаккур. Мен Салимада ақлни кўряпман, лекин юракни кўрмаяпман. Иккови ўртасидаги бирликни кўрмаяпман.

— Нодон! — Умрзоқ дўстига ўшқирди. — Мени бир соатдан бери шу суюқ гапни айтишга ушлаб ўтирибсанми?

— Тўхта-тўхта! — Умрзоқнинг кетишга хезлангани.

ни кўрган Мирвали унинг елкасидан босиб, изоҳ бера кетди:— Бу ерда бошқа масала бор.

— Масала?! — «Масала» деганда ҳаётдаги, ишлаб чиқаришдаги катта муаммоларни тушунувчи Умрзоқ бу сўзни эшитиб шаштидан қайтди-да, дўстига тикилди:— Хўш?

— Фараз қил, дўстим,— энди Мирвали ҳам босиқ гапирди,— сен дилингда гўзал бир орзуни ардоқлаб келдинг, лекин у орзу сенга чап бериб кетди. Ёки, сен бир ғояга ишондинг, у ғоя эса, шишадай чил-чил синди. Умуман, ҳаёт — машаққатларни енгиш жараёни. Мен буни яхши идрок этаман. Шундай бўлса ҳам...

— Тағин фалсафа! — Умрзоқнинг юраги тошиб, скамейкадан сапчиб турди. — Бас, кетдим, қорин ҳам бўлганча бўлди.

— Афсус...— Мирвали дўстининг ёнида дарвоза томон аста юриб борар экан, шикоят қилди: — Афсус... Мен сени ягона содиқ дўстим, деб юрибман. Дунё бебақо эмиш, дўстлар бевафо...

— Латта! — Умрзоқ қадамини тезлатди.— Хайф сенга Салимадай бебаҳо қиз! Энди тушундим; эзмалигинг жонига тегиб, ўзини четга тортган. Қол! Эргашма!

— Тушунсанг-чи, ахир... — Мирвали ҳамон дўстининг ёнидан жилмай зинғиллаб борар эди,— ахир, ҳаёт — икки карра икки тўрт эмас-ку. Ҳаёт — мураккаб интеграл ҳисоб. Ё шундай эмасми?

— Тўғри айтдинг, сен учун мураккаб.— Умрзоқ кимсасиз троллейбусга чиқиб, юмшоқ курсига ўтирди. Мирвали унинг ёнига чукди.— Аммо мен учун, дўстим, ҳаёт — равон йўл, нурли манзил, ҳар қадами кафтдай аён.

— Балки... умуман ҳақсан.— Мирвали сал бушашди. — Эҳтимол, мен чигал муаммоларни йўқ ердан ўйлаб чиқараётгандирман. Лекин бир нарсага ақлим етмай қолди: нега бошқаларга, шу жумладан, сенга ҳамма нарса равшан, аниқ, осону менга ундай эмас?

— Чунки бошқаларнинг ақли бутун, сеники яримта.— Умрзоқ заҳарханда қилди.— Ҳамма соғ, сен жиннисан.

— Йўғ-эй! — Мирвали совуқ тер чиққан пешанасини кафти билан силади. — Эсим жойида, фикрим қатъий, ҳаёт — жумбоқ, ҳаёт — мушкул калава. Айниқса, хотин. Хўш, айт-чи, сен нега уйланмайсан?

— Ҳали вақт эрта.

— А-ҳа! Баҳонасини қаранг! — Мирвали дўстига «оғзингдан илидинг-ку!» дегандай ғолибона қараш қил-

ди.— Биламан, мен сенинг нима сабабдан уйланиётганингни: қўрни босишдан қўрқасан. Уйланиш — қоронғи уйга қўққисдан кириб қолиш эканига кўзинг етади... Қувсан, дўстим!

— Ҳой бола! — Умрзоқ Мирвалини бошдан-оёқ кўздан кечирди.— Мен сўзларингни ҳазил десам, чинга ўхшайди-ку. Қани, тушдик, троллейбус ҳадеганда юрадиганга ўхшамайди. Такси оламиз. Ҳозир тўғри сенинг уйингга борамиз. Овқат топиладими? Яъни, оч қолмай-мизми, деяпман?

— Биласан-ку, Салима пазанда.

— Бўпти!

Дўстлар троллейбусдан тушишлари билан Чуқурсой томондан келаётган бўш таксининг кўк чироғи кўринди. Умрзоқ йўл ўртасида қўл кўтарди. Такси тўхтади. Машинага чиқдилар. Умрзоқ Чигатой Оқтепасини, Мирвалининг адресини айтди.

Улар орқа ўриндиққа ёнма-ён ўтирганча, жимиб қолдилар.

Мирвали хотинини, унинг буларни ярим тунда қандай кутиб олишини ўйлаб кетди. Салима ҳар кунгидек, бугун ҳам эрининг ишдан келишини кутиб, ё китоб ўқиб, ёки чизма столи устига мук тушиб ўтирибди. У кам уйқулик, кўп тикилишдан қизарган кўзларини хатдан олади-да, жиддий юзи юмшаб, жилвага тўлади, илтифотни, меҳмоннавозликни жойига қўяди. Лекин у кун ва оқшом бўйи қаерларда бўлди, нималар қилди? Бу Мирвалига қоронғи. Дуруст, Салима ишига борган, кейин уйга қайта туриб магазинларга кирган, уйда эса қайната ва қайнанасининг хизматида бўлган, ниҳоят, ўз уйида чизмасига машғул... Бу томонидан Мирвалининг кўнгли тўқ. Лекин масаланинг кўнглини ғаш қиладиган бошқа томони ҳам бор. Бу ғашликка сабаб, Мирвалининг ўз таъбири билан айтганда, кейинги ҳафталарда Салимада юз берган «маънавий ўзгариш». У ташқи жиҳатдан ҳамон аввалгидек мамнун, қувноқ кўринса ҳам, Мирвали унинг юраги тубида аллақандай сир, дард, армон ғимирлаб қолганини сезгирлик билан пайқаб олди. Мирвали шуни ўйлайди ва ўйлаган сари уйи чуқурлашади...

Соддадил Умрзоқ эса, дўстининг «чуқур фалсафий» мулоҳазаларини келин-куёв йўлини кесиб ўтган оламушукни пардалаш учун тўқилган уйдирма деб билди. Одатда ожиз ёки ноҳақ кишилар ўз гуноҳларини бекитиш учун бошқалардан ноўрин гумонсирайдилар,

ҳатто бўҳтон тошларини отишга қўллари кўтарилади, Хуллас, бу ерда ё бир англашилмовчилик, ёки ноҳақ бўҳтон борлигидан Умрзоқнинг содда ақли далолат бериб турибди...

Чигатой Оқтепасида, янги уйларнинг деразалари порлаб турган кенггина асфальт кўчада, алифланган сарғиш дарвоза олдида таксидан тушдилар. Мирвали эшик тугмасини уч марта босди. Ҳовлида енгилгина оёқ шарпаси сезилди. Қалит буралиб, эшик қиягина очилди. Ёруғ йўлакда Салима кўринди.

— Келинглар, — у ўзини четга олиб йигитларга йўл берди. — Келинг, Умрзоқ ака! Қаёқдан кун чиқа қолди?

— Бевақт йўқлаганимиз учун узр. — Хижолатдан Умрзоқнинг пешонасига тер чиқди.

— Ишларингиз шунақа.

Ҳовлига кирдилар. Пешайвон олдидаги кенггина саҳнга зангори панжарали чорбурчак сўри қўйилган, хонтахта атрофига атлас кўрпачалар ташланган, лўла-болишлар тахланган эди. Сўри ёнидан гулзор бошланади. Атиргуллар қийғос очилиб электр нурида анвойи товланади. Ҳовли этагидаги баланд ишқомда саноксиз узум бошлари: қора чиллаки, оқ даройи, энди оқара бошлаган ҳусайни, ҳасайнилар осилиб ётибди. Ҳовлига сув селиб супурилган. Ҳамма ёқ озода, шинам. Айниқса, гул ҳиди кишини маст қилгудек димоққа урилади.

Салима бўлса бу чаманга айниқса ярашиб тушган. У ҳарир оқ шоҳи кўйлакда, лосдай қора сочлари бошига турмакланган, оёғида жажжигина амиркон кавуш. Келин бўлгандан бери чунонам очилиб кетибдики, Умрзоқ унга тик боқишга журъат эта олмади. Фақат андишали нигоҳнинг сеҳргар пардаси орқали Салиманинг алифдай тик қадди-басти, кўйлак бурмасини туртиб чиққан тўлача кўкраги, лўппи оқ юзи, нафис бурни, табассумга мойил юпқа лаблари ва айниқса ёниб турган кўзлари кўриниб кетиб, ичида: «Алҳазар, ёмон кўздан алҳазар!» деб қўйди.

— Қани, сўрига марҳамат! — Салима келинларга хос тавозе билан, йигитларни таклиф қилди.

— Қариялар ётиб қолишдими? — Умрзоқ сўрига чиқиб ўтирар экан сўради.

— Ҳа, уйғотайми?

— Йўқ! Йўқ! Ором олишсин.

Салима пастгина зинадан айвонга кўтарилиб, уйга кириб кетди.

— Чакки бўлди-да...— Умрзоқ сўрида, дўстининг ёнида тиззалао ўтирганча ҳамон хижолат чекар эди.— Ташвишга қўйдим.

Мирвали индамади. У атлас кўрпачада чордана қуриб ўтириб олган, оҳорли кўкиш дастурхон попугини ўйнаб, яна бир неча дақиқадан кейин дўстининг гувоҳлигида Салима билан ўрталарида бўладиган гап-сўзни ўйлар эди.

Салима уйдан катта патнис кўтариб чиқди. Гулдор патнис нон, варақи, узум, мураббо, асал, сариёғ, қанд, тагин бошқа анвойи мевалар билан зийнатланган эди. Мирвалининг миқ этмай ўтирганини кўрган Умрзоқ дарҳол ўрнидан туриб, Салиманинг қўлидан патнисни олди. Салима тагин уйга кириб кетди. Бу гал у бир қўлида чойнак, иккинчи қўлида лаганда буғланиб турган қовурдоқ кўтариб чиқди.

Учовлари хонгахта атрофига ўтирганларидан кейин Салима пахта гулли жажжи пиёлаларга чой қўйиб узатди, овқатга таклиф қилди:

— Ишдан келгансизлар, олинглар?

Жимгина овқатландилар. Умрзоқ зиралаб димланган юмшоқ қўзи гўштини иштаҳа билан чайнар, келинкуёв ўртасида нима гап ўтганини ўйлар, дўстининг боягина завод ҳовлисида куйиб-пишиб қилган шикоятига асос топа олмай, обдан боши қотган эди. Овқат асносида Салимадан:

— Ишларингиз яхшими, синглим? — деб сўради.

— Раҳмат, Умрзоқ ака.— Салиманинг чиройли оқ юзи жиддийлашди.— Иш кўп...

— Ҳа, Тошкентни қайта қуриш осон эмас.— Умрзоқ қўлини артиб, сўри панжарасига суянди.— Ҳозир нимани лойиҳалаяпсиз?

— Шаҳар марказига тушадиган янги маҳаллалардан бирини.— Салима ҳамон жиддий қиёфада жавоб берди.— Тўққиз, беш қаватли уйлар, мактаб, богча, ясли, поликлиника, кинотеатр ва магазинлар комплекси. Шарқ услубида қулай, обод, антиқа маҳалла бўлади.

— Катта иш.— Умрзоқ Салимани мароқланиб кўздан кечирди ва «нодон дўстим бу гўзал, оқила қиздан нима нуқсон топди экан?»— деган савол кўнглидан ўтди-да, синаш мақсадида сўради: — Мирвали ёрдам бериб турса керак?

Салима эрига: «Қани энди ўзинг жавоб бер!» — дегандек қараб қўйди.

— Соҳамиз бошқа-бошқа. — Мирвали дўстининг ilmoқли саволини бартараф қилишга шошилди. — Бизники машинасозлик, бу кишиники архитектура.

— Ажойибсан, дўстим! — Умрзоқ кулди. — Мен сендан Салимахоннинг лойиҳасини чизиб беришни талаб қилаётганим йўқ. Мен маънавий ёрдамни айтипман. Яъни, сен ўз ёрингга ишда, турмушда мададкормисан? Ахир, яқин кишилар орасида энг оддий, энг табиий муносабатлар бор-ку, масалан, ҳамдардлик, кўнгил сўраш, ширин сўз...

— Ҳой дўстим, сен умуман нималар деяпсан? — Ишнинг ўзи учун чаппасига кета бошлаганидан ташвишланган Мирвали қовоғини уюб олди. — Нега келдинг ўзинг?

— Мен сени мужмал десам, дурустгина қўрқоқ ҳам экансан. — Умрзоқ чўнтагидан «Самарқанд» сигаретасини олиб тутатди. — Салимахондан яширадиган гапим йўқ. Мени уйингга сенинг ҳасратинг етаклаб келди. Сен вафоли хотинингнинг парвосизлигидан нолидинг. Аммо мен уйингга келиб, Салиманинг сенга парвосизлигини эмас, аксинча, сенинг Салимага парвосизлигини кўриб турибман. Исботлаб берайми?

— Исботла! — Мирвали ўтирган ерида бир сапчиб тушди. — Умуман... исботлаб бўлсанку-я!.. Аммо уришиб кўр! Умуман...

— Умуман-пумумани йўқ! — Умрзоқ ҳам силтаниб олди. — Келдик. Тун соат ўн икки. Салима уйғоқ. Сени кутиб ўтирибди. У ҳам ишдан толиб келган. Ҳаммаёқни ёғ тушса ялагудек тозаллаган. Қарияларни овқатлантириб ухлатган. Сенга жой, чой, овқат тайёр. Қўнғироқ чалишинг билан эшикни очди. Ўтирмасингдан дастурхон ёзди. Сен-чи? Сен нодон, нима қилдинг? Салом бериш у ёқда турсин, саломига алик ҳам олмадинг. Бу бир. Севимли хотинингга кулиб боқиш, уни эркалаш ўрнига қовоғингни соласан. Бу икки. У бечора югуриб-елиб хизмат қиляпти, сен бўлсанг ёрдамлашиш у ёқда турсин, сўрида чордана қуриб ўтириб олдинг. Бу уч. Энди айт-чи, дўстим, сен ўзинг кимсан: кечаги студент, бугунги инженер, кечагина Салимага муҳаббатингдан лоф урган йигитмисан ёки Худоёрхоннинг этагидан тушиб қолган бекзодамисан?

— Ҳақорат қилма! — Мирвали бўғилиб ўшқирди.

— Бу ҳақорат эмас, аччиқ ҳақиқат, дўстнинг адолатли танбеҳи! — Умрзоқ ўрнидан турди. — Салимахон, ширин таом учун ташаккур, энди менга рухсат. Аммо

Мирвалига ҳам бир соатгина ижозат берасиз. Икки дўст шаҳар кезиб, йигитчасига гаплашамиз.— Умрзоқ дўстининг биллагидан тортди.— Тур, кетдик!

Салима индамайгина ўрнидан турди-да, эрига юмшоқ жилмайди:

— Бора қолинг, кўнглингизни ёзиб келасиз, ҳар кунгидек хуноб бўлавермайсиз.

— Умуман, майли...

Мирвали истар-истамас ўрнидан туриб ҳовлига тушди. Икки дўст кўчага чиқдилар.

Янги очилган бу узун кўча одамлардан холи, жимжит, симёғочлардаги чироқлардан, деразалардан сочилиб турган шуълалардан чароғон эди. Йўл устидаги ойнабанд магазин эшиги тагидаги курсида қоровул чол мудраб ўтирибди. Аллақайси ҳовлида тўй бўлаётган бўлса керак, ногора янграйди, ашула эшитилади.

Улар ўн дақиқача жим бордилар.

Бир қаватли участкалар, сердарахт боғлар тугаб, беш қаватли янги бино ярқираб кўринди.

— Ажойиб иморат!— деди Умрзоқ завқланиб.— Пештоқидаги нақшларни, кенг айвонларини қара? Биласанми, архитектори ким?

— Салима...— Мирвали нечундир бўшашиброқ жавоб берди.— Лойиҳасини икки ой босим чизди.

— Офарин!— Умрзоқ йўл ўртасида турганча нигоҳ базўр қамраб оладиган зўр бинони томоша қилди.— Қанча талант, ақл, меҳнат меваси бу! Шундай хотининг билан фахрлансанг арзийди!

— Ҳм...— Мирвали энди кўз очган бузоқдай химради.— Бу бино билан унда турувчилар фахрлансинлар. Мен бўлсам, хотинимнинг менга ишқи, садоқати, меҳри, илтифоти билан фахрланишни истайман. У меники, ҳа, фақат меники! Тушунасанми сен шу туйғуни? Унинг бўлса, хаёли чизмада, ишқи ишида, вақти бутунлай лойиҳаларга сарф бўлади. Мен унинг учун сояман, ҳа, жонсиз соя!..

— Ёлғон!!! — Умрзоқ бақириб юборганини ўзи ҳам билмай қолди. — Сен шахсиятпарастсан! Сен кўрсан, кўзларинг гузалликни, ҳаётни кўрмайди. Бас, ҳафсалам пир бўлди. Қол! Мен кетдим.

Умрзоқ қадамини тезлатиб, шаҳар марказига олиб борадиган янги йўлдан, трамвай изи бўйлаб юриб кетди. Ярим соатча юрганидан кейин орқасидан, қўнғирроғини жиринглатиб трамвай етиб келди. Умрзоқ унга юриб кетаётган ерида чиқиб олди. Бу — сўнгги трам-

вай бум-бум эли. Курсилардан бирига ўзини ташлади. У бугун жуда толган, айниқса Мирвалининг мижговлиги уни эзиб юборган эди. У Салиманинг лойиҳаси билан қурилган бино олдида ёлғиз қолган дўстини ўйлар экан, беихтиёр уфлаб:

— Оғир савдо! — деб қўйди...

Чиндан ҳам бу — ҳаёт муаммоларидан бири, мушкул савдо эди.

ДРАМА



БИР МИЛЛИОН МОЖАРОСИ

(Ўнқон)

УЧ ПАРДАЛИ ДРАМА

ИШТИРОК ЭТУВЧИЛАР:

Намозов Ниёз Намозович — райкомнинг биринчи секретари, 55 ёшда.

Азаматова Ойниса — райкомнинг иккинчи секретари, 40 ёшда.

Бердиев Салоҳ Бердиевич — райижроком раиси, 50 ёшда.

Диёров Карим Каримович — қурилиш-монтаж бош-қармасининг бошлиғи, 45 ёшда.

Луқмонов Тоғай Луқмонович — чўлдаги янги совхоз директори, 45 ёшда.

Диёрова Нафиса — Диёровнинг хотини, райком қабулхона котибаси, 35 ёшда.

Эсонов Одил — Намозовнинг ёрдамчиси, 35 ёшда.

Намозова Лобар — Намозовнинг хотини, Луқмонсвнинг опаси, 50 ёшда.

Намозова Дилбар — Намозовнинг қизи, 23 ёшда.

Пардаев Қўзивой — Намозовнинг шофери, 40 ёшда.

Луқмон ота — Луқмонов билан Намозованинг отаси, кекса мироб, 70 ёшда.

Азизова Ҳанифа — секретарь-машинистка, 30 ёшда.

Капитан Сатторов — ГАИ инспектори, 40 ёшда.

Воқеа чўл зонасидаги районларнинг бирида бўлиб ўтади.

БИРИНЧИ ПАРДА

Биллур қандиллар осилган, кенг, ҳашаматли кабинет тўрида улкан ёзув столи орқасида қизғиш чарм креслога чўкканча Намозов ўтирибди. У башанг кийинган: қора костюмининг чап кўкрагида депутатлик значоги порлаб турибди. Унинг ўнг томонида, журнал столчасида оқ, қора, қизил телефон аппаратлари тизилган.

Намозов қўнғироқ тугмасини босади, қабулхонада қўнғироқ узоқ жиринглайди, лекин кабинетга ҳеч ким қирмайди.

Намозовнинг ташвиши ортиб, ўрнидан туради, дераза ёнига келиб, ташқарида ёғайтган қорни бир нафас томоша қилади. Шу пайт оқ телефон жиринглайди. У тез юриб келиб оёқда ғоз турганча, трубкини кўтаради.

Трубкада. Бугун — йигирманчи декабрь... Планингизга бир миллион етмаяпти. Хабарингиз борми?

Намозов. Бор... Бажарамиз.

Трубкада. Қайси объектларни топширасиз?

Намозов. 35-нчи совхоз посёлкасини... Чўпонота каналини...

Трубкада. Балки, топширолмассиз... Ҳисоб-китобни пухта қилдингизми?

Намозов. Албатта, топширамыз.

Трубкада. Рапортингизни кутайликми?

Намозов. Албатта... Бахтимизга саломат бўлингиз! (Трубкада калта сигналлар эшитилади. Намозов трубкини қўйиб, яна қабулхона қўнғироғининг тугмасини босади.) Таажжуб... Нафиса бугун ҳам йўқ... (Ташвиши ортиб, қизил телефон трубкасини кўтаради.) Эсонов, киринг!

Бир неча дақиқадан кейин кабинетга шинам кийинган ёрдамчи — Эсонов кўк папкани қўлтиқлаганча, тавозе билан киради.

Эсонов. Саломатмисиз, Ниёз Намозович? Кечадан бери келган расмий қоғозлар... (Папкани ёзув столи устига қўяди.) Эшитаман, Ниёз Намозович!

Намозов. Диёрова бугун ҳам кўринмайди...

Эсонов. Хабарим бор... Менга ҳеч нима демадилар...

Намозов. Дарҳол уйига телефон қилинг! (*Креслога оғир ўтириб, кук папкани очади. Кабинетдан чиқиб кетаётган Эсоновга.*) Одилжон, тўхтанг! Шу ердан телефон қилинг!

Эсонов. Кечирасиз, Ниёз Намозович... Нафиса Диёровна эри Қарим Қаримович билан аразлашиб, уйдан кетиб қолган... У ҳозир микрорайонда бир ўзи яшайди, квартирасида телефон йўқ...

Намозов. Телефони бор. Яқинда ўрнатган... Телефон: 4—20—20. (*Оқ аппаратга ишора қилади.*)

Эсонов (*телефон рақамларини теради, анчагача қулоқ солиб туради.*) Жавоб бермаяпти.

Намозов. Нима қиламиз энди? Ҳозирча бошқа бир котиба топиб туриш керак.

Эсонов. Котиба бор. Бир қиз иш сўраб келди. Шаҳарда «Интурист»да бир оз вақт ишлаган, инглиз тилига ўқиган, машинкада ёзишга моҳир. У қиз бугун ҳам иш сўраб келди, ҳозир менинг кабинетимда.

Намозов. Чақонгинами? Яъни, лаб-даҳани қалай, демоқчиман. Келишганми ишқилиб? Ўзи қаерлик экан?

Эсонов. Чақирайми? Кирсинми?

Намозов. Кирсин, шахсан ўзим бир суҳбатлашиб кўрай-чи! Сиз дарҳол Диёровга телефон қилинг, ярим соатда етиб келсин. Ҳа, дарвоқе, гап орасида ундан хотинини ҳам суриштиринг, балки Диёров Нафиса билан ярашиб олгандир. Хуллас, Нафисани топинг, биласизу у бизга сув билан ҳаводек зарур. Янгиси эса, ҳозир кирсин!

Эсонов. Хўп бўлади. (*Жилмайганча чиқиб кетади.*)

Намозов (*креслодан анча енгил туриб, дераза ёнига келади ва янги котибанинг киришини кутабошлайди*).

Оппоқ дала.

Оппоқ-оппоқ қор...

Хаёлда лола,

Кўнгилда баҳор...

Эҳ, ёшлик, чақмоқдай бир чақнади-ю, ўтди-кетди!

Эшик аста очилиб, кулранг жинси шим, қип-қизил махер кофта, баланд пошналар этик кийган, елкасига гулдор сумка осган новчагина сулува қиз кириб келади.

Азизова. Мумкинми, ўртоқ Намозов? Мен Ҳанифа Азизоваман.

Намозов. Киринг! (*Қизга бошдан-оёқ разм сола-*

ди, қўл бериб кўришади.) Ниёз Намозович... Қани, ўти-ринг! (Икковлари юзма-юз ўтирадилар.) Ҳужжатла-рингиз?

Азизова (сумкасини елкасидан олиб, очади.) Ма-на паспортим, меҳнат дафтарчам, партия билетим.

Намозов. И-я, ўзимизнинг районлик экансиз-ку! Жуда соз!.. Шаҳардан уйга қайтибсиз-да? (Ҳужжатни кўздан кечиради.) Жойида... Турмушга чиқмаганмисиз? Ҳа-а... Ҳанифахон?

Азизова. Бу — узун ҳикоя... Эрим йўқ, ёлғизман.

Намозов. Кечиринг, бошқа савол бериб ярангизни янгиламайман. Сиз ҳозир кадрлар бўлимига кириб, ари-за ёзинг, анкета тўлдиринг, хуллас, ҳужжатларингизни расмийлаштиринг. Қаерда турибсиз?

Азизова. Бир дугонамникида.

Намозов. Квартира берамиз. Ишни дарҳол бош-лашингиз мумкинми?

Азизова. Албатта.

Намозов. (ўрнидан туриб, Ҳанифанинг қўлларини қўлларига олади, беозоргина силайди). Мен билан бир-га ишлашнинг нақадар масъулиятли эканини тушунсан-гиз керак?

Азизова. Ҳа, албатта. Эплайолармиканман?

Намозов. Эплейсиз... менга суянсангиз!

Азизова. Ҳаракат қиламан. (Чиқиб кетади.)

Намозов. О, фаришта!.. Ўзи ҳам тонг паллада туғилган бўлса керак: тиниқ, оппоқ, дўндиқча!..

Намозов креслога ўтириб, бемалол керишади, кўзларини юм-ганча ширин хаёлларга берилади.

Эсонов (киради). Диёровни топдим, ҳозир етиб келади. Нафисани ундан сўрадим, Карим Каримович: «билмайман», деди. Ҳа, айтгандай, у хотини билан рас-мий равишда ажралишмоқчи бўлиб ариза берганини эшитувдим...

Намозов. Қачон? Қандай қилиб?

Эсонов. Болалари бўлмагани учун ЗАГС икки то-моннинг аризасига биноан талоқни осонгина расмийлаш-тираркан. ЗАГС мудираси қўшним бўлади, ўша айтди...

Намозов. Ҳа, дарвоқе, бу томони бор. Хўш, Диё-рованинг ўзи қаёққа йўқолди?

Эсонов. Суриштирдим... Бундан уч кун аввал иш тугагач, райкомдан чиққану янги квартирасига борма-ган. Қаерга кетгани номаълум...

Намозов (ташвишланиб). Одилжон, ука, сиздан

илтимос: менинг машинамга мининг, микрорайонга боринг, Диёрованинг қўни-қўшниларидан уни суриштинг, хуллас, ер тагидан бўлса ҳам топинг!

Эсонов. Бажараман, Ниёз Намозович.

Намозов. Ҳалиги қиз... Азизова менга маъқул бўлди. Уни қабулхонага қўйиб кетинг.

Эсонов. Хўп.

Намозов. Луқмоновга телефон қилинг, у ҳам ҳозир етиб келсин.

Эсонов. Хўп бўлади. *(Чиқиб кетади.)*

Намозов. Нафиса... Нафиса... *(Қизил телефон аппарати ёнига келиб, овозини чиқарганча рақамларни теради.)* Тўрт... Йигирма... Йигирма... *(Бир неча дақиқа қулоқ солади.)* Жавоб йўқ... *(Қўнғироқ тугмасини босади.)*

Азизова *(киради)*. Эшитаман, Ниёз Намозович!

Намозов *(ҳайрон)*. Ишингиз дарров битдими?

Азизова. Ҳа. Хизмат, Ниёз Намозович?

Намозов. Диёров билан Луқмонов келишади. Аввал Диёров кирсин.

Азизова. Маъқул, Ниёз Намозович.

Намозов. Райижроком раиси Салоҳ Бердиевич Бердиев чўлдаги қурилишларни кўришга кетган. Сиз у кишини танимайсиз, Ҳанифа...

Азизова. Ҳанифа Зуфаровна...

Намозов. Ҳанифа Зуфаровна! Бердиев — Поля Робсонга ўхшаган, боши катта, сал чўтир, барваста одам. Салоҳ Бердиевич менинг ҳузуримга навбатсиз киради.

Азизова. Тушундим, Ниёз Намозович. Менга рухсатми?

Намозов. Яна бир кишини яхши таниб олинг: Азаматова. Ойниса Азаматовна. Худди сизга ўхшаш, оёқлари узун, момақаймоқ жувон. Чингиз Аҳмаров чизган қизларга ўхшайди.

Азизова. Тушундим. Азаматова — райкомнинг иккинчи секретари. Кабинетингизнинг рўпарасидаги эшикка Азаматованинг фамилияси ёзилган.

Намозов. Балли! Фақат... эҳтиёт бўлиб сўзлашинг, Азаматова — сиркаси сув кўтармайдиган, жаҳли тез аёл. Қани, яқинроқ келинг!

Азизова *(Намозовнинг қаттиқ тикилишидан кўзларини олиб қочади)*. Эшитаман.

Намозов *(Ҳанифанинг қўлларини ушлаб, нозик бармоқларини силайди)*. Раҳбар билан унинг котибаси

бир-бирига яқин, ҳатто сирдош бўлишлари керак, Ҳанифахон. Ё, шундай эмасми?

Азизова. Албатта...

Намозов. Ишдан кейин мен сизга машина бераман, матлубот жамиятининг базасига борасиз. Сизни кутиб туришади. Зарур кийимларни танлаб олинг. Албатта, маошингиз ҳисобидан аванс тариқасида... Бу кийимларингиз сайру саёҳатга яхши, аммо идорага... Тушундингизми?

Азизова. Тушундим. Танқид — келажакнинг меvasи. (Кулади.) Тагин нима қилай?

Намозов. Узун тирноқларингиз жуда нафис, бироқ кўзга ташланади... Пардоз ҳам эви билан бўлса...

Азизова. Хўп. Эртага мени тамом бошқа қиёфада кўрасиз. (Қўлларини базир тортиб олади. Шошиб чиқиб кетади.)

Намозов. Олов!.. Ёнади, куйдиради... (Креслога ўтириб, кафтларини ишқайди.) Бу қирғоқда ҳамма иш жойида... Аммо у қирғоқда-чи? Нафиса қаёққа кетди экан-а? Кейинги кунларда авзойи бузуқроқ кўринарди... Балки, эрининг ажралмоқчи бўлганига таъби тирриқдир. Балки, дилини ёзиб келиш учун ота-онасиникига кетгандир. Лекин у ҳеч қачон менга айтмасдан бирор иш қилмасди. Таажжуб. Ҳа, чиндан ҳам таажжуб...

Азизова (киради.) Ўртоқ Диёров келдилар.

Намозов. Кирсин. (Қора телефон жиринглайди.) Тўхтанг! (Трубкани олиб, қулоқ солади.) Ҳа, мен. Гапир! Йўқ, тушликка боролмайман. Гапиравер! Телефонда гапиролмайман, дейсанми? Ёпирай!.. (Трубкани кафти билан ёпади. Ҳанифага.) Маликаи дилозор... (Трубкага.) Хат? Қанақа хат? Кимдан? Ким олиб келди? Конвертда адреси бўлмаган хатни нега олдинг? «Ҳаёт-мамот масаласи». Ким айтди бу бемаъни гапни? У хатни сен лақмага бериб кетган ўша тулки ким? Сен уни шартта қўлидан ушлаб, милицияга телефон қилмадингми? Хўп, хабар қилмабсан. Нега конвертни очдинг? Ҳой, нима гап ўзи? Нега йиғлаяпсан?.. Лобар! Сенга айтяпман, Лобар! Ифвогар ёзган туҳматларга эътибор қилма! Ўпкангни бос!.. Ишдан кейин бораман... Аммо хатни ҳеч кимга кўрсатмай тур! Уқдингми? «Райкомга бораман», дейсанми? Райкомда сенга нима бор?.. Ахир, умрингда келмагансан-ку менинг идорамга!! Ҳой, нима гап ўзи: мени итоатимдаги одамлар олдида шарманда қилмоқчимисан? Йўқ, келма! Иш кўп, вақтим йўқ!.. (Трубкани қўяди.) Ё, тавба! Бўхтон деган илон олам-

нинг оёғи тагида ўрмалаб юради. (Терлаган бўйинини дастрўмоли билан артади.) Диёровни чақиринг!

Азизова чиқиб кетади. Бир оздан кейин коржомада Диёров киради.

Диёров (киради.) Салом, Ниёз Намозович!

Намозов. Келинг, Карим Каримович. Шошилиш топшириқ олдик. Планга бир миллион сўмлик қурилиш ишлари ҳажми етмаяпти.

Диёров (истеҳзоли оҳангда). Бу — янгилик эмас. Ундан кўпини ҳам қўшиб ёзганмиз. Кемага тушганининг жони бир. Ҳамма нарса ўртада...

Намозов. Шахсий ишларимизни давлат вазифаларига аралаштирмайлик! «Ўртада эмиш!.. Ҳа масъулият ўртада! Баравар жавоб берамиз!

Диёров. Шахсий ишлар... Гап келганда отангини аяма, дейдилар... Айтинг, нега сиз хотинимнинг бошини айлантирдингиз? Нега унга олтин тоғлар ваъда қилиясиз? Ҳамманинг оғзида дув-дув гап: «Намозов Диёровга ошиқу шайдо бўлибди, унинг учун кооператив кватира олибди, хоналарни ясатибди...» Афсуски, дамим ичимда — сиз билан мени боғлаб қўйган шундай ишлар борки, улар мени сукут сақлашга мажбур этади. Боягина ёрдамчингиз Эсонов менга телефон қилиб, Нафисанинг қаердалигини сўради. Кулишни ҳам, йиғлашни ҳам билмайман: девонадан ой бошини сўраган яхшимасми бундан кўра?! Фақат шуни айтишим мумкинки, менга вафо қилмаган хотин сизга ҳам вафо қилмайдн. Бинобарин, хўрланиш аёлни телбага айлантиради: у нима иш қилиб қўйганини ўзи ҳам билмай қолади. Мен фақат шундан қўрқаман. Эҳтиёт бўлинг, Ниёз Намозович! Бас, ҳасратни йиғиштирайлик. Ишга ўтайлик. Менга нима хизмат бор?

Намозов. Кўнгилни анча бўшатиб олдингиз. Лекин, менга ҳам осон эмас, Нафиса... Унинг қаердалигини мен ҳам билмайман, ишонинг! Мана, уч кундан бери ишга ҳам чиқмай қўйди. У ҳеч қасрда йўқ... Тўғри, биз у билан бирга ишляпмиз, сирдошмиз... Хотинингиз — сулув аёл, жозибаси зўр... Юрак тош бўлса ҳам эриб кетади бундай гўзалларни кўрганда, Нафиса...

Диёров. Нафисани тинч қўяйлик! Пландан гапиринг! Планни тўлдириш учун шахсан мен нима қилишим керак?

Намозов. 35-совхоз посёлкаси билан Чўпонота каналини топширишингиз керак.

Д и ё р о в. Тўғри, иккала объектдаги чала ишларнинг ҳажми бир миллион сўмдан ортиқроқни ташкил этади. Бироқ бу чала ишларни тугаллаш учун олти ой муддат керак, шунда ҳам қурилиш материаллари шитоб етказиб берилса!..

На м о з о в. Ишнинг бу томони сизга боғлиқ, Қарим Каримович! Қурилиш — мураккаб соҳа. Сиз бу соҳанинг пири бўлиб кетгансиз. Қанча чала йўллар, уйлар, каналлар, устахоналар ва ҳоказо объектларни топширдингиз, булар ҳаммаси кейин битиб кетди. Давлатни, халқни уйлаш керак, биродар!

Д и ё р о в. Яъни?

На м о з о в. Яъни, давлат плани бажарилса халқ таъминоти яхшиланади. Бошқармангиздаги минглаб кишилар мукофот оладилар, ташкилотингиз байроқ билан, илғорлар орден ва медаллар билан тақдирланадилар. Ҳаммамизнинг юзимиз ёруғ бўлади.

Д и ё р о в. Бу гапларни аввал ҳам айтгансиз. Хўш, бажарилмаган бир миллион сўмлик ишни «бажарилди» деб қандай расмийлаштирамиз?

На м о з о в. Аввал қандай расмийлаштирган бўлсангиз, ҳозир ҳам ўшандай расмийлаштирасиз. Сиз — подрядчи, бажардингиз, Луқмонов — заказчи, қабул қилиб олади... Фақат, кам-қўстини кейин тўғрилаш шарти билан...

Д и ё р о в. Бир ҳисобда бизга осон, топширамизу қутуламиз. Бироқ, сизнинг қайнингиз Луқмоновга қийин: унинг одамлари, чўлқуварлар шамол ғувиллаб ётган чала уйларда қандай яшаркинлар? Ҳали тўла текисланмаган, фақат бир қисмигагина бетон ётқизилган каналдан сувни қандай юргизаркинлар?

На м о з о в. Чала ишни икковингиз биргаликда битказасизлар. Хўш, розимисиз?

Д и ё р о в. Луқмонов розими?

Луқмонов *(кулиб кириб келади)*. Биз доим рози! Салом, поччо! Салом, Қаримжон! *(Булар билан кўришиб бўлгач.)* Кечадан бери телефон кута-кута, ўзим ҳам йўлга чиқмоқчи бўлиб турувдим, Эсонов қўнғироқ қилиб қолди. Ҳа, намунча қовоқларингиз осилиб кетди? Осмон узилиб ерга тушгани йўқ. Бу — ҳар йилги савдо: биз қурилишларни чала қабул қилиб, кейин ўз кучимиз билан охирига етказишга ўрганиб қолганмиз. Хўш, бу йилги топшириқ қанақа, поччо?

На м о з о в *(чеҳраси ёришиб)*. Раҳмат, Тоғайбек, ҳар қачон оғир юкимизни енгил қилиб келгансиз. Мин-

натдорман. Бу галги вазифа — 35 совхоз посёлкаси ян Чупонота канали қурилишини расмийлаштириш.

Луқмонов (Диёровга). Актларингиз тайёрни, Карим Каримович?

Диёров (хайратланади). Зиммангизга олаётган масъулиятни биласизми, Тоғай Луқмонович?

Луқмонов. Ҳатто, катта шаҳарларда ҳам одамлар янги уйлардан квартира олгач, аввал ремонт қилиб, кейин кўчиб кирадилар. Бу ерлар эса чўли-малик. Чала ишлар беҳисоб. Буларни бир кунда битказиб бўлмайди, аста-секин ўнглаб оламиз. Фақат аҳиллик, дўстлик орадан кўтарилмасин. Давлатимизнинг даргоҳи кенг. Биз ҳам феълни кенг қилиб, дадил ишлайберишимиз керак.

Намозов. Баракалла! Давлат арбоби бўлишга арзийсиз, Тоғайбек! Азбаройи, бундай юксак баҳонни мен сизга қайним бўлганингиз учун эмас, улкан ишларда сафдошим бўлганингиз учун бермоқдаман. Сиз, Каримжон, жасоратни Тоғайбекдан ўрганинг! (Икковининг ўртасида туриб, қулочини кенг кертганча, уларнинг елкаларини қучади.) Актни тезлатингиз, дўстлар, биз рапортни тайёрлаймиз! Шунақа қувончли дақиқаларда одамнинг кучига куч қўшилади, юракда ғайрат жўш уради. Ҳа, қадрдонларим, актни расмийлаштира бeringизлар, мен ўзим янги совхозга бориб, қурувчилар билан ишлашга тайёрман! Хайр, муваффақиятлар тилайман!

Диёров билан Луқмонов кабинетдан чиқиб кетадилар. Намозов чуқур креслога ўтириб, мамнун бир аҳволда эркин тин олади. Эшик аста очилиб, Луқмонов оёқ учида кириб келади, Намозовнинг бошига эгилиб, қулоғига шивирлайди.

Луқмонов. Поччо!.. Ҳов, поччо!..

Намозов. (кўзларини эринибгина очиб, ширин хомуза тортади.) Лаббай, Тоғайбек?

Луқмонов. Маош билан мукофотни қандай тақсимлашни Диёровга айтдингизми?

Намозов. Тахминан қанча бўлади?

Луқмонов. Бажарилди деб акт қилинган иш баҳосининг деярли учдан бири...

Намозов. Демак, уч юз миш?

Луқмонов. Сал кўпроқ. Яна бу нақдина бегона бўлиб кетмасин!

Намозов. Диёров билан икковингиз дўппини олиб қўйиб, чўт қоқишларингиз керак.

Луқмонов. Маъқул. Фақат... комиссиялар, тафтишлар, халқ назорати...

Намозов. Буёғини мен ўз зиммамга оламан.

Луқмонов. Раҳмат, поччо! Менга рухсатми?

Намозов. Диёров хотини масаласида ҳамон аламзада. Сал попугини пасайтириб қўйишнинг иложи бўлармикан?

Луқмонов. Иложи осон. Мен ҳозир уни «Гулшан» ресторанига таклиф қиламан, хосхонада мириқиб суҳбатлашамиз. Хайр, поччо!

Луқмонов чиқиб кетади. Намозов кўнғироқ тугмасини босади. Азизова киради.

Намозов. Чой дамлашни биласизми, Ҳанифахон?

Азизова. Албатта.

Намозов. Чиройли қўлингиздан бир пиёла аччиқ кўк чой ичсам.

Азизова. Ҳозир... Қабулхонада сизни бир аёл кутяпти.

Намозов. Ким экан?

Азизова. Қимлигини айтмаяпти. «Шахсий иш билан келганман», дейди.

Намозов. Қабул қилолмайман. Бандман.

Азизова. Шундай деб айтаман. *(Чиқиб кетади.)*

Эсонов *(ҳовлиқиб киради)*. Кечирасиз, Ниёз Намозович, Диёрова ҳеч қаерда йўқ. Қўшниси пенсионер кампир Маърифат хола уни ўзидан ёшроқ бир жувон билан бирга кўрибди. Педбилим юрти ётоқхонасининг яқинида...

Намозов. Таажжуб... Ҳўш, кейин нима қилдингиз?

Эсонов. Педбилим юртида ишлайдиган таниш-билишлардан суриштирдим. Ҳеч ким ҳеч нарса билмайдн. Эҳтиёти шарт аэропортга бордим, аввал кун кечқурундан то бугун эрталабгача у ердан учган тўртта самолёт пассажирларининг рўйхатларини кўздан кечирдим. Диёрова у рўйхатларда йўқ.

Намозов. Кетаман деса машина бор, поезд бор. Лекин, у нега кетиши керак? Районимизда малика бўлиб юравермайдими? Таажжуб... Ё, микрорайондаги янги квартирада биронта кўнгилсиз ҳодиса юз бердимикан-а?.. *(Ўта ташвишланиб.)* Сизга ишонсам бўладими, Одилжон?

Эсонов. Садоқатимга заррача шубҳангиз борми?

Намозов. Йўқ, албатта... *(Креслодан оғир туриб, бурчакдаги сейф ёнига боради, уни очади ва калит олади.)* Мана, Диёрова квартирасининг иккинчи калити... Дарҳол бориб, эшигини очиб киринг. Ҳар эҳтимолга қар-

ши квартирасига... шоферим Қўзивой билан бирга кинринг. Тушундингизми?

Э с о н о в. Тушундим. *(Калитни чўнтагига яширади.)* Ҳа, айтгандай, қабулхонада келинойим кутиб ўтирибдилар.

На м о з о в. А? Лобарми?! Азизова уни танимаган-да...

А з и з о в а *(патнисда чойнак-пиёлалар кўтариб киради)*. Мана, чой.

На м о з о в. Қабулхонадаги аёл Намозова экан, айтинг, кирсин.

А з и з о в а. Хўп. *(Чиқиб кетади.)*

На м о з о в. Одилжон! Тез келинг. Қурилиш плани бажарилгани ҳақида юқори ташкилотларга рапорт юборамиз. Сиз ҳам мукофотга лойиқсиз, ука!

Э с о н о в. Ташаккур. Ҳеч қачон унутмайман. *(Чиқиб кетади.)*

На м о з о в а *(киради)*. Кабинетингизда ҳеч ким йўғу, котибангизга «бандман» дебсиз. *(Қўлида оқ конверт ушлаган ҳолда Намозовнинг қаршисига тик бостириб келади.)* Аввал сиз мана буни синчиклаб ўқиб чиқинг, кейин гаплашамиз. *(Креслога ўтиради.)*

На м о з о в. *(хатни олади-ю, кўз ташлаб, қайтиб беради.)*. Мен бунақа имзосиз хатларни ўқимайман!

На м о з о в а. Ўқийсиз! Кўп марта ўқигансиз ва бундай хатлар асосида одамларга чоралар ҳам кўргансиз! Ўқинг! Овозингизни чиқариб ўқинг!

На м о з о в *(дарғазаб)*. Ҳой, сен нималар деяпсан! Сен ўзинг қаерда ўтирганингни биласанми?!

На м о з о в а. Биламан! Мен коммунистман, райкомда ўтирибман. Майли, сиз ўқимасангиз, мен ўқийман, сиз эшитмасангиз, мана бу деворлар эшитсин. *(Ўқийди.)*

«Муҳтарам Лобар опа!

Сизга бу хатни микрорайонда истиқомат қилиб турган бир тўда аёллар ёзаямиз. Хатга имзо қўймаганимиз сабабини тушунсангиз керак: эрингиз Намозов — районимизнинг раҳбари ва ўзини якка ҳоким деб билгувчи одам бўлгани учун биз унинг қаҳридан қўрқамиз.

Опажон, сиз болаларимизни ўқитиб, тарбиялаб келатган моҳир педагогсиз. Биз ана шу маҳоратингизни эрингизга нисбатан ҳам ишлатишингизни истар эдик, негаки, Намозов партия ходими деган номга аллақачон доғ тушириб бўлди. Аввало, биз унинг эгри ишлари ҳақида эл оғзида юрган гаплар сизга етиб бормаганига ишонмаймиз. Айниқса, унинг Нафиса Диёровани эридан

совутиб, ўзига ром қилишга уриниб юрганлиги, унга микрорайондан квартира олиб бериб, бу квартирани қимматбаҳо жиҳозлар билан беаганлиги, ўзи эса, шу ерга тез-тез қатнаб турганлиги эндиликда ҳеч кимга сир эмас. Микрорайондагилар Намозовни Нафиса квартираси тагида кўриб ранжийдилар, ғазабланадилар.

Биз, микрорайон аёллари Нафисани ўртага олиб, роса дашном бердик. Балки, у эсини йиғиб олар. Аммо шуни биламизки, кўп нарса эрингизга ва шахсан сизга боғлиқ. Намозовга айтинг, микрорайонимизга қатнашларига чек қўйсин, акс ҳолда, биз унинг устидан юқори ташкилотларга шикоятнома юборишга аҳд қилдик.

Қатталиқ ҳам эви билан, опажон!

Микрорайон аёллари».

Хўш, Ниёз Намозович, сиз бу коллектив арзномага нима дейсиз?

Намозов. Тухмат!.. Аёлларнинг ғийбаги!.. Диёрова эридан ажрагач, квартира олса олгандир, ахир, ишлайди, пул топади. Менинг машинам ўша томонга борган бўлса боргандир, шоферим Қўзивой микрорайонда туради. Қўй: арзимаган нарсага хафа бўлиб, тумшугингни осилтирма!.. Қани, хатни менга бер! (*Хатни олиб, майдалаб йиртгач, ахлат саватига ташлайди.*) Тамом-вассалом! Сен ўқимадинг, мен эшитмадим... Хўш, бошқа ишлар ҳаммаси жойидами?

Намозова. Ўғлингиздан ташвишдаман. Тагида «Волга», чўнтагида пул, улфатлари — бойваччалар...

Намозов. Фаёз — ёш, айни ўйнайдиган даври. Ма! (*Чўнтагидан бир даста пул чиқариб узатади.*) Унга керак бўлса яна бер! Улфатлари олдида бўйнини эгиб юрмасин.

Намозова. Пул?!.. Мен маош оламан, Ниёз Намозович, пулим бор. (*Ўрнидан туради.*) Мен боғдан келсам, сиз тоғдан келяпсиз, эр!.. Бошқаларни-ку лақиллатиб юрибсиз, энди мени, ўттиз йиллик хотинингизни ҳам лақиллатмоқчимисиз? Мен сизни огоҳлантирдим, сўзларимни чуқурроқ ўйлаб кўринг! Кейинги пушаймон — ўзингга душман дейдилар. Эҳ, афсус! (*Зарда билан чиқиб кетади.*)

Азизова (*киради.*) Чўлдан Луқмон ота исмли мўсафид келибдилар.

Намозов. Ана халос!.. Чап кўзим учаётувди-я! Менинг муҳтарам қайнотам! Тиниб-тинчимас қария... Ҳа, майли, кирсин!

Азизова. Хўп. (*Чиқиб кетади.*)

Луқмон ота (*киради*). Ассаломуалайкум, куй! Қалай, халқимиз бахтига толмай-нетмай, эсон-омон юрибсизми? Чўлга бормай, биз чўлқуварларнинг ҳолидан хабар олмай қўйдингиз?

Намозов (*креслода ўтирган ерида қўл узатиб, истар-истамай кўришади*). Келинг, бобой! Раҳбарлик ишини биласиз-ку, эртаю кеч тиним йўқ.

Луқмон ота (*Намозовнинг рўпарасига ўтириб, чакмонининг барларини йиғиштиради*). Ҳозир кираётсам Лобар чиқиб кетяпти, бўйнимдан қучоқлаб, ўпкаси-ни тутолмай ҳўнграб йиғлаб юборди, сўрасам нидамайди... Хўш, куёв, ўзи нима гап?

Намозов. Тинчлик, бобой, тинчлик... Эр-хотиннинг ишига эси кетган аралашади. Биласиз-ку!

Луқмон ота. Ҳа, биламиз... Билмай, телба бўп-мизми, биламиз. Ҳарқалай, ёшларингиз бир ерга етиб, ўғил-қизнинг бўйи чўзилганда машмашага ўрин қолмас. А, лаббай?

Намозов. Бас, бу гапларни қўйиб турайлик, Хўш, бобой, хизмат?

Луқмон ота. Бир одамнинг бошқа бир одам ҳақида ташвиш тортишидан ҳам каттароқ хизмат борми дунёда? Агар одамлар бир-бирини ўз ҳолига ташлаб қўйса, бирининг иккинчиси учун жони куймаса хонадон, юрт тўзиб кетмайдими, куёв?

Намозов. Ҳой, бобой, сиз бу жумбоқларингиз билан нима демоқчи бўляпсиз?

Луқмон ота. Мен шуни демоқчиманки, ўртоқ райком секретари, биз, оқсоқоллар, атрофимизда содир бўлаётган ишларни ақл тарозисида тортиб кўриб, ҳайратдан ёқамизни ушлаб қоляпмиз. Ахир, биз, оқсоқоллар, ёшлигимизда Совет ҳокимияти учун жонимизни тиккан, колхоз тузган, урушда фашистларни қийратган одамлармиз. Биз умр бўйи эрк, адолат, поклик, авлодлар бахти учун курашиб келдик. Хўш, сиз раҳбарлик қилаётган бизнинг районимизда энди нималар бўляпти?

Намозов (*дарғазаб, ўрнидан туриб кетади*). Хўш, нималар бўляпти?

Луқмон ота. Сиз, куёв, фақат оилангизни эмас, давлатни ҳам алдаяпсиз!

Намозов. Ана холос! Бобой дейман, жуда катта кетдингиз-ку! Гапни осмондан олиб гапирманг-да!

Луқмон ота. Элнинг оғзига элак тутиб бўлмайди. Қаерга борсам, дув-дув гап: «Намозов босар-тусарини билмай қолди. Пахтага қўшиб ёзиляпти. Гўшт, сабзавот

ўрнига пул тўланяпти. Битмаган қурилишлар битди, деб акт қилиняпти. Раҳбаримизни пул қутуртириб, ахлоқига ҳам путур кетди...» Хўш, куёв, дафтарингизни варақлайверайми, ёки шуниси етарлими?

Намозов. Сиз, бобой, ифвогарсиз! Ҳамма сўзингиз бўҳтон! Сиз мени ёмон кўришингизга ажабланмайман, сабабки, қайиноталар куёвларини ҳеч қачон яхши кўрмайдилар. Аммо мен сизнинг муътабар идорада, қутлур даргоҳда менга тўхмат қилишингизга ортиқ бардош беролмайман. Кетинг бу ердан!

Луқмон ота. Хўш, кетаман. Аммо, Азаматова билан Бердиев бугун янги совхозга борганларида биз уларга чала қурилишларнинг ҳаммасини кўрсатдик. Қанчадан-қанча бинокорлик материаллари талон-торож қилинганини айтдик. Биз махсус комиссия тузилишини, қурилишнинг барбод этилгани текширилишини, жиноятчилар жазога тортилишини талаб қилдик.

Намозов (*қулоқларини беркитади*). Бас! Ифвожонга тегди! Кетинг!!

Луқмон ота (*аста ўрнидан туриб, Намозовга тикилади*). Садқан раҳбар кет! Сен жар ёқасидан қулаб, тубсиз ўпқонга фарқ бўлаётганингни ўзинг билмаяпсан. Эҳ, куёв, куёв! (*Чиқиб кетади.*)

Намозов (*креслога суянганча бир неча дақиқа кўзларини юмиб, беҳол ўтиради. Кейин қабулхона қўнғироғининг тугмасини қайта-қайта босади-да, ҳеч ким кирмагач, қўл соатига қарайди.*) Соат икки. Танаффус...

Парда

Иккинчи парда

Қабулхона. Унгдаги эшикка «Н. Н. Намозов», чапдаги эшикка «О. А. Азаматова» деб ёзиб қўйилган. Азизова ёлғиз. Телефон жиринглайди.

Азизова (*трубкани кўтариб, қулоқ солади*). Эшитаман. Ўртоқ Намозов йўқ. (*Трубкани қўяди, бироқ телефон яна жиринглайди, у трубкани яна олади.*) Ўртоқ Намозов йўқ. Билмайман. Ўртоқ Намозов қаерга боришини айтмаган. Ким? Диёров... Билмайман, ўртоқ Диёров, ўртоқ Намозов қачон келишини айтмаган. (*У трубкани аппарат устига қўйиши билан телефон яна жиринглайди.*) Эшитаман. Луқмонов, дейсизми? Эшитаман, ўртоқ Луқмонов. У киши йўқ. Билмайман. Кейинроқ қўнғироқ қилинг! (*Трубкани қўяди.*)

Азаматова (киради). Салом.

Азизова (Азаматовани таниб, дарҳол ўрнидан тур-
ради). Салом, Ойниса Азаматовна!

Азаматова (Азизовага тикилади). Янги секре-
тарь-машинисткамиз бўлсангиз керак?.. Сизни қаерда-
дир кўргандайман.

Азизова. Сиз билан ҳамқишлоқ бўламиз, она!
Мен Чўпонотадаги мактабимизнинг кекса педагоги Азиз
отанинг кенжатоийман...

Азаматова. Ҳа, ҳа, эсладим! География ўқитув-
чимиз Азиз ота — севимли устозимиз. Вақтнинг елди-
римдай тез ўтишини қаранг-а! Ҳа, айтгандай, сизни
Тошкентда деб эшитардим?

Азизова. Шундай, Ойниса Азаматовна. Тошкентда
Чет тиллар институтининг инглиз бўлимини тамомла-
дим, «Интурист»да таржимон бўлиб ишладим, турмушга
чиқдим, янглишдим...

Азаматова. Эрингиз?...

Азизова. Ҳа. У отасининг давлатида қутурди, саёқ
юриб кетди...

Азаматова. Афсуски, бу кулфат биргина сизнинг
бошингизга тушгани йўқ... Бундай иллатлар анча кўпа-
йиб кетди. Партиямиз ўз сафларини раҳбарлик лаво-
зимларини эгаллаб олган нобоп кишилардан тозалаш,
ҳалоллик, поклик, меҳнат интизомини мустаҳкамлаш,
коммунистик ахлоқ нормаларини қарор топтириш учун
қатъий кураш бошлади... Ҳа, айтгандай, исмингиз?

Азизова. Ҳанифа Азизова.

Азаматова. Ҳанифа, қани юринг, кабинетга ки-
райлик, сиздан баъзи нарсаларни сўрамоқчиман.

Азизова. Менинг ҳам сизга айтадиган гапларим
бор.

Икковлари Азаматованинг кабинетига кириб кетадилар. Бир
оздан кейин қабулхонага Эсонов билан Пардаев ҳовлиққан-
ча кириб келадилар.

Эсонов. Қўзивой, гап битта-я? Яъни, бугун у ерда
кўрганларингиз ҳақида хўжайиндан бошқа ҳеч кимга
оғиз очмайсиз!

Пардаев. Тағин шу гапни такрорлайсиз-а! Нима
қилай, қасам ичайми?!

Эсонов. Кераги йўқ... Уйдагиларга ҳам оғзингиз-
дан гуллаб қўйманг!

Пардаев. Хўп, дедим-ку! Хўп!!! Мана, уч йилдан
бери ўртоқ Намозовнинг хизматидамиз, кам бўлаётгани-

миз йўқ: ҳовли-жойлик бўлдик, уйландик, «Жигули» елдик, рўзгоримиз бут, кийимимиз*шай!...

Э с о н о в. Ҳа, ана шуларни ёдингизда тутинг! Дунёда энг разил нарса — нонкўрлик... Бахтимизга Ниёз Намозович омон бўлсалар, яна кўп фаровонликлар кўрамиз!

П а р д а е в. Бу дейман, Одил Эсонович, хўжайиннинг қизлари Дилбархон... роса етилибдими, а? Оқи оққа, қизили қизилга ажралиб, нақш олманинг нақ узгинаси!.. Энди тўйни тезлаштирсангиз ҳам бўларди!..

Э с о н о в. Насиб, Қўзивой, насиб... Қиз рози... Хўжайин тўйни тезлаштирмоқчилар. Фақат, онаси... Ҳайронман, мен унинг арпасини хом ўрдимми, нечундир оёғини тираб турибди.

П а р д а е в. Темирни қизигида бос, деганлар. Кечиккан ишга қор ёғади. Тўйни тезлатинг, биз содиқ дўстларингиз бир хизмат қилайлик. Ҳа, тўйни тезлатинг. Одил Эсонович, хўжайиннинг янги ҳовлисидаги гаражга қўйилган оқ «Волга» занглаб қолмасин!..

Э с о н о в. Тсс. (*Азаматова кабинетининг эшигига ишора қилади*). Ғўнғир-ғўнғирни эшитяпсизми? Опа саҳар-мардонда Бердиев билан бирга чўлга кетувди, қайтибди...

П а р д а е в (*ҳушёр тортади*). Бўлди, тушундим... Опа бало... Хўжайин нега уни ишга олдилар-а?

Э с о н о в. Э, Қўзивой, сиз нимани биласиз? Азаматованинг бу ишга сайланиши хўжайиннинг тушига кирибдими? (*Ташвиши ортиб*.) Азизова қаёққа кетдийкин-а? (*Намозовнинг эшигини қия очиб кўради*.) Ниёз Намозович ҳам йўқ...

П а р д а е в. Балки, ҳаммалари опанинг кабинетидадир? Ҳозир кўрамиз... (*Азаматова кабинетининг эшигини очмоқчи бўлади, Эсонов унинг йўлини тўсади*.)

Э с о н о в. Ҳой, эсингизни ёдингизми? Опанинг жаҳлини биласиз-ку?

П а р д а е в. Қойил-эй! Шу юрак билан хўжайинга ёрдамчи бўлиб юрибсизми?

Э с о н о в. Балки Ниёз Намозович биринчи қаватда овқатланаётгандирлар? Сиз, Қўзивой, хабар олинг, мен шу ерда кутиб тураман. Аммо Диёрованинг квартирасида кўрганларингиз ҳақида хўжайинга оғиз очманг, мен ўзим батафсил сўзлаб бераман.

П а р д а е в. Хўп, дедим-ку!.. (*Чиқиб кетади*.)

Э с о н о в (*кенг қабулхонада кафтини кафтига иш-қаганча уёқдан-буёққа тоқатсиз юради, ўйлайди*).

Е, тавба! Ақлга сирмадиган ишлар... Диёрова телба экан-ку!.. Ниёз Намозовичдай улуғ одам нақд пулга кооператив квартира олиб берса, уни хорижий асл жиҳозлар билан жиҳозласа, казо-казо хонимларнинг тушига ҳам кирмаган анвойи либосларни жавонларга тердириб қўйса, яшик-яшик ноёб шарбатлару қазии-қарталар муҳайё қилинса!.. Анору ноклар, бодому писталар қоп-қоп!.. Э, сен ким бўлсан ўзинг!.. Нозу фироқ ҳам эви билан-да!.. *(Телефон жиринглайди. Эсонов трубкани кўтаради.)* Лаббай! Ниёз Намозович, сизми? Эшита-ман!.. Хўп, ҳозир Қўзивойни юбораман. *(Трубкани қўяди. Қабулхонага кириб келган Қўзивойга.)* Дарров хўжайинникига уч! Уйда эканлар.

Пардаев. Хайрият. *(Кетади.)*

Эсонов *(галстугини тўғрилайди, сочини тарайди ва Азаматова кабинетининг эшигига яқин келиб, тирқишидан ичкарига қулоқ солиб турганида эшикнинг бир тавақаси туйқусдан очилиб, бошига урилади)*. Оҳ, единг!

Азизова *(кабинетдан чиқиб келади)*. Одил Эсонович? Сиз?! Тасодифни қаранг-а... Ишқилиб, бошингизга қаттиқ тегмадими?

Эсонов. Йўқ-йўқ... Салгина сийпаб қўйдингиз, холос.

Азизова *(хайрон)*. Эшикнинг тагида нима қилаёт-гандингиз?

Эсонов. Ўзим... Шундай... Қирмоқчи бўлиб турувдим.

Азизова. Марҳамат, киринг. Ойниса Азаматовна ёлғизлар.

Эсонов. Раҳмат... илтифотингиз учун. Кейинроқ кираман. Хўш, қалай, янги ишингиз маъқулми?

Азизова. Сизга раҳмат, ёрдам бердингиз.

Эсонов. Арзимаиди... Ҳа, дарвоқе, бир нарсани сурамоқчи эдим. *(Азизованинг юзига синовчан тикилади.)* Чупонота қишлоғидан эканингизни, вақтинча микро-районда турганингизни айтувдингиз. Айтинг-чи, микро-районнинг қаерида турибсиз?

Азизова. Бир дугонамникида... Тўғрироғи, дугонамнинг ётоқхонадаги хонасида...

Эсонов. Ўша ётоқхонанинг адресини билсак бўладими?

Азизова. У ердаги адрес сизга нега керак бўлиб қолди? Ҳа, тушунарли... *(Кулади.)* Баъзи раҳбарлар котибаларини гоҳ-гоҳ хилватда учрашиб туриш шарт

билан ишга оладилар, деб эшитардим. Афсуски, мен сизни меҳмонга таклиф қилаолмайман, сабабки, менинг раҳбарим сиз эмас, сизнинг валиаҳдингиз Ниёз Намозович!

Эсонов (*иш жойига ўтаётган Азизованинг йўлини тўсади. Таҳдид оҳангида*). Адресингизни айтинг!

Азизова. Адресим кадрлар бўлимидаги ҳужжатимда ёзилган, ўртоқ Эсонов! (*Азаматованинг кабинетидан жиринглаган қўнғироқни эшитиб, блокнот билан ручкасини олганча тез кириб кетади.*)

Эсонов. Тахминим тўғри. Ҳа, гумоним асосли. Бу жувонда бир гап бор. (*Пешона терини даструмоли билан артади.*) Уҳ, бўғилиб кетяпман. Ташқарида қор, ичимда олов. Одамларга тушунолмай қолдим. Ҳар бири «ичимдагини топ!» қабилидан... Атрофда бир бало бўл-япти. Эй, дунёи қўтир!.. (*Ички телефон аппаратини қўтариб, уч рақамли номерни теради.*) Кадрлар бўлими-ми? Шоҳистахон, бу сизми? Ишга янги қабул қилинган секретарь-машинистканинг уй адресини анкетасидан қўриб беринг! Ҳа, Ҳанифа Азизова... Демак, адреси, Чўпонота қишлоғи, Сойбўйи кўчаси, йигирманчи уй... Раҳмат, Шоҳистахон! (*Трубкини қўяди, деразадан йўлга қарайди, гупиллаб ёғайтган қор тагида вағиллаб келиб тўхтаган машинани қўриб, чехраси ёришади.*) Ниёз Намозович келдилар! (*Стол устидаги қоғозларни тартибга солабошлайди.*)

Намозов (*ййчан аҳволда вазмин кириб келади*). Азизова қани?

Эсонов. Ойниса Азаматовнанинг ҳузурида. Нимадир ёзишяпти... Чақирайми?

Намозов. Кейин... (*Деразадан ташқарига қарайди.*) Уч кундан бери қор босим ёғяпти. Соат энди беш, аммо чор-атроф қоп-қоронғи... Далада иш, чўлда қури-лиш тўхтаб ётипти...

Эсонов (*Намозовнинг яқинига келади*). Қайфингиз бузуқроқ кўринади, Ниёз Намозович?

Намозов. Раҳбарлик — оғир иш, ука! Масъулият тошидан оғирроқ иск йўқ дунёда!

Эсонов. Метин елкангиз бундан ҳам оғирроқ юкни кўтаришга қодир, Ниёз Намозович!

Намозов. Раҳмат, Одилжон! Сиз — менинг суянган тоғимсиз! (*Эсоновнинг елкасидан қучиб, суяди*). Хўш, ҳалиги масала... нима бўлди? Қўзивойдан сўрамадим, унинг феълини биласиз: телбароқ... Диёрованинг квартирасида нима гап?

Эсонов (чўнтагидан калит чиқариб, Намозовга беради). Тинчлик...

Намозов. Яъни? Қанақа тинчлик? Ахир, ундан ном-нишон борми? (Ҳаяжонланади.) Биронта из-ни топилдими? Ахир...

Эсонов. Кабинетингизга кирайлик...

Намозов. Йўқ! Мен Азизовани кутяпман. У чиқсин, рапортни шу ерда машинкага айтиб туриб ёздирман... Хўш, гапаринг!

Эсонов. Диёрованинг квартирасига Қўзивой билан бирга бордик. Эшигини очиб кирдик.

Намозов. Хўш?

Эсонов. Кечирасиз, Ниёз Намозович, сиздан позик бир нарсани сўрашга мажбурман: Диёрова янги квартирада бирор кун яшаганми, яъни сиз... (дудуқланади) бирон марта ўша квартирага кирганмисиз, у ерда Диёровани ўз кўзингиз билан кўрганмисиз?

Намозов. Таажжуб... Нима, Диёрова у квартирада турмаган эканми?

Эсонов. Жиҳозу палослар магазиндан қандай олиб борилган бўлса, шундайлигича очилмасдан турибди. Юборган сарполарингизга ҳам қўл урилмаган. Яшиқлардаги ҳўл мевалар сасий бошлаган, гўшт-ёғларнинг қўлансасидан нафас қайтади: дарҳол деразаларни очиб, уйни шамоллатдик...

Намозов. Наҳотки, у янги квартирасида турмаган бўлса? Ахир, мен уни бир неча марта эшигигача кузатиб қўйганман, фақат у ҳар хил баҳоналар билан учрашувимизни орқага суриб келган. Таажжуб...

Эсонов. Демак, эрининг рашки асоссиз экан-да... У маккора эрини ҳам, сизни ҳам лақиллатибди...

Намозов. Балки, шундайдир... Бироқ, у нега янги квартира калитини мендан олган? Нега кейинчалик кўришишни ваъда қилган? Ниҳоят, ўз квартирасининг эшигигача борган аёл нега ичига кирмаган? Йўқ, бундай эмас. Қўзивой билан сиз янглишгансиз, Одилжон! Ахир, эрининг уйдан кетган Диёрова бошиқа бир уйда ақалли тунаб юриши керак эди-ку?

Дилбар (киради). Салом, дадажон! Салом, Одил Эсонович!

Эсонов. Салом... Ҳамон «Одил Эсонович» деб, расмий муомала қиласиз. «Одилжон ака», денг. Ё, аҳд-паймонимизни унутдингизми?

Дилбар. Ёдимда... Лекин ҳар бир илтифотнинг мукофоти бўлиши керак! Дада, сизда ишим бори

«Россия» теплоходи яна бир ойдан кейин Одессадан Европа бўйлаб саёҳатга чиқаркан. Менга путёвка олиб берсангиз!

Намозов. Хўп, қизим, путёвкани сумкангда деб ҳисоблайвер! Одилжон, сиз Дилбарнинг ҳужжатларини расмийлаштиришга ёрдамлашинг!

Эсонов. Хўп... (Дилбарга.) Европага... бизни ташлаб-а?

Дилбар. Дада, яна бир гап: Нафиса Диёрова мен дарс бераётган педбилим юртининг қизлар ётоқхонасида ётиб юрганмиш.

Намозов. А? Қим айтди буни сенга? Нега у уйи бўлатуриб, қизлар ётоқхонасида ётиб юради?

Дилбар. У ерда шаҳарлик икки муаллима учун бир хона ажратилган. Диёрова ўша муаллималар билан таниш экан. Уни таниганлар ҳаммаси ҳайрон. Билим юртида дув-дув гап...

Намозов. Одилжон! Сиз дархол менинг машинамга мининг. Дилбар, сен ҳам бирга бор, хуллас, Диёровани топиб, менинг ҳузуримга олиб келинглар! (Дилбарга.) Қизим, сен Европага албатта борасан. Биз ҳам мана қариб қоляпмиз, умр ғанимат... Тўйларингизни тезлатамиз, саёҳатга Одилжон икковингиз бирга борасизлар — тўй саёҳати бўлади бу!..

Эсонов. Раҳмат, Ниёз Намозович! (Кўзига ёш олган бўлади.) Умрбод содиқ шогирдингизман!

Дилбар (Эсоновга бурнини жийиради). Ҳо, ёқмай кетсин!

Иккови кетадилар. Азаматованинг кабинетидан Азизова кўлида блокнот билан чиқади.

Намозов (Ҳанифага синчков тикилади). Нима ёздинглар?? Қани, блокнотни менга беринг!

Азизова. Кечирасиз, Ниёз Намозович, буни сизга беролмайман.

Намозов. Нега?

Азизова. Мен сизнинг хатларингизни ҳам бошқа ҳеч кимга, шу жумладан Ойниса Азаматовнага ҳам кўрсатишга ҳақим йўқ.

Намозов. Офарин! Партиявий одобингизга қойилман. Сизни ишга олиб янглишмабман. Менинг раҳбарлигимда ўсасиз, унасиз, ҳатто масъул ишларга ҳам кўтариласиз.

Луқмонов (кўлида қоғозлар билан ҳовлиқиб киради). Табриклайман, поччо... Кечирасиз, Ниёз Намо-

зович... Мана, янги совхоз посёлкаси ва Чўпонота бетон каналининг битказиб топширилгани ҳақидаги актлар.

Намозов (*қоғозларни олади, кенг юзи кулгига тўлиб, завқланиб тикилади.*) Бу — сизнинг имзоингиз. Бу — Диёровнинг имзоси. Мени жуда хурсанд қилдингиз. Ташаккур!...

Луқмонов. Менга рухсатми?

Намозов. Ҳа! Бутун қурувчилар коллективини менинг номимдан табрикланг! Янги йил арафасида катта йиғилиш ўтказамиз, байроқни мен ўзим топшираман, мукофотлар ҳам зўр бўлади. Аммо битта шарт бор: йилнинг қолган кунларида бир ғайратга ўн ғайрат қўшиб ишлайсизлар!

Луқмонов. Кўнглингиз тўқ бўлсин... поччо! (*Чиқиб кетади.*)

Намозов. Ажойиб кадрларимиз бор!.. (*Азизовага.*) Ҳанифахон, чироқларни ёқиб юборинг. Рапорт ёзамиз.

Азизова электр чироқларни ёқиб, ёзув машинкаси ёнига ўтиради, унга қоғозларни қистиради.

Намозов (*телефон аппаратларидан бирининг трубкасини кўтаради, рақамларни теради*). Салоҳ Бердиевич, тезда етиб келинг, рапорт тайёр, қўл қўямиз. Ҳа, ўша рапорт. Кутаман! (*Трубкини қўяди.*) Ёзинг!.. «Рапорт...»

Чироқ ўчиб, яна ёнади. Намозовнинг кабинетида уч киши: Намозов, Азаматова ва Бердиев ўтирибдилар. Ҳар бирининг кўлида бир варақдан қоғоз — рапорт. Учовининг ранг-рўйи ва авзойидан роса талашиб-тортишиб, ўта толганликлари шундоққина кўриниб турибди.

Намозов (*Бердиевга*). Демак, имзо чекмайсиз?

Бердиев. Сиз имзо чеккан рапортга мен ҳам имзо чекишим шарт. Бироқ, оқибати нима бўлишини ўйласам, аёзда қолган юпун одамдай дир-дир қалтирайман.

Намозов (*истеҳзоли кулади*). Шоир бўлиб кетинг-э! Бу дейман, Салоҳ Бердиевич, авлодингизда бахши-махши ўтмаганми?. Бас, гап битта: рапортнинг учала нусхасига ҳам имзо чекинг, юқори ташкилотларга зудлик билан юборайлик! Шунинг унутмангизки, бу рапортни биздан аввало, икковингизга ҳам маълум муътабар раҳбаримиз кутяптилар... У киши буюрдими, демак гап тамом. У киши ҳамма нарсадан хабардор. Дарё ирмоқлардан пайдо бўлгандай, республика плани область планларидан, область плани эса, район планларидан

тўлади. Биз мана шу кичик рапортимиз билан катта га-
лабага муносиб ҳисса қўшамиз.

Азаматова (осойишта). Ниёз Намозович, бизга
таълим бериб айтаётган баландпарвоз сўзларингизга
ўзингиз ишонасизми?

Намозов (тошади). Бу нима деганингиз, Ойниса
Азаматовна?

Азаматова. Бу деганим шуки, сиз, ўртоқ Намо-
зов, ва сиз, ўртоқ Бердиев, икки йилдан бери қурилиш
бўйича нотўғри рапорт бериб келяпсизлар. Бугунги ра-
порт — навбатдаги қалбаки ҳужжат. Районимизда бит-
маган йўллар, чала уйлар, ишга яроқсиз ирригация ва
мелиорация шохобчалари тобора кўпайиб боряпти. Бул-
турги рапортда водопровод келтирилганини ёздингиз-
лар. Қани ўша водопровод? Аҳоли ҳамон ариқдан сув
ичиб келади... Район марказида, учта совхоз посёлкаси-
да битказилган, яъни битказилгани рапортларингизда
қайд этилган ҳаммомлар қани? Улар фақат қоғозда...
Ўн битта боқча-яслилар ҳам қурилгани қайд этилди.
Шулардан фақат биттаси, район марказидагиси меҳмон-
ларга кўз-кўз қилиш учун пардоздан чиқарилди, лекин
на суви бор, на иситилади. Санайверсак саноғи йўқ ча-
ла қурилишларнинг!..

Намозов (сал бўшашади). Сиз ҳадеб ташвишла-
наверманг, Ойниса Азаматовна! Биласиз-ку, қўшни рай-
онларда ҳам аҳвол шу... Ишни охиригача етказмас-
лик — қурувчиларга теккан эски касал. Менда шундай
таклиф бор: сиз, Салоҳ Бердиевич, рапортга имзо че-
кинг. Биз бу қувончли ҳужжатни дарҳол юборайлик-да,
район халқини сафарбар этиб, катта шанбалик ўтказай-
лик. Ана шунда чала ишлар ҳаммаси битиб кетади.

Бердиев (ручкани олиб, рапортга қўл қўймоқчи
бўлади). Майли, Ниёз Намозович, сазангиз ўлмасин...

Азаматова. Тўхтанг, ўртоқ Бердиев! Мен шанба-
лик ўтказиш ҳақидаги таклифга қўшиламан. Лекин
биз шанбаликни шу кунларда, яъни янги йилгача қол-
ган ўн кун ичида ташкил қилаолмаймиз.

Намозов. Нега?

Азаматова. Биринчидан, ер бир метр қор тагида
музлаб ётибди. Иккинчидан, қурилиш материаллари
йўқ — улар аллақачон талон-тарож қилиб юборилган.

Намозов. Тегишли ташкилот раҳбарларига топши-
риқ берамиз, ҳамма нарсa такт бўлади.

Азаматова. Ҳайбаракаллачилик қолмади-қолма-
ди. Ахир, ўртоқ Намозов, бир неча кун ичида Россиядан

ёғоч, Бекободдан арматура, Қувасойдан цемент қандй етиб келади? Биз ўртоқ Бердиев билан бирга Чупонота канали ва янги, 35-совхоз посёлкаси қурилишларини синчиклаб кўздан кечирдик: камида олти ойлик иш бажарилмаган, шунда ҳам қурилишларни ишчи кучлари ва материаллар билан тула таъминланса... Мен рапортга қўл қўйишни эмас, бошқа нарсани таклиф қиламан: қурилишларимиздаги аянчли аҳвол райком бюросининг қенгайтирилган мажлисида муҳокама қилинсин, планинг бажарилишини барбод этган қурилиш раҳбарларига қаттиқ партиявий жазо берилсин. Мен у ташкилотлардаги ишни тубдан яхшилаш чораларини ишлаб чиқиш бўйича райком комиссиясини тузишни зарур деб ҳисоблайман.

Намозов (*асаби таранг бўлса ҳам, ўзини лоқайд тутишга ҳаракат қилиб*). Таклифингизни ўйлаб кўрамиз, Ойниса Азаматовна. Сизга жавоб. (*Азаматова кабинетдан чиқиб кетгач, Бердиевга заҳарханда билан.*) Ўзимдан чиққан балого — қайга борай давога... Бу заҳарнинг ҳар бир сўзи чаёндай чақади... Сизга ҳам қийин, Салоҳ Бердиевич, икки ўтнинг ўртасида қолдингиз. Икки йўл, икки хил иш услуги... Албатта, Азаматова ҳам ўзича ҳақ. Аммо, у таклиф қилган йўл билан узоққа бориб бўлмайди. Айтинг-чи, қачон, қайси соҳада плани ўз муддатида, учма-уч етказиб, холини холига қўйиб бажариш мумкин? Ҳеч қайси соҳада ва ҳеч қачон бундай қилиб бўлмайди. Биз, вазифадор кишилар план бажарилмаса, баҳонасини айтиб, бир кунимизни кўриб кетаберамиз, аммо маошга муҳтож, мукофотдан умидвор минг-минг кишиларнинг, халқнинг аҳволи нима кечади?.. Масаланинг мағизи бу ёқда, Салоҳ Бердиевич! Азаматова мана шу ҳақиқатни тушунмаяпти, дўстим!

Бердиев (*иккиланиб*). Хўш, нима маслаҳат бера-сиз? Имзо чекайми?

Намозов. Ихтиёрингиз...

Бердиев. Азаматованинг авзойи бузуқ. Устимиздан шикоят аризаси ёзиши мумкин...

Намозов. Кимга? Қайси ташкилотга? Ҳамма аризалар айланиб-айланиб, ўз қўлимизга тушади. Азаматова киму биз ким?! Тагин... ўзингиз биласиз.

Бердиев. Шундоқ қилсак: мен рапортга имзо чекаман, ҳужжат юқорига кетаберади, лекин биз дарҳол сиз таклиф қилган ишларни бажаришга киришамиз, яъни шанбаликка тайёргарликни бошлаб юборамиз. Бинобарин, Азаматованинг сўзини ҳам ерда қолдирмай-

миз. Райком билан райинжроком комиссиясини тузиб, унинг зиммасига қурилишни тезлатиш учун шошилишч тадбирлар ишлаб чиқиш вазифасини юклаймиз. Майли, комиссияга Азаматова раис бўлсин.

Намозов. Оббо сиз-эй! (*Ўрнидан туриб, чапак чалади.*) Қувсиз, Салоҳ Бердиевич, учига чиққан қувсиз! Офарин!.. Бўпти, имзо чекинг! (*Бердиев рапортнинг учала нусхасига имзо чекади.*) Бир ўқ билан икки қушни урдингиз, дўстим! (*Қоғозларни олиб, қизил папкага эҳтиётлаб солади.*) Раҳмат! Садоқатингиз учун ташаккур!.. (*Кўзлари ёшланиб, Бердиевнинг елкасидан қучади...*) Хўш, хоним қалайлар? Болалар омонми? Уларнинг сони ўнтага етди-я? Қойил! Хонимни Қаҳрамон она бўлганликлари билан табриклашимиз керак. Дарвоқе, қураётган уйингиз битай деб қолдимми?

Бердиев. Ҳа, энди аста-секин бўляпти.

Намозов. Тезлатинг! Мен Луқмоновга айтаман, қарашворади. Аммо эҳтиёт бўлинг. Азаматова қурилиш материаллари талон-тарож қилинди, деди-я...

Бердиев. Миннатдорман, Ниёз Намозович. Хотиржам бўлинг. Энди менга жавобми?

Намозов. Жавоб. Хонимни сўраб қўйинг.

Бердиев чиқиб кетади. Намозов қўнғироқ тугмасини босади.
Азизова киради.

Азизова. Эшитаман, ўртоқ Намозов!

Намозов. Эсонов келмадимми?

Азизова. Йўқ. Иш вақти аллақачон тугади. Мен кетсам майлими?

Намозов. Озгина сабр қилинг, машинада бирга кетамиз.

Азизова. Мени Ойниса Азаматовна бирга олиб кетмоқчилар.

Намозов. Зоримиз бор, зўримиз йўқ. Майли, сизга жавоб.

Азизова. Хайр. (*Чиқиб кетади.*)

Намозов. Азаматова... (*Бирдан чехраси ёришади.*) Э, фаромуш қилибман-а! Уни областга ишга сўраятувдилар. Ҳа бошлаб «пастдан юқори» қиламиз! (*Телефонлардан бирининг трубкасини кўтариб, рақамларни тиради, анча қулоқ солиб туради, жавоб бўлмагач, трубкани яна жойига қўяди.*) Улар аллақачон уйларига кетишган. Биз-да кунни тунга, тунни кунга улаб ишлайдиган!

Эсонов (*киради*). Мумкинми?

Намозов (*беҳад шод*). Келинг, Одилжон, келинг!
Мени табрикланг, ука, рапорт тайёр!

Эсонов. Дилингизда қуёш чарақлаган дамларда
бошим кўкларга етади!

Намозов (*рапортлар солинган напкани Эсоновга беради*). Махсус почта билан жўнатинг!

Эсонов. Бажараман!

Намозов. Хўш, микрорайонда ишлар бешми?

Эсонов. Бу саволингизга жавобимни эртагача ку-
тишингизни сўрайман.

Намозов. Сабаб?

Эсонов. Мен рапортларни жўнатгач, микрорайонга
яна бораман. Азизовани кузатишим керак...

Намозов. Азизованинг Диёровага нима алоқаси
бор?

Эсонов. Ҳамма гап ана шунда...

Намозов. Хўш?..

Эсонов. Педбилим юрти ётоқхонасининг шаҳарлик
икки муаллимага ажратилган хонасида яна икки аёл ту-
ришибди. Бир — Диёрова, иккинчиси...

Намозов. Наҳотки, Азизова?!

Эсонов. Ўзингизни босинг, Ниёз Намозович. Ҳая-
жонланманг. Ҳозирча бу фақат тахмин... Менинг тахми-
ним.

Намозов. Ёпирай, ёпирай! Ахир, Диёровани топ-
дингизми?!

Эсонов. Диёрова даволаниш учун шаҳарга кетган-
миш. Аммо, аслида бундай эмас. Муаллималардан бири
Диёрова икки кеча тонггача хат ёзганини, унга ёш бир
жувон кўмаклашганини, хат тайёр бўлгач эса, Диёрова
шаҳарга жўнаб кетганини айтди. Мен ўша ёш жувон-
нинг белгиларини сўрадим. Муаллиманинг ҳикоясини
эшитаётганимда кўз олдимда нечундир Азизованинг
шакл-шамойили жонланди...

Намозов. Э, турган-битганингиз ваҳима!.. Вос-вос
бўлиб қолибсиз, Одилжон!..

Эсонов. Қошқийди, тахминларим пуч бўлиб чиқ-
са!.. Рухсат этинг, мен рапортларни жўнатай-ю, ётоқхо-
нага учиб борай!.. Ишончим комилки, Азизова ўша
ерда...

Намозов. Азизова Азамагова билан бирга кетди.

Эсонов (*дарғазиб*). Эҳтиёт бўлинг, Ниёз Намозо-
вич, бу аёлларда гап кўп. Биз сизнинг шаън-шавкати-
нгиз соясида ҳали узоқ йиллар даврон суриш умидида-
миз... Эҳ, маккоралар, маккоралар!

— На м о з о в. Жаҳлингиздан бир қарич тушинг, Одилжон! Нафиса Ширин бўлса, Ҳанифа — Лайло. Оз қолди Динёрова квартирасининг калитини Азизовага совға қилиб юборишимга!..

Э с о н о в. Фалокат доим оёқ остидан чиқади. Хуллас, ҳушёр бўлинг, Ниёз Намозович, сиз фаришта деб юрганлар тагин жодугарлар бўлишмасин!..

На м о з о в (*узоқ жиринглаган қизил телефон трубкасини кўтаради*). Эшитаман, ГАИдан? Хўш?.. Қаерда? Қачон?! (*Юрагини чангаллаганча гандираклайди.*)

Э с о н о в (*дарҳол яқин келиб, Намозовни суяйди*). Нима гап? Трубкани менга беринг! Қани, сиз креслога аста ўтиринг!.. Эшитаман! Ким бу? Капитан Сатторов?.. Хўш, нима воқеа юз берди? Қайси йўлда? Нечанчи километрда? Капитан! Йўлни тўсинг! Ҳодиса содир бўлган ерга ҳеч кимни йўлатманг! Шикастланган одам ким экан? Тирикми? Капитан! Мен ҳозир етиб бораман. Хамма гапни ўша ерда гаплашамиз. (*Трубкани қўяди. Намозовга сув ичиради.*) Уғлингиз Фаёз янги «Волга»сини маст ҳолда ҳайдаб кетаётганда бир чолни босибди. У чол ГАИ капитани Сатторовнинг қўлида жон берибди.

На м о з о в (*инграйди*). Оҳ... Вой... Энди нима қиламиз, Одилжон? Кўкрагим қаттиқ санчяпти...

Э с о н о в (*хаб дори беради*). Мана, тилингизнинг тагига қўйинг. (*Уни газета билан елпийди.*) Биласиз, Ниёз Намозович, бу жуда қалтис иш...

На м о з о в. Чорасини топинг, Одилжон. Бу ишни тинчитиш учун ҳеч нарсани аяманг, ким қанча сўраса беринг. Бутун давлатим сизники! Тинчитинг! Фақат... мени аралаштирманг!

Э с о н о в. Чол ўлибди...

На м о з о в (*мияси чақин тезлигида ишлайди.*) Чол... чолнинг оғзига ароқ қўйинг... чол маст... Маст ўзини машинанинг тагига ташлаган... Қўзивой бирга борсин... У чолнинг мастлигига гувоҳ бўлади... Мана, сейфнинг калити... Сатторовга унвон ваъда қилинг!

Э с о н о в. Тушундим... (*Сейфни очади, пачка-пачка пуллар олади, кейин сейфни қулфлаб, калитни чуқур чарм креслода беҳол ётган Намозовнинг чўнтагига солади-да, кабинетдан тез чиқиб кетади.*)

На м о з о в (*яна жиринглай бошлаган қизил телефон аппаратига ўнг қўлини чўзади, лекин қўли етмайди, кучанади, инграйди.*) Оҳ, юрак...

УЧИНЧИ ПАРДА

Азаматованинг кабинети. Эрталаб. Иш бошланишидан сал олдинроқ келган Азизова кабинетни тартибга келтириб, шод куйлапти.

Азизова

Лолалар, лолалар,
Алвон лолалар.
Куёш жамолига
Хайрон лолалар.
Уй-фикри навбаҳор,
Севгидай беғубор,
Кўзлари интизор
Шодон лолалар...

Эсонов (*киради*). Ичингизда офтоб чарақлаётганига хайронман... Раҳбаримиз оғир касал бўлиб ётибдилар. Далада қаҳратон қиш... Сиз бўлсангиз, «лолалар, лолалар» дейсиз.

Азизова. Ешликка қишлар ҳам, ташвишлар ҳам писанд эмас — ҳаммаси ўтади-кетади, меҳнат, бахт, шодлик ғалаба қилади.

Эсонов. Ҳа, бу жиҳатдан сиз ҳақсиз. Хўш, Ойниса Азаматовна қаердалар?

Азизова. Опа шаҳарга кетганлар, обкомда бўлиб, соат ўн бирда келишларини айтганлар.

Эсонов (*ташвишланиб*). Обкомда? (*Соатига қарайди.*) Беш минути кам ўн... Мен ўз хонамда бўламан... Ҳа, айтгандай, Диёровадан дарак бўлмадими, яъни тасодифан у келгани ёки телефон қилгани йўқми, демоқчиман.

Азизова. Билмадим.

Эсонов. Муғомбирсиз, гузал қиз, ўлгудай қувсиз!

Азизова (*бепарво куйлайди*).

Дайди еллар бетамиз,
Биз ҳаммамиз кетамиз,
Сизни эъзоз этамиз,
Меҳмон лолалар!..

Эсонов. Сиз, Азизова, шунинг учун қувсизки, Диёрованинг қаердалигини биласиз. Биласизгина эмас, сиз унинг дугонаси, у билан сирдошсиз. Сиз билим юрти-

нинг ётонхонасида у билан бирга тургансиз. Қани, бу ҳақиқатдан тониб кўринг-чи!

Азизова (ҳамон бепарво).

Лолалар, лолалар,

Алвон лолалар.

Қудш жамолига

Ҳайрон лолалар...

Эсонов. Э, мени қарангу, сиз билан гаплашиб ўтирибман-а... Сиз нимаю мана бу девор нима!.. (Қўлини силтаб чиқиб кетади.)

Луқмонов (киради). Мумкинми?

Азизова. Кириг!

Луқмонов. Ўртоқ Азаматова келмадиларми?

Азизова. Соат ўн бирда келадилар.

Луқмонов. Мени танирсиз?

Азизова. Аллақаерда кўргандайман...

Луқмонов. Ниёз Намозовичнинг ҳузурларида кўргансиз. У кишининг аҳволи оғир. Қасалхонага борсам дўхтирлар киритишмади... Кулфат устига кулфат отам Луқмон миробни кеча машина босиб кетди, бугун эрталаб дафн қилдик... Эшитгандирсиз?

Азизова. Йўқ...

Луқмонов. Мени ўртоқ Азаматова чақиртирибдилар. Соат ўн бирда келсам бўладими?

Азизова. Албатта.

Луқмонов. Раҳмат. (Чиқиб кетади.)

Диёров (ҳовлиқиб киради). Мумкинми, Ойниса Азаматова? Э... бу сизми? Опа қанилар?

Азизова. Ўртоқ Азаматова соат ўн бирда келадилар.

Диёров. Ҳай, кутатурамиз... (Чиқиб кетмоқчи бўлади.)

Азизова. Тўхтанг! Сиз Диёровсиз, Нафиса опанинг турмуш ўртоғисиз, шундайми?

Диёров (ҳайрон). Шундай... Хўш?

Азизова. Сиз хотинингиздан беҳудага шубҳаланиб юрибсиз!

Диёров. Беҳуда шубҳаланиб?.. Ахир, у Намозов билан... Ахир, Намозов унга микрорайондан кооператив квартира олиб берган, одамлар икковини ўша уй олдида бир неча марта кўрганлар...

Азизова. Тўғри, уй олдида... лекин уй ичида эмас. Нафиса опа нечундир Намозовдан жуда қўрққан. Унинг

машинасида микрорайонгача, ўша уй тагигача бир неча марта бирга келишга мажбур бўлган. Лекин квартирага ўзи ҳам кирмаган, Намозовни ҳам киритмаган. Намозов қар гал машинасида қайтиб кетгач, Нафиса опа педбимюрти ётоқхонасига борган, ўша ерда ётиб юрган...

Диёров. Демак, мен...

Азизова. Ҳа, сиз ундан асоссиз шубҳалангансиз. У биз билан бир хонада турар, кечалари юм-юм йиғлаб тонг оттирарди...

Диёров. Таажжуб... У ҳозир қаерда?

Азизова. Билмайман. Тўрт кундан бери ишга ҳам, ётоқхонага ҳам келмайди.

Диёров. Демак, ҳамма гап Намозовда экан-да.

Азизова. Эҳтимол... Мен бунақа ишларга тушунмайман.

Диёров. Ёпирай, ёпирай! Мен чиқай, бошим қаттиқ оғрияпти, папирос чекмасам бўлмайди... Ўртоқ Азаматовани йўлакда кутаман. Ёпирай!.. (Кетади.)

Бердиев (катта папка қўлтиқлаб киради). Азаматова қани?

Азизова. Обкомда. Соат ўн бирга етиб келадилар.

Бердиев. Мен шу ерда кутиб тураман.

Азизова. Қабулхонада кутиб турганингиз маъқул.

Бердиев. Шунақами? Мени танийсизми?

Азизова. Ҳа. Сиз ижроком раиси ўртоқ Бердиев бўласиз.

Бердиев (зарда билан). Мен кетдим. Азаматова келганда менга телефон қилсин!

Азизова. Хўп, айтаман.

Бердиев. Яхшиси, менинг ҳузуримга борсин! (Кетади.)

Азизова (куйлайди).

Уй-фикри навбаҳор,
Севгидай беғубор,
Кўзлари интизор
Ҳайрон лолалар...

Азаматова (киради). Қабулхонада жамоат жам.

Азизова. Баъзилари кабинетингизга киришди. Бердиев ўз ҳузурига боришингиз ҳақида буйруқ бериб кетди.

Азаматова. Аввал капитан Сатторов кирсин.

Азизова. Маъқул. (Чиқиб кетади.)

Сатторов (қўлида қоғоз билан киради). Салом, Ойниса Азаматовна. Мана рапорт.

Азаматова (*қогозни капитаннинг қўлидан олиб, эътибор билан кўздан кечиради*). Демак, экспертизада Фаёз Намозовнинг мастлиги исбот қилинибди. У кеча кечқурун соат 22-дан 45 минут ўтганда маст ҳолда «Волга»сини ҳайдаб келаётган йўлда бир чолни босиб ўлдирган ва бу чол унинг ўз бобоси Луқмон мироб бўлган... Эҳ, афсус, Луқмон ота сув илмининг донишманди, муҳтарам оқсоқолимиз эдилар... Ия, рапортигизнинг бу томони гаройиб-ку!.. Демак, сиз дарҳол райкомга телефон қилиб, бу хабарни Намозовга етказгансиз. Лекин у, фожиа содир бўлган жойга ўзи бормай, Эсоновни юборган. Эсонов эса, мурданинг оғзига шишадан ароқ қуяётганида Луқмон отани таниб қолиб, бирдан додлаб юборган... Қўзивой-чи? У ўзини қандай тутганини рапортигизда ёзмабсиз-ку?

Сатторов. Қўзивой Пардаев худди Эсонов каби, гувоҳ сифатида актга қўл қўйишга мажбур бўлди.

Азаматова. Фаёз қамоқдами?

Сатторов. Ҳа. Жиний ишни прокуратурага топширдик, тергов бошланди.

Азаматова. Кечадан бери ҳеч ким орага тушишга уриниб кўрмадими?

Сатторов. Луқмонов эрта азонда милиция бўлимига келиб, Фаёз билан кўриштиришни сўради.

Азаматова. Хуш?

Сатторов. Милиция бошлиғи унинг жиноятчи билан кўришишига рухсат бермади.

Азаматова. Тўғри қилган. Намозовнинг хотини келмадими?

Сатторов. У отасининг азаси билан банд...

Азаматова. Тушунарли... Сизга жавоб.

Сатторов. Хайр. (*Кетади.*)

Азаматова (*тугмани босади, Азизова киради*). Эсоновни чақиринг!

Азизова. Хўп. (*Чиқади.*)

Эсонов (*киради*). Чақирибсиз?

Азаматова. Қурилиш бўйича рапортларни қачон юбордингиз?

Эсонов. Эрталаб соат еттида биринчи самолёт билан.

Азаматова (*тугмани босади, Азизова киради*). Телеграмма ёзинг. (*Азизова ўтириб, блокнотини очади. Азаматова тик турганча айтиб туради*). Кечаги рапортлар юборилган адресларга. «35-совхоз посёлкаси ва Чўпонота канали қурилиб битказилгани ҳақидаги маълум-

мотлар қалбаки бўлганлиги сабабли Намозов ва Бердиев имзолари билан юборилган рапорт бекор деб ҳисоблансин. Райком секретари Азаматова». Дарҳол кўчириб олиб кириш, қўл қўйиб бераман.

Азизова. Хўп. (Чиқади.)

Эсонов. Ўртоқ Азаматова, ҳаддингиздан ошяпсиз! Мен ҳозироқ касалхонага бориб, Ниёз Намозовичга хабар қиламан.

Азаматова. Ўтириш! Сиз ҳеч қачон бормасиз. Сиз кеча йўл аварияси содир бўлган жойда жон бераётган Луқмон отанинг оғзига нечун шишадан ароқ қуйишга уринганингиз ҳақида изоҳнома ёзасиз. Бу — бир. Сиз, Эсонов, Намозовнинг шахсий топшириғини бажариб, уй-жойли, оилали Диёрова номига ғайриқонуний йўл билан кооператив квартира расмийлаштирдигиз ва у квартирани жиҳозладигиз, шу билан сиз коммунист деган номга доғ туширдигиз. Бу ҳақда ҳам райкомга изоҳнома ёзиб беришингиз шарт. Бу — икки. Саволлар борми?

Эсонов. Ҳа. Сизнинг бу топшириқларингиздан Ниёз Намозович хабардорми?

Азаматова. Райком бюроси хабардор. Яна қандай савол?

Эсонов. Бошқа савол йўқ. (Кетади.)

Азизова (киради.) Намозова келди.

Азаматова. Онасими? Қизими?

Азизова. Онаси.

Азаматова. Қирсин.

Азизова. Луқмонов билан Диёров ҳам кутишяпти.

Азаматова. Уларни кейин таклиф қиласиз. Ҳозир Лобар опа қирсин.

Азизова. Хўп. (Чиқади.)

Намозова (қора либосда киради, ҳунграб йиглайди). Кўргилик экан, Ойнисахон, шўрим қуриб қолди... Дадам ҳалок бўлди. Ўғлим қамоқда. Ниёз Намозовичнинг юраги бежо — дўхтирлар инфаркт хавфини айтишяпти. Ёрдам қилинг, Ойнисахон!

Азаматова. Албатта, бу воқеалар ҳаммаси жуда қайғули. Луқмон ота ҳаммамизнинг отахонимиз, устозимиз эдилар. Мен бу фожиани эшитиб, дил-дилимдан ҳафа бўлдим. Луқмон отанинг ўлими — ҳаммамиз учун катта йўқотиш...

Намозова. Жон Ойнисахон, ўғлимни қамоқдан чиқариб беринг!

Азаматова. Бу иш менинг қўлимдан келмайди.

Жиноятчи министрми, бошлиқми, райком секретарининг ўғлими — ким бўлишидан қатъий назар, қонун олдида баробар: у жиноятига яраша жазо олади.

Намозова. Ахир, у бегонани эмас, ўз бувасини босиб ўлдирди. Мен, онаси, отамнинг хунини сўрамайман, мен ўғлимнинг гуноҳини кечираман...

Азаматова. Сиз бу гапларни судда айтасиз.

Намозова. Суд?!.. Наҳотки, Фаёзни суд қилишса? Менинг боламни-я?!

Азаматова. Ҳамманинг боласи ўзига ширин. Бироқ, сиз бунақа фарёд чекиб, куйиб-ёнишдан анча илгари ўғлингизнинг тарбияси ҳақида ўйлашингиз керак эди.

Намозова. Демак, ёрдам бермайсиз... Ахир, бу фожиани эшитса Ниёз Намозович юраги ёрилиб ўлади.

Азаматова. Намозов буни кеча кечаси авария содир бўлган чоғдаёқ эшитган. Қўрқманг, опа, эрингиз тирик!

Намозова. Бағрингиз тош экан, Азаматова! Ахир, сиз ҳам онасиз! (*Жаҳл билан чиқиб кетади.*)

Азизова (*киради*). Телеграммалар тайёр.

Азаматова (*Азизова берган телеграммаларни бирма-бир ўқийди, имзо чекади*). Сиз буларни телеграфга олиб бориб топширинг, дарҳол жўнатишсин.

Азизова. Яхши. (*Телеграммаларни олади.*) Диёрова ишга келдилар.

Азаматова. Уни чақиринг. (*Азизова кетади. Диёрова киради.*) Келинг, Нафисахон, келинг! Қалай, сафар яхши бўлдими?

Диёрова. Раҳмат. Сиз маслаҳат берганингиздай қилдим. Аризамни партия комиссиясига топширдим. Келиб қолишса керак.

Азаматова. Ҳа, келадилар. Сизнинг шахсий ишингиздан ташқари яна бошқа, каттароқ ишқаллар ҳам очилди. Комиссия бизга ёрдам беради.

Диёрова. Хайрият.

Азаматова. Қабулхонада Диёров ўтирган бўлса керак, кўришдингизми?

Диёрова. Ҳа... Мени кўришга кўзи йўқ.

Азаматова. Демак, у сизга ҳамон ишонмайди. Сал вақт ўтсин, ҳамма нарса изига тушади. Ҳақиқат унинг кўзини очади. Ҳозирча сабр қилишингиз керак, сабрнинг таги — мурод, дейдилар. Шундаймасми?

Диёрова. Охири бахайр бўлсин.

Азаматова. Диёров билан Луқмоновни менинг ҳузуримга таклиф қилинг.

Диёрова. Яхши. *(Чиқади.)*

Диёров *(киради)*. Нафисадан тўрт кун қаёққа йўқолганини сўрасам, чурқ этиб оғиз очмайди. Сиз уни бирор ёққа юбормаганмидингиз?

Азаматова. Йўқ.

Луқмонов *(киради)*. Дунёда нима ишлар бўляпти ўзи, Ойниса Азаматовна?

Азаматова. Мен ҳам худди шу саволини сизларга бермоқчи бўлиб турувдим. Хўш, дунёда нима ишлар бўляпти? Сиз, ўртоқ Диёров ва сиз, ўртоқ Луқмонов, нима ишлар қилиб юрибсизлар? Сизлар ахир, коммунистлар, раҳбарларсиз-ку? Партия интизомига, давлат қонунларига итоат этасизларми ёки мана бунақа *(актни кўрсатади)* қалбаки актлар гузиб, фирибгарлик билан шуғулланиб юрасизларми?

Луқмонов. Биз юқоридан берилган топшириқни бажардик.

Азаматова. «Юқоридан?» Қим сизларга юқоридан топшириқ берди?

Диёров. Биз Ниёз Намозовичнинг топшириғини бажардик.

Азаматова. Демак, юқоридан ҳеч ким шахсан сизларга топшириқ бергани йўқ. Демак, сизга Намозовнинг фақат бир ўзи топшириқ берган. Лекин агар Намозов ҳозир шу ерда бўлса, топшириқ берганидан тонарни. Ҳа, у тонарни! Чунки, сизлар актда санаган бир миллион сўмлик ишлар аслида бажарилмаган. Ё шундай эмасми? Қарим Қаримович, бу ишлар бажарилганми? *(Диёров бошини тебратади.)* Тоғай Луқмонович, сиз — янги совхозимизнинг директори, актда қайд этилган қурилишларни қабул қилиб олганмисиз? Посёлка тайёрми? Канал-чи? *(Луқмонов бошини тебратади.)* Сизлар юқоридан кимдир берган топшириқни бажарганингиз йўқ, балки Намозовга ёқиш учун ва фақат шугина учун эмас, балки сохта шуҳрат орттириш ва инҳоят, давлатнинг мўмайгина пулини ўртада арра қилиш учун мана бу сохта актни тузгансизлар. Қанин, шу ҳақиқатни инкор қилиб кўринглар-чи? Ана, кўрдингизми, рост гап сиз каби мағрур йигитларнинг ҳам бошини ерга эгади. Энди гап шу: мен сизнинг бу сохта актингиз асосида юқори ташкилотларга юборилган рапортни райком бюроси номидан бекор қилдим. Сизлар ҳозир ўз идораларингизга борингиз. Биз халқ контроли комитети вакил-

ларини юборамиз. Улар қурилишлардаги аҳволни батафсил текшириб, райком бюросига масала тайёрлашди. Хўш, саволлар борми?

Диёров. Модомики, рапортлар бекор қилинган экан, қўлингиздаги актни ҳам йиртиб ташлай қолсак, ҳарқалай, районимиз шаънига яхши эмас...

Луқмонов. Ниёз Намозовичнинг саломатликларини ҳам уйлашимиз керак...

Азаматова. Ҳеч қандай мурося ҳақида сўз бўлиши мумкин эмас. Сизларга жавоб.

Луқмонов. Охирги сўзим...

Азаматова. Охирги сўзингизни бюро мажлисида айтасиз.

Диёров билан Луқмонов чиқиб кетишади. Азаматова актни, телеграмма нусхаларини сейфга солиб қулфлайди.

Диёрова (*киради*). Ойниса Азаматовна, Диёровишида хатога йўл қўйдими? (*Азаматова индамайди*.) Карим акамни ҳеч қачон бунақа хафа кўрмаганман. Гуноҳи оғирми? (*Азаматова индамайди*.) Эҳ, Намозов... Ҳамма гап Намозовда... Намозов қўрқинчли одам... Унинг тили бошқа, дили бошқа... Карим акамни Намозов жиноятга бошлаган... Опажон, айтинг, нима қилай?

Азаматова. Сиз бугун ишдан кейин уйингизга борганингиз, эрингиз билан ҳар тўғрида очиқ сўзлашиб олганингиз маъқул. Умуман эр-хотин оғир кунларда бир-бирларини суяйдилар.

Диёрова. Тушундим. Раҳмат, опажон, сиз айтгандай қиламан. (*Чиқади*.)

Бердиев (*важохат билан кириб келади*). Мен сизни борсин, девдим, айтишмадими?

Азаматова. Айтишди... Салом, ўртоқ Бердиев!

Бердиев. Салом... (*Жаҳлдан бир поғона тушиб, креслога ўтиради*.) Юқори ташкилотларга юборилган рапортларни бекор қилибсиз?

Азаматова. Бу хабарни сизга дарров ким етказди?

Бердиев. Ким? (*Бўшашиб*.) Бунинг энди нима аҳамияти бор?.. Мени ҳайратга солаётган нарсаси бошқа... Сиз райкомнинг биринчи секретари ва ижроком раисига қарши иш қилинсиз. Бу... бу... (*дудуқланади*) бу, ўртоқ Азаматова, фавқулодда бир ҳодиса. Бизнинг Ниёз Намозович билан узоқ йиллик биргаликда ишимиз давомида биринчи марта ичимиздан ўт чиқиб турибди. Биз...

биз... (яна дудуқланади)... биз ҳар доим ҳамжиҳат ишлаб келганмиз.

Азаматова. «Ҳамжиҳат» деган сўзингизни «тил бириктириб» деган ибора билан алмаштирсак тўғри бўлади, ўртоқ Бердиев. Мен сизлар билан иккинчи йил бирга ишляпман, холос. Ўтган йил янги бўлганим учун асосан район ҳаёти билан танишдим, иш ўргандим. Бу йил партия ва хўжалик ишларининг ичига чуқурроқ кирaboшладим. Мени аввал таажжублантирган, кейин эса даҳшатга солган ва оқибат-натижада жиноятга олиб келиши шубҳасиз бўлган жиддий хатолардан айниқса, учтаси кўзга яққол ташланиб турибди. Биринчи — саноатда ҳам, қурилишда ҳам, қишлоқ хўжалигида ҳам қўшиб ёзиш; иккинчиси — ўқувчилардан дала ишларида йил бўйи муттасил фойдаланиш орқасида ўқиш-ўқитиш, таълим-тарбия ишларининг буткул издан чиққанлиги; учинчиси — баъзи раҳбарларнинг коммунистик интизом, ахлоқ-одоб нормаларини унутиб, партия, давлат ва халқни очикдан-очик алдаш йўлига кириб кетганлиги.

Бердиев. Демак, биз — эгри, сиз — тўғри. Шундай демоқчимисиз?

Азаматова. Ўзингизни гўлликка солманг, Салоҳ Бердиевич! Мен сизнинг ноҳақлигингизни исботлаш учун иккита мисол келтираман, холос. Биринчиси — қурилишда бажарилмаган бир миллион сўмлик иш бажарилди, деб кўрсатилган қалбаки рапортга имзо чекканингиз. Иккинчиси — давлат ҳисобига шахсан ўзингиз учун ўн олти хоналик қошона қурдирганингиз. Оилангизда эса хотинингиз билан бўйига етган икки қизингиз бор, холос. Қизларни яқинда узатиб юборасиз. Айтинг-чи, хотинингиз билан икковингизга ҳашаматли бўм-бўш саройнинг нима кераги бор? Қошона ўрнига болаларга ясли қуриб берсангиз бўлмасмиди, ранс?

Бердиев. Ахир, орзу-ҳавас...

Азаматова. Орзу-ҳавасингизни, тўғрироғи, жардай тубсиз нафсингизни давлат ҳисобига, қурилиш планларини барбод қилиш ҳисобига қондирмоқчи бўлдингизми?

Бердиев. Сиз мени ҳақорат қилиясиз, Азаматова! Планларнинг бажарилгани ҳақида рапорт бериб, қолган кам-кўстини кейин тўғрилаб юрган, оиласи учун катта-катта уйлар қуриб, роҳатда яшаётган раҳбар биргина мен эмас.

Азаматова. Ҳамма бало ана шунда!

Азизова (киради). Ойниса Азаматовна, шаҳарлараро телефон трубкасини кўтаринг! (Чиқади.)

Азаматова (трубкани қулоғига тутди). Эшитаман.

Трубкада овоз. Марказий Комитетдан сўзлаямиз. Шошилишч телеграммангизни олдик. Партия комиссиясининг масъул ходимлари эртага эрталаб биринчи рейс билан учиб боришади.

Бердиев (креслодан бемажол бир аҳволда туради. Ранги докадай оқаради.) Тушунарли... (Чиқиб кетади.)

Азизова (киради). Эсоновнинг кабинетида қирғин бўляпти. Диёрова унинг ёқасидан олиб: «Намозовнинг югурдаги! Қаллоб! Ғирром!»... яна алланималар деб қарғаяпти. Хуллас, ур-йиқит, тупалон...

Азаматова. Бир пиёла аччиқ кўк чой ичай.

Азизова. Ҳозир дамлайман. Оғир кун бўлди.

Азаматова. Бундан ҳам оғирроқ кунлар ҳали олдинда. Кураш энди бошланяпти.

Азизова. Ўзингизни эҳтиёт қилинг. (Чиқади.)

Эсонов (киради. Юзи тилинган, сочлари тўзиган, костюмининг ёқалари ғижимланган, галстуги тескари боғланган). Мана, иккала масала бўйича изоҳномаларим. Мана, ишдан бўшаш ҳақида аризам. Қутулдимми?

Азаматова. Буларни бюрода кўрамиз.

Эсонов индамай чиқиб кетади. Намозов киради. Бу аввалги Намозовга ўхшамайди. Бир кечада сочи оппоқ оқарган, кўзлари киртайган, елкалари чуқиб, костюми ҳам шалвираб қолган.

Унг қўлида — ҳасса, оёқда базур турибди.

Намозов. Шу аҳволда келишга мажбур бўлдим... (Креслога чуқиб ўтиради.) Юқори ташкилотларга телеграммалар юбориб, рапортимизни бекор қилганингиздан ҳам, эртага комиссия келишидан ҳам хабарим бор. Ҳа, ажабланманг. Телефонистка уларга аввал касалхона палатасидаги телефонни, мени улаб берди. Уларни сиз билан улашни телефонисткага мен айтдим...

Азаматова (ёзув столи орқасида тик турганча). Бу тафсилотнинг кераги йўқ.

Намозов. Нега рапортни ўзбошимчалик билан бекор қилдингиз? Мен ҳали ўлганим йўқ, биринчиман! Нега мен билан маслаҳат қилмадингиз?

Азаматова. Кеча маслаҳат бердим, қулоқ солмадингиз.

Намозов. Нега халқ контроли комитетининг комиссиясини Диёров билан Луқмоновнинг ишини текширишга юбордингиз?

Азаматова. Комитет марказдан келадиган комиссия учун материал тайёрлаб туради. Текширишни биргаликда ўтказганимиз маъқул.

Намозов. Нега Эсоновни изоҳномалар ёзишга мажбур қилдингиз?

Азаматова. Коммунист партия ташкилотининг олдида жавобгар. Бинобарин, ҳар бир коллектив ва ҳар бир одам текширишдан ўтказилиши керак.

Намозов. Биламан, бу сўзлар — партия қароридан... Хўш, айтинг-чи менга, ўртоқ Азаматова, партия комиссияси текширганда қандай воқеалар юз беришини кўз олдингизга келтирасизми?

Азаматова. Ҳа, албатта. Камчилклар, нуқсонлар, ҳатто жиноятлар очилади. Эҳтимол, анчагина одамлар ишдан олинади, баъзи раҳбарлар жазоланади. Ҳеч қачон кураш қурбонсиз бўлган эмас. Ахир, сув ҳам аввал лойқаланиб кейин тинади.

Намозов. Доно бўлиб кетибсиз, Азаматова! Ўг билан ўйнашиш хавfli — ёниб кетиш ҳеч гап эмас.

Азаматова. Пулат ўтда чиниқади, ўртоқ Намозов!

Намозов. Яна бир савол: Диёровага сиз жавоб берган эдингизми?

Азаматова. Ҳа, у ариза ёзиб, ўз ҳисобидан бир ҳафтага жавоб олди, аммо тўртинчи кунгёқ ишга чиқди.

Намозов. Нега мендан рухсат сўрамадингиз?

Азаматова. Чунки, сиз ўзингизга маълум сабабларга кўра унга жавоб бермас эдингиз.

Намозов (Азаматовага ёвузона тикилади). Бул-бул деб қафасга солганим олақарға бўлиб чиқди, афсус...

Диёрова (ҳовлиқиб киради). Ойниса Азаматовна, қизил телефон трубкасини олинг. Фожиа...

Азаматова (трубкани кўтаради.) Мен... (Бир неча дақиқа жимжит эшитади, бутун иродасини ишга солиб, ҳаяжонини босишга уринаётгани сезилиб туради.) Хўп, ҳозир етиб бораман. (Трубкани қўяди. Намозовга.) Бердиев ўзини отиб қўйибди.

Намозов. А? (Ҳассага суянганча чайқала-чайқала, ўрнидан базўр туради.) Тирик эканми?

Азаматова. Йўқ.

Азизова (чойнак-пиёлалар кўтариб киради. Пиёлаларга чой қуябошлайди. Бироқ, ҳассага суянганча гандираклаётган Намозовни кўриб, унинг қўлтиғига кириб, суяйди.) Вой, ўлмасам!..

Н а м о з о в. Ана сизга ўзбошимчалик оқибати!.. Ана сизга текширишнинг биринчи натижаси!.. Сиз... сиз ёвуз аёлсиз!.. Сиз... сизни кўришга кўзим йўқ!..

А з а м а т о в а. Ҳалол меҳнат, онгли интизом, инсоний поклик йўлидаги мурасасиз курашда ичи ва иши қоралар енгилادилар, ожизлар, иродасизлар забун бўладилар, жиноятчилар жазоларини тортадилар. Лекин, биз ҳақиқатнинг ягона тўғри йўлидан бир қадам ҳам орқага чекинмаймиз!..

П А Р Д А

1985 йил.

МУНДАРИЖА

ҲИКОЯЛАР

Мангу олов*	3
Чўлдаги юлдузлар*	12
Тантилик*	22
Янги директор*	33
Бедорлик*	43
Эр шавкати хотиндан*	50
Шифокор*	57
Ҳайрат*	67
Қалдирғоч	74
Қушиқ	88
Ҳаёт сўқмоқлари	102
Кўприк	111
Мушкул савдо	122

ДРАМА

Бир миллион можароси (Ўпқон)*	133
-------------------------------	-----

На узбекском языке

ХАМИД ГУЛЯМ

СКАНДАЛ ВОКРУГ МИЛЛИОНА

Рассказы и драма

Такризчи Абдуқаҳҳор Иброҳимов

Редактор Х. Мансурова

Рассом А. Мамажонов

Расмлар редактори А. Бобров

Техн. редактор Э. Саидов

Корректор Ш. Соатова

ИБ № 3503

Босмахонага берилди 18.05.86. Босишга рухсат этилди 18.08.86. Р—02179. Формати $84 \times 108\frac{1}{32}$. Босмахона қоғози № 2. Адабий гарнитура. Юқори босма. Шартли босма листи 9,24. Шартли л. кр.—оттиск 9,66. Нашр л. 9,64. Тиражи 60000. Заказ № 3842. Шартнома № 253—85. Баҳоси 65 т. Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 700129, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент, П. Ленин кўчаси, 41.

Ғулум Ҳ.

Бир миллион можароси: Ҳикоялар. Драма.— Т. 1
Адабиёт ва санъат нашриёти, 1986.—176 б.

Ўзбекистон ССР халқ ёзувчиси, СССР Давлат мукофоти лауреати Ҳамид Ғулумнинг мазкур тўпламига даврнинг долзарб муаммоларига бағишланган янги асарлари киритилган. «Тантилик», «Янги директор», «Ведорлик», «Ҳаёт сўқмоқлари», «Мушкул савдо», «Ҳайрат» ҳикояларида жамиятимиз ривожига тўсиқ бўлаётган разил одатлар, нопоклик, давлат ва халқ ишига хиёнат, алдам-қалдам қаранатлар фош этилади, чирин сарқитларга қарши ўт очилади.

«Бир миллион можароси» («Ўпқон») драмасида бир раҳбарнинг давлатга хиёнати уни инсоний тушқунликка маҳкум этганлиги, аynи вақтда ўз оиласини ҳам вайрон қилиб юборганлиги ҳаққоний нақл этилади.

Гулям Х. Скандал вокруг миллиона: Рассказы.
Драма.

65T

